

# МУГАЛЛИМ ХЭМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРҮҮ



ISSN 2181-7138

№ 3-2 2020 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**  
**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**  
Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ

Аманжол АЯПОВ  
Өсербай ӘЛЕҰОВ  
Байрамбай ӨТЕМУРАТОВ  
Қадирбай БЕКТУРДИЕВ  
Аскар ДЖУМАШЕВ  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен КАЗАХБАЕВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Норбек ТАЙЛАКОВ  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Бекзод ХОДЖАЕВ

Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкестиреуишилер:**  
**Қарақалпақстан Республикасы**  
**Халық билимлендириу**  
**Министрлиги, ӨЗПИИИ**  
**Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы**  
**Министрлер Кабинети**  
**жанындагы Жоқарғы**  
**Аттестация Комиссиясы**  
**Президиумының 25.10.2007**  
**жыл (№138) қарары менен**  
**дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз хэм**  
**хабар агентлиги тәрәпинен**  
**2007-жылы 14-февральдан дизимге**  
**алынды. №01-044-санлы гууалық**  
**берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,**  
**Ерназар Алакөз көшеси №54**  
**Тел.: 224-23-00**  
**e-mail: uznipnkkf@umail.uz,**  
**mugallim-pednauk@umail.uz**  
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

*Журналға келген мақалаларға жууан қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған узиндилер «Мугаллим хэм узликсиз билимлендириу» журналынан алынды, деп көрсетилиуи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген маълуматларға автор жууанкер.*

# МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲАМ ЭДЕБИЯТ

<b>Усмонова М.С.</b> Алишер Навоий асарларида «сабза» ва «кўю» сўзларининг қўлланилиши .. 4
<b>Рахимов А.Б.</b> Техника олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитишга инновацион ёндашув муаммолари ..... 8

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Акрамова Г.Р.</b> Ўқувчиларда танқидий тафаккурни ривожлантириш асосида ижтимоий муносабатларга тайёрлаш компонентлари ..... 12
<b>Оманқулова Ш.Н.</b> Бўлажак мусика таълими ўқитувчиларини модулли ўқитиш технологиялари асосида касбий компетентлигини такомиллаштириш ..... 16
<b>Kuliyeva Sh. X., Sharopova M.R.</b> Bo'lajak kasbiy ta'lim o'qituvchilarini tayyorlashda kompetensiyaviy yondashuv ..... 22
<b>Абдуманнотов Э.А.</b> Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришнинг амалиётдаги ахволи ва дидактик имкониятлари ..... 26
<b>Усмонова Д.Т.</b> Бўлажак педагогларда инклюзив компетентликни ривожлантиришнинг концептуал асослари ..... 32
<b>Давронова Д.С.</b> Креатив ёндашув асосида оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш педагогик имкониятлари ..... 36
<b>Эватов С.</b> Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда таълим муассасаси, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлиги ..... 41
<b>Алқарова Ф.</b> Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга йўналтирилган вазиятлар самарадорлиги ..... 46
<b>Фармонов Ў.Н.</b> Бўлажак ўқитувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлаш талаблари ..... 50
<b>Тўйчиева И.И.</b> Таълим муассасаларида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда ўқитувчининг тутган ўрни ..... 52
<b>Мирзороҳмонов Х.Ғ.</b> Педагогикада тарбия тизими такомиллаштириш ..... 57
<b>Абуллаев Т.А.</b> Олий таълим муассасаларида таълим-тарбиявий фаолиятини ташкил қилиш босқичлари ..... 61
<b>Майдонова С.С.</b> Оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари ..... 67
<b>Нарзиқулова Д.</b> Оилавий низоларни бартараф этишда «оила – маҳалла – ижтимоий муассасалар» ҳамкорлиги ..... 72
<b>Қўшақова Г.</b> Бўлажак ўқитувчиларда толерантлик тафаккурини шакллантириш долзарб педагогик муаммо сифатида ..... 76
<b>Истамова Д.</b> Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий – педагогик диагностикасини такомиллаштиришнинг самарали шакл ва методлари ..... 78
<b>Мавлонова Г.Ғ.</b> Синергетик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компетентликни ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари ..... 84
<b>Зубайдуллаев Ў.Р.</b> Бўлажак ўқитувчиларни арт – педагогикаси асосида касбий фаолиятга тайёрлашда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг дидактик таъминоти ..... 90
<b>Anorboyev A.I.</b> Enhancing reading skills and strategic reading in university students through explicit reading instruction: an intervention teaching study ..... 95

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

<b>Каттаева Г.К.</b> Нақшбандия тариқатининг буюк назариётчи олими ва Муршиди Махдуми Аъзам Дахбедий асарларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти .....	100
<b>Норбекова Б.</b> Ўзбек миллий менталитетига хос бўлган асосий хусусиятлар .....	105

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Тайлакова Г.Б.</b> Мультимедиавий технологиялар асосида «Информатика ва ахборот технологиялари» фанидан web-ресурслар шакллантириш муаммолари .....	110
<b>Саидакбаров Ҳ.С.</b> Бўлажак иқтисодчиларда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентликни шакллантирувчи мезонлар ҳам кўрсаткичлар ва даражалар .....	114

## БАСЛАЎИШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

<b>Мадаминова Д., Арипов Ш.</b> Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лаёқатларини ривожлантиришга янгича ёндашувлар .....	118
<b>Гаипов Д.Ж.</b> Бошланғич синф ўқувчиларини ақлий фаоллаштиришда эвристик ўқитишнинг асосий хусусиятлари .....	123
<b>Эльчиева Д.Т.</b> Бошланғич синф ўқувчиларида ўқув билув фаолиятига кизиқиш уйғотишнинг дидактик имкониятлари .....	126
<b>Сагторова Д.</b> Мактабгача ёшдаги болаларда мустақил фикр ва ижтимоийликни тарбиялаш .....	131
<b>Хамроева А.Ф.</b> Бўлажак тарбиячиларда креатив компетентликни ривожлантириш .....	136
<b>Жуманова Н.Ш.</b> Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини оилада шакллантиришнинг психологик жиҳатлари .....	140
<b>Сандов Ж.</b> Патриотическое воспитание детей младшего школьного возраста .....	142

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲАМ СПОРТ

<b>Мирзаева С.Р.</b> Талабаларнинг саломатликка бўлган муносабатларининг психологик хусусиятлари .....	147
<b>Розиқова М.О.</b> Олий таълим муассасаси талабаларининг жисмоний маданиятини шакллантириш методикаси .....	152
<b>Джумаева Х.Ш.</b> Умумтаълим мактабларида жисмоний маданият таълимини такомиллаштиришда кадрятлар тизимидан фойдаланиш имкониятлари .....	156



## ТИЛ ХӘМ ӘДЕБИЯТ

### АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА «САБЗА» ВА «КҮК» СҮЗЛАРИНИНГ ҚҮЛЛАНИЛИШИ

Усманова М.С.

*Қодирий номли ЖДПИ катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** сабза, кўк, майса, кўкаламзорлик, яшиллик, кўчма маъно, ўз маъноси.

**Ключевые слова:** овощ, синий, трава, зелень, переносное значение, собственное значение.

**Key words:** vegetable, blue, grass, greenery, figurative meaning, own meaning.

Алишер Навоий энг кўп ва хўб сўз қўллашда жаҳон адабиёти миқёсида назири йўқ ижодкордир. Таниқли навоийшунос олим Б.Бафоев берган маълумотга кўра, унинг асарларида 26 мингдан ортиқ сўзлик бор. «Унинг бадий ва илмий асарларида биронта сўзнинг ноўрин ишлатилгани ҳалигача қайд этилмаган. Ҳолбуки, сўз бойлиги кўлами борасида ҳазрат Навоийга яқин турувчи дунёга машҳур адибларни оладиган бўлсак, Пушкин асарларининг сўз бойлиги 21 мингдан ортиқроқ, Шекспир асарларида 20 мингга яқин, Сервантес асарларида эса 18 мингдан кўпроқ. Лекин уларнинг сўзни қўллашида сакталиқлар учраши аниқланган. Навоий тилини туркийда ижод қилган шоир ва ёзувчилар билан киёслайдиган бўлсак, ҳазрат сўз ҳазинасининг буюклиги янада яққолроқ кўринади.

Алишер Навоий асарларида қўлланган сўзлар XV асрдан буён ўзбек адабий тили лексикасининг асосини ташкил этиб ишлатилиб келинмоқдаки, бу эса буюк ижодкорнинг ўзбек адабиёти, тили ва маданияти тарихида тенгсиз, тақдорланмас даҳо эканини тўла тасдиқлайди.

Навоий асарлари ўз мазмун-мундарижасига кўра жуда бой бўлиб, унда туркий-ўзбек халқи турмуш тарзининг, руҳий ва маънавий оламининг турли соҳаларига оид сўзлар мавжуд. Шулардан бири ўсимликлар оламига мансуб сўзлардир.

Эски ўзбек адабий тилининг бекиёс ривожланиши темурийлар даврига, яъни буюк Алишер Навоий ижод қилган вақтга тўғри келади. Навоий эски ўзбек адабий тилини «классик тил нормалари негизида асослаган гениал шоирдир». Бу бой адабий тилда кейинчалик жуда кўп ўзбек шоир ва адиблари ижод қилдилар, ҳозирги ўзбек адабий тили ҳам шу тилнинг маълум ўзгаришларга учраган давомидир. Лекин Алишер Навоийгача ҳам эски ўзбек тилида бадий асарлар яратилган эди.

Алишер Навоий яратган асарлар ўз мазмун-мундарижасига кўра жуда бой бўлиб, уларда XV аср ўзбек халқи турмуш тарзининг, руҳий ва маънавий оламининг турли соҳаларига оид сўзлар мавжуд. Унинг асарлари тили бекиёс лексик бойликка ва фикрий-бадий гўзалликка эга. Бунинг учун Алишер Навоий аввало ўз она тилининг

имкониятларини жонлантирди, ўша даврда бениҳоя ранг-баранг бўлган шеваларнинг хусусиятларини ўз бадий тилига олиб кирди, бошқа тиллар (айниқса, форс-тожик ва араб) сўзларидан ҳам унумли ва ўринли фойдаланди. Шоир тилидаги бундай бойлик унинг асарлари лексикасида, хусусан, ўсимликлар оламига мансуб сўз бойлигида ҳам намоён бўлган.

Навой асарларида бир хил ўсимликни аташ учун бир неча сўзлардан фойдаланиш, улардан кўчма маънолар юзага келтириш, ўсимлик номлари лексемалари асосида янги маъно ва тушунчаларни ифодаловчи, бадий услуб<sup>7</sup> учун хизмат қилувчи ясама сўзларни юзага келтириш анчагина кучлидир.

Алишер Навой асарлари тилидаги ўсимлик номлари ва уларга алоқадор бўлган сўзлар шоир сўз бойлигида шу мавзуй гуруҳ доирасидаги барча ном ва сўзлардир, деган хукм чиқаришдан йироқмиз. Улуғ шоир ва мутафаккирнинг асарлари тили лексикаси шунчалик бойки, кейинги тадқиқотларда янгидан-янги фактлар очилиши муқаррар.

Ўсимлик номларидан бадий тилда фойдаланиш маҳорати ҳам улуғ шоир тафаккур қудратининг, сўз санъати маҳоратининг, бадий услуби жинокорлиги ва жозибadorлигининг белгиларидан биридир. АНАТИЛда сабзавот сўзи қайд қилинмайди. Лекин унда сабза сўзининг «яшиллик», «кўкат», «майса» маъноларида қўлланганига мисол берилган:

*Сабзау гул акси тушуб сув аро,  
Оразу хат ўйлаки кўзгу аро. (III, 11)*

Шунингдек, АНАТИЛда сабзалик, сабзпўш, сабзранг//сабзоранг сўзлари келтирилиб, «яшиллик», «кўк либосли», «яшил ранг» маъноларида қўлланганлиги кўрсатилган:

*Чекти чу хат сабзаси гул узра саф,  
Сабзалику гуллуқ ўлуб бартараф. (III, 11).*

*Ул эрур шоҳи сабзпўш қизи,  
Ки кўёш куҳлидур аёғи изи. (III, 11)*

*Равон бир иўҳи сабзаранг ҳар ён,  
Тутуб бир жоми мийноранг ҳар ён. (III, 11)*

Навой асарлари тилида сабзозор сўзи «майсазор», «кўкаламзор» маъносини ифодалаган:

*Чашмаси бирла меҳри оламтоб,  
Қилди кўк сабзозорини сероб. (III, 11)*

Кўринадики, сабза лексемаси барча ўринда «кўкат», «майса», яъни ўсимлик ва унинг кўриниши (ранги) маънолари билан боғлиқ. Ҳозирги тилимиздаги сабзавот сўзининг асоси сабза эканлиги сезилади, лекин шу асосда ясалган сабзавот сўзи Навой асарларида қайд қилинмаган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, НАЛда бағла (100-бет) ва АНАТИЛда бағл (I, 234) шаклларида берилган сўзнинг «сабзавот» маъносида эканлиги кўрсатилади, лекин ҳар иккала лўғатда ҳам Навойдан олинган мисол билан тасдиқланмайди.

Алишер Навой асарларида сабза, кўк сўзлари ўсимлик ва майсалар туфайли маконнинг яшилликка кириши, кўкаламзорликнинг пайдо бўлиши, ёш ўсимлик ва майсаларнинг кўриниши, ранг-туси маъноларини англаувчи маданий экинлар ва ёввойи ўсимликларнинг умумий атамаси сифатида намоён бўлади. Лекин улар кўчма маъноларда ҳам қўлланган.

*1. Сабза «умуман кўкат, майса» маъносида:  
Йиқилса қаср, бўлсун қаср обод,  
Курусса сабза, бўлсун сарв озод. (Ш, 11)*

*Сабзау гул акси тушиб сув аро,  
Оразу хат ўйлаки кўзгу аро. (Ш, 11)*

Бу сўз қуйидаги кўчма маъноларда қўлланган:

1) «ёрнинг қоши»:

Ўз сабз хатининг сабзай хати ҳажрида ўлса, қабри сабзаси хати ҳижрон ништари бутмак иддио килибдур. (Ш, 11);

2) «маъшуқа зулфи»:

*Сабзай хатнинг саводи лаъли хандон устина,  
Хизр зўё соя солмиши оби ҳайвон устина. (Ш, 11);*

3) сабзай умр бирикмаси «умрнинг ёшлиги, навқиронлик» маъносида:

*Бирисидин алаф баҳо кўтариб,  
Сабзай умри айшдин кўқариб. (Ш, 11);*

4) сабзай хат бирикмаси «мийиқ чизиғи» маъносида:

*Сабзай хат ёрутубдур оразинг миръотин, оҳ,  
Кўзуга бу навъ ким бермиши жило зангор ила. (Ш, 11).*

Бу сўздан ясалган:

1) сабзазор «майсазор, кўкаламзор» маъносида:

*Чашмаси бирла меҳри оламтоб,  
Қилди кўк сабзазорини сероб. (Ш, 11);*

2) сабзпўш «кўк либосли, кўкка бурканган» маъносида:

*Ул эрур шоҳи сабзпўш қизи,  
Ки қўёш кўҳлидур аёғи изи. (Ш, 11);*

3) сабзаранг «яшил ранг» маъносида:

*Равон бир ишҳи сабзаранг ҳар ён,  
Тутуб бир жоми мийноранг ҳар ён. (Ш, 11)*

*Борур чоғда минг жодуёи сабзаранг,  
Валекин келиб борчаси аҳли занг. (Ш, 11);*

4) сабзалиқ «яшиллик, яшил ранглик» маъносида:

*Чекти чу хат сабзаси гул узра саф,  
Сабзалиқу гулдук ўлуб бартарарф. (Ш, 11)*

2. Кўк «умуман ўт, майса, кўкат» маъносида:

*Кўк сабзаси кўкка еткуруб бош,  
Ул кўкта бўлуб нуҷуми ушоқ тош. (Ш, 149)*

Бу сўздан ясалган феъл «униб чикмоқ, унмоқ» маъносини ифодалаган:

*Мазрай айшим кўкармайдур самуми оҳдин,  
Йўқса ёшдин мунча намким менда бордур, кимда бор. (Ш, 149)*

Қакартурга муҳаббат даштин ашким ямғури бирла,

Ҳар оҳим дудидин кўк бир баҳоройин саҳоб айлар. (Ш, 149)

Кўқартмоқ (ортгирма нисбат шакли) феъли «обод қилмоқ, яшнатмоқ» маъносида ҳам қўлланган:

*Шоҳ Баҳром абри эҳсони,  
Лутф бирла кўқартти они. (Ш, 149—150)*

Кўк сифатининг интензив шакли кўм-кўк «ортиқ даражада кўк» маъносини ифода далаган:

... аввал ҳарфига бир п ё мим изофа қилиб, ул шайъга зои� қилурлар,  
мим мисоли кўм-кўк, ям-яшил... (II, 151)

Кўк сифатининг озайтирма даража шакли кўкумтул «кўкиш, кўкка мойил» ранг» маъносини аңглатган:

Жисмим узра бор янги бутган кўкумтул доғдек,  
Сўзи ҳажрингдинки, урдум гуссадин ҳар ерга неш. (II, 151)

Юқоридаги фикрларимиздан келиб чиқиб, куйидаги хулосаларни берамиз:

- «Сабзавот экинлари» тушунчасига полиз экинлари ва уларнинг махсуллари, овқатга солинадиган кўкатлар, овқатни хушбўй ва хушхўр қиладиган бошқа ўсимликлар ёки уларнинг уруғи, барги, илдизи кабилар киради.
- АНАТИЛда сабзавот сўзи қайд қилинмаган, лекин сабза асосли сўзлар бир неча бўлиб, улар «кўкат», «майса», «яшиллик» – яъни ўсимликнинг умумий белгиларига алоқадор маъноларни аңглатади.
- Шоир асарларида сабза ва кўк сўзлари «умуман кўкат, майса, ўт-ўлан» маъноси учун қўлланган.
- Шу билан биргалиқда ёрнинг қоши, маъшуқа зулфи, навқиронлик каби кўчма маъноларда ҳам қўлланган.
- Ясама сўзлар учун асос бўлиб хизмат қилган, масалан, сабззор, сабзпўш, сабзаранг, сабзалик каби.
- Кўк сўзи феъл ясаш учун асос бўлган, кўкартмоқ, кўкар, какарту ва бошқалар.
- Сифатнинг озайтирма (кўкумтул) ва орттирма даражалари (кўм-кўк)ни билдириб келган ҳолатлар ҳам учрайди.
- Алишер Навоий асарлари тили лексикаси шунчалик бойки, олимларнинг эътироф этишича, сўз бойлиги даражасига кўра жаҳонда унга тенг келадиган ижодкор йўк. Шу бой лексик хазина таркибидаги ўсимликлар оламига мансуб сўзларнинг шоир тилидаги ўрни ва кўламини, уларнинг бадий тилдаги вази-фаларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.
- Навоий асарлари тилида ўсимлик номлари ва уларга алоқадор бўлган 300 дан ортиқ сўз истеъмолда бўлган. Мазкур сўзларнинг шоир бадий, илмий матнларидаги лексик-семантик ва семантик-услубий хусусиятларини аниқлаш, уларни ҳозирги ўзбек тили материаллари билан киёслаш, сўзларнинг тузилишидаги мувофиқлик ва фарқларни белгилаш, сўзлар семантикасидаги муштаракликни, фонетик ўзгаришларни намоён этиш эски ўзбек адабий тилининг, хусусан, Алишер Навоий асарлари тилининг лингвистик ва лингво-поэтик хусусиятларини аңлашда муҳим ўрин тутади.
- Шоир асарлари тилидаги ўсимлик номларининг луғавий-генетик таркибига кўра таснифланиши ўзбек тили ўсимлик номлари сатҳининг тарихий жиҳатдан шаклланиш йўлини, унга бошқа тилларнинг таъсирини кўрсатишга хизмат қиладди.
- Навоий асарларида истеъмолда бўлган ўсимлик номларининг катта қисмини ўзлашган қатлам сўзлари ташкил қилишини, булар ичида, айниқса, форс-тожикча сўзлар кўплигининг сабабини қадимдан ўтроқ хаёт кеңириб, деҳқончилик билан шуғулланган эроний халқнинг ўзбеклар билан яқин кўшичилик муносабатларда яшаганликлари туфайли юз берган табий ҳолдаги тил таъсиридандир, деб ҳисобладик.
- Шоир асарлари тилида ўсимлик номлари аро маънодошлик ҳодисаси йўк,

лекин бир хил ўсимликни ифодалашда ва номларнинг кўчма маънолари муносабатидан бу ҳодисанинг мавжудлиги эътироф этилди.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати: 4 томлик. – Тошкент: Фан, 1983-1985. Т. I. – 782 б. Т. II. – 642 б. Т. III. – 622 б. Т. IV. – 636 б.
2. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. 196.
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили лугатининг туркий қатлами. — Тошкент: Университет, 2000. – 346 б.
4. Қодиров М. Алишер Навоий – иккинчи минг йиллик даҳоси // Тафаккур. – Тошкент, 2001. – №1. – Б. 73
5. Боровков А.К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка / В сб. Алишер Навои. – М., 1946. – С. 92-120.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Алишер Навоий асарларида сабза ва кўк сўзларининг қўлланилиши, уларнинг ишлатилган маънолари, жумладан, ўз маъноси, кўчма маъноси ҳақидаги фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье описывается использование слов свежий и синий в произведениях Алишера Навои, их значения, включая их собственное значение, переносимое значение.

SUMMARY

This article describes the use of the words «fresh» and «blue» in the works of Alisher Navoi, their meanings, including their meaning of the portable.

## ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ МУАММОЛАРИ

*Раҳимов А.Б.*

*Жиззах политехника институти ассистенти*

**Таянч сўзлар:** техника олий таълим муассасалари, чет тили, инновацион ёндашув.

**Ключевые слова:** технические вузы, иностранный язык, инновационный подход.

**Key words:** technical universities, foreign language, innovative approach.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари таълим тизимида, жумладан АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Франция, Россияларда таълим тизимини ахборотлаштириш, таълим-тарбия жараёнига махсус курсларни жорий этиш асосий устувор йўналишлардан ҳисобланади. Жумладан, халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган давр янги таълим концепциясида таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етакловчи муҳим фаолият сифатида эътироф этилган.

Хорижий мамлакатларда таълимни ахборотлаштириш асосида виртуал таълим технологиялари, махсус курслар, мультимедиа элекрон ўқув мажмуалардан ўқув жараёнида кенг фойдаланилмоқда. Бинобарин, махсус курслардан таълим жараёнида фойдаланган ҳолда малакали ва замонавий мутахассислар тайёрлаш, шу жумладан техника олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тилини ўқитиш да муҳим ўрин тутади.



Мамлакатимиз техника олий таълим муассасалари учун турли ҳолдаги кўргазмалли материаллар, компьютер технологиялари асосида ўқитишга мўлжалланган электрон дарсликлар, шу жумладан мультимедиали электрон дарсликлар яратиш жараёни тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Бугунги тез ривожланаётган технологик жамиятда юқори малакали ва профессионал баркамол мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Ўзбекистон глобал таълим маконига кириш учун аниқ мезонларни аниқ белгилаб олди ва халқаро талаблар шароитида таълим тизимини модернизация қилишни амалга оширмоқда. Ўзбекистон олий мактабида рўй бераётган инновацион жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ички меҳнат бозорига мослашиш ва жаҳон таълим тизимига тўла аъзо сифатида кириш истаги. Таълим дастурларини меҳнат бозори талабларига доимий мослаштиришимиз керак. Сифат мезони амалий фаолиятга тайёрликни ва битирувчиларнинг ҳақиқий рақобатдошлигини белгилайди.

Сўнги ўн йилликлардаги бутун дунё бўйлаб таълим жараёнига сезиларли таъсир кўрсатган энг инқилобий ютуқлардан бири бу Интернет деб номланган бутунжаҳон компьютер тармоғининг яратилиши бўлиб, у «халқаро тармоқ» деган маънони англатади. Кибернетикадан фойдаланиш оддий.

Таълим мақсадлари учун киберфазалар умумий дидактиканинг ва хусусий методологиянинг мутлақо янги соҳасидир, чунки рўй бераётган ўзгаришлар ўқув жараёнининг барча жабҳаларига, яъни техник ва иш услубини танлашдан талабаларнинг илмий даражаларига талабаларнинг ўзгаришига қадар таъсир қилади.

Чет тилини ўқитишнинг етакчи мақсади чет тилидан талабаларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантиришни талаб қилади.

Лингвистик компетенция - бу унга киритилган барча ҳодисалар мажмуасини алоҳида таркибий қисмларга ажратишни талаб қиладиган мураккаб ҳодисадир.

Барча ўқитувчилар ўз ишларини талабаларнинг реал эҳтиёжлари, ғайрати ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда кўришлари керак.

Чет тилини ўқитишда янги ахборот технологияларидан фойдаланиш нафақат янги техник воситалар, балки ўқитишнинг янги шакллари ва усуллари, ўқув жараёнига янгича ёндашувдир.

Ўқитувчининг асосий вазифалари - тилни амалий равишда эгаллаш учун шароит яратиш, ҳар бир талабага ўзларининг фаоллиги ва ижодий қобилиятини намойиш этиш имконини берадиган ўқитиш усулларини танлаш, шунингдек чет тилини ўқитиш жараёнида талабанинг когнитив фаоллигини фаоллаштиришга эътиборни қаратишни тақоза этади. Замонавий технологиялар ўқув фаолиятини такомиллаштириш ва талабаларнинг мустақил ишлаш маданиятини ривожлантиришга қаратилган бир қатор педагогик муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Инновацион технологиялардан фойдаланиш зарурати, шунингдек, ўқитиш жараёнида ўрганилиши ва қайта ишланиши керак бўлган маълумотлар миқдорининг доимий ошиб бориши билан боғлиқ. Интернет ва ахборот технологиялари ягона таълим маконини яратишга қаратилган. Чет тилини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг асосий афзаллиги - диққатни анъанавий оғзаки ахборот узатиш усулидан аудиовизуал усулларга ўтказишдир.

Энг сўнги ишланмалар кўпинча Интернетда намойиш этилади ва талабалар уларни танлашлари мумкин. Ахборот технологиялари ўқув материалларини кўпайтириш ва тарқатиш муаммоларини бартараф қилади, унга таълим муассасасида ҳам, уйда ҳам фойдаланувчига қулай вақтда эришиш мумкин. Шу билан бирга, шахсга йўналтирилган ёндашув ва таълимни индивидуаллаштиришнинг роли ортиб

бормоқда. Интернет ва тармоқ ҳамжамияти талабалар ва маданий объектлар ўртасида воситачилик вазифасини ўтайди, бу эса ўрганиш фаолиятининг асосидир. Бу асосан талабаларнинг ҳаётий фаолиятининг мазмунини аниқлайди ва акс эттиради. Бу ўқитувчиларга ўқув муҳитини куриш ва талабаларнинг касбий кизиқишлари, ҳаёт истиқболлари ва қобилиятлари нуктаи назаридан таълим бериш имкониятини беради. Бундан келиб чиқадики, анъанавий иш услублари инновацион усулларга нисбатан анча чекланган.

Замонавий воқелик олий ўқув юртлари ўқитувчиларига янги илғор технологияларни, ўқитиш усулларини, потенциали катта ва улардан самарали фойдаланишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда коммуникативлик, интерактивлик, алоқанинг ҳақиқийлиги, тилни маданий контекстда ўрганиш, автономия ва таълимни инсонлаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Ушбу тамойиллар коммуникатив қобилиятнинг таркибий қисми сифатида маданиятлараро компетенцияни ривожлантиришга имкон беради. Ўқиш натижаларига оид янги қарашлар янги технологияларнинг пайдо бўлишига ва эскирганлардан воз кечишга ёрдам бери.

Бугунги кунда Интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда янги усуллар чет тилларни анъанавий ўқитиш усулларига қарши. «Анъанавий» тушунчаси, биринчи навбатда, қоидаларни ёдлаш ва тил машқларини бажариш билан боғлиқ, бошқача қилиб айтганда, «бу тилда мулоқот қилиш ўрнига бу ҳақда гаплашиш». Қўп ўқитувчилар яхши луғат ва тўғри билим, шунингдек чет тилининг грамматик тузилмаларидан тўғри фойдаланиш ўқув жараёнининг асоси эканлигига ишонишади. Бироқ, бундай ишончни мутлақо тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки ҳар қандай алоқада мотивация ва ҳиссий таркибий қисм мавжудлиги зарурати кўпинча услубий материалда тасвирланмаган.

Мулоқотни чет тилида ўргатиш учун материални ўрганишни рағбатлантирадиган ва старлича хатти-ҳаракатни ривожлантирадиган ҳақиқий, реал ҳаётий вазиятларни яратиш лозим бўлади.

Инновацион технологиялар ушбу хатони тузатишга ҳаракат қилмоқда. Бу ўқув жараёнининг алоқа жараёнининг модели эканлигидан иборат бўлган коммуникатив таълимнинг моҳиятини белгилайди.

Коммуникатив ёндашув - бу мулоқотга психологик ва лингвистик тайёрликни яратадиган, материални ва у билан ишлаш усулларини онгли равишда англаш, шунингдек, нутқнинг самарадорлигига бўлган талабларни тушуниш учун мулоқотни шакллантирадиган стратегия. Фойдаланувчи учун Интернетда коммуникатив ёндашувни амалга ошириш айниқса қийин эмас.

Коммуникатив вазифа талабаларга мунозара учун муаммо ёки саволни таклиф қилиши керак ва улар нафақат маълумот алмашиш, балки уни баҳолашлари керак. Бундай вазифа барча билим ва кўникмалардан мослашувчан фойдаланишга имкон бериши жуда муҳимдир. Ушбу ёндашувни ўқув фаолиятининг бошқа турларидан ажратишимизга имкон берадиган асосий мезон шундаки, талабалар ўзларининг фикрларини лойиҳалаш учун тил бирликларини мустақил танлайдилар.

Талабалар ўзлари ва тажрибаларини чет тили орқали ифода этиш имкониятига эга. Коммуникатив ёндашув асосан замонавий дидактиканинг асосий мезонларига жавоб берадиган талабага қаратилган.

Таркибни тушуниш, мазмунини этказиш ва мазмунни ифодалашга устувор аҳамият берилади ва чет тилининг тузилиши ва сўз бирикмаларини ўрганиш ушбу мақсадга хизмат қилади.

Талабалар коммуникатив эхтиёлардан ташқари, ўзлари учун кўпроқ масъулиятли бўлишлари учун инновацион технологиялар билан ишлашни ўрганишлари керак. Улар ўзларининг тил ресурслари етарли бўлмаган вазиятни енгиш қобилиятини ривожлантиришлари керак, яхши машқ қилиш кўникмаларига эга бўлиш лозим, ўз нутқини ва ривожланишини баҳолаш қобилияти, шунингдек, ўқув муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Талабаларнинг глобал тармоқ орқали мустақиллигини ривожлантириш аста-секин жараён бўлиб, уни доимий равишда рағбатлантириш керак. Ушбу принцип янги эмас, аммо ҳозиргача у ягона ва умумэтироф этилган таърифга эга эмас.

Интерактивлик коммуникатив мақсад ва натижаларни нутқ воситалари орқали бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва бир-бирини тўлдириш сифатида белгилайди. Ушбу таърифга кўра, виртуал маконда интерфаол ёндашув синфдаги коммуникатив мақсадга эришиш воситаларидан бири деган хулосага келиш мумкин.

Бу чинакам ҳамкорлик мавжудлигида коммуникативлик тамойилидан фарқ қилади, бунда асосий эътибор алоқа кўникмаларини ривожлантириш ва гуруҳда ишлашга қаратилган, аммо коммуникатив вазифа учун бу мажбурий мақсад эмас. Интерфаоллик нафақат ҳақиқий ҳаётий вазиятларни ярагади, балки сизни уларга чет тил орқали жавоб беришга имкон беради.

Шундай қилиб, биз интерфаолликни Интернет орқали ўз-ўзини ривожлантириш усули сифатида кўриб чиқишимиз мумкин. Талабаларнинг тилини, кўникмаларини, хулқ-атвор намуналарини кузатиб, уларнинг нусха кўчириш қобилияти, муҳокама пайтида муаммоларнинг янги маъноларини чиқариб олиш кўникмаларини ривожлантириш лозим. Хулоса қилиб шуни таъкидлашни истардимки, чет тилини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари жуда катта ва унинг имкониятлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Техника олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитишнинг инновацион методологиясини ишлаб чиқиш замонавий тилшунослик ва методологик фанларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, кўшимча ўрганишни талаб қилади.

#### Адабиётлар:

1. Алексеева Л.Н. Инновационные технологии как ресурс эксперимента / Л. Н. Алексеева // Учитель. – 2004. – № 3. – С. 78.
2. Бонк Н.А. Английский шаг за шагом: в 2 т. / Н.А. Бонк, И.И.Левина, И.А. Бонк. – М: Росмен-Издат, 2002. – 523 с.
3. Гальскова Н.Д. Современная методика обучения иностранным языкам / Н.Д. Гальскова. – М.: АРКТИ, 2009. – 192 с.
4. Клименко Т.К. Инновационное образование как фактор становления будущего учителя: автореф. дис. – Хабаровск, 2000. – 289 с.
5. Education 2030. Incheon Declaration and Framework for Action. / [http://uis.unesco.org/sites/default/files/documents/education-2030-incheon-framework-for-action-implementation-of-sdg4-2016-en\\_2.pdf](http://uis.unesco.org/sites/default/files/documents/education-2030-incheon-framework-for-action-implementation-of-sdg4-2016-en_2.pdf)

#### РЕЗЮМЕ

Мақола техника олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитишга инновацион ёндашув масалаларига бағишланган.

#### РЕЗЮМЕ

Статья посвящается инновационным подходом к преподаванию иностранного языка в технических вузах.

#### SUMMARY

The article is devoted to an innovative approach to teaching a foreign language in technical universities.



## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

### ЎҚУВЧИЛАРДА ТАНҚИДИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРГА ТАЙЁРЛАШ КОМПОНЕНТЛАРИ

*Акрамова Г.Р.*

*Бухоро давлат университети, «Бошланғич таълим назарияси»*

*кафедраси доценти, п.ф.н*

**Таянч сўзлар:** танкидий тафаккур, ижтимоий муносабат, ўқувчи, ривожлантириш, ақлий қобилият, мулоқотчанлик, қоида, компонент.

**Ключевые слова:** критическое мышление, социальное отношение, ученик, развитие, умственные способности, общение, правило, компонент.

**Key words:** critical thinking, social attitude, reader, development, intelligence, communication, rule, component.

Ахборот маконининг кенгайиб бораётгани ижтимоий соҳада, биринчи навбатда, таълим парадигмасини алмаштириб, анъанавий таълим тизими ўрнига инновацион, ривожлантирувчи, яъни ўқувчи шахсининг барча сифатларини, жумладан, билими, лаёқати, малакалари, ақлий ҳаракат усуллари, ўз-ўзини бошқариш механизмлари, эмоционал-ахлоқий ва амалий-фаолиятли соҳаларини ривожлантиришга қаратилган таълим тизимини таркиб топтириш асосий мақсадимиз бўлиб қолмоқда. Бу эса, таълим жараёнида ўқувчи билим, кўникма ва малакаларни шунчаки ўзлаштирибгина қолмай, ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ижодий қўллай билиши, мустақил танкидий тафаккур юритиши талаб этилади.

Умумтаълим мактаб ўқувчиларининг танкидий фикрлашларини шакллантириш бўйича илмий-назарий маълумотларнинг таҳлили шунини кўрсатадики, ўқувчиларни танкидий фикрлашга ўргатиш ўқитиш жараёнининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Биз ўқувчида танкидий тафаккурни ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқишда ўқитувчи дарс жараёнида қандай ўқитиш шакл, усул ва йўлларида фойдаланиши мумкинлиги ҳусусида тавсиялар ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик.

Таъкидлаш жоизки, танкидий фикрлаш учун ажралмас шарт мантиқ қоидаларини билишдир. Ўқувчи танкидий фикрлашни ўрганиши учун мантиқ қоидаларига амал қилиш керак. Бунинг учун ўқитувчи ўқув жараёнига танкидий ёндоқиш алгоритминини билиши жуда муҳимдир. Бундай ҳолда ўқувчиларнинг танкидий фикрлашини ривожлантириш учун зарур бўлган баъзи кўникмалар талаб этилади. Мактаб ўқувчиларининг танкидий фикрлашини ривожлантириш учун баҳс- мунозараларни ташкил этиш, ўқувчиларга ҳикоя, асар, матнларга шарҳлар ёзишни ўргатиш ва дарс

жараёнида муаммоли таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда муаммоларни гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳал этишда иштирок этиш орқали танқидий тафаккурни, танқидий фикрлаш маданиятини маданиятини шакллантиришни ўқитувчи ҳисобга олиш зарур.

Умумтаълим мактаб ўқувчилари, шунингдек танқидий фикрлашнинг барқарор кўникмаларига эга бўлмаган катталарда танқидий фикрлашни шакллантиришнинг асосий мақсади ижтимоий, илмий ва амалий муаммоларни самарали ҳал қилиш учун ақлий қобилиятларни кенгайтиришдир. Танқидий фикрлашни шакллантириш вазифалари ўқувчиларнинг ёшига, билим даражаси ва олдинги тажрибага қараб фарқланади. Танқидий тафаккури ривожланган ўқувчида замонавий ахборот майдонига таяниш лаёқати таркиб топади, яъни у олинган ахборотларнинг ишончлилиқ даражасини баҳолаш, шахсий мустақил мулоҳазалар ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш, муаммони кўра билиш ҳамда унинг оқилона ечимини топа олиш кўникмасига эга бўлади. Бу эса ўқувчини ижтимоий муносабатларга тайёрлаб, жамият ҳодисаларига, ҳаётий муаммоларга ижобий реакция кўрсатишига олиб келади.

Таълим жараёнида ўқувчиларда танқидий тафаккурни шакллантиришда қуйидаги уч компонент инобатга олинади:

- 1) танқидий тафаккур юритишга тайёргарлик кўриш;
- 2) интеллектуал (фикрий) кўникма ва малакалар
- 3) илгариги тажриба натижаси сифатида юзага келган билимлар.

Ўқувчиларда танқидий тафаккурни шакллантириш компонентларининг ҳар бирига тўхталиб ўтаимиз.

Танқидий тафаккур юритишга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларда тафаккур сифатини белгилаб берувчи ички мотивацияни юзага келтириши лозим, яъни танқидий фикр юритувчи ўқувчи ўз қарашлари, чиқарадиган қарорларининг кагый асосланган бўлишига эришиши зарур, бунинг учун эса:

- янги фаразлар, муқобил изоҳлар, манбалар ва ҳулосаларни ишлаб чиқишга интилиши;
- турли ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши;
- нуқтаи назарларни ўрганиши, уларнинг ўз нуқтаи назаридан фарқини билиши;
- ўз дунёқарашини кенгайтириб бориши, ҳар тарафлама кенг фикрлашга эришиши лозим.

Танқидий тафаккур мазмунининг моҳиятини ифодаловчи иккинчи ўта муҳим компонент интеллектуал (фикрий) кўникма ва малакалардир. Танқидий тафаккурнинг интеллектуал малакалари тавсифлашга қаратилган замонавий концепцияларнинг асосий негизини америкалик тадқиқотчи Э. Глейзернинг ғоялари ташкил этади. У илк бор ўз фикрига кўра, айнан танқидий тафаккурга тааллуқли бўлган қатор малакаларни ажратиб кўрсатди, булар: муаммони англаш ва унинг ечимини топиш, зарур маълумот ва ахборотлар йиғиш ва тартибга солиш, тасдиқланмаган фараз ҳамда баҳони олдиндан англаш; тил воситаларини билиш ва қўллашда аниқлик ва танлай билиш; маълумот ва далилларни изоҳлаш, далил-исботларни баҳолаш, малакасига эга бўлиш, мулоҳазаларни ўзаро боғловчи мантиқий алоқалдорликнинг мавжудлиги ёки аксинча мавжуд эмаслигини аниқлаш, аниқ ҳулоса ва умумлашмалар чиқариш ҳамда уларнинг шубҳали эканлигини рад эта олиш, ўзининг ишонч тизимини ишлаб чиқиш ва қундалиқ ҳаёт ҳодисалари тўғрисида тўғри мулоҳаза юритиш малакалари қабили.

Э. Глейзер биринчилардан бўлиб тавсифлаб берган интеллектуал кўникма ва малакалар кейинчалик Р. Эннис, Р. Пол, С. Норрис, А. Фишерлар томонидан чуқурроқ тадқиқ қилинди. Шунга қарамай, айнан танқидий тафаккурга тегишли бўлган малака ва кўникмалар тизимини белгилаш масаласи ҳозирга қадар якунига етган эмас. Чунки

хар бир тадқиқотчи худди танкидий тафаккурга ўзининг алоҳида таърифини бергани каби, унга тегишли кўникма ва малакалар тизимини ишлаб чиқишга ҳам ўзига хос тарзда ёндашмоқда. Масалан, Р. Эннис танкидий тафаккурнинг 12 та асосий кўникма ва малакаларини ажратиб кўрсатган бўлса, Р. Полнинг концепциясида улар 35 тадан ошади. Танкидий тафаккурни шакллантиришга қаратилган сўнгги концепцияларга таяниб, уни шакллантириш ва ривожланишида қуйидаги фикрий кўникмалар муҳим ўрин тутати деб ҳисоблаймиз:

- ахборотлар манбаининг ишончлилигини баҳолаш;
- зарур ахборотларни ажратиш кўникмаси ва уни қайта ишлаб чиқиш қобилияти;
- фараз, хулоса, ақтибос, тахминлар ва ишончли қарашларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- нисбатан аниқроқ маълумотларни олиш ёки текшириш учун саволлар бериш кўникмаси;
- муаммони турлича дунёқараш, хар хил ёндашув ва нуктаи назарларга кўра солиштириш ва аниқлаш;
- ўз нутаи назарини баён этишда аниқликка риоя қилиш, тил воситаларини тўғри танлай билиш;
- қарор чиқариш ва ўз танловининг тўғрилигини асослай олиш.

Қайд этилган кўникмалардан кундалик турмушда ва ўқув машғулотида фойдаланиш учун учинчи компонент, яъни муайян билим ва тажрибаларга эга бўлиш зарур. Танкидий тафаккур – янги билимларни ўзлаштириш учун аввал эгаланган билимлардан фойдаланишга имкон берадиган ўзига хос тарзда фикр юритишдир. Бунда «билим» тушунчаси кенг маънода қўлланилади. «Сритисал тҳинкинг анд леарнинг» асари муаллифи М. Мейсон танкидий тафаккурнинг билимга оид компонентини қуйидагича тавсифлайди: «...мазкур билимлар танкидий тафаккурга тааллуқли бўлган асосий тушунчаларни ёки натижаси танкидий тафаккур юритишга олиб келадиган у ёки бу илмий фанларга оид билимларни қамраб олади». Р. Энниснинг фикрига кўра, танкидий тафаккур фанлараро ёки фанга элтувчи категория бўлиб, дедуктив характерга эга бўлади: ўқувчилар танкидий тафаккурнинг интеллектуал кўникмаларини бирор ўқув предметида билвосита тааллуқли бўлмаган ҳолатда эгаллашлари ва турли билимлар соҳасида қўллашлари мумкин. Аини вақтда, Дж. Мак Пэкининг таъкидлашича, танкидий тафаккур аниқ билим соҳаси билан чамбарчас боғлиқ бўлади, у ёки бу илм соҳасига оид муаммони танкидий ўрганиш учун шу соҳага оид билимларни чуқур ўрганиш зарур.

Таълим жараёнида ўқувчиларда танкидий тафаккурни ривожлантириш натижасида қуйидагиларга эришилади:

- ўқувчилар мантикий ва танкидий фикрлашнинг қонунлари ва усуллари, танкид ва ўз-ўзини танкид қилиш асослари тўғрисида билимларга эга бўлади;
- ўқувчилар танкидийлик элементлари билан индуктив-дедуктив мантикий фикрлашни ўзлаштиради;
- танкидий фикрлашнинг мантикий процедураларини тушунишга ўргатиш: тушунтириш ва башорат қилиш, исботлаш ва рад этиш, далиллар, мулоҳазалар, баҳо бериш ва ўзини ўзи баҳолаш, кабилар.

Ўқувчилар турли хил билим, ижтимоий тажрибага эга бўлиб, фаол ишларга мотивацион, ижобий муносабат мавжуд бўлганда вақолатларга айланадиган интеграл билим ва кўникмаларни ўрганишлари мумкин. Ўқитувчилар ўқув жараёнида ўқувчиларнинг мантикий, муаммоли, танкидий фикрлашга асосланган интегратив фикрлаш қобилиятини шакллантириш вазифасини қўйишлари мумкин.

Ҳар қандай технология сингари танкидий фикрлашни шакллантириш технологияси, бошқа ақлий фаолият турларини танкидий фикрлаш учун муҳим бўлган хусусиятларга асосланган ўз қурилиш қоидаларига эга. Биз еттига принципларни аниқладик, уларнинг баъзилари умумий дидактик, қолганлари танкидий фикрлашга хосдир. Келинг, ҳар бир қоидага қисқача тўхталамиз:

1. Маълум далилларга, манбаларга, маълумотларга асосланган ҳолда далиллар ёки рад жавобларини ишлатиш учун ўқув ва амалий материалларнинг маълумотларга бойлиги.

2. Аввалроқ, биз танкидий фикрлаш ижтимоий фикрлаш эканлигини таъкидладик, шунинг учун муҳокама қилиш учун муаммолар, вазифалар, мавзулар танлангани танкидий фикрлашнинг ушбу ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

3. Муаммони тушуниш ва муҳокама қилиш жараёнида коммуникативлик. Танкидий фикрлаш бу индивидуал ва мустақил фикрлашдир, аммо у баҳс, мунозара, мулоқот, оммавий нутқларда намён бўлади, шунинг учун иштирокчилар фикрлашнинг ушбу турини шакллантириш муаммосини тушунишдаги коммуникатив қобилияти муваффақият қозонишда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

4. Материаллар таркибидagi муаммолар. Умумий дидактик тамойил танкидий фикрлашни шакллантириш технологиясини яратишда асосий нарсалардан биридир, чунки муаммоли ва танкидий фикрлаш умумий хусусиятлар, ўқитиш усуллари ва техникаси билан боғлиқ.

5. Билим олиш учун мотивация ва эҳтиёж. Умуман олганда, ақлий фаолиятнинг асосий бошланғич нуқтаси ва онгнинг танкидийлигининг намён бўлиши, хусусан, акс эттиришдир. Танкидий тафаккури ривожланган инсон ҳақиқатни топишга, тушунишга, англашга, ҳақиқатни аниқлашга ёки натижага эришишга ҳаракат қилиши лозим, акс ҳолда онгнинг ҳар қандай танкидий хусусида гап бўлиши мумкин эмас. Ақл ва ҳис-туйғуларнинг дангасалиги танкидий фикрлашни ривожлантириш учун заиф асосдир.

6. Илмий, ишончли ва очик маълумотлар. Ушбу қоида тушунтиришнинг ҳожати йўқ, шунчаки маълумотнинг аниқлигини баҳолаш қобилияти танкидий фикрлаш қобилиятига ҳам тегишли эканлигини таъкидлаймиз.

7. Таълим тафаккурининг узлуксизлиги. Ўқувчилар билан олиб борилган тажрибаларимиз шунга кўрсатадики, ҳар қандай ёшда ва махсус тайёргарликсиз, маълумотли одамларнинг танкидий фикрлашларини ривожлантириш мумкин, кўплаб кўникмалар анъанавий ўқитиш орқали шаклланади. Бироқ, ушбу жараённинг самардорлиги ва унинг натижаси, мактабдан бошлаб ва университетда давом этадиган ақлий фаолиятнинг ушбу турини мунтазам, изчил ўқитишда энг муҳимдир.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, танкидий тафаккур мураккаб ва кўп томонлама ҳодиса бўлиб, унинг таянч компонентлари: танкидий тафаккур йўл-йўриғи ва унга тайёрлик, мазкур кўникмаларни кўллаш учун ўзига хос «майдонча» вазифасини ўтайдиган интеллектуал кўникма ва малакаларни талаб қилади. Ўқувчиларда танкидий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш учун аввало ўқувчиларда ўз тафаккури сифатини яхшилашга қаратилган мақсадни тўғри қўя олишни ривожлантириш, муайян фикрий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, улардан ўқув фаолияти ва кундалик турмушда фойдаланишга тайёрликни шакллантириш зарур.

## Адабиётлар:

1. Загашев И.О. Новые педагогические технологии в школьной библиотеке: образовательная технология развития критического мышления средствами чтения и письма // Библиотека в школе. – 2004. – №. 17. – С. 56-61.
2. Загашев И.О., Заир-Бек С.И., Муштавинская И.В. Учим детей мыслить критически. Издательство 2-е. –СПб: «Альянс «Дельта» совм. с издательством «Речь», 2003. – 192 с.
3. Николай Жевахов. Воспоминания товарища обер-прокурора Св.Синода князя Н.Д.Жевахова. Первый том. ИЗД.ТВО «Родник», 1993.
4. Стил Дж. Л., Мередит К.С., Темпл Ч. Обучение сообща. Пос. V // Подготовлено в рамках проекта «Чтение и письмо для критического мышления». – М.: Изд-во «ИОО». – 1997. – с. 35.
5. Халперн Д. Психология критического мышления. – СПб.: Издательство «Питер», 2000. – 512 с.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқув жараёнида ўқувчиларда танқидий тафаккурни шакллантириш компонентлари: танқидий тафаккур юритишга тайёрлик кўриш; интеллектуал кўникма ва малакалар; илгариги тажриба натижаси сифатида юзага келган билимлар хусусида фикр юритилган. Ҳар бир компонентни ривожлантириш борасидаги назарий ҳамда амалий ғоялар атрофлича талкин этилган.

## РЕЗЮМЕ

Компоненты формирования критического мышления у студентов в процессе обучения в статье: подготовка к критическому мышлению; интеллектуальные навыки и компетенции; учитываются знания, полученные в результате предыдущего опыта. Подробно интерпретируются теоретические и практические идеи по развитию каждого компонента.

## SUMMARY

Components of the formation of critical thinking in students in the learning process in the article: preparation for critical thinking; intellectual skills and competencies; knowledge gained from previous experience is taken into account. The theoretical and practical ideas for the development of each component are interpreted in detail.

## БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Оманқулова Ш.Н.*

*Самарқанд давлат университети «Муסיқа таълими» кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** бўлажак муסיқа таълими ўқитувчиси, модулли ўқитиш технологиялари, касбий компетентлилик, санъат.

**Ключевые слова:** будущий педагог музыкального образования, модульные технологии обучения, профессиональная компетентность, искусство.

**Key words:** future teacher of music education, modular learning technologies, professional competence, art.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори, «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сонли Қарори Олий таълим муассасалари олдида қатор муҳим вазифа-



ларни қўяди ва педагогик кадрлар тайёрлаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратаётганидан далолат беради.

Жаҳонда таълимга компетентли ёндашув асосида битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали ижодий таълим жараёнини лойҳалаштиришнинг замонавий методик таъминотини яратиш, бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларида касбий фаолият соҳаларига йўналтирилган касбий компетентлигини такомиллаштириш, шунингдек олий таълимнинг таълим сифатини таъминлаш жараёнидаги ижтимоий ролини ошириш масалалари долзарб йўналишлардан бири сифатида тадқиқ этилмоқда. Шу маънода илғор хорижий тажрибалар асосида замонавий касбий таълим мазмунини компетенцияларга асосланган модулли ўқитиш таълим муҳитини шакллантириш, модулли ўқитиш технологияларини амалиётга кенг татбиқ этиш асосида бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини такомиллаштириш муҳим ўрин тутаяди.

Мусиқа таълими ўқитувчиси касби ўқитувчидан билим тизимида қўшимча равишда нутқ ҳаракатларида шахсий фикр билдиришни, умумий гуманист ғояни - маданиятлар мулоқотини амалга оширишга ҳисса қўшадиган мусиқий чолғу асбобиغا эга бўлишни талаб қилади.

Олий педагогик таълим тизимида модулли ўқитиш технологияларига асосланган таълим жараёнини лойҳалаш билан анъанавий ўқитиш тизими орасида бир қатор фарқларнинг мавжудлиги аниқланган. Модулли ўқитиш технологияларига асосланган таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларни узлуксиз касбий ривожлантириш мақсади қўйилиб, билим, кўникма, малакалар ҳосил қилиш эса шу мақсадга эришиш йўлида восита сифатида хизмат қилади, профессор-ўқитувчилар талабалар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган фаолият йўналишини белгилайдилар ва мазкур жараёнга раҳбарлик қиладилар, бўлажак ўқитувчилар эса профессор-ўқитувчилар билан ўзаро тенглик асосида модулли ўқитиш технологияларига асосланган ўқув-билув фаолиятига киришадилар.

Компетентлилик – муайян фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд ҳамда юзага чиқиши мумкин бўлган лаёқатдир.

Касбий компетентлилик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгаллиниши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олинишидир.

Касбий компетентлигини такомиллаштириш – соҳага оид билим ва замонавий ахборот оқимини ўзлаштириш, уларда индивидуал ва мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, илмий-техникавий ва ўқув, мусиқий-илмий адабиётлар билан ижодий ишлаш, юқорида келтирилган бир қатор зиддиятлар ва қарама қаршилиқлар, таълимни замонавий руҳда ташкил этишга имконият яратишдан иборат.

Санъат – ўз моҳияти ва ижтимоий мазмунига кўра ҳар қандай миллий маданиятнинг узвий қисми сифатида муайян давлат, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиёти даражасини белгиловчи энг муҳим ва устувор мезонлардан биридир.

Замонавий ижтимоий-маданий шароитларда мусиқа таълими ўқитувчисининг касбий фаолияти ижтимоий ва таълим функцияларининг мураккаблиги туфайли янги мазмун билан тўлдирилмоқда. Бугунги кунда тор доирадаги янги мутахассис эмас, балки малакали, педагогик маданияти, бой шахсий ва ижодий салоҳиятига эга бўлган ўқитувчини сифат жиҳатидан янги шакланган мусиқа таълими ўқитувчисини тайёр-

лаш муаммоси айниқса долзарбдир. Унинг фаолияти самарадорлигини фақат юқори даражадаги касбий ва педагогик маҳорат билан таъминлаш мумкин.

Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчисининг рақобатбардошлигини ривожлантириш зарурляти, бандлик бозори, олинган билимларнинг сифати, уларнинг ҳаракатчанлигини ошириш, мусиқа педагогик таълим структураси ва мазмунини ўзгартиришни талаб қилади. Бугунги кунда мусиқа таълимига компютер технологияларини жадал жорий этиш, турли маданиятлар ва ижод турларининг ўзаро алоқаси мусиқий-илмий изланишга тайёр ва касбий компетентлиги юқори бўлган бўлажак мусиқа ўқитувчиларини, санъат ва таълимнинг турли соҳаларида билимларини ривожлантириш, ўзларининг профессионал фаолиятида фанлараро алоқаларини ўрнатиш айниқса муҳим. Шу маънода, бугунги кунда педагогик маданияти ва маҳоратига эга бўлган бўлажак мусиқа ўқитувчиларига талаб катта.

Мамакатимизда бугунги кунда олий педагогик таълимда бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларини модулли ўқитиш технологиялари асосида касбий компетентлигини такомиллаштириш мазмуни ва шакллари замон талабларига тўлиқ мос эмас. Педагогик йўналишдаги олий таълим муассасалари бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларини модулли ўқитиш технологиялари асосида касбий компетентлигини такомиллаштириш тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилайди.

Мусиқа дарсларини самарадорлигини таъминловчи мавжуд жараёнларни такомиллаштириш зарурати, модулли ўқитиш технологияларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш, уларни таълимга жорий этишнинг педагогик шароитларини аниқлаш каби муаммолар тадқиқот мавзусини «Бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларини модулли ўқитиш технологиялари асосида касбий компетентлигини такомиллаштириш» деб белгилаб олиншига асос бўлди.

Замонавий жамиятда олий таълим инсон фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланди ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий, етакчи омили сифатида қабул қилинди. Бундай эътиборнинг сабаби замонавий жамиятнинг энг муҳим қиймати ва асосий капитали янги билимларни қидириш ва ўзлаштиришга, ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир мутахассисни тайёрлаш эканлигини тушунишдир. Замонавий педагогик фаннинг муҳим йўналиши ўқитувчини ўқитиш жараёнининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган воситалар ва шароитларни излашдир.

Интеграцион жараёнлар замонавий жамиятнинг барча соҳаларига -маданият, иқтисодиёт, фанга хосдир. Аммо айнан олий таълимда таълим мазмунининг интеграцияси талабаларни юқори ихтисослаштирилган тайёргарликка ва уларнинг келажадаги касблари билан чамбарчас боғлиқ бўлган билим ва кўникмалар тизимини шакллантиришга йўналтиришга имкон беради. Шу муносабат билан биз мусиқий-педагогика факультетларини битирганларнинг баъзиларининг вокал маҳорати ва дирижёрлик техникаси тўғрисида билимлари пастлиги (ҳиссаларнинг ноаниқ кўрсатилиши, олиб қўйилиши), аниқ вазифаларни аниқлай олмаслик, нотўғри ижро этилишига реакция йўқлиги, синф ходимлари билан етарлича алоқада эмаслиги ҳақида айтиб ўтмоқчимиз. Ушбу камчиликларнинг сабаби ўқув жараёнининг номуқамал тузилишида: комплекс ёндашув йўқлигида, объектлараро алоқаларнинг етарли даражада ишласлиги, махсус фанлар доирасидаги зарур амалий машғулотлар йўқлигидадир.

Педагогик кузатувларимиз умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган мусиқа ўқитувчиларининг аксариятини ушбу фаолиятга тўлиқ жавоб берадиган даражада зарур тайёргарлик ва малакага эга эмаслиги, мусиқа ўқитиш методикасидан етарли билим ва тажрибани етишмаслиги, мусиқа дарсларини кўп ҳолларда қўшиқ куйлаш фаолияти билан чекланиб қолиши, зарур ўқув-услубий манбалар, кўргазмалар

техник воситалар билан таъминланмаганлиги, педагогик шарт-шароитларни яратилмаганлиги, қолаверса, мусиқа ўқитувчиларини тайёрловчи олий ўқув юрларида бўлгуси ўқитувчиларни мактаб фаолиятига тайёрлаш талаб даражасида эмаслиги билан изоҳланади. Буларнинг ҳаммаси умумтаълим мактаблари ўқувчиларини мусиқий фаолиятга тайёргарлиги, мусиқий-назарий саводхонлигини таъминлашга йўналтирилган таълим жараёнининг методик тизимини ДТС талаблари асосида узлуксиз ривожлантириб, такомиллаштириб боришни таъқоза этади.

Замонавий мусиқа таълими кўп қиррали интеграциялашган жараёни талаб қилишини инобатга олиб, мусиқа таълимининг ҳар бир вақили билиши лозим бўлган энг муҳим санъат турларидан ҳисобланадиган, бўлажак мусиқа ўқитувчисининг касбий педагогик фаолияти давомида ўргатишни амалга ошириши лозим бўлган биргина хор ижрочилигини ўқитилишидаги муаммо шуки, кўп овозли мусиқа жанри профессионал жамоалар ижроси билан чекланмасдан ўқув юрларида жумладан, олий таълим (мусиқа таълими ихтисосликлари бўлган) тизимида хор ижрочилиги ўқув режасига киритилди ва фан сифатида ўқитила бошланди. Хор ижрочилиги оммавий кўшқчилик санъати сифатида мактаб мусиқа дарсларида етакчи фаолиятга айланди. Бу эса ўз навбатида умумтаълим мактаблари учун махсус касбий компетенцияга эга бўлган мусиқа таълими ўқитувчилари тайёрлашни йўлга қўйилишига олиб келди.

Олий педагогик таълимда бўлажак мусиқа ўқитувчиларини мактаб мусиқа ўқитувчиси амалий фаолиятига тайёрлаш мусиқа санъатининг бир неча йўналишлари бўйича бўлажак кадрларда зарур компетенцияларни эгаллашларини тақозо этади. Бир соатлик дарс жараёнидаги мусиқа машғулоту ўқитувчидан мусиқа назарияси, тарихи, Чолғу ижрочилиги, вокал ижрочилиги, чолғу ижрочилиги, дирижорлик ва хор билан ишлаш бўйича малакавий тайёргарликни талаб қилади. Табиийки, бу санъат йўналишлари бўйича етарли даражада зарур назарий ва амалий (чолғу асбобида чалиш, дирижорлик қилиш, вокал – хор малакалари, хор билан ишлаш) билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари бир хил даражада бўлмайди.

Бунга асосий сабаблардан бири ҳозирги кунда олий таълим муассасалари (педагогик олий ўқув юрлари – университетлар ва институтлар назарда тутилмоқда)нинг «мусиқий таълим» иқтисослигига кириб ўқиётган аксарият кўпчилиги (10% дан 30% гачаси) умумтаълим мактабларини тугатиб, тўғридан-тўғри ўқишга кирганлардан иборатдир. Бундай талабаларни кўпчилиги умумтаълим мактабларида ҳам мусиқа фани бўйича Давлат Таълим Стандарти ва ўқув дастури бўйича керакли билимларга ва амалий ижрочиликка эга бўлмаслиги оқибатида тўрт йиллик таҳсил мобайнида мусиқа бўйича базавий-таянч тайёргарликка эга бўлган талабаларни мактаб мусиқа таълимини амалиётга тўлиқ жавоб берадиган даражада тайёрлаш кескин муаммолигича қолиб келмоқда. Иккинчидан, олий ўқув юрлари «Мусиқа таълими» йўналиши ўқув режасида «хор ва хоршунослик асослари ва хор-дирижорлиги» ўқув предметлари айнан талабаларни хор дирижорлиги фаолиятига (яни хор раҳбари, хор жамоаси билан ишлаш оладиган) тайёрлаш мақсадини кўзда татган бўлса-да, айтайлик «хор ва хоршунослик асослари» фани бўйича ўқув амалиётлари асосан фан дастури бўйича асарлар қуйлаш, вокал-хор малакаларини шакллантиришга йўналтирилган жараён билан чекланиб, бу жараёнда талабаларни мустақил равишда хор жамоаси билан ишлаш (хорга асар ўргатиш, хорга дирижорлик қилиш), хусусан бизнинг таджикотимиз муаммосига тегишли бўлган касбий компетенцияларни такомиллаштириш учун имконият, вақт, педагогик шарт шароитлар яратилмаган. Ваҳоланки талабаларнинг педагогик фаолиятининг асосини ташкил этадиган мусиқий фаолият турлари: мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, хор бўлиб қуйлаш, вокал -хор малакаларини эгаллашлари билан хор

жамоаси билан ишлаш бўйича касбий компетенцияларга эга бўлишлари муайян педагогик талаб ва мезонлар асосида иш юритишни таъказо этади. Худди шунингдек «дирижорлик» машғулотлари жараёнида талаба бир йил давомида 6, 8та асарда (шундан 2таси «жўрсиз», «аъкапелла» бўлиши мумкин) дирижорлик қилишни ўрганади. Дирижорлик қилиш давомида асарни партитурасини, овоз партияларини фортепианода чалишни, уларни овоз йўли (мелодияси) ёддан қуйлаш, назарий жиҳатдан таҳлил қилиш каби билим ва малакаларни ҳам ўзлаштиришади ва табиийки буларнинг ҳаммаси ҳам талабани хор дирижорлиги фаолиятига тайёрлашда ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Лекин бу жараёни ҳам жиддий эътиборга молик «камчилик»лари шундан иборатки, ҳозирги вақтда «дирижорлик» машғулотлари «якка тартибда» эмас балки, (5,6 та талабадан иборат) гуруҳ ҳолида қўйилмоқда ва бу ўз навбатида ушбу фанни ўқитилишида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан:

-бир гуруҳда ўқитган талабаларни мусикий машғулотлари (кимдир мусиқа мактабида ўқиган, кимдир санъат коллежида, кимдир педагогика коллежларини мусиқа бўлимида, кимдир умумтаълим мактабларини битириб ўқишга кирган) ҳамда мусикий қобилиятлари (мусикий ешитиш, амалий ижрочилиги, овоз имкониятлари ва ҳоказо) турлича бўлганликлари учун улар учун алоҳида- алоҳида асар бериб ишлаш имкониятининг камлиги;

- маълумки мусиқа педагогикаси ва методикаси дирижорлик синфи машғулотларида ҳар бир талабани мусикий маълумоти, қобилияти, қизиқиши, тайёргарлик даражасига қараб асар танлаш ва индивидуал талаблар қўйиш лозимлигини уқтиради. Гуруҳ ҳолидаги машғулотларда эса табиийки бундай иш тутиб бўлмайди. Натижада бундай ҳолат нисбатан юқори малака, қобилият, билимга эга бўлган талаба ўз даражасидан паст асар билан ишлашга, аксинча муҳим бўлмаган, билими қобилияти нисбатан паст бўлган талабани асарни етарли даражада ўзлаштира олмаслигига олиб келади.
- дирижорлик дарсида ҳам асосий талабани берилган асарларни дирижорлик қилиш тармоғида қўра ўзлаштиришларига қаратилади. Талаба бу машғулотларда турли ўлчов, жанр, турли хор турлига ёзилган турли даражадаги асарларга шу жумладан жўрсиз (аъ капелла) асарларга ҳам дирижорлик қилади. (а капелла асарни тўлиқ фортепианода чалади, овоз партияларини ёд олади, асарни назарий таҳлил қилади ва ҳоказо). Афсуски булар ҳам талабани жўрсиз ёки ҳар қандай хор асари билан ишлаш бўйича етарли даражада амалий кўникма ва малакаларини эгаллашлари учун керакли даражадаги имкониятни бераолмайди.
- ва ниҳоят хор асарини қуйлаш, хор асарига дирижорлик қилиш билан хор асари билан ишлашнинг (яъни хор жамоасига, айтайлик болалар хорига, мактаб мусиқа дарсида хор жамоасига) ўзига хос фарқли ва эътибор талаб жиҳатлари мавжуд. Хор билан ишлашда хор раҳбарининг асарни мустақил ўрганиш, партитурани, вокал партияларни ёд олиш, дирижорлик схемаларини муқаммал ўзлаштириши, асар характери, темпи, ўлчови, лад- тоналлиги, динамикаси, хорни бошқаришга руҳий ва амалий тайёр бўлиши, ўзига ишончи, хор жамоасининг хусусий ва умумий ансамбл садосини эшита билиши, бу компонентлар асосан амалий ишлаш жараёнида аста-секинлик билан шаклландиган жиҳатлардир.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бўлажак мусиқа ўқитувчиларини мусиқа дарсларига касбий компетенциялар асосида ёндашиш яхши натижа беради.

Талабалар онгида юқори даражада ихтисослашган кўникмаларнинг парчаланиши муносабати билан мусиқа таълими ўқитувчиси касбий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи яхлит билим тизими ривожланмайди. Фанлараро алоқа кўпинча интуитив даражада, мусиқа таълими ўқитувчисини тайёрлашнинг умумий йўналиши - умумий шахсият маданиятини шакллантиришга асосланган ҳолда амалга оширилади.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш назарияси ва амалиётини ўрганишда қуйидаги зиддиятлар аниқланди:

- касбий фаолиятни баркамол амалга ошира оладиган мутахассисни тайёрлашга бўлган талаб ва касбий компетентликни такомиллаштириш учун педагогик шароитларнинг назарий ва амалий ривожланиши етарли эмаслиги;
- бўлажак мусиқа таълими ўқитувчисини ўқитишда мусиқа фанларини ўқитишнинг замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш учун интеграциялашган ўқув тизимини яратиш зарурияти;

Ушбу қарама-қаршиликларни ҳисобга олиб, бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини муваффақиятли такомиллаштириш учун қандай педагогик муаммолар мавжудлигини тадқиқот ишимиз давомида очиб беришга ҳаракат қилдик.

Тадқиқотимизга оид назарий машғулотлар таҳлили ва хулосалар шундан иборатки, умумтаълим мактаблари мусиқий таълим-тарбия мазмунида бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини такомиллаштириш кучли таъсирчанлик касб этади. Бугунги кунда умумтаълим мактаб мусиқа ўқитувчиларини касбий компетентлигини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бўлиб, мактаб мусиқа маданияти дарсларини юқори сифат ва самарадорлик касб этишида бўлажак мусиқа ўқитувчиларини педагогик фаолиятига тайёргарлик даражаси етакчи омил ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори, «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3151-сонли Қарори.

2. Ниёзова С.Д. Модулли ўқитиш – таълим самарадорлигини ошириш омили. Узлуксиз таълим тизимида модулли ўқитиш технологияларини қўллаш истикболлари: муаммо ва ечимлар. Мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари: – Тошкент, 2018. – 141 б.

3. Файзуллаев Й.М. Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадий дидини мукамаллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари (Ўзбек мумтоз мусиқаси мисолида). Педагогика фан номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Т.: 2010 й, 236.

4. Omankulova Sh.N. Opportunities to improve the professional competence of future music education teachers on the basis of modular teaching technologies *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, ISSN: 2249-7137 Impact Factor: SJIF = 7.13, APRIL 2020, 40-44 p.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак мусиқа таълими ўқитувчиларини модулли ўқитиш технологиялари асосида касбий компетентлигини такомиллаштириш муаммолари қаралган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются проблемы повышения профессиональной компетентности будущих учителей музыкального образования на основе модульных технологий обучения.

#### SUMMARY

The article deals with the problems of increasing the professional competence of future music education teachers based on modular teaching technologies.

## BO‘LAJAK KASBIY TA‘LIM O‘QITUVCHILARINI TAYYORLASHDA KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV

*Kuliyeva Sh. X.*

*Buxoro davlat universiteti «Mehnat talimi» kafedrası mudiri.*

*Pedagogika fanlari nomzodi.*

*Sharopova M.R.*

*Buxoro viloyati Qorako‘l tumani 2-umumta‘lim maktabi*

*fizika va texnologiya fani o‘qituvchisi*

**Tayanch so‘zlar:** kompetensiya, bo‘lajak kasb ta‘limi o‘qituvchisi, layoqat, qobiliyat, shakllantirish.

**Ключевые слова:** kompetentnost, buduciy pedagog professionalnogo obrazovaniya, kompetentnost, umeniye, formirovaniye.

**Key words:** competence, future teacher of vocational education, competence, ability, formation.

Respublikamizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy o‘zgarishlar, yangilanishlar talaba yoshlarimiz taqdiri, ularning yorug‘ istiqboliga mustahkam poydevor bo‘lib xizmat qilmoqda. Uzlüksiz ta‘lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlarning ikki muhim ko‘rsatkichi – sifat va samaradorlik, aynan, o‘qituvchining salohiyati va kasbiy mahoratiga uzviy aloqadordir. Uning talabnomasi (prossiogrammasi) kun sayin kuchaymoqda. Bo‘lajak o‘qituvchilarda kompetensiyalarni rivojlantirish muhim vazifalardan biri bo‘lib dolzarblik kasb etmoqda.

O‘qituvchi tajriba va malakasining uyg‘unligi muvaffaqiyatlar garovi ekanligi sir emas. Shu tufayli ta‘lim-tarbiya tizimiga yangicha ilmiy-uslubiy, kompetensiyaviy yondashuvlar kirib kela boshladi. Bu yondashuvlar, o‘z navbatida, o‘quv jarayonining turli tashkiliy va metodik jang‘armalarida muayyan ijobiy o‘zgarishlarni sodir etadi, albatta.

Bulajak o‘qituvchilarni tayyorlashda kompetensiya va kompetentlilik o‘ziga xos, nihoyatda muhim o‘rin tutadi. Lotin tilidan o‘zlashgan «kompetensiya» so‘zi «o‘z kasbiga yaroqli, loyiq» degan ma‘noni anglatadi.

Kompetensiya nafaqat olingan nazariy bilim, ko‘nikma va malakalarning majmuasi, balki egallangan nazariy va amaliy bilim, ko‘nikma va malakalar majmuini amaliyotda mustaqil va ijodiy qo‘llay olish darajasidir.

Ayrim davlatlarda shu paytgacha mavjud bo‘lgan «professionalizm» tushunchasi o‘ziga nisbatan kengroq mazmun kasb etuvchi kompetensiya so‘zi bilan o‘rin almashmoqda. Professionalizm kategoriyasi faqat muayyan fan bo‘yicha chuqur bilimga ega bo‘lishdir.

Kompetensiya esa nafaqat kasbiy bilimlarni, balki emotsional, psixologik, ijtimoiy bilimlarni ham egallash zarurligini taqozo qiladi. Amaliy ahamiyatga ega bo‘lgan kompetensiyaviy yondashuv kasbiy bilimlar va tanlangan fan bo‘yicha faoliyat yuritish uchun zarur malakalar yig‘indisidir.

Kompetensiyaviy yondashuv global ommaviy kommunikatsiyani rivojlantirish va informatsion davrda jamiyat imkoniyatlarining ta‘lim talablariga mos mazmun o‘zgarishi negizi sifatida qaralmoqda.

Pedagogika fani nazariyasi va amaliyotida «kompetentlik» va «kompetensiya» tushunchalari bir vaqtda qo‘llanilmoqda. Kompetensiya ta‘lim oluvchilarning tayyorgarligiga avvaldan qo‘yilgan talablarni anglatsa, kompetentlik shaxsning mavjud

sifatlari va qo'yilgan doiraga, sohaga munosabati bo'yicha shaxs faoliyatining minimal tajribasi bilan belgilanadi.

Amerikalik olim J. Raven kompetentlikning 37 turini ta'kidlab o'tadi. Ular jumlasiga quyidagilar kiradi:

- aniq maqsadga erishish uchun ustuvor yo'nalishni idrok qilish qobiliyati;
- o'z faoliyatini nazorat qilish;
- faoliyat jarayoniga hissiyotlarni yo'naltirish;
- mustaqil ta'limga tayyor turish;
- qayta aloqadan foydalanish;
- o'ziga ishonch;
- shaxsiy nazorat;
- ishga kirishib keta olish;
- ilojsizlik hissining begonaligi;
- kelajakni yaxshi tasavvur etish;
- mavhumlashtirishga moyillik;
- maqsadga erishishga bog'liq muammolarga diqqatni qaratish;
- mustaqil tafakkur;
- originallik;
- tanqidiy tafakkur;
- murakkab masalalarni yecha bilish qobiliyati;
- bahsli masalalarni yechishga tayyorlik;
- tavakkal qilish;
- jamiyatning innovatsiyalarni yaxshi qarshi olishiga bo'lgan ishonchning mavjudligi;
- natijaning ijobiyligi va ikki tomonlama foydali ekanligini maqsad qilib olish;
- qat'iyatli(sabotli) bo'lish;
- ishonchli;
- o'zini maqsadga muvofiq tutish qoidalariga buysunish;
- qaror qabul qilish qobiliyati;
- javobgarlik hissi;
- maqsadni ko'zlab hamkorlikda ishlay bilish qobiliyati;
- maqsadga erishish yo'lida boshqalarni ham ishga unday olish qobiliyati;
- o'zgalarni tinglay bilish va ularning fikrlarini ham inobatga olish qobiliyati;
- hamkorlarining imkoniyatlariga sub'ektiv baho berishga urinish;
- boshqalarning mustaqil qaror chiqarishlariga yo'l berish;
- o'zaro nifoqlarni hal qilish va ixtiloflarni mo'tadillashtirish;
- birovning qo'l ostida faoliyat yuritayotgan paytda samarali ishlash qobiliyati;
- turli uslubdagi yashash tarziga nisbatan bag'rikenglik;
- tashkiliy va jamoaviy rejalashtirishga tayyorlik;

Davlat ta'lim standartlarida qayd etilgan kompetentli mutaxassis tayyorlash maqsadi ta'lim mazmuninigina emas, o'zlashtirish vositalari va ta'limni tashkil qilish jarayonini ham o'zgartirishga olib keladi. Ko'p narsani biladigan, lekin hech bir foydali ishni amalga oshira olmaydigan o'quvchining jamiyatga ham, o'ziga ham foydasi tegmaydi. Shu sababli o'quv faoliyatidan ko'zlangan asosiy pirovard maqsad – faoliyatni amalga oshirishiga yordam beradigan kompetensiyani shakllantirish va rivojlantirishdir. Kompetensiyaviy yondashuvni ta'lim jarayoniga tatbiq qilish kasbiy tayyorgarlikning muhim tarkibiy qismi bo'lib, nazariy hamda amaliy bilimlarni birgalikda qo'llay olish qobiliyatini o'z ichiga olgan ta'lim-tarbiya berishning pedagogik tizimidir.

Ta'lim jarayonida o'quvchilarda shakllantirilishi lozim bo'lgan kommunikativ, axborot bilan ishlash, shaxs sifatida o'z-o'zini rivojlantirish, ijtimoiy faol fuqarolik, umummadaniy, matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo'lish kabi asosiy tayanch kompetensiyalar har bir fan doirasida predmetga oid kompetensiyalarni shakllantirish bilan uyg'un ravishda olib borilishi va takomillashtirilishi maqsadga muvofiq. Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'lim o'quvchilarning egallangan bilim, ko'nikma va malakalarini o'z shaxsiy, kasbiy va ijtimoiy faoliyatlarida amaliy qo'llay olish imkoniyatini yaratadi.

«Tayanch kompetensiyalarni aniqlash va saralash» nomli Yevropa loyihasida (DeSeCo) tayanch kompetensiyalar «jamiyatning samarali faoliyat yuritishi va hayotiy muvaffaqiyatlarning omili» sifatida baholanadi.

Dunyo amaliyotida kompetensiyalarning universal tipologik tasnifini hamda modelini yaratishga bo'lgan urinishlar ko'p bo'lishiga qaramay, hozirgacha yaxlit bir tizim, yagona klassifikatsiya mavjud emas.

Yevropa Kengashi tayanch kompetensiyalar tasnifini, xususan, chet tillarni o'rganish sohasida CEFR - umumevropa kompetensiyalarini taklif qilgan bo'lsada, ko'pgina davlatlar uni o'z geosiyosiy va ijtimoiy xususiyatlari asosida moslashtirgan. Xususan, Buyuk Britaniya to'rtta tayanch kompetensiyani ilgari suradi.

Ta'lim jarayonida o'quvchilarda shakllantirilishi lozim bo'lgan tayanch kompetensiyalar har bir fan doirasida predmetga oid kompetensiyalarni shakllantirish bilan parallel ravishda olib borilishi maqsadga muvofiq.

Turli mezonlar asosida pedagogika fanida ta'lim jarayonida o'quvchilarda shakllantirilishi lozim bo'lgan asosiy tayanch kompetensiyalar sifatida quyidagilar sanab o'tilgan:

1. Hayot mazmuni va qadriyatlarga doir kompetensiyalar. Bu - umumiy dunyoqarash, hayotiy maqsadlarni to'g'ri shakllantirish, jamiyatdada o'z o'rnini topishga intilish, ongli qarorlar qabul qilish kabilar.

2. Umummadaniy kompetensiyalar. Milliy va umuminsoniy madaniyat haqida tushunchaga ega bo'lish, inson hayotining ma'naviy-ahloqiy asoslarini bilish, ijtimoiy hodisalarni, oilaviy munosabatlar ko'nikmalari, fan va dinning inson hayotidagi o'rnini anglash, maishiy hayotga doir bilimlarni egallash.

3. O'quv jarayoniga oid kompetensiyalar. Shaxsning o'qib-o'rganishga doir bilimlari, maqsadni shakllantirish, rejalashtirish, tahlil, refleksiya, nostandart vaziyatlarda harakat qila olish, mustaqil bilim egallash, muammolarni yechishning evristik usullaridan voqif bo'lish.

4. Axborot bilan ishlash. Zamonaviy informatsion texnologiyalar yordamida kerakli ahborotni mustaqil izlash, topa olish, tahlil qilish, ma'lumotlarni saqlash va yetkazish.

5. Kommunikativ kompetensiyalar. Kommunikabellik, muloqotga tez kirishuvchan bo'lish, bir nechta tillarni egallash, kichik ijtimoiy guruhlarda ishlash, muloqot o'rnatish, munozarada ishtirok etish, dialog qura olish, turli ijtimoiy rollarni bajara olish.

6. Ijtimoiy mehnatga doir kompetensiyalar. Ijtimoiy hayot va mehnat faoliyatiga doir ko'nikmalar, jamiyat manfaati yo'lida mehnat qilish, kasb tanlash, kasbiy bilim va malakalarni tinimsiz rivojlantirish ko'nikmalari.

7. Shaxs sifatida o'z-o'zini rivojlantirish. O'zini jismoniy, emotsional, ma'naviy va intellektual rivojlantirish, muttasil ilm o'rganish, zamonaviy hayot uchun zarur bo'lgan ahloqiy va aqliy bilimlarni egallash, shaxsiy gigiyenaga rioya qilish, o'z sog'ligi haqida qayg'urish, tibbiy madaniyat, shaxs ekologiyasi hamda hayot havfsizligi asoslarini bilish.

Ta'lim jarayonida o'quvchilarda shakllantirilishi lozim bo'lgan tayanch kompetensiyalar har bir fan doirasida predmetga oid kompetensiyalarni shakllantirish bilan parallel ravishda olib borilishi maqsadga muvofiq.



Ta'limning yangicha paradigmasi va kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan yondashuv ta'lim kontenti va metodologiyasini tubdan o'zgartirishni taqozo etadi.

1. O'qituvchi rolining transformatsiyasi. O'qituvchi yangicha yondashuv sharoitida bilimlar «translyatori»dan ta'lim jarayonini tashkil etuvchi, loyihalovchi, moderator, fasilitator bo'lishi, ta'lim jarayonida pozitiv hamkorlik muhitini yarata olishi kerak.

2. Maqsadlar taksonomiyasi. Yangicha ta'lim muhitida maqsadlar doirasi ham kengayadi. Kerakli ma'lumotlarni egallashdan tashqari, bilim olishga motivatsiya uyg'otish, olingan bilimlarni hayotda qo'llashni bilish, nostandart vaziyatlarda muammolarning to'g'ri yechimini topish kabi maqsadlar paydo bo'ladi.

3. Ta'lim metodlari. Kompetensiyaviy yondashuv bola shaxsiga, uning qiziqishlari va tasavvurlarini rivojlantirishga, mustaqil ilm izlashga yo'naltirilgan uslub hamda interfaol metodlarni qo'llashni taqozo etadi.

4. O'quvchilar bilimini baholash. Bunda faqat olingan bilimlar baholanmasdan, balki tasavvur qobiliyati, ijodiy tafakkur, sintezlash, tahlil qilish, masalaning nostandart yo'llarini topa olish kabi kompetensiyalar majmui hisobga olinadi.

5. Ta'lim olish muhiti. Kompetensiyaviy yondashuvda ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchi o'rtasidagi munosabatlar iyerarxiyaga emas, balki pozitiv hamkorlikka asoslanadi.

Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'lim o'quvchilarda mustaqil tafakkur, faol fuqarolik pozitsiyasi, tashabbuskorlik, mediaresurlardan o'z faoliyatida oqilona foydalanish, sog'lom raqobat hamda tolerantlikni shakllantiradi hamda ma'naviy-ahloqiy, jismoniy, aqliy hislatlarni kamol toptirishga, jumladan, ezgulikni himoya qilish, tez o'zgaruvchan, murakkab dunyoda o'z o'rnini topish, altruizm, dunyoviy muammolarni anglash, to'g'ri qarorlar qabul qila olish, zaruriy hayotiy ko'nikmalarni egallash, o'z xatti-harakatlari, qarorlari uchun javobgarlik hissi, shaxsiy imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish, axborotlarni qabul qilish va ajrata olish, abstrakt, ijodiy, mantiqiy tasavvurni kengaytirishga hizmat qiladi.

Shunday ekan, o'qituvchilik – katta san'atdir. Bu san'atga u yoki bu pedagog osongina, o'z-o'zidan erisha olmaydi. Shuning uchun, o'qituvchilik kasbiga, ya'ni sog'lom avlod uchun chinakam murabbiy bo'lishga havasi, ishtiyoqi zo'r, zamon talablarini tez va chuqur tushunadigan, o'zining ilmiy, ijtimoiy-siyosiy saviyasi, pedagogik mahoratini izchillik bilan amalga oshirib boruvchi, mustaqillik g'oyasi va mafkurasini bilan puxta qurollantirilgan, haqiqiy vatanparvar va mehnatsevar, kompetentligi yuqori bo'lgan shaxsgina erisha oladilar.

O'qituvchining shaxsiy kompetensiyalari: axloqiy barkamollik, ya'ni saxovatpeshalik, mehribonlik, talabchanlik, ma'naviy poklik, qanoatlilik, rostgo'ylik, sadoqatlilik, pokizalilik, ziyraklik, andishalilik, vazminlik, sabrbardoshlilik, muloyimlik va boshqalardir. O'qituvchining kasbiy kompetentligi: o'z sohasining puxta bilimdoni bo'lish, hunar sirlarini sodda usulda o'rtaga olish, hayotiy tajribalari asosida tarbiyalovchilik, shogirdlar ehtiyojlari va yutuq-kamchiliklarini idrok eta oluvchanlik, nutq madaniyatiga ega bo'lish, shaxsiy namuna bo'la olishlik va shu kabilardir.

#### Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risidagi Farmoni // Harakatlar strategiyasi asosida jadal taraqqiet va yangilanish sari. –T.: G'afur G'ulom, 2017. –92 b.
2. Abduraimova G.O. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini «Texnologiya» fanini o'qitishga tayyorlash yo'llari va vositalari. // Pedagogika. Toshkent, 2019. №1. – B. 20-28.
3. Boymurodova G. Boshlang'ich sinf o'qituvchilari kasbiy-shaxsiy tayyorgarligini ta'minlashning texnologik tizimi. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2007. – 80 b.

4. Татур Ю. Г. Компетентностный подход в описании результатов и проектировании стандартов высшего профессионального образования. М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004.

РЕЗЮМЕ

Maqolada bo'lajak kasbiy ta'lim o'qituvchilarini tayyorlashda kompetensiyaviy yondashuvning ahamiyatli jihatlarini keltirilgan. Kompetensiya tushunchasiga tavsif berilgan. Bo'lajak o'qituvchi kompetensiyasini rivojlantirishda e'tibor qaratishi lozim bo'lgan jihatlarni asoslangan.

РЕЗЮМЕ

V state izlojeni vayne aspekty kompetentnostnogo podxoda k podgotovke budushchix uchiteley professionalnogo obrazovaniya. Ponyatiye kompetensii opisano. On osnovan na aspektax, kotorye sleduyet uchityvat pri razvitiy kompetensii budushchego uchiteleya.

SUMMARY

The article sets out important aspects of the competency-based approach to training future teachers of vocational education. The concept of competency is described. It is based on aspects that should be considered when developing the competence of a future teacher.

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЭКСКУРСИЯ ТУРИЗМИ ВОСИТАСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АМАЛИЁТДАГИ АҲВОЛИ ВА ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ

*Абдуманнотов Э.А.*

*СамДУ мустақил тадқиқотчиси*

**Таянч сўзлар:** туризм индустрияси, ватанпарварлик туйғуси, мафкуравий иммунитет, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, бунёдкор ғоя, юсак ахлоқ, инсоний ғазилат, механизм, педагогик жараён, дидактик имконият, восита, мезон, тамойил.

**Ключевые слова:** индустрия туризма, патриотическое чувство, идеологический иммунитет, межнациональное согласие, религиозная терпимость, созидательная идея, высокая мораль, человеческие качества, механизм, педагогический процесс, дидактические возможности, средство, критерий, тенденция.

**Key words:** tourism industry, sense of patriotism, ideological immunity, international cooperation, religious tolerance, high moral standards, human dignity, mechanism, pedagogical process, didactic effects, principle, trend, tendency.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ туризм индустриясини жадал ривожлантириш....., аждоқларимиздан мерос бўлиб келаётган ҳунармандлик анъаналарини тарғиб қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Шу боис, умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидагича мезонлар қайд қилинади. Булар: аввало киндик қони тўқилган ўз ватанини севиши ва уни кадрлай олиши; 2) тарихий обидаларимиз ва музейларга саёҳат уюштириш орқали, ўз юрти тарихини билиши ва кадрлаши;

3) Ватан ҳисси олдида ҳокисор бўлиш, бунёдкор ғоялар руҳида яшаш; 4) вайронкор ва бузғунчи ғоялардан ўзини олиб қочиш; 5) мафкуравий иммунитетга эга бўлиш; 6) миллатлараро тоғувлик ва диний бағрикенглик, дўстга садоқат каби эзгу ниятлар руҳида фаолият юритиши; 7) маънавий баркамол, юксак маънавиятли шахс сифатида камол топиб Ватан равнақи учун ҳисса қўша олиш. (китобхонлик, спорт, маданият, санъат, фан, адабиёт орқали ўзлигини намоён эта олиши, жаҳон ареналарига Ўзбекистон байроғини баланд кўтара олиши) Ана шу кесимларда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш бўйича диалектик муносабат тўлақонли амалга оширилади.

Бу диалектик муносабатни йўлга қўйишда ўқитувчидан қуйидагилар талаб қилинади. Булар:

- юксак ахлоқий ва инсоний фазилатлар;
- қучли ва кенг қамровли билим;
- методик мукамаллик ва сайқалланган касбий маҳорат;
- нутқ маданияти, нотиклик санъати ва имло саводхонлиги;
- мустақил ўз устида ишлаш ва тарих илмидан хабардорлиги.

Айтиш ўринлики, ўқитувчи меҳнати ва педагогик фаолияти кенг қамровлидир. У ўқитишнинг учта муҳим ижтимоий функцияси – таълим бериш, тарбиялаш ва шахсни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришга масъул. Бироқ умумтаълим мактабларида амалга ошириладиган машғулотлар ўқитувчининг амалий педагогик фаолияти билан етарли даражада боғланмаган. Умуман бу фикрни қуйдаги объектив ва субъектив сабабларга қўра изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича ўқув режасига киритилган мавзулар аксариятнинг мазмуни қисқа ва санокли мавзулар билан чегараланган. Ушбу вазият ўқитувчининг туризм соҳаси бўйича ўқувчиларга чуқурроқ билим беришга камлик қилади ва мавзуга оид умумий билимлар билан чегараланилади.

Иккинчидан, умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризмни ташкил этиш маълум бир чекланган маънода одатда иқтисодий масалалар танглигига бориб тақалади. Ваҳоланки психология илмидан бизга маълумки ўқувчиларда идрок қилиш жараёни ва хотирасида сақлаш процесси кўриш сезгилари орқали амалга оширилса узоқ муддатли ва эффектив натижалар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Айнан биз ушбу муаомони ечимини топиш мақсадида «Мактаб-оила- маҳалла» ҳамкорлик стратегияси асосида фаолият юритишни лозим топдик. Ва тажриба гуруҳларимизда биз респондент ўқитувчи ва ўқувчиларимиз билан ўзи яшаб турган худудий имкониятларидан келиб чиқиб «Юртим тарихий обидаларини ўрганаман» шиори остида Бухорои шарифнинг тарихий обидалари: X асрда қурилган Исмоил Сомоний мақбараси, Арк қалъаси, Пои Калон меъморий мажмуи, Масжиди Калон иншооти, Масжиди Калон рўпарасида жойлашган Мири Араб мадрасаси, Бухоронинг маркази (16-17 асрлар) Лаби Ховуз Сарой, шаҳардан тахминан 4 км. ташқарида Бухоро сўнгги амирларининг ёзги саройи жойлашган «Ситораи Мохи хоса» мажмуаси, Чор Минор меъморий обидаси, Говкушон мадрасаси, Бухородаги жўйбор шайхлари томонидан бунёд этилган Абдуллаҳон мадрасаси, Масжиди Калон иншооти Минораи Калон (Қатта Минора) меъмorchилик намунаси, Бухоро шаҳрининг Лаби ховуз мажмуасининг шимолида жойлашган Қўқалдош мадрасаси меъморий ёдгорликлардан бири бўлган Абдулазизхон мадрасаси, Бухоро вилоятининг Вобкент туманида жойлашган Вобкент минораси, Бухоро шаҳрида жойлашган Муҳаммад Тарағай

Улуғбек томонидан бунёд этилган Моғаки Аттор масжиди XII асрда қорахонийлар ҳукмронлиги даврида бунёд этилган XVI асрда шайбонийлар сулоласи хонлари даврида қайта қурилган Улуғбек мадрасасига саёҳат уюштирдик. Айтиш ўринлики, тарих ҳам жараён ҳам бутун бир фан сифатида азалдан кишиларда миллий ғурур, ватанпарварлик, фахр ва ғурур каби олий фазилатларнинг шаклланишини таъминлашга муҳим омил бўлиб келган. Шу нуқтан назардан ўқувчилар Бухоро тарихини, унинг археологик қазилмалар натижасига эрамизгача бўлган даврда ҳудуднинг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган Бухоро Хитойдан Римгача олиб борувчи Буюк Ипак йўлининг энг муҳим чорраҳаларидан бирида жойлашганлиги тўғрисидаги маълумотларни билиб олдилар.

Тарихий адабиётлар таҳлилидан бизга маълумки, археологик ёдгорликлар ва ундаги топилмалар муайян бир халқнинг ўтмиши, тарихи, маънавияти ва қадриятларини ўзида акс эттиради. Шу боис дунёнинг барча давлатларида археологик ёдгорликлар ва уларда қайд қилинган ноёб топилмаларни сақлаш ва келажак авлодга етказиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Биз тадқиқотларимиз давомида Самарқанд шаҳрининг музей кўриқхоналари, тарихий қадамжолари, тарихий мажмуаларини ҳам респондентларимиз билан биргаликда ўрганиб чиқдик. Булар:

Самарқанднинг музей-кўриқ хонасининг таркиби	Самарқанднинг тарихий қадамжолари	Самарқанднинг тарихий мажмуалари
Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи;	Самарқанд – Амир Темуր давлатининг пойтахти;	Хожа Аҳрор Валий мажмуаси ;
Самарқанд вилояти табиати ва тарихи музейи;	Регистон ансамбли Улуғбек мадрасаси (1417 – 1420);	Шердор мадрасаси;
Афросиёб – самарқанд шаҳар тарихи музейи ;	Шердор мадрасаси (1619-1636);	Тиллақори мадрасаси;
Мирзо Улуғбек музейи мажмуаси;	Тиллақори мадрасаси (1646-1660);	Шоҳизинда ансамбли;
Садриддин Айний уй музейи;	Афросиёб шаҳарчаси Амир Темуր жомеъ масжиди (1399 – 1404);	Имом ал-Бухорий комплекси;
Каттақўрғон шаҳар тарихий ўлкашунослик музейи;	Амир Темуր мақбараси Сароймулкхоним мақбараси;	Бибихоним мақбараси;
Иштихон туман тарихи музейи;		Амир Темур мақбараси;
Пахтачи туман тарихи музейи;		Хожа Абду Дарун мақбараси;

Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг Амир Темур (Бибихоним) жомеъ масжиди; Ҳазрати Хизр мажмуаси; Нодир Девонбеги мадрасаси; Хожа Дониёр мақбараси; Абу Мансур ал Мотурудий зиёратгоҳи; Чорчинор зиёратгоҳи саёҳатлар уюштирдик. Шоҳи Зинда мажмуаси; Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейи; Фавсули Аъзам зиёратгоҳи; Шайх Худойдоди Вали зиёратгоҳи; Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи, Гўри Амир мақбараси; Улуғбек мадрасаси; Регистон майдони. Ўқувчи ёшларимиз саёҳатларимиз

давомида ички туризмнинг ижобий томонларини, мамлакатимиз сайёҳлик қўлами ва тарихий обидаларининг қўплиги жиҳатдан дунёда олдинги ўринлардан бирида туриши билан фахр хиссини туйдилад, бу эса ички туризм воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга муҳим педагогик аҳамият қасб этади деган илмий хулосага келишимизга асос бўлди.

Шунингдек биз тадқиқотлар жараёнида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини контекстида таълимнинг анъанавий уч элементи: «Билим – Кўникма – Малака»ни олтита бирлик: «Билим – Кўникма – Малака – Амалий фаолият тажрибаси – Тарихийлик тамойили – Миллий қадриятлар» тарзида педагог олим Б.Ходжаев таълимотига таяниб такомиллаштирдик/

Бизнинг назаримизда, ўқувчи томонидан қабул қилинаётган реал ҳаётнинг образининг ташқи муҳитни тўғри қабул қилиш даражаси, имконият факторлари билан боғлиқ бўлади. Бошқа сўз билан айтганда, қабул қилиш чегараси бу яхши ва ёмон тушунчаларни англаш хусусиятига боғлиқ. Тадқиқотларимиз давомида биз «..... ёшларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда туризм масканлари билан таништириш» га хизмат қиладиган умумтаълим мактаблари ўқув режасига киритилган мавзулар билан қизиқдик. Дарсликларда қуйидаги ахвол кўзга ташланди:

А) 8-синф География дарслиги (П.Мусаев. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси, Т.: Шарқ, 2019 й)

35-дарс. Мавзу: Ўзбекистонда рекреация ва туризм. 99-101 бетлар.

Шунингдек, 7-синф География дарслигига «Ўзбекистонда экотуризм» мавзусини киритса мақсадга мувофиқ бўлади.

Б) 7-8-9-синфнинг Ўзбекистон тарихи дарсликлариде берилган мавзуларнинг «Ташқи алоқалар ва савдо» деб номланувчи бўлимида туризмга оид маълумотлар келтириб ўтилган. Масалан: 7-синфнинг Ўзбекистон тарихи дарслиги (А.Мухаммадзонов, 2017 йил) 33-параграф Амир Темурнинг ташқи сиёсати деб номланувчи мавзусида Амир Темурнинг Миср, Усмонли турклар, Франция, Англия, Испания каби мамлакатлар билан элчилик алоқаларини амалга оширгани тўғрисида маълумотлар келтирилган. Франция қироли Карл VI га йўллаган мактуби ва бунга жавобан француз қиролининг жавоб мактубида икки мамлакат фуқаролари учун эркин савдо, маданий, сиёсий алоқаларни йўлга қўйиш борасида келишувга эришганлиги тўғрисида маълумот келтирилган.

В) Умумтаълим мактабларининг Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари дарсликлариде келтирилган мавзулар ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Г) Умумтаълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари учун мўлжалланган Адабиёт дарсликларидеги мавзулар орқали ҳам туризм воситасида ўқувчиларда ватанпарварлик ғоясини шакллантириб ва ривожлантириб англашиш мумкин. Масалан 5-синф Адабиёт дарслигидеги 21-саҳифада келтирилган Имом Бухорий ҳаёти ва ижоди мавзусини имом Бухорий мажмуасига сайёҳат уюштириш орқали ўтилса, ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш самарадорлиги ошади.

Айтиш ўринлики, умумтаълим мактаблариде 8-синф «География дарслиги» (П.Мусаев. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси, Т.: Шарқ, 2019 й) 7-8-9-синфнинг «Ўзбекистон тарихи» дарсликлариде берилган мавзуларнинг ташқи алоқалар ва савдо деб номланувчи бўлимида туризмга оид маълумотлар келтириб ўтилган, шунингдек «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» 5-9-синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Адабиёт» дарсликлариде келтирилган мав-

зулар ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган. Бироқ юқорида қайд этиб ўтилган дарсликларимизда ва умумтаълим мактаблари ўқув режасида туризмни ривожлантириш масалаларига жуда кам ва санокли соатлар ажратилган бўлиб, бу ўқув соатлари аждоқларимиз томонидан яратилган илмий, маънавий, маданий, диний меросимизни мазмунан чуқур ва атрофлича ўрганишга камлик қилади.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш 5 – 9 синф ўқувчиларида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни тақозо этади:

- ўқувчилар экскурсия туризми воситасида ўз Ватани тарихини ўрганиб бориши жараёнида миллий қадриятларимизни чуқур ва онгли равишда эгаллаши, шунингдек, интеллектуал – ахлоқий камол топишини ривожлантириш;
- жаҳон ва Республикамиз халқларининг эришган бой тарихий, маънавий, маданий, ахлоқий қадриятлари билан таништириб ўқувчиларда миллий мафкура ва ватанпарварлик каби олий ҳисларни камол топтириш;
- «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», «Адабиёт», «География», «Ўзбекистон тарихи» фанларини сифатли ва мазмунли ўқитилиши учун ўқитувчиларни замонавий ўқитиш технологияларини таълим жараёнида қўллаш олиш кўникмаларини ривожлантириш;
- ўқувчиларда экскурсия туризми ҳақида тўлиқ тасаввурни вужудга келтириш ва ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш мақсадида ички туризмни амалиёт билан интеграциялашувини таъминлашга эришиш.

Шундай қилиб, биз педагог, психолог ва философ, тил, адабиёт, социолог, ҳуқуқшунос олимлар томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш, ҳамда таҳлил этиш натижасида экскурсия туризми ва ватанпарварлик тушунчаларининг мазмун моҳиятини аниқ ва чуқур ўрганишга муваффақ бўлдик. Бу эса, ўқувчиларда экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш тушунчасининг педагогик мазмуни типологиясини яратишга асос бўлди.

Мазкур типология асосида (типология - билиш методи бўлиб, унинг асосида объектлар тизимини тақсимлаш ва идеал моделлар ёки типлар ёрдамида уларни кейингилар учун гуруҳларга ажратиш, шунингдек типологик тасвирлаш натижасидир) умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш модели диссертациянинг тажриба-синов ишлари босқичида илмий-назарий гипотеза тарзида амалиётга татбиқ этилди ва синовдан ўтказилди. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда узвийликни таъминлаш тизими «Мактаб-маҳалла-оила» ҳамкорлик стратегияси мазмуни асосида такомиллаштирилди.

Муаллифлик ёндашуви асосида: умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш тушунчасининг педагогик мазмунини қуйидагича тасниф этдик: умумтаълим мактаби → ўқувчи ёшлар → жамият → ватанпарварлик туйғусини шакллантириш → ўз ўзини англаш → ички туризмни ривожлантириш → халқаро туризм → кирувчи туризм → чиқувчи туризм → рекреацион туризм → соғломлаштирувчи дам олиш туризми → илмий туризм → малакавий иш туризми → спорт туризми орқали → ўқувчиларни ўз аждоқлари ва Ватани тарихини билиши → «Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Хива

— Нукус»; «Тошкент — Гулистон — Жиззах — Самарқанд — Қарши — Термиз»; «Кўқон — Фарғона — Андижон — Наманган» вилоятларига мактаб, оила, маҳалла билан ҳамкорликда зиёрат туризмини ривожлантиришдаги узвийлиги таъминлашни, улар давомийлиги ва устуворлигини талаб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш тузилишига кўра ижтимоий муносабатлар ва инсоният фаолиятининг турлари билан белгиланади. Ўқувчилар фаолияти қанчалик хилма-хил, уларнинг ижтимоий муносабатлари қанчалик бой бўлса, ўқувчиларнинг дунёқараши ва қизиқишлари ҳам шунчалик бой ва мураккаб бўлади.

Биз юқорида қайд этган мактаб ўқув режасидаги туризм мавзусида ажратилган соатлар бугунги кун талаби даражасида эмаслигини қайд этган ҳолда туризм тизимини ривожлантириш бўйича мактабларда «Ёш саёҳатчи ватанпарварлар» тўғари ташкил этилса деган хулосага келдик ва тажриба синов ишлари жараёнида мазкур тўғарак фаолиятини йўлга қўйишга эришдик. Мазкур тўғаракларда куйидаги вазифаларини ижросини таъминлаш зарурияти тадқиқот доирасида ўрганиш имкониятини яратди.

«Ёш саёҳатчи ватанпарварлар» тўғари фаолияти доирасида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда:

- туризм фаолияти соҳасидаги умумтаълим мактаблари Уставидан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризмни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни имплементация қилиш;
- умумтаълим мактабларида туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш;
- «Таълим муассасаси– маҳалла- оила» жамоат кенгаши ҳамкорлигини кучайтириш орқали ички туризмни ривожлантириш;
- Она ўлка тарихи, археологик ва маданий меросни чуқурлаштирилган ҳолда ўрганиш, мамлакатнинг табиий бойликлари билан танишиш, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги билимлар асосини эгаллашга йўналтирилган умумтаълим мактаблари ва «Баркамол авлод» болалар марказларининг фаолиятини кучайтириш ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Тадқиқотлармиз давомида биз, «Қодирий издошлари», «Ёш ватанпарварлар», «Ёш саёҳатчилар», «Тарихий меросимизни ўрганамиз», «Биз буюк Темур авлодларимиз», «Ватан тарихини қандай ўрганмоқ керак», «Тарих ўтмиш ва келажак кўзгусида» мавзуларида иншо ёзиш тадбирларини амалга оширишга эришдик.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудий микёсда ички туризмни тарғиб қилиш бўйича «Юртим бўйлаб саёҳат қиламан» мавзусидаги энг яхши иншо сценарийси бўйича танлов ўтказиш, Шарқ мутафаккирлари ватанпарварлик тарбияси борасида тўпланган тарихий тажрибани илмий-назарий ўрганиш, хулоса ва тавсияларни амалиётга тағбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшлар туризмини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (ID- 11004 лойиха интернет манбаси асосида)

## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришнинг амалиётдаги аҳволи ва дидактик имкониятлари, ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш мезонлари, тамойиллари илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада муаллиф томонидан ўқувчиларда экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш тушунчасининг педагогик мазмуни типологияси яратилганлиги ва ўқувчиларда экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришнинг амалиётдаги аҳволи атрофлича таҳлил қилинган.

## РЕЗЮМЕ

В этой статье с научной точки зрения освещаются состояние механизмов совершенствования формирования патриотических чувств у учащихся средством экскурсионного туризма на практике и дидактические возможности, критерии и тенденции механизмов совершенствования формирования патриотических чувств у учащихся средством экскурсионного туризма. Также в статье с авторской точки зрения всесторонне рассматривается возникновение типологии педагогического содержания понятия формирования патриотических чувств у учащихся средством экскурсионного туризма и состояние механизмов совершенствования формирования патриотических чувств у учащихся средством экскурсионного туризма на практике.

## SUMMARY

This paper attempts to shed light on the conditions of the current practical applications of giving public schoolchildren a sense of patriotism by means of tourism excursions and their didactical effects. Moreover, the article gives an account of the principles of improving the current state of the trend. The author of the paper also argues that the pedagogical typology of encouraging nationalistic sentiments among pupils has been created.

## БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРДА ИНКЛЮЗИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

*Усмонова Д.Т.*

*Навоий давлат педагогика институти*

*Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** талаба, инклюзив таълим, ижобий, муносабат, ривожлантириш, инклюзив мактаб, болалар боғчаси, интеллектуал салоҳият, тафаккур, маънавият, тарбия, «компетенция», «компетентлик», мустақил тафаккур, замонавий дунёқараш, бўлажак педагоглар.

**Ключевые слова:** ученик, инклюзивное образование, позитив, установка, развитие, инклюзивная школа, детский сад, интеллектуальный потенциал, мышление, духовность, воспитание, «компетенция», «компетентность», независимое мышление, современное мировоззрение, будущие педагоги.

**Key words:** student, inclusive education, positive, attitude, development, inclusive school, kindergarten, intellectual potential, thinking, spirituality, upbringing, «competence», «competence», independent thinking, modern worldview, future teachers.



XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиб келинган. Педагоглардан, бугунги мураккаб замонда ёшларга замон руҳида таълим бериш билан бир қаторда, бўлажак педагогларда инклюзив компетентликни ривожлантириш ишларни ҳам амалга ошириши талаб этади. Таълим-тарбия жараёниларида янги пед технологияларни қўллаш замон талабига айланди. Бу таълим жараёнини ҳозирги фан-техника ютуқларидан орқада қолмаслиги учун унинг талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тарбиялашни тақозо этади. Бу ўқитувчилар олдида ҳам янги талабларни қўяди. Замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси эканлигини чуқур ҳис этиши лозим. Бу ундан мустақил тафаккурга ва замонавий дунёқарашга эга бўлишни тақозо этади.

Айтиш ўринлики, ҳар қандай мутахассис ва тадқиқотчи ўз илмий ёндашувига эга бўлса-да, уни психик тараққиётнинг манбалари ва қонуниятлари билан боғлиқ муаммолар қизиқтирган. Психолог ва педагогларнинг ушбу муаммоларни ўрганиш соҳасида қўлга киритган янгиликлари болалар онги ва интелектуал ривожланиши, шу жумладан, инклюзив таълимнинг тараққиётига хизмат қилади.

Бўлажак педагогларда инклюзив компетентликни ривожлантиришдан асосий мақсад – ўқитувчи, тарбиячи ва талабаларга инклюзив таълимга нисбатан ижобий муносабатни ривожлантириш, инклюзив мактаб ёки болалар боғчасида қандай билим ёки малакалар зарурлигини англаш, инклюзив таълим амалиёти ҳақида тушунчага эга бўлган ҳолда амалиётни қандай ташкил этиш зарурлигини билишларига ёрдам беришдан иборат. Педагогик адабиётлар таҳлилидан биламизки инклюзия – бу кишилар жамият ҳаётида иштирок этиш жараёнидаги шарт-шароитни яхшилаш ва айни пайтда натижага эришиш демакдир. Бу катталар ва болалар ҳам ҳаётига тегишли қарор чиқаришларида ўз фикрларига эга бўлишларини, жамиятнинг барча жабҳаларида иштирок этишлари мумкинлигини қафолатлайди. Таълим ҳақида сўз юритганимизда, инклюзия имконияти чекланган болаларнинг барча болалар каби мактабга боришларини, шу билан бирга ўқувчи сифатида яхши натижаларга эришишлари учун зарур бўлган махсус ишлаб чиқилган таълим ва мадад олишларини тушунамиз.

Мавуз моҳиятидан келиб чиқиб «инклюзив» ва «компетентлик» тушунчаларининг мавзу моҳиятига тўхталиб ўтсак. Илмий адабиётларда «компетентия» ҳамда «компетентлик» тушунчалари қўлланилади. Педагог олимлар И.В.Лёхина ҳамда Ф.Н.Петровлар «Компетентия» тушунчаси латин тилидан олинган бўлиб, *competentia* – «тегишли», «билгилли бир соҳани билувчи», «тўлиқ ҳуқуқга эга», «муайян бир шахс ёки корхонанинг тўлиқ ҳуқуқга эгаллиги», «шахснинг билимлари ва тажрибалари атрофидаги масалалар»- деган маъноларни билдирса, компетентлик тушунчаси ўз билимлари ва ҳуқуқларига суянган ҳолда муайян бир масалаларни ҳал этиш ва еча олишга лойиқлиги, фикр юрита олиш малакасига эга эканлигини билдиради.

Психолог олим Б.Д.Эльконин эса компетентликни мутахассиснинг билимлилик, касбига мос бўлиш, малакаси, бой тажрибага эга бўлиш, жавобгарликни, педагогик фаолиятга синдириб бориш, ўз соҳасининг устаси бўлиш ва унинг сирларини чуқур билиш билан боғлиқ эканлиги ҳақида фикрларини баён этган.

Ҳўш бўлажак педагогларда инклюзив компетентликни ривожлантиришнинг концептуал асосларини нималар ташкил этади. Инклюзив таълим нима? Инклюзив таълим бу барча ўқувчилар, шу жумладан имконияти чекланганлар ҳам ўз туманла-

ридаги умумтаълим мактабларида оддий синфларда, ёшларига мувофиқ билим олиш учун керак бўлган ёрдамни олганлари ва мактаб ҳаётидаги барча жабҳаларда иштирок этишлари ҳамда ўз хиссаларини қўшишларини аниқлашади. Инклюзив таълим барча ўқувчиларга – таълимда асосий эҳтиёжга муҳтож бўлган ва бўлмаганларга ҳам ижобий тарзда тарбиявий ва ижтимоий таъсир қилади. Инклюзив таълим, шунингдек, болалар боғчаси, мактаб дастури барча болалар мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги тадбирларда иштирок этишларини таъминлайдиган тарзда ишлаб чиқилганлиги ҳамда лойиҳалаштирилганлигини аниқлашади.

Инклюзив таълим тенглик, ижтимоий ҳаққонийлик, демократия ва иштирок этишлик билан боғлиқ. Мактабдаги ўзлаштирмасликнинг пасайиши ҳамда ноҳақликнинг камайиши нафақат иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликда, балки камбағалликнинг камайиши ҳамда социал интеграцияни кучайишида ҳам ҳал этувчи мазмунга эга.

Демак, бўлажак педагогларда инклюзив компетентликни ривожлантиришда муайян бир соҳа мутахассисининг касбий тайёрлиги, салоҳиятлилиги ва касбий етуқчилигини баҳоловчи норма ҳисобланади.

Инклюзия таълим жараёнида ва жамиятда имконияти чекланган болаларнинг тўсиқларга дуч келмасликлари учун чоралар қабул қилишни аниқлашади. Инклюзия дискриминацияни бартараф этишни ва тенгликни ривожлантиришни ўз ичига олади. ЮНЕСКО инклюзияни «барча ўқувчиларнинг ўқишга нисбатан ортаётган иштирокларига, турли эҳтиёжларига эътибор бериш ва алоқага киришиш, маданий алоқа ва мулоқот жараёнидаги «ўзига ҳослик» жиҳатларини камайтиришга қаратилган жараён» деб белгилайди. Бунинг ичига болаларни ёш тоифасига қўра қамраб олган ва мавжуд тизим барча болаларни таълим олишлари учун масъулдир деган ғояни илгари сурган; мазмуннинг, муносабатнинг, тузилманинг, умуман олганда стратегиянинг ўзгариши ва ўзгартирилиши киради.

Бўлажак педагогларда инклюзив компетентликни ривожлантиришда педагогик коммуникативлик алоҳида ўрин эгаллайди. Коммуникатив, яъни педагогик фаолиятни олиб бориш воситаларидан фойдаланиш малакасига эга бўлиш. Ўқитувчининг билимлар бағажи, маданияти, ўқитишнинг индивидуал стиллари педагогик фаолиятнинг воситалари сифатида тушунилади ва ҳ.к.

Шу билан бир қаторда педагоглардан:

- ўқув фанини яхши билиши, ўзида билиш фаоллигини ошириб бориш;
- эркин, чуқур ва танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлишни ;
- ташкилотчилик, конструктивлик қобилиятларга ҳамда гуманистик қарашларга эга бўлиш;
- ўз ишига жавобгарлик билан қараш, фидоийлик ва ташаббускорлик кўрсатишни ҳам талаб этади.

Бу каби вазифаларни бажаришда:

- биринчидан педагогларда ўз касбига бўлган фаол мотивациянинг шакллانганлиги;
- иккинчидан эса ўзларининг касбий фаолиятини доимо ривожлантириб бориш талаб этилади.

Бўлажак педагогларда инклюзив компетентликни ривожлантиришда нима-ларга эътибор бериш керак деган ҳақли савол туғилади. Буни биз инклюзив мактаб ўқитувчиси ва инклюзив боғчада тарбиячиси қандай сифатларга эга бўлиши керак? саволига жавоб излаш орқали кўриб чиқамиз. Инклюзив таълимда ўқитувчининг касбий маҳорати бош омил ҳисобланади. Ўқитувчи инклюзив тафаккурга эга бўлиши ва таълим сифати масъулиятини ўз зиммасига олиши шарт. Инклюзив таълим бериш

ҳамда ўргатиш бўйича барча ўқитувчилар ишининг сифати тўрт асосий мезонда белгиланган:

1 Ўқувчиларнинг турли тоифада эканлигига қарамай бир хил ҳурмат – Ўқувчилар турли тоифада бўлишларига қарамай, уларга таълим бериш имтиёзи ва имконияти сифатида қаралади. Бу ўз бошқалардан ташқари инклюзияга нисбатан ижобий муносабатни, ўзгача талабни тушунишни, барча болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя ва ҳурмат қилишни, ўқувчиларнинг турли эҳтиёжларига нисбатан ҳурмат ҳамда ҳамдардликни, таълим тизимининг ушбу соҳасига қизиққанлар ва ҳамма ўқувчилар билан тил топиша олишни ўз ичига олади.

Барча ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш – ўқитувчилар барча ўқувчилар мувафакқиятга эришишлари учун улкан умидларни сингдиришади. Бу гетероген синфлардаги ўқувчиларга академик, ижтимоий, ҳиссий таълим беришда ўқитишнинг самарали йўллари топишни ўз ичига олади. Коммуникатив малакалар муҳим аҳамиятга эга: ўқитувчи таълим беришда асосий таълим эҳтиёжларига эга ўқувчиларни далда бериш учун қўллаб-қувватловчи ва муқобил услублардан, мулоқотнинг турли усул ҳамда шаклларида, ўқув услубияти, материалларидан фойдаланади. Бошқалар билан ҳамкорликда ишлаш – барча ўқитувчилар учун ҳамкорлик ва ўзаро фикр алмашиш муҳимдир. У ўз ичига ота-оналар ва оилалар, шунингдек, бир қатор таълим, ижтимоий, тиббий ходимлар билан ҳамкорликни ўз ичига олади. Касбий фаолиятини доимий такомиллаштириш. Бунга ўқитувчи ўз фаолиятини тизимли баҳолаб бориши, мунтазам малакасини ошириши, алоҳида таълим эҳтиёжлари бор болаларнинг интизомли ва муассасалараро гуруҳлари билан самарали ишлаш учун лидерлик ҳамда бошқарув малакаларини қўллаш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, кенг қамровли мактаб ҳамкорлигини йўлга қўйишга эришишда ёрдам бериш қиради.

Хулоса қилиб айтганда бўлажак педагогларда инклюзив компетентликни ривожлантириш, ёрдамга муҳтож болалар умумтаълим шароитида ўқитишда ўқув тарбия жараёнини мослаштириш, инклюзив таълим тизимида ўқув тарбия жараёнининг ташкил этишига индидуал ёндашиш, яъни: кўришда нуксони бўлган болалар инклюзив таълимида дарс жараёнини мослаштириш, эшитишда нуксони бўлган болалар инклюзив таълимида дарс жараёнини мослаштириш, таянч ҳаракат аъзоларида муаммолари бўлган болалар инклюзив таълимида дарс жараёнини мослаштириш, енгил даражадаги аклий ривожланишида муаммоси бўлган болалар инклюзив таълимида дарс жараёнини мослаштириш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Тадқиқотларимиз жараёнида таълим мазмунини болалар эҳтиёжлари ва имкониятларига мослаштиришда, таълим сифат ва самарадорлигини оширишда бўлажак педагогларда инклюзив компетентликни ривожлантириш орқали кўзланган педагогик мақсадга эришиш ва инклюзив таълим усули барча болаларнинг руҳий-жисмоний ҳолатидан қатъий назар таълим жараёнида тўлақонли иштирок этишни таъминлашга қулай имконият яратишлиги аниқланди.

Адабиётлар:

1. Краткий словарь иностранных слов. (Под редакцией И.В.Лёхина и проф. Ф.Н.Петрова. 5-переработанное и дополненное издание. Государственное издательство иностранных и национальных словарей. –М.: 1950г. -456с. стр.174).

2. Туре Йонссон. Инклюзив таълим (Ўқитувчилар учун методик қўлланма). ЮНЕСКО халқаро ташкилоти «Оперейшен Мерси» Халқаро Ташкилоти, Республика таълим маркази. Тошкент, 2003.

3. Девид Байн. Ривожланаётган мамлакатларда ногирон болаларни баҳолаш. Дастур ва кўрсатмалар. Канада. Алберт университетининг педагогика факультети, 1991.
4. Кристин Майлз. Канада. Жамиятдаги ногирон одамларни ўқитиш. Мактаб ўқитувчиларига қўлланма, 1991.
5. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: «Политическая литература», 1975. –С. 235-302.
6. Выготский Л.С. Дефект и сверхкомпенсация. // «Проблема дефектологии». Москва, 1996.
7. Крыжановская Л.М. Психологическая коррекция в условиях инклюзивного образования. Пособие для психологов и педагогов. – М.: «Владос», 2013.
8. Каждаспаров Г.М., Каждаспаров А.Г. Педагогический словарь. – М.: «Просвещение», 1998.

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак педагогларда инклюзив компетентликни ривожлантиришни концептуал асослари, таълим жараёнини ташкил этишни методик имкониятлари илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, инклюзив таълим ривожланишини ўрганиш педагогика ва психология фанида янги, энг долзарб муаммолардан бири эканлиги, талабаларга инклюзив таълимга нисбатан ижобий муносабатни ривожлантириш, инклюзив мактаб ёки болалар боғчасида қандай билим ёки малакалар зарурлигини англаш, инклюзив таълим амалиёти ҳақида тушунчага эга бўлган ҳолда амалиётни қандай ташкил этиш зарурлигини билишларига ёрдам бериш масалалари атрафлича ёритиб берилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье описаны концептуальные основы развития инклюзивной компетентности у будущих учителей, методологические возможности организации учебного процесса с научно-теоретической точки зрения. В статье также обсуждается развитие инклюзивного образования как одной из самых новых и актуальных проблем педагогики и психологии, формирование позитивного отношения к инклюзивному образованию, понимание того, какие знания или навыки необходимы в инклюзивной школе или детском саду, как организовать практику с пониманием практики инклюзивного образования. проблемы, чтобы помочь им понять необходимость протянуть руку помощи.

## SUMMARY

The article describes the conceptual foundations of the development of inclusive competence in future teachers, the methodological possibilities of organizing the educational process from a scientific and theoretical point of view. The article also discusses the development of inclusive education as one of the newest and most pressing problems of pedagogy and psychology, the formation of a positive attitude towards inclusive education, understanding what knowledge or skills are needed in an inclusive school or kindergarten, how to organize practice with an understanding of the practice of inclusive education. problems to help them understand the need to lend a helping hand.

## КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ОИЛАДА СОҒЛОМ МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

*Давронова Д.С.*

*ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси*

*Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)*

**Таянч сўзлар:** креатив ёндашув, такомиллаштириш, оила, соғлом маънавий муҳит, барқарорлаштириш, педагогик имкониятлар, халқнинг истиқболи, маданий

тараққиёт, ёшлар, тарбия, инсон, олий кадрят никоҳ, оила институти, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, оилавий садоқат, эътиқод, ахлоқий-маънавий асос, оилавий маданият, анъана.

**Ключевые слова:** творческий подход, совершенствование, семья, здоровая духовная среда, стабилизация, педагогические возможности, перспективы людей, культурное развитие, молодежь, воспитание, человеческий, ценный брак, институт семьи, правосознание, правовая культура, семейная верность, вера, нравственное и духовное основа, семейная культура, традиция.

**Key words:** creativity, improvement, family, healthy spiritual environment, stabilization, pedagogical opportunities, people's perspectives, cultural development, youth, education, human, valuable marriage, family institution, legal awareness, legal culture, family loyalty, faith, moral and spiritual foundation, family culture, tradition.

Қадимдан оила маънавий тарбиянинг кудратли воситаси бўлиб келган ижтимоий институтлардан бири ҳисобланади. Давлат ва халқнинг истикболи, маданий тараққиёти ва тақдири қандай бўлиши кўп жиҳатдан ёшларнинг бугун қандай оилада ва қандай тарбия олишига, уларнинг маънавий баркамоллик даражасига боғлиқ.

Бугунги кунда оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, оиладаги маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш йўналишида ижобий ишлар амалга оширилди, давлат дастурлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар амалда оилани мустаҳкамлашнинг қонуний, ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга, барча оилаларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уни амалда бажаришнинг қонуний-меъёрий базасини янада кучайтиришга реал имкониятлар яратилди.

Оила маънавий кадрятларни шакллантиришда, миллий урф-одат ва анъаналарни ёш авлод онгига сингдиришда, уларни жисмонан баркамол, маънан етук, меҳроқибатли инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим ўрин эгаллаб келади. Шунинг учун ҳам соғлом ва мустаҳкам оилаларни шакллантириш орқали маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш – фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумжаҳон аҳамиятига молик эҳтиёж ҳисобланади. Маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш оила, давлат ва жамиятнинг муҳим муштарак вазифаларидандир.

Глобаллашув шароитида жаҳон ҳамжамиятида оилани мустаҳкамлаш дунё миқёсида бош масала даражасига кўтарилган муаммолардан бири деб ҳисобланмоқда. Шундан келиб чиқиб, креатив ёндашув асосида оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштиришнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш, ҳар бир инсон учун олий кадрят бўлган оила муаммоларини аниқлашга, уларнинг ечимини топишга, никоҳ ва оила институтининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган фаолият кучаймоқда.

Педагогик лугатларда креатив ёндашув, креатив компетентлик (инг. «create» яратувчанлик, ижодкорлик) деган маъноларни билдиради. Компетентликнинг бу тури янгилик яратиш, ижодкорлик ва ташкил этиш сингари кўникмаларга эга бўлиши билан боғлиқ. Алоҳида эътироф этиб ўтиш лозимки, креативлик фақатгина янги ғояларни яратиш учунгина эмас, балки шахснинг турмуш тарзи ва маънавиятини юксалтириш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Креатив ёндашув асосида оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш оилалар аҳиллиги ва мустаҳкамлигига эришишга пойдевор вазифасини бажаради.

Дунёда болалар ҳуқуқ ва манфаатларини халқро миқёсда ҳимоя қилишга қаратилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Халқаро Оила қуни» резолюцияси, ЮНЕСКОнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияси, «Минг йиллик ривожланиш» ҳамда «Болалар ҳаёт кечириши учун мақбул дунёни яратиш тўғрисида»ги декларациялари вояга етмаган боланинг жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланишини таъминлаш, бола ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни шакллантириш, миллий қонунчиликда болалар манфаатларини муҳофаза этишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўз навбатида, оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштиришда, оилаларда ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, болаларни маънавий таҳдидларга нисбатан мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда оила институти фаолиятини ривожлантириш, маънавий қадриятлар тарғиботи ва аҳамиятини ошириш, меъёрий-ҳуқуқий таъминотни такомиллаштириш ва моддий-техник шароитларни яхшилашга қаратилган ислохотлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг оилалардаги иштироки ва ўрини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнлари олдига қўйилган маънавий барқамол шахсни тарбиялаш мақсадини амалга ошириш имкониятини кенгайтирди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётини нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш» каби устувор вазифалар белгиланиб, бу борада оила институти ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий таъминотни бойитиш, оилада болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мазмуни такомиллаштириш, «Ота-оналар университети» жамоатчилик тузилмасининг ҳамкорлик функцияларини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 229-сон Қарорида оналарнинг фаровонлигини яхшилаш, гендер тенглигини ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга олиб келиши, оилаларга ёрдам бериш уларнинг тўлиқ потенциалини рўёбга чиқаришга ёрдам бериши масалалари устувор вазифалар қаторида белгилаб берилган.

Айтиш ўринлики, ҳозирги даврда инсоният маънавиятидаги ўзгаришлар оилага тегишли айрим глобал муаммоларни келтириб чиқарди. Баъзи мамлакатларда асрлар давомида шаклланган бурч, оилавий садоқат, эътиқод каби ахлоқий-маънавий асосларга, оилавий маданият ва анъаналарга беписандлик, никоҳга ҳурматсизлик қарашлари нисбатан кучайди, болалар ва кекса ота-оналарни болалар ва қариялар уйига жойлаштириш ҳоллари ортди.

Оила шаънини улуғлаш, авлодлар анъаналарини қадрлаб, уларга содиқ бўлиш каби миллий фазилатлар ўз қадрини йўқотмоқда. Оилага муносабат борасидаги бундай маънавий таназзул қўплаб мамлакатларни камраб олди. Бу эса янги авлодларда баъзи зарарли одатлар: чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳвандлик, аёллар ва болалар жиноятчилиги, ажримлар каби иллатларнинг урчиб кетишига олиб келди. Оиланинг қадрсизланиши инсоният маънавий ҳаётининг давомийлигида қўплаб муаммолар пайдо бўлишига олиб келишини тарих исботлади.

Бир сўз билан айтганда, ўзига хос ижтимоий бирлашма бўлган оилага эътибор жамият ва давлат ҳаётининг доимий тарздаги муҳим масалаларидан бири саналади. Биринчи Президентимиз И.Каримов «Энг муҳим вазифа – халқчил, адолатпарвар

жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат кадрини биладиган, маънавий соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади» деган пурмаъно фикрларида мамлакатимизда ҳар бир оила фаровонлигини, барқарор турмуш тарзини мустақкамлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги ёшларни етук инсон бўлиб камол топишларида оилавий тарбиянинг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатади.

Оила маънавият, тарбия ўчоғи, жамиятнинг асосий бўғини эканига урғу бериб О.Мусурманова «инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳиссий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади» деб таъкидлайди. Кишида ўзгаларга ҳурмат, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш туйғуларини ривожлантиришда ота-онанинг эътибори ва тарбияси муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик адабиётлар таҳлилидан биламизки, тарбия шахс онгини муайян жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни бўлиб, у оила тарбияси, ижтимоий тарбия, ҳарбий тарбия, ҳуқуқий тарбия, диний тарбия, жисмоний тарбия, экологик тарбия ва бошқа турлари орқали кишиларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга қаратилган таъсирлар мажмуидир.

Тарбиянинг ушбу турларини уйғунлаштириб, фарзандини камолга етказган ота-оналар нафақат ўз келажакларини, балки Ватан келажакини ҳам ишончли қўлларга топширган бўладилар. Чунки маънан етук, фидокор ёшлар ўз оиласидан, авлодаждодларидан, ўз Ватани, халқи, тили, тарихидан ғурурланишга, миллат, Ватан тақдирини учун фидойилик қилишга қодир бўлиб вояга етадилар.

Креатив ёндашув асосида оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш омилларидан бири оиланинг асрлар мобайнида сақланиб келатган муқаддас анъаналар орқали ёшларимиз қалбида иймон-эътиқод, оила қаршисидаги масъулиятни ҳис қила билиш, оилавий ҳаётнинг мураккаб жиҳатларини англаш, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёрлаш масалаларига эътибор ортиши лозимлигини кўрсатади.

Тажриба ва кузатувларимиз жараёнида креатив ёндашув асосида оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш ишларини ташкил этишнинг амалдаги ҳолатини ўрганиш ижтимоий педагогик жараёнда қуйидаги ўзига хос хусусиятлар мавжудлигини намоён қилди:

биринчидан, ўзбек миллати тарбия анъаналари таркибида ҳар доим маънавият, яъни эзуликни ва зиёни кўриш, зиё тарқатиш хусусиятлари мавжуд бўлган. Оилада руҳий мафқуравий озуқа сифатида инсониятнинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари тарғиб қилинган ва тарбияланган. Бироқ мана шу таълим-тарбия жараёни айрим оилаларда мақсадли амалга оширилмаган; (Фикримиз исботи сифатида тадқиқотларимиз жараёнида болалардан «Шарқ мутафаккирларидан кимларнинг асарини мутаолла қилгансиз» деган савол билан мурожаат қилганимизда аксарият болаларимиз «елка қисийш» билан чегараланганлиги, ачинарли ва аянчли албатта)

иккинчидан, биламизки маҳаллалар таркибан оилалардан иборат. Ҳар бир оиланинг ижтимоий келиб чиқиши турлича бўлганлиги сабабли болаларнинг маънавий дунёқарашларини шакллантириш ёндашуви турлича кечади, айтиш ўринлики бирта оилада тарбия олаётган болаларнинг билим даражалари бир хил бўлмайди. Креатив ёндашув асосида маҳаллаларда ташкил этиладиган оилавий тадбирлар «КЕЧА-БУГУН-ЭРТАГА» тамойили асосида ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади;

учинчидан, бутунги кунда дунё миқёсида инсонларнинг ижтимоий ҳаёти ва яшаш тарзлари кескин ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Миллат, халқ ва мадани-

ятларнинг ўзаро алоқаси тезлашмоқда. Мазкур алоқаларда эса турли тушунмовчилик ва зиддиятларнинг келиб чиқиши ҳам кўпаймоқда. Шу билан бирга, турли тоифага мансуб бўлган оилаларда ҳам турли асоциал ҳолат ва вазиятларнинг вужудга келиши кузатилмоқда. Яъни ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи, кадриятларга ишониши, ҳаётга муносабати ва ўз эҳтиёжлари нуктаи назаридан бир маром ва бир турдаги ижтимоий воқелик бўла олмайди;

Дарҳақиқат бола шахсининг маънавияти унинг турмуш тарзини белгилайди. Унинг маънавияти негизи эса миллий ғурурдан иборатдир. Миллатидан, оиласидан, ватанидан, жамиятидан, урф-одатлари, анъаналари, маданиятидан ғурурланиш тарбиянинг маҳсулидир.

Хулоса қилиб айтганда, креатив ёндашув асосида оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш юзасидан олиб бориладиган тарбиявий ишларни мазмунан, шаклан ҳамда методик жиҳатдан ташкил этиш жамиятдаги барча институтларнинг ўзаро алоқаси ҳамда ҳамкорлигини тақозо этади. Ушбу ҳамкорлик қуйидаги занжир асосида амалга оширилади: оила-махалла – боғча- мактаб-ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими – олий таълим – мустақил таълим – меҳнат ва касбга тайёрлаш – мактабдан ташқари муассасалар – ижтимоий - ҳуқуқий муҳофаза ташкилотлари – мутасадди ташкилот ва идоралар – кенг жамоатчилик (ННТ).

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Мусурманова О. Оила маънавияти-миллий ғурур. –Т.: «Ўқитувчи», 1999 -199 б

3. Жамолдинова О., Нарбаева Т. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда ижтимоий лойиҳаларнинг аҳамияти. Ёшлар маънавияти ва соғлом турмуш тарзи. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Зиё, 2012. - 107-109 б/

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада креатив ёндашув асосида оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш педагогик имкониятларини такомиллаштириш, халқнинг истиқболи, маданий тараққиёти ва тақдири қандай бўлиши кўп жиҳатдан ёшларнинг бугун қандай оилада ва қандай тарбия олишига, уларнинг маънавий баркамоллик даражасига боғлиқ эканлиги илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек, ҳар бир инсон учун олий кадрият бўлган оила муаммоларини аниқлашга, уларнинг ечимини топишга, никоҳ ва оила институтининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган фаолият мазмуни ёритиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье объясняется с научно-теоретической точки зрения, что повышение педагогического потенциала для стабилизации здоровой духовной среды в семье на основе творческого подхода, будущее, культурное развитие и судьба людей во многом зависят от того, как молодые люди воспитываются в семье сегодня. Также освещается содержание мероприятий, направленных на выявление семейных проблем, представляющих большую ценность для каждого, поиск их решений, обеспечение стабильности института брака и семьи.

#### SUMMARY

This article explains from a scientific and theoretical point of view that increasing the pedagogical potential to stabilize a healthy spiritual environment in the family on the basis of a creative approach, the future, cultural development and the fate of people largely depend on how young people are brought up in the family today. It also highlights the content of activities aimed at identifying family problems that are of great value to everyone, finding their solutions, ensuring the stability of the institution of marriage and family.



## ЎҚУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ЖИХАТДАН ТАРБИЯЛАШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ, МАҲАЛЛА ВА ОТА-ОНАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

*Эватов С.*

*Фаргона давлат университети Педагогика кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** ўқувчи-ёшлар, маънавий-ахлоқий тарбия, таълим муассасаси, маҳалла, оила, ҳамкорликдаги фаолият, одоб-ахлоқ, ота-она, фарзанд тарбияси, етакчилик, тарбия мезонлари.

**Ключевые слова:** студенты, духовно-нравственное воспитание, учебное заведение, маҳалла, семья, совместная деятельность, этика, родители, воспитание детей, лидерство, образовательные критерии.

**Key words:** students, spiritual and moral education, educational institution, makhalla, family, joint activities, ethics, parents, parenting, leadership, educational criteria.

Инсониятнинг жамиятда яшаш тарзи, биринчи навбатда, унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланганлик даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам инсоният тарихида одоб-ахлоққа оид таълимотлар юзага келган. Ҳар бир соҳанинг, жумладан шахс тарбияси, унинг шаклланиш жараёнининг ҳар бир bosқичи учун ўзига хос меъёрий талаблар мавжуд. Бола тарбияси жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Тарбиянинг асосий ўчоғи оиладир. Тарбия фақат ота-онанинг шахсий ишигина бўлиб қолмасдан, балки уларнинг ижтимоий бурчи ҳамдир.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов жамиятнинг муҳим бўлаги бўлган оиланинг аҳамиятини ушбу сўзлар билан ифодалайди: «Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини тан олишимиз керак».

Ушбу ғояларни бевосита давом эттириб, Президентимиз Ш.Мирзиёев миллий ва маънавий кадрларимиздан келиб чиққан ҳолда оила институтини ривожлантириш, бу соҳада йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган бўшлиқ ҳамда муаммолар ечими юзасидан тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олдига долзарб вазифаларни қўяётгани бежиз эмас. Жумладан, жамиятнинг бетақрор ижтимоий тузилмаси ҳисобланадиган маҳалла институтини аҳолининг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш, унинг роли ва аҳамиятини ошириш; жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тиңчилик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш каби устивор йўналишларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармони қабул қилинди.

Болаларни оилада тарбиялаш давомида уларга ҳаёт ҳақидаги, одамларнинг яхши ва ёмон хулқлари, жамиятда бажарадиган ишлари ҳақидаги дастлабки тасаввурларни бериш лозим. Болаларнинг оиладаги фойдали одатларни ўзлаштиришлари ҳамда ҳаёт тажрибаларини орттиришлари улар тарбиясида улкан аҳамиятга эга бўлади.

Оилада болани тарбиялашда шундай хатоликлар учрайдики, улар фақат оиланинг ҳаётида эмас, балки жамият ривожига ҳам салбий таъсир этади. Оилада болани тарбиялашдаги хатоликлар турли-тумандир. Улар орасида кенг тарқалганларидан бири ота-оналарнинг ҳукмронликка интилишларидир. Боланинг ҳар бир қадами назоратга олинса, бу унинг хулқидаги мустақил ҳаракат қилиш каби хислатни йўққа чиқаради. Ўз кучига ва имкониятига ишонч йўқолади. Ички истак ва интилишлар шаклландимасдан итоат қилиш талаблари билан бостирилиб турилади. Айрим ҳолатларда ўта қаттиққўллик билан идора этиш бола шахсининг шаклланишига ва ҳаётда ўзи мустақил қарор қабул қилиш каби хислатларнинг таркиб топишига тўсқинлик қилади.

Ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга салбий таъсир қиладиган оиладаги ота-она томонидан қўйиладиган хатоликлар сирасига боланинг эрка бўлиб ўсиши, унга нисбатан бирор талабнинг йўқлигини ҳам киритиш мумкин. Бу ҳолда ота-оналар баъзан болаларнинг имкониятларига етарли даражада баҳо беришмайди ва уларнинг кўпгина ишларини ўзлари бажарадилар. Натижада болада маънавий-ахлоқий тарбиянинг таркибий қисмлари бўлган шахсий сифатлардан мустақиллик, меҳнат қилиш иштиёқи, топширилган ишга маъсулият ҳисси ривожланмай қолади. Бола ўзига мос ишни танлаб олиб, охирига етказа олмайди ва эркин бўлиб қолади.

Ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги қатта хатоликлардан яна бири, ота-оналарнинг тарбияда ҳамма нарса шартли ва сабабли эканини, тарбия узоқ жараён бўлиб, бу жараёнда бир қатор ўзаро боғлиқ бўғин, восита ва услублар, улардаги бирор бўғиннинг тушиб қолиши тарбия жараёнининг бузилишига олиб келишини билмасликларидандир.

Бугунги кунда узлуқсиз таълим тизими олдида турган энг асосий вазифа таълим-тарбиянинг таъсирчанлиги ва самарадорлигига эришишдан иборатдир. Бунинг учун эса кундалик машғулотларга ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарни ҳам ҳар томонлама ана шу жараёнларга пухта тайёрлаш керак бўлади. Агар ана шу учта бўғин бир мақсад йўлида бирлашса, ҳар ким ўз вазифаларини аниқ тасаввур этиб, виждонан бажарсагина таълимнинг тарбиявий қудрати ошади.

Ўтмишдан мерос бўлиб келаётган тарбиянинг шакл, усул ва воситаларида оиладаги ўзига хос урф-одатлар ва анъаналар, ота-оналарнинг тарбия ҳақидаги ғоялари, ҳаётий тажрибалари миллий халқ тажрибаси ҳисобланади. Фарзандларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда ота-оналар олдида қатор вазифалар туради:

- бола ҳаётининг биринчи кунидаяк унинг ўсиши ва ривожланиши учун шарт-шароит яратиш;
- болаларни атрофдагиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларнинг ишлари, қизиқишлари, манфаатлари билан ҳисоблашишга ўргатиш;
- болада жонкуярлик, вазминлик, камтарлик, умумманфаат билан ҳисоблашиш кўникмаларини таркиб топтириш;
- болада нутқ маданиятини шакллантириш;
- қатталарни «Сиз»лаб мурожаат қилишга, аниқ талаффуз, мулойим ва ортиқча имо-ишорасиз сўзлашга ўргатиш;
- болада бурч ҳиссини вужудга келтириш кабилар.

Эътироф этиш лозимки, фарзанд тарбияси борасида барча ота-оналарнинг тайёргарлик даражалари бир хил эмас. Олий маълумотли ота-она билан ўрта маълумотли ёки ундан ҳам паст даражадаги ота-онанинг бола тарбиясидаги тайёргарликлари тубдан фарқ қилади. Ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда таъ-

лим муассасаси, махалла ва ота-оналар ҳамкорлигининг асосий вазифаларидан бири ҳам шундаки, турли даражадаги тайёргарликка эга бўлган ота-оналарга, ёлғиз оналар, боқувчисини йўқотган оилалар, носоғлом оилаларда тарбияланаётган болаларнинг тақдирига бефарқ бўлмасдан, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчиларнинг маълумотлилик даражалари ва тарбиянинг мураккаблик даражасини назарда тутган ҳолда ҳам назарий, ҳам амалий ёрдам бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ота-онадан фарзанди тарбиясидаги нуқсонлардан нолишдан олдин уларнинг тарбия соҳасидаги муҳтожликларини аниқлаш ва амалда кўмак бериш дастурини ишлаб чиқиб, қўллаб-қувватлаш зарур бўлади. Бунинг учун эса ота-оналарда эҳтиёж шаклланган бўлиши, фарзандини бекаму-қўст тарбия топиши ва соғлом бўлиши учун доимий равишда ўзларининг педагогик, психологик ҳамда тиббий маълумотларини ошириб боришлари зарур.

Ўқувчи-ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда мактаб, махалла ва ота-оналар ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Оилада аجدодлардан мерос бўлиб қолган тарбия мезонлари ва анъаналарини фарзандларга етказиш ота-она зиммасида бўлади. Ота-она вазифаларини бажаришда яна бир муҳим омиллардан бири – бу етакчилик хислатидир. Муносиб ота ва она фазилатларининг мужассамини топиш ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлиб келган. Тарихда шундай ота-оналар бўлганки, уларнинг савий-ҳаракатлари, инсоний фазилатлари, ишбилармонлиги билан оиласи обод бўлган, аммо, тараққиётга эмас, аксинча, беқарорликка сабаб бўлган етакчи оилалар ҳам талайгина. Булардан нотинч ва жиноatchиликка сабаб бўлувчи оила юзга келади. Жамиятимизда конун устуворлиги, фуқаролик жамияти юксалиб борар экан, оила етакчилари бўлган ота-онага нисбатан талаблар ҳам ўзгараверади.

Оила раҳбари – ота-она, аввало, оила аъзоларининг дарди билан яшашни, зиммасига оиланинг оғирини енгил қилишдек масъулият юкланганлигини теран ҳис этиши лозим. Зеро, ҳалоллик, адолатпарварлик, оилапарварлик ота-оналарнинг маънавий кифёсини белгилайдиган, унинг обрўсини оширадиган муҳим омилдир. Афсуски, баъзи бир ота-оналар иқтисодий жиҳатдан бой-бадавлат яшасалар-да, мактабда таҳсил олаётган фарзандлари учун зарурий шароитларни яратиб бериш, маънавий-ахлоқий тарбиясига эътибор беришни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Мактаб билан оила ўртасидаги илиқ ва ижобий муносабатлар тўғрисида ўйламайдилар, ота-оналар йиғилишларига боришни ўзларига эп билмайдилар.

Ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етарли даражада тарбияланмаган-лигида ота-оналар томонидан ўз фарзандининг келажагига нисбатан бепарволик кўрсатилиши, таълим-тарбия муассасалари билан доимий ҳамкорлик қилишга эътибор қилинмаслиги катта салбий таъсир кўрсатади.

Баъзи ота-оналар фарзандларининг таълим-тарбияси учун фақатгина мактаб масъул деб, уларнинг фанларни ўзлаштирмаслиги ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияси заифлигида ўқитувчини айблайдилар. Оила ўзининг асосий вазифаларидан бири бўлган фарзанд тарбияси жараёнида иштирок этмайди. Оилада ва мактабда тарбияга етарли даражада эътибор берилмаслик натижасида, бола шахсининг ривожланиши, унинг кизиқишлари, фаоллиги тўғри йўналтирилмайди. Бундай ҳолларда ота-оналар билан якка ҳолда ишлаш самарали натижа беради. Чунки ўқувчилар билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни ҳам ота-оналар йиғилишида муҳокама қилиб бўлмайди, яккама-якка суҳбат эса ўқитувчи ва ота-она ўртасида илиқ ва ишончли муносабатларни ўрнатилга ва барча муаммоларни ҳамкорликда ҳал этилишини таъминлайди. Ҳар бир ота-она ва ўқитувчи ўқувчининг келажаги ҳақида қайгураётганлигини, унинг

билим олиши, ундаги қобилият, фаоллигини вақтида илғаб тўғри йўналтиришга бир-галиқда ҳаракат қилишга тайёрлигини ҳис этиши муҳимдир.

Ўқитувчининг ўзлигини намоён қилолмайдиган (фаоллиги суст) болаларнинг ота-оналари билан индивидуал суҳбатлари ва маслаҳатлари ҳамжихатликда болага таъсир этиш йўллари топишга ёрдам беради. Шунингдек, индивидуал суҳбатлар оилавий тарбиядаги салбий ҳолатларни бартараф этишга ва ижобий омилларни мустаҳкамлашга имконият яратади.

Мустаҳкам аҳил оила болада ўзига, ўзининг имкониятларига ишончининг ривожланишига ёрдам беради. Ота-оналар бундай оилаларда бола учун доимо намунадирлар. Бундай бола қаттиқ ҳаяжон ва руҳий зарбалардан ҳимояланган, бирор-бир мақсадга эришиш йўлида ўзининг имкониятларини англаган ҳолда йўл тутади. Ўзига ишонч унга мустақил ҳаракат қилишга имкон яратиб, унинг ижтимоий ҳаракатлари позитив, ички муаммолар уни кам безовта қилади, ўз фикрларини эркин ва очиқ баён эта олади. Унинг ҳулқ-атвори ўзига ишончи паст, ўз фикрини баён қила олмайдиган, бошқаларнинг таъсирига берилувчан депрессия ҳолатидаги боланиқидан катта фарқ қилади. Агар ота-оналарнинг ҳулқ-атворида ғамхўрлик ва назорат, талабчанлик ва боланинг ички кечинмаларига қизиқиш бўлса, у ҳолда болада маънавий ахлоқий тарбияланганлик, атрофдагиларга нисбатан ижобий муносабат, очиқлик намоён бўлади.

Ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда ота-оналар ва ўқитувчиларнинг ҳамкорлиги қуйидаги йўналишлардаги ишларни амалга оширишни тақозо қилади:

1. Ўқувчи оиласининг таркиби, моддий таъминланганлик даражаси, оила аъзоларининг ўзаро муносабатларини аниқлаш.
2. Оила аъзолари ўртасидаги низолар мавжудлигини аниқлаш.
3. Ота-оналарга индивидуал суҳбатлар орқали педагогик таъсир кўрсатиш.
4. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда рағбатлантириш ёки жазолаш усулларидан ота оналар билан ҳамкорликда фойдаланиш.

Ота-оналар билан ишларнинг энг самарали усулларидан бири уларни турли тadbирларга таклиф этиш, маслаҳатлар бериш ва йиғилишларни баҳс-мунозаралар тарзида ўтказишдир.

Ҳеч бир инсон дунёга мукамал бўлиб келмайди. У туғилибоқ бадий асарлардаги қаҳрамонлардек ботир, паҳлавон, доно ва билимдон бўлиб қолавермайди. У албатта, жамиятда инсонлар қуршовида, она табиат қўйнида, турли-туман воқеа-ҳодисалар ичида, бевосита мулоқотда ҳамда аралашув жараёнида ўсиб-улғаяди, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланади, камолга етади. Шунинг учун ҳам комил инсон ҳақидаги таълимот инсонни ҳар жиҳатдан маънавий-ахлоқий, илмий, эътиқодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда энг юксак камолотга етган хислатларини назарда тутади. Бугунги кунда узлуксиз таълим тизими олдида турган энг асосий вазифа таълим-тарбия таъсирчанлиги ва самарадорлигига эришишдан иборатдир. Бунинг учун эса кундалик машғулотларга ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарни ҳам ҳар томонлама ана шу жараёнларга пухта тайёрлаш керак бўлади. Агар ана шу учта бўғин бир мақсад йўлида бирлашса, ҳар ким ўз вазифаларини аниқ тасаввур этиб, виждонан бажарсагина таълимнинг тарбиявий қудрати ошади.

Х.М.Тожибоева томонидан ўқувчи-ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етарли даражада таркиб топмаганлигининг асосий сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкинлиги аниқланган:

- боладаги психо-физиологик ривожланишдаги нуқсонлар;
- боланинг тез-тез касалланиб туриши, яъни касалманд болалар;

- оилада ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги бефарқликлари;
- носоглом оилавий муҳитда тарбияланаётган болалар;
- боқувчисини йўқотган, айрим кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган болалар;
- оиладан безиган, кўча-куйда турли иллатли гуруҳларга қўшилиб қолган болалар;
- тенгдошлари билан ўзаро келиша олмаслик оқибатида яққаланиб қолган болалар;
- ўқитувчиларнинг бола қалбига йўл топа билмасликлари оқибатида мактабдан безиган болалар;
- ўқитувчи касбий маҳоратининг етишмаслиги, кўпол муомала, ўқувчини менсимаслик, унинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳолисона ёндошмаслик, камситиш, болага нисбатан адолатсизлик, бефарқлик ва ҳ.к. лар бўлиши мумкин.

Хорижлик олимларнинг фикрича, авторитар ота-оналар фарзандларининг хулқ-атвори юқори хавотирлик, зўриқиш, имтимойй пассивлик билан характерланади. Агар ота-оналарнинг хулқ-атворида ғамхўрлик ва назорат, талабчанлик ва боланинг ички кечинмаларига қизиқиш бўлса, у ҳолда болада ижтимоий фаоллик, атрофдагиларга позитив йўналганлик, очиқлик намоён бўлади. Девиант хулқ-атворнинг келиб чиқишига қатор ижтимоий сабаблар билан бирга, оиладаги вазият, яъни ота-оналар томонидан бола тарбиясига эътиборсизлик, назоратнинг старли даражада эмаслиги, ота-оналарнинг кўрсатаётган намуналари, моддий таъминланганлик, ота-оналарнинг ишсизлиги ва ичкиликбозлик, ота-оналарнинг интеллектуал пассивлиги ҳам катта таъсир этади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлиги ўзининг ижобий натижасини беради. Ҳамкорликка фақатгина ота-оналарни эмас балки ўқувчиларнинг ўзларини ҳам тақлиф этиш мақсадга мувофиқ. Бу билан уларга ҳам қандайдир масъулият юклатилади. Баъзида ўқувчилар ўзларида қандайдир ўзгаришларни катталарга нисбатан тезроқ англайдилар. Шу билан бирга агар ўқувчилар уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялашда мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлиги хис этсалар, ўзгариш кераклигини тушунадилар.

Адабиётлар:

1. Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.02.2020 й., 06/20/5938/0187-сон; 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393-сон
3. Тожибоева Х.М. Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш жараёнида мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлиги // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2017. - №4. – Б.75-79.
4. Breeman, Linda D.; van Lier, Pol A. C.; Wubbels, Theo; и др. Effects of the Good Behavior Game on the Behavioral, Emotional, and Social Problems of Children With Psychiatric Disorders in Special Education Settings // JOURNAL OF POSITIVE BEHAVIOR INTERVENTIONS – USA. JUL 2016. Том: 18. Выпуск: 3. Стр.: 156-167. <http://webofscience.com>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда таълим муассасаси, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлиги жараёни очиб берилган бўлиб, унда ҳамкорликнинг олдида турган энг асосий вазифа таълим-тарбиянинг таъсирчанлиги ва самарадорлигига эришишдан иборатлиги, бунинг учун эса ана шу учта бўгин бир мақсад йўлида бирлашса, ҳар ким

ўз вазифаларини аниқ тасаввур этиб, виждонан бажарсагина таълимнинг тарбиявий кудрати ошиши ҳақида фикр юритилган.

## РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается процесс сотрудничества образовательного учреждения, сообщества и родителей в духовно-нравственном воспитании учащихся, в котором основной задачей сотрудничества является достижение результативности и результативности обучения. Считалось, что образовательная сила образования возрастет только в том случае, если каждый будет иметь четкое представление о своих обязанностях и добросовестно выполнять их.

## SUMMARY

This article describes the process of cooperation between an educational institution, a community and parents in the spiritual and moral education of students, in which the main task of cooperation is to achieve the effectiveness and efficiency of training. It was believed that the educational power of education would increase only if everyone had a clear idea of their responsibilities and conscientiously fulfill them

## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ВАЗИЯТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

*Алқарова Ф.*

*ЎзПФТИИ таянч докторанти*

**Таянч сўзлар:** амалий фаолият, фаоллаштириш, гендер хусусиятлари, билим, кўникма, малака, компетенция, ўқув вазиятлари, педагогик жараёнлар.

**Ключевые слова:** практическая деятельность, активация, гендерные характеристики, знания, умения, компетенции, компетенции, учебные ситуации, педагогические процессы.

**Keywords:** practical activities, activation, gender characteristics, knowledge, skills, competencies, competencies, learning situations, pedagogical processes.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда уларнинг руҳий имкониятларини ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштиришда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари фаоллигини таъминлашда уларнинг ёш хусусиятлари билан бир каторда, гендер хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, қиз болалар уйда ҳам, мактабда ҳам бирдай фаол бўлсалар, ўғил болалар уйда, кўча-қуйда фаоллик кўрсатганлари ҳолда ўқув жараёнида бир қадар сокин бўладилар. Бу баъзи ҳолларда улар яшаётган оила муҳити ва таълим муассасасининг ижтимоийхусусиятлари билан ҳам боғлиқдир. Таълим муассасаси ўқувчилар олдига муайян талаблар қўяди. Таълим муассасасида ўқувчиларнинг ақлий фаолият кўрсатиш имкониятлари очилади. Бу қоида таълим муассасаси муҳитида мустаҳкамланади.

Ҳар бир ҳолатнинг ўзига мос келадиган вазиятлари ва руҳияти мавжуд. Айни бир шахснинг турли муҳитга хос бўлган руҳияти унинг фаоллигига сезиларли таъсир кўрсатади. Чунки турли ижтимоий вазиятларда шахс фаоллиги турлича намоён бўлади.

Таълим муассасасига қадам қўйган ўқувчи унга бирданига мослашиб қолмайди. Чунки ўқувчи таълим муассасасига қадам қўйиши билан тамоман янги оламга киради, унинг фаолият тарзи ўзгаради. Таълим муассасасидаги ўқув жараёни ўқувчи

учун тамоман янги характердаги фаолият тарзини амалга ошириш шароитидир. Бу ўз навбатида ўқувчи амал қиладиган қоидаларни аниқ белгилаб беради. Ўқувчи диққатининг муайян жараёнга йўналтирилиши ва кучайтирилиши унинг янги муҳитга киришишига кўмаклашади, мазкур муҳитга мослашиш ва ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириш миконини беради. Ўқувчи босқичма-босқич янги қоидаларни ўзлаштиради ва у ўқувчи сифатидаги мавқени эгаллайди. Ўқувчи янги киёфа касб этар экан, гарчан ички жиҳатдан мувофиқлашмаган бўлсада янги фаолият тарзини ўзлаштира бошлайди. Аксарият ўқувчилар ўқув жараёнига тез мослашадилар ва ўқув фаолиятини жадал ўзлаштирадилар. Ўқувчи характерининг ўзига хос жиҳатлари сирасига унинг ахлоқий сифатларини киритиш мумкин. Ўқувчилар муайян гуруҳга ҳар доим қўшилиб кетишлари учун кўп ёки кам даражада ўқитувчи билан қарама-қаршиликка борадилар. Бунинг натижасида таълим муассасасида туб маънодаги иккиланишларга дуч келадилар.

Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири — уларнинг таълим муассасидаги қоидаларга бўйсунтирилиши, ижтимоий мавқега эга бўлишларидир. Баъзан ўқувчилар ялқов, одобсиз бола мавқени ҳам эгаллайдилар. Чунки бундай вазиятларда ўқувчилар эътибордан четда қолган бўладилар. Масалан, аълочи ўқувчилар баъзан манманликка берилиб атрофдагиларга беписандлик билан қарай бошлайдилар, уларнинг мавқелари бошқаларни тан олишларига тўсқинлик қилади. Бу кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг руҳиятига боғлиқ бўлади.

Таълим муассасида ўқувчиларда вужудга келган кўрқув вужудга келишига кўра турли-тумандир. Бу эса таълим муассаси муҳитининг самарасидир. Баъзан ўқитувчининг обрў-эътибори ҳам ўқувчиларда кўрқувни вужудга келтиради. Баъзан эса таълим муассасидаги кўрқув ўзига хос хурофот натижасидир. Масалан, имтиҳон арафасидаги кўрқув ва ирим-сиримлар.

Ўқувчиларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири – ўзларининг улғайганликларини намоён қилишдир. Ўқитувчилар ва ота-оналар буни алоҳида ҳис қилишлари, уларга улғайганликларини тез-тез эслашиб туришлари лозим. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни таъминлашга хизмат қилади ва янги билимларни жадал ўзлаштиришларига кўмаклашади.

Ўқувчи алоҳида психологик категория сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам унинг ўзига хосликларини ҳис этган ҳолда қалбига йўл топиш ўқитувчининг асосий вазифаларидандир. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасида муайян тўсиқлар бўлмагандагина уларнинг билиш фаолликлари таъминланади. Чунки ўқувчилар самарали ҳаракатланишлари учун уларни ўқитувчилар яхши тушуниши, кизиқишларини йўналтириши ҳамда амалга оширадиган ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши лозим. Ўқувчилар руҳиятида ўрнашиб қолган воқеликни таҳлил қилиш ва бартараф этиш жуда мураккаб вазифа ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда ўқитувчининг руҳий ҳолати ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитувчи руҳияти ўзига хос шаклга эга бўлиб, ўқувчиларникидан бир қадар мураккабдир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўқитувчининг мавқеи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унга эришиш учун педагог катта билим, маҳорат ва тажриба соҳиби бўлиши керак. Чунки ўқитувчи меҳнатининг маҳсули узок вақт мобайнида намоён бўлади.

Шаҳсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолликлари унинг иштирокисиз кўмаги асосида шаклланишига эришиши лозим. Бунинг учун у ҳар доим ўз ўқувчиларининг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни таъминлаш устида фикр юритиши талаб этилади. Шундай натижага эришиш учун ўқитувчи ўз

ўқувчиларига меҳр бера олиши, уларни тушуниши ва кўмакдош бўлиши лозим. Бунинг учун у ўқувчилар билан мунтазам мулоқот қилиши, уларнинг билиш эҳтиёжлари ва интилишларини эътибордан четда қолдирмаслиги зарур.

Ўқитувчи руҳиятига хос бўлган ҳолатлардан бири – унинг ўз ўқувчилари ҳақида ғамхўрлик қила олиши, уларнинг туйғулари, кечинмаларини ҳис этишидадир. Ўқитувчи ҳар доим ўз ўқувчиларининг имкон қадар кўпроқ нарсаларни билишларига интилиши керак. Ўқитувчи ўз ўқувчилари ҳагги-ҳаракатидаги ҳар бир ҳолатга эътибор қаратиши лозим. Бу ўқитувчилик касбининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўлида учрайдиган барча қийинчиликларни ҳис этиши, уни бартараф этиш йўллариини ишлаши лозим.

Ўқитувчи ҳар доим ўз ўқувчиларига нисбатан эътиборли бўлиши талаб этилади. Аксинча, у ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ривожлантиришга эҳтиёткорлик билан ёндаша олмайди. Ўқитувчи талабчан, икир-чикирларга эътиборли ва безовта бўлиши лозим. Ўқитувчининг ғамхўрлиги қанчалик юмшоқ ва нозик бўлмасин баъзи ўқувчилар уни оғир қабул қиладилар. Шунинг учун ҳам, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар дарсларни якунлаб уйларига йўл олганларида энгил тин оладилар. Бу кўпроқ уларнинг ўйинқароқликлари билан боғлиқ.

Ақсарият ҳолларда ўқитувчи руҳияти ўзининг табиийлигини йўқотади. Ўқитувчи ҳар доим ўқувчиларни олқишлаш ёки уларга танбех беришга ўзини тайёрлаб боради. Ўқитувчи ҳар доим ихтиёрсиз тарзда ўзини ўз ўқувчилари ўрнига қўйишга интилади. Шундагина у ўқувчиларни яқиндан тушуна олади ва ўзи ҳам улар учун тушунарли бўлади. Бундай ҳолатга тушиш ўқитувчи учун ниҳоятда мураккаб бўлиб ундан алоҳида педагогик маҳоратни талаб қилади. Агар ўқитувчи ўзини ўқувчилар ўрнига қўя олмаса уларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни самарали ривожлантира олмайди.

Ўқитувчи учун ўз-ўзига бўлган ишонч ниҳоятда зарур. Ўз-ўзига ишонмасдан туриб ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятини мувофиқлаштириши ва ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни ривожлантиришга хизмат қиладиган инновацион методларни қўллаши мумкин эмас. Бундай ишонч ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги ишчан мулоқот ва шаффофликни таъминлайди. Бу ўз навбатида ўқитувчи руҳиятидаги энг муҳим ҳолат ҳисобланади. Худди мана шу ишонч туфайли улар ўз фаолиятларига эътиборли бўладилар. Ўқитувчи ўз ўқувчиларига алоҳида муҳаббат билан қараган тақдирдагина ўқувчилар ҳам уни астойдил тинглайдилар ва берган топшириқларини бажонидил бажарадилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил фикрларини ҳурмат қилиши, уларнинг ностандарт фикрлаш тарзларини қўллаб-қувватлаши лозим. Шундагина ўқувчиларда ақлий фаоллик намоён бўла бошлайди, улар ўз нуқтаи назарларига ишонч билан қараб уни қатъият билан ҳимоя қила бошлайдилар.

Авторитар иш услубидан воз кечиб ўқувчиларга табиий тарзда муносабатда бўлиш педагогик фаолият самарадорлигини таъминлайди. Ўқитувчи ҳар доим ўқувчиларга инсонпарварлик тамойили асосида ёндашиши талаб этилади.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни ривожлантиришга хизмат қиладиган шахсга йўналтирилган педагогик жараён ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштиришда ўқитувчи ҳам улар билан бир қаторда ўзига хос мавқе эгаллайди. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-билув жараёнини улар руҳиятининг ўзига хослиги мунтазам мураккаблаштириб боради. Ўқитувчи



ўқувчиларнинг янги билимларни ўзлаштириш устида самарали ишлашларини ташкил этиш учун катта куч сарфлайди.

Синфда паст ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг мавжудлиги вазиятни мураккаблаштиради. Бундай вазиятда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув-билув жараёнларини муваффақиятли бошқара олишлари керак. Бунинг учун ўқитувчи дастлаб синфдаги ўқувчиларнинг табиати ва ўзлаштириш даражасини ўрганиши зарур. Чунки педагогик жараён фарқатгина ўқув фаолиятини амалга ошириш жараёни эмас.

Гербарт ўз тадқиқотларида тарбияловчи таълим ҳақида фикр юритиб унинг ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш имкониятига эғалигини таъкидлаган эди. Ўқувчиларга таълим бериш жараёнида ўқитувчи уларнинг қалбига чуқур кириб бориши, ҳиссиётларига таъсир кўрсата олиши лозим. Ўқувчиларнинг қалби ва ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатишнинг асосий усули улар билан жонли мулоқот ўрнатишдир. Ўқувчиларга тўғри таълим бериш орқали уларнинг интеллекти ва ҳис-туйғулари тўғри йўналтирилади. Чунки ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришда уларнинг интеллеклари ва ҳис-туйғулари етакчи ўрин эгаллайди. Ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш жараёнларини ташкил этиш орқали уларда фикрий изчилликни таркиб топтирилади.

Ақлий меҳнат ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни таъминлашга хизмат қилади.

Қузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчилар дастурда кўзда тутилган асосий ўқув материалларидан кўра қўшимча материалларни тез ва муваффақиятли ўзлаштирадilar. Чунки бундай материаллар ўқувчилардан жуда катта куч-қувват сарфлашни талаб қилмайди. Бунда асосий ўринни ўқувчиларнинг ихтиёрий қизиқлари эгаллайди.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш учун уларда педагогик жараёнга нисбатан алоҳида қизиқиш ва интилишни таркиб топтириш лозим. Ўқувчиларнинг тафаккури ижтимоий муҳитда жадал ривожланади. Чунки бу жараёнда ўқувчилар бир-бирлари ва ўқитувчилари билан ижтимоий ҳамкорликка киришадilar. Ижтимоий тафаккурнинг бундай ўзига хос жиҳати ўқув-билув жараёнида яққол намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, педагогик жараён биринчи навбатда ижодий жараёндир. Бунда ўқувчиларда амалий кўникмаларни фаоллаштириш орқали уларда ижодкорлик кўникмалари таркиб топтирилади.

#### Адабиётлар:

1. Якунин В.А. Педагогическая психология: Учеб. пособие / Европ. ин-т экспертов, - СПб.: Изд-во Михайлова В.А.: Изд-во «Полиус», 1998. - 639 с.
2. Ғозиев Э. Психология: Ёш даврлари психологияси. - Т.: 1994.-224 б.
3. Сафарова Р., Мусаев У.К., Мусаев П. ва бошқ. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари. -Т.: Фан, 2005. - 255 б.
4. Сафарова Р., Юсупова Ф. ва б. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва параметрлари. - Т.: Фан ва технология нашриёти, 2013. - 142 б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда уларнинг руҳий имкониятларини, ёш хусусиятларини ва гендер хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритилган. Таълим муассасасида ўқувчиларнинг ақлий фаолият кўрсатиш

имкониятлари ва уларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятлари ҳақида сўз юритилган.

## РЕЗЮМЕ

В этой статье подчеркивается важность учета психоэмоциональных способностей, возрастных данных и гендерные характеристики для повышения практических навыков учащихся. Рассказывается о возможностях умственной деятельности учащихся и активизации их практических навыков в учебном заведении.

## SUMMARY

This article emphasizes the importance of taking into account psycho-emotional abilities, age data and gender characteristics to enhance students' practical skills. It tells about the possibilities of mental activity of students and the activation of their practical skills in an educational institution.

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТАЛАБЛАРИ

**Фармонов Ў.Н.**

*Тошкент Вилояти Чирчиқ Давлат Педагогика Институтининг  
«Педагогика ва менежмент» кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** умумтаълим мактаблари ўқитувчиси, бўлажак ўқитувчи, мактаб, саводхонлик, ижодий фаолият, дифференциал таълим, педагогик фаолият.

**Ключевые слова:** учитель средней школы, будущий учитель, школа, грамотность, творческая деятельность, дифференциальное образование, педагогическая деятельность.

**Key words:** secondary school teacher, future teacher, school, literacy, creative activity, differential education, pedagogical activity.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчисининг ижодий фаолияти бевосита жамият ҳаёти, турмуш тарзи ва ижтимоий муносабатлари билан боғлиқдир. Бу фаолиятни икки турга ажратиш мумкин: биринчи тур педагогикмуҳитдан иборат; иккинчиси эса жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ. Шу жиҳатдан ҳам ўқувчиларнинг таълим-тарбиясини ҳаёт билан узвий боғлаш, тажриба жараёнида кузатишлар олиб бориш, дарс ва дарсдан ташқари тадбирларни ҳаётий материаллар билан бойитиш, уларнинг имкониятига қараб ижтимоий фойдали ижодий ишларини олиб бориш мактаб ўқитувчисининг фаолиятидан чуқур ўрин олиши лозим. Ўқитувчи фаолиятининг кўп қирралилиги билан бошқа касб эгаларидан фарқ қилади. Чунки, ўқитувчи ўқувчиларга таълим-тарбия асосларини ўргатади. Уларнинг жамият ижтимоий ва маданий ҳаётига қўшилиб кетиши бевосита мактаб ўқитувчиларининг касбий мулоқотлари, маданияти фаолиятига боғлиқ.

Мактаб – бу маданият, зиёлилик, билимлилик, саводхонлик маскани ҳисобланади. Шунинг учун бу ерда ўқитувчининг ўз ижодий фаолияти билан ажралиб туриши бевосита унинг билимдонлиги, жамоадаги хурмати, маҳорати, ўқувчиларга намунаси, ота-оналарга бўлган муносабати, тажрибаси қабилар билан ажралиб туради. У болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун оптимал шароитларни яратади. Шу билан бирга ўрга таълим муассасалари ўқув-тарбия фаолиятини кучайтириш, дифференциал таълим йўлларини доимий равишда излаш таълимга индивидуал ёндашув қабиларни амалга оширади. Шу жиҳатдан ҳам ўқитувчи ўзининг ижодий фаолиятини янада кучайтириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўқитувчи ижодий фаолиятини

ташкил қилишда унинг махсус билимлари, малакалари ва кўникмаларига эга бўлиши лозим. Бу унга ўз индивидуал ва ижодий фаолиятини янада тўлиқ амалга ошириши имкон беради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқув жараёнининг муваффақияти, самаралилиги, ўқувчилар фаолиятининг характери ўқитувчи ижодий фаолиятининг самарасига боғлиқ. Ўқитувчи ўз фанини қанчалик чуқур билмасин, агар у ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил қилолмаса, уларнинг мулоқоти мазмунли ва мантиқли бўлмаса, у қутилган муваффақиятга эришолмайди.

Ўқитувчи психологик ва ахлоқ жиҳатидан ўқувчидаги хотира, диққат, характер, ҳаётий фаолиятнинг турли шакллариининг табиий ривожланиш хусусиятларини чуқур билиши лозим. Ўқитувчининг вазифаси шундан иборатки, ўқувчининг эҳтиёжларини ўрганиб, унинг фаолият мақсади асосида қизиқишларини шакллантиришдан иборат бўлади. Шу жиҳатдан ҳам бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ижодидида касбий билимлар, касбий тайёрларлик, ўзаро муносабат, қобилият, интеллектуал масалаларни ҳал қилиш, муаммони кўра олиш, унинг долзарблиги ва сабабини тушуниш, фаразани олдинга суриш, таҳлил қилиш, киёслаш, таққослаш, сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатиш, фантазиялаш, тасаввур қилиш, ҳамда ўқув-тарбиявий жараёнда боланинг ўзини ижодий жиҳатдан намоён қилиши учун махсус шароитларни яратиш қабилардан ташкил топиши муҳим ҳисобланади. Бунинг натижасида, ўқувчининг ижодий фаолиятини ташкил қилишда ўқитувчининг интеллекти, ҳис-ғуйгулари, ахлоқий таъсири қабилар ўз самарасини кўрсатади.

Мақтабда ўқув-тарбиявий жараёни такомиллаштириш маълум даражада ўқитувчининг фазилатлари ва педагогик қобилияти, унинг ўқувчиларга таъсир воситалари, уларнинг диққат ва қизиқишини рағбатлантириш маҳорати, дарсда ижодий муҳит яратиш билан таъминланади. Албатта бунда бўлажак ўқитувчи психологик, педагогик, дидактик, мустақил адабиётларни ўрганиши ва улардан таълим-тарбия жараёнида ижодий фикрлаши муҳим ҳисобланади. Бунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларга ўқув материални тушунарли қилиб етказиши, фанлардан чуқур билимга ва истиқболли режага эга бўлиш, ўқувчининг ички дунёсини билиши, психологик кузатувчанлик, нутқ, мимика ёрдамида ўз фикрларини аниқ ва равшан ифодалаш муҳим вазифаларни ҳал қилиш муҳим ҳисобланади. Айниқса ўқувчилар жамоасини ташкил этиш ва уларни руҳлантириши уларга бевосита таъсир ўтказиши, юксак обрўга эга бўлиши, ўқувчиларга тўғри ёндашиш маҳоратига эга бўлиши лозим. Педагог диққат билан ўқувчиларнинг ҳатоларининг олдини олишда ва улар билан ўзаро муносабатларни самарали ўрнатиш, ҳар бир шахсни фойдали ишга жалб қилиши ва дарсда ижодий муҳит яратиши, ундан юқори мулоҳазали билим ва ташкилотчи бўлишни талаб этади. Бунда педагог ўз фаолияти тизимини яратишга қодир бўлади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлашда уларнинг ўқувчилар билан ўзаро муносабатда намоён бўлиши, топшириқларни, янги маълумотларни баён қилиш, мустақил изланишга жалб қилиши муҳим ҳисобланади. Бунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларнинг ўқув фанлари мазмунини ўзлаштиришлари асосида билиш фаолияти ривожланади. Бунинг натижасида ўқитувчи ўқувчиларда юқори қизиқиш уйғотади. Бир томондан, уларнинг тасаввурларидаги маълумотларни билиб олади; иккинчи томондан, билим эгаллаш жараёнида ижодий ва қизиқарли топшириқлар тизими вужудга келади. Кўрсатилган фаолият турлари чамбарчас боғлиқликда, бирликда, муштарак равишда амалга оширилади. Муаммоли ўқитиш, ақлий салоҳиятни, билим ва малакаларни ривожлантириш учун топшириқлар танлаш, ўқувчилар билан ижодий, тажрибавий, тадқиқотчилик ишла-

рини ташкил қилиш, вақти-вақти билан дарсада уларнинг билимларини қизиқарли фактлар асосида такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, синфда ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаши ҳали педагогик жараён мавжудлигидан дарак бермайди. Ҳақиқий педагогик жараён бу ўқитувчи ва ўқувчи муносабати учун вазият яратилганда вужудга келади. Ўзаро муносабат ва аниқ ўзгаришлар бўлмаса, унда педагогик жараён натижа бермайди. Ўқитувчилик меҳнати шундаки, у болалар билан ўзаро муносабатда бўлиши ва уларни ижодий жиҳатдан ўзгартириш, янгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзаро муносабат ва янгиланиш даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин, уларнинг албатта бўлиши педагогик ижодий фаолиятнинг асосини ташкил этади. Агар ўқитувчи янгиланиш масалаларидан узоқлашса ва ишнинг ахборотли ва тадбирли томони билан чегараланса, унда у ижоддан йироқлашади ва педагогик жараён муқаррар инкирозга учрайди. Шундай экан ўқитувчининг ижодий фаолияти педагогик жараён ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент, 1999
2. Р. Мавлянова ва бошқ. Педагогика. Тошкент, 2001

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлаш талаблари айтиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются требования к подготовке будущих учителей к творческой деятельности.

SUMMARY

The article discusses the requirements for the preparation of future teachers for creative activity.

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТУВЧИНING ТУТГАН ЎРНИ

*Туйчиева И.И.*

*Фаргона давлат университети «Педагогика» кафедраси мудири,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** таълим муассасалари, ижтимоий фаоллик, ўқитувчи шахси, таълим олувчи, ўқувчи-ёшлар, ташаббусни йўналтириш, мулоқот маданияти, мустақил фикрлаш, характер, темперамент, ижтимоийлашиш, ҳамкорлик, қўллаб-қувватлаш.

**Ключевые слова:** образовательные учреждения, общественная активность, личность учителя, ученик, студенческая молодежь, инициативная направленность, культура общения, независимое мышление, характер, темперамент, социализация, сотрудничество, поддержка.

**Key words:** educational institutions, social activity, personality of a teacher, student, student youth, initiative orientation, culture of communication, independent thinking, character, temperament, socialization, cooperation, support.

Илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши, глобал дунёда рақобатнинг ортиши шароитида ҳар бир давлат ва жамиятнинг бу жараёнда рақобатбардошлиги асосида ёшларнинг интеллектуал ривожига ҳамда уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини тўлиқ амалга оширишга эътибор беришга боғлиқ бўлади.

Шунинг учун бу масала ҳар доим давлатларнинг узоқ муддатли ривожланишини таъминлашга қаратилган барча стратегияларда акс эттирилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам бу борада истисно бўлмади. Унда алоҳида бўлим давлатнинг ёшлар сиёсатини такомиллаштиришга бағишланган. У Ўзбекистоннинг 10 миллион фуқароси ёки мамлакат аҳолисининг 31 фоизини ташкил этувчи ёшларга нисбатан давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор устувор вазифаларни қамраб олади.

Шу нуктага назардан, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқини ташкил этиш зарурати ҳаётнинг ўзи томонидан белгилаб қўйилди, у ташкилотдан ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалаларни ҳал қилишни талаб этади, айниқса уюшмаган ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароитлар яратиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш шулар жумласидан.

Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаолликларини ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш аксарият ҳолларда таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

«Ижтимоий фаоллик» шахснинг ўзига хос сифати бўлиб, у инсонда бирданига пайдо бўлмайди, балки узлуксиз таълим ва меҳнат жараёнида вужудга келади. Шунинг учун ҳам фаолликнинг дастлабки элементлари болалик даврида шаклланади. Мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида болаларда психик жараёнлар ривожланади. Бу эса уларнинг инсоний кифоаси шаклланиши, атрофдагилар ва ўзига нисбатан муносабатларнинг таркиб топишига асос бўлади. Бола ижтимоий муносабатларга киришиши, тартиб ва қоидаларни ўрганиши, фаолиятнинг ҳар хил турларини ўзлаштириши билан камолотга эришади. Камол топиш жараёни албатта атрофдагилар билан фаол муносабат туфайли амалга ошади. Бола фаолликсиз ҳеч нарсага эриша олмайди, ахлоқий меъёрларни ўзлаштира олмайди. Шунинг учун унинг фаоллиги мактабда ўқувчилик пайтлариданок ижтимоий тус олиши жуда муҳимдир. Шундай қилиб, ижтимоий фаолликнинг шаклланиши шахснинг тарбияланишида, унда жамият талабларига хос хусусиятлар ва фазилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутаети [3; 103-6.].

Ижтимоий фаолликни ошириш ва ривожланишини таҳлил қилиш учун шахснинг ижтимоий камол топиши асосий тушунча ҳисобланади. Педагогик-психологик адабиётларда эътироф этилишича, ижтимоий камол топиш аждодларимиз тўплаган ижтимоий тажрибани бола томонидан ўзлаштириш жараёнида амалга ошади. Бу ўзлаштириш аввал бошданок инсоннинг ижтимоий муҳит билан ўзаро фаол муносабати тарзида намоён бўлади.

Таълим олувчилар ижтимоий фаолликларини оширишда ўқитувчи қатор педагогик мулоқот шарт-шароитларига риоя қилиши зарур: биринчидан, ўқитувчи ўзи қунда муносабатга киришадиган кишиларнинг турли психофизиологик, ижтимоий ҳолатини инобатга олиб, ўқувчилар, ота-оналар ва синф раҳбарлари билан мулоқотнинг мазмуни, усули, ритми ва характерини белгилаб ола билиши зарур. Иккинчидан, ўқитувчи мулоқот мотивлари, объекти, предмети, вазифалари, ва ниҳоят, натижаларини олдиндан башоратлаш лаёқатини эгаллаши зарур. Ўқитувчининг маслаҳатлари курак насихатдан, фикрлари аввалдан ёдлаб олинган иқтибослардан, ўқитиш усули анъанавий методлардан иборат бўлиб қолса, ўқувчига умуман таъсир қўрсатмаслиги, балки, ҳатто акс таъсир қўрсатиши мумкин.

Ёш авлодда ижтимоий фаолликни тарбиялаш жараёнининг самарадорлиги таъминлаш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- педагогларнинг ёшлар билан биргаликда амалга оширадиган фаолиятини ўзаро ҳамкорлик асосида ташкил этиш;
- педагогик мулоқот принципи доирасида талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий билимлар, маданият ютуқлари, анъаналарга бўлган ижобий муносабатини шакллантириш;
- ҳар бир шахснинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, маданий бойликларни ўзлаштиришга бўлган интилишларини жамоанинг қизиқишлари ва интилишлари билан уйғунлаштириш;
- педагогларнинг ўқувчи-ёшлар билан ҳамкорликдаги фаолиятини улар дуч келадиган индивидуал қийинчиликларни бартараф этишга йўналтириш;
- маънавий-ахлоқий ривожланиш ижтимоий ҳаёт муаммолари билан боғлангандагина тўлақонли аҳамият касб этади ва шахснинг ахлоқий танловни амалга оширишларига хизмат қилади.

Ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш соҳасида уларни ижтимоий муносабатларга киришишга тайёрлашда бир қатор педагогик ҳолатларга эътибор қаратилади: умуммиллий маданий маънавий кадрятлар асосида ўзини жамиятнинг фаол фуқароси сифатида ҳис қилишга тайёрлик; ёшларда фидойилик ҳамда ўзаро маданий ҳамкорлик ҳиссининг ривожланганлиги; аجدодлар ва ёш авлод орасидаги маънавий-маданий ижтимоий бирдамликнинг шаклланиши.

Ўқитувчининг таълим олувчилар ижтимоий фаолликларини ривожлантириш соҳасидаги компетенцияларининг мавжуд даражасини ошириш борасида қуйидаги илмий-методик тавсияларни бериш мумкин.

1. Ўқитувчиларнинг таълим олувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган фаолиятини қуйидаги йўналишларда ташкил этиш зарур:

- ҳар бир ўқитувчи ўз касбий компетентлигини ошириб бориши, бунда қуйидаги механизмдан фойдаланиши лозим:
- ўз-ўзини ривожлантириш режасини тузиш ва унга амал қилиш;
- таълим муассасаси томонидан ўқитувчиларнинг хоҳиш-истакларини назарда тутган ҳолда, ўзаро тажриба алмашиш мақсадига қаратилган ижодий гуруҳлар ташкил этиш;
- малака ошириш тизимининг қатъий фаолиятини таъминлаш;
- педагогик кенгаш, семинар ва конференцияларда фаол иштирок этиш;
- илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, методик мақолалар ёзиш ва чоп эттириш;
- ҳар бир таълим муассасаси ўз имконияти доирасида ўқитувчилар ижодий фаолиятини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш.

2. Шунингдек, фан ўқитувчилари, хусусан, гуруҳ раҳбарлари муайян таълим муассасаси ва гуруҳ жамоасининг ўзига хос имкониятларига таянган ҳолда қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

- «ижтимоий фаоллик»нинг заруратини ўқувчилар онгига чуқур сингдириш учун ота-оналар ва маҳалла билан ҳамкорликда иш олиб бориш;
- ўқув жараёнидан ташқари режали тадбирлар ташкил этиш;
- халқимизга хос бағрикенглик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, сабрбардошлилик каби фазилатларни таркиб топтиришга қаратилган ҳадислар, ривоятлар, ҳикматли сўзларни ҳар бир ўрганиладиган мавзу мазмунига меъёрида сингдиришга эътибор бериш;
- диншунослик, дунё динлари тарихи, адабиёт, маънавият асослари, миллий ғоя каби фанларни ўқитишда кўпроқ ижтимоий фаолликни таркиб топтиришга

- аҳамият қаратиш ва шу асосида маънавий-ахлоқий тарбияни амалга ошириш;
- ўқувчи-ёшларни республикадаги Байналмилал маданият марказига ташрифларини уюштириш ва бу орқали турли миллат вакиллари билан дўстона мулоқотни кенгайтириш лозим;
  - ўқувчи-ёшлар билан «Ижтимоий фаоллик нима учун керак?», «Замондошларимиз ибрат», «Ватан тараққиётида менинг ҳиссам», «Она Ватанимнинг буюк фарзандлари», «Ўзбекистонлик эканимдан фахрланаман», «Ўсмир ва қонун», «Ўқувчилар томонидан содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш», «Ватан меҳридан юксалаётган авлод», «Ватанга хизмат қилиш буюк мақсадим», «Юртим тарихини ўрганаман», «Гийёҳвандлик – аср вабоси», «Тақдирни қўл билан яратур инсон», «Коррупция – келажакка таҳдид», «Конституция ва қонун талабларига қатъий риоя қилиш маънавий савиямиз ва маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт» каби мавзуларда иншолар танлови, давра суҳбатлари, маънавий соатлари, тарғибот тадбирлари, семинар-тренинглар ўтказиш.

Ўқитувчи касбий мулоқот маданият унинг барча ҳатти-ҳаракатида, таълим мақсади ва вазифаларини қўя билиши ва унга эриша олишида ўз ифодасини топади. Ўқитувчи турли ёшдаги, ҳар хил жинсга мансуб таълим олувчилар шахси билан ишлар экан, уларнинг психологик хусусиятлари, улар вояга етаётган оилавий муҳит шароитларини ҳисобга олган ҳолда, таълим олувчилар билан ўзаро муносабатини самимият негизда ташкил эта олмас, бу орқали ўқувчи шахсини тарбиялаш, уларга самарали таълим бериш вазифасини муваффақиятли ҳал эта олмас экан, унинг касбий мулоқот маданиятига эгаллиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Айнан шахс тараққиёти ҳолатларини бошқара билиш, унда муайян билим ва тушунчаларни таркиб топтира олиш, уларда муайян ижтимоий ориентацияни мустаҳкамлаш, назарий-ижодий тафаккур ва фойдали меҳнат малакаларини сингдириш ўқитувчининг ҳақиқий ўқитувчилигини белгилаб беради.

Таълим олувчилар ижтимоий фаолликларини оширишга йўналтирилган педагогик жараёнларга таъсир этувчи бир қатор ўзига хос омиллар мавжудлигини ўқитувчи албатта назарда тутиши керак. Улар:

- таълим олувчи фаоллашувига таъсир этувчи субъектлар;
- шахс ижтимоий фаоллигининг индивидуаллиги;
- турли жинс вакиллари ижтимоий фаоллигига хос хусусийлик;
- шахсни қамраб олган ижтимоий муҳит;
- таълим олувчиларнинг ижтимоий фаоллашувини рағбатлантирувчи педагогик жараёнлар кабилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш, ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга тағбиқ этиш таълим тизимининг устивор йўналишлари сифатида белгилаб қўйилган.

Ўқитувчининг таълим олувчилар жамоаси билан ижобий муносабат ўрнатишининг бирламчи мотиви унинг касбий бурчидир, зеро, унга жамият томонидан ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш вазифаси юклатилган. Табиийки, ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти доимий равишда унинг характер хусусиятлари, кизиқишлари, эҳтиёжларини ўрганишга йўналтирилсагина, у ўз педагогик фаолиятида ўқувчилар

билан мулоқот қилишнинг нозик қирраларини эгаллаб олиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларини ҳақиқатан яхши билиб олсагина, берадиган билимлари негизда уларнинг ҳар бири билан тўғри мулоқот йўсинини ўрната олади ва қўйган мақсадларига эриша билади.

Ўқитувчи маданиятининг яна бир муҳим кўрсаткичи ўқувчилар жамоасини шакллантиришнинг турли йўналишларидан фойдалана билишда намоён бўлади. Ўқитувчи ўқувчилар жамоасини ягона организм сифатида қабул қила билиши ва у билан тўғри муносабат ўрната олиши, жамоавий ва индивидуал эҳтиёжларни уйғунлаштира олиши керак. Ўқитувчи синф жамоаси билан мулоқотга киришар экан, ўз ўқувчиларидан бирортасини назардан қочирмаслиги лозим.

Таълим оловчи шахси билан тенгҳуқуқлилик асосида, унинг шахсига ҳурмат билан муносабатда бўла оладиган ўқитувчигина юксак мулоқот маданиятига эга бўла олади. Бундай ўқитувчи ўқувчиларни тушунишга, унга ёрдам беришга тайёр туради ва ўз навбатида улардан кўмак сўрашдан, улар билан самимий мулоқотда бўлишдан чўчимади. Табиийки, бундай мулоқот маданияти ўқитувчининг нуфузига салбий таъсир кўрсатмайди, балки сифат жиҳатидан ўзгача тусга эга бўлади.

Ўқитувчи турли хил характер ва темперамент эгалари билан доимий мулоқотда бўлгани сабабли ўқитувчи доимий равишда мулоқот усулларини янгिलाб туриши, унга ижодий ёндашишига тўғри келади. Мулоқот аудиториясининг катталиги, яъни таълим оловчилар жамоаси, педагоглар, ота-оналар билан доимий равишда муносабатда бўлиш кераклиги сабабли ўқитувчи мунтазам тарзда турли кишилар билан муносабатга мослаша билиши, яъни адаптацияга тайёр туриши керак. Мулоқот санъатини эгалламаган ўқитувчи бундай вазиятда кийин аҳволда қолиши табиий. У атрофдагиларни диққат билан тинглай билиши, ўзини ижобий жиҳатдан кўрсата билиши, топқирлик ва зукколик билан тушунтира билиш хусусиятларига эга бўлиши зарур.

Таълим-тарбия жараёнининг яхлитлиги ҳақида фикр юритилар экан, ўқитувчининг ушбу жараёни самарали ташкил этиши нечоғли аҳамиятга эгаллигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Аксарият ўқитувчилар ўз вазифаларини фақатгина ўқувчиларга билим беришдан иборат деб ҳисоблайдилар. Бундай ёндашув нотўғри бўлиб, педагогик фаолиятнинг тўлақонли амалга оширилмаслигига сабаб бўлади.

Ўқувчи-ёшларни маънавий, маданий ва ахлоқий ривожлантириш мураккаб, кўп қиррали педагогик фаолиятни талаб қилади. Бу жараён жамият ҳаёти, унинг ўзига хос жиҳатлари, мавжуд зиддиятлардан айри ҳолда амалга оширилмайди. У оила, жамият, маданият, инсониятнинг ҳаётий, тарихий ривожланиш босқичлари билан бевосита алоқадорликда моделлаштирилади. Шундагина инсоннинг ҳаёти ва унинг ривожланиш жараёнини акс эттиради. Ушбу жараёнда педагогик масъулиятнинг даражаси бир қатор кўрсаткичлар асосида аниқланади: бугунги кунда давлат ва жамиятнинг эътибори ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятли, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган шахсни шакллантиришга қаратилганлиги; таълим муассалари жамиятнинг бошқа ижтимоий институтлари билан ҳамкорликда шахснинг маданий ривожланишини таъминлаши.

Шундагина таълим муассалари шахснинг маънавий-ахлоқий, маданий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсата олади. Ўқувчи-ёшларни маънавий-маданий ахлоқий ривожлантириш жараёнининг субъекти сифатида миллий хусусиятларга эга бўлган ўзбек педагогикаси маънавий таълим-ахлоқий таълим-тарбиянинг асосий йўналишлари, воситалари ва методларини излайди, танлайди ва таълим жараёнига тадбиқ этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида баён этилган қуйидаги фикрлар таълим



олувчилар ижтимоий фаолликларини оширишда ўқитувчининг тутган ўрнини юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга: «...Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақлзаковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билим-сизликдир!» Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак».

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б.37.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбир тўғрисида» ПҚ-3138-сонли қарори.

3. Тожибоева Х.М. Ўқувчи-ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш жараёнининг педагогик-психологик моҳияти // Халқ таълими. – Тошкент, 2017. - №4. – Б.102-106.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Халқ таълими тизими 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси» тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>

52020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси матни. <http://uza.uz>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада таълим муассасаларида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда ўқитувчи шахсининг аҳамияти, у бажарадиган вазифалар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, таълим олувчилар ижтимоий фаолликларини оширишга йўналтирилган педагогик жараёнларга таъсир этувчи бир қатор ўзига хос омиллар мавжудлигини ўқитувчи албатта назарда тутиши, ёшларнинг интеллектуал ривожини ҳамда уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини тўлиқ амалга оширишга эътибор бериши кераклиги баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль учителя в повышении социальной активности молодежи в образовательных учреждениях, задачи, которые он выполняет. Также указано, что педагог должен учитывать наличие ряда специфических факторов, влияющих на педагогические процессы, направленные на повышение социальной активности учащихся, обращать внимание на интеллектуальное развитие молодежи и полную реализацию их талантов и способностей.

SUMMARY

The article discusses the role of the teacher in increasing the social activity of youth in educational institutions, the tasks that he performs. It is also indicated that the teacher must take into account the presence of a number of specific factors affecting the pedagogical processes aimed at increasing the social activity of students, pay attention to the intellectual development of young people and the full realization of their talents and abilities.

## ПЕДАГОГИКАДА ТАРБИЯ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Мирзорахмонов Х.Ғ.*

*ФарДУ ҳарбий таълим факультети талабаси*

**Таянч сўзлар:** тарбия тизими, дидактик тизим, инсонпарварлик, индивидуаллаштириш, тарбиявий ёндашувлар.

**Ключевые слова:** система образования, дидактическая система, гуманизм, индивидуализация, образовательные подходы.

**Key words:** educational system, didactic system, humanism, individualization, educational approaches.

Тарбия жараёнининг асоси ўқитиш ҳисобланади. Тарбия жараёни дидактик воситалар билан кўрина бошлайди. Тарбия тизимининг тушунчаси дидактика ичига кўшиб амалга оширилади.

Тарбия жараёни ўзига ҳослигини саклаб қолиш учун «тарбия?, тарбия... тарбия!»... Унда тарбия тизими дидактикадан иборат бўлмайди, балки бир томондан педагогик-психологик, бошқа томондан эса- ижтимоий-педагогик тизимдан иборат бўлади. Бунда тарбия тизими ўқувчиларга фақат дидактик тизим сифатида эмас, балки ижтимоий омил сифатида ҳам уларни бизни ўраб турган борлиққа жалб этиш орқали ҳам таъсир кўрсатади. Ҳар бир таълим муассасаларида ташкил топадиган маълум психологик муҳит тарбияга албатта, ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида юзага келадиган муносабатлар орқали таъсир кўрсатади.

Умумий ўрта таълим мактабларида таълимнинг дидактик тизими таълим мақсадлари, ўқиш мазмуни, уни ташкил этишнинг метод ва шакллари орқали ифодаланади. Маълумки педагогикада «Дидактик тизим» тушунчаси анча қадимдан шаклланган. Тарбиявий мақсадларни амалга оширишда, ўрганилаётган материал мазмуни, уни етказиш шакли ва методлари, ҳамда шу кабиларни белгилаш орқали ўқитиш жараёнида фойдаланилади. Яна бир тарафдан тарбиянинг иккинчи тушунчаси мантикида дидактик тизим – ўзи тарбиявий тизимининг – дидактик тизимида иштирок этади, яъни унинг тизими ҳисобланади.

Биламизки таълим муассасининг тарбиявий вазифаси ўқувчиларда, ўзини шу дунёда англаб этиш, жамиятда ўз ўрнини топиши, дунёга, маданиятга, атроф-муҳитга, қадриятларга муносабатни шакллантиришдан иборат. Афсуски бу вазифани фақат таълим муассасасида дарс жараёнида амалга ошириб бўлмайди: Бунинг учун ўқувчини индивидуал манфаатларини қондириш билан боғлиқ, ижодий фаолияти, меҳнати, дам олиш доирасидаги ўйин, кизиқарли машғулотлар билан ҳам олиб боришни тақазо қилади. Демак буларни амалга оширишда, таълим жараёнида тарбия тизими инновацияларини ўрганиш имконияти вужудга келади. Тарбия тизими инновацияларини яратиш ва ривожлантириш жараёнида, олдинига айрим масалаларни ҳал этиш керак

Буларга болаларда дунёнинг яхлит ва илмий асосланган кўринишини шакллантириш, ўз-ўзини англаши, ватан туйғусини тарбиялаш, юрт тақдири учун жавобгарликни шакллантириш, умуминсоний қадриятларга жалб этиш, улар орасида мана шу қадриятларга мос бўлган хулқни шакллантириш, ўсиб келаётган келажақ авлодда, ижодкорликни, ёрдам кўрсатишни шакллантириш каби масалаларни киритиш мумкин. Санасак рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам, мана шу вазифаларнинг ўзи юқорида санаб ўтилган тарбиялаш вазифаларининг алоҳидалигини кўрсатади.

Тарбия тизими фалсафий жиҳати тарбиянинг мазмун-моҳиятини асослашни, уни конкретлаштириш ва тарбиянинг керакли мазмуни билан алоқасини асослаб беришни кўзда тутати. Тарбия тизимида турлича бўлган концептуал ёндашишлар мавжуд.

Бунда тарбия – бу ўзига ҳос мазмунга эга бўлган бола шахсига ижтимоий белгиланган ва мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишга асосланади. Бундай тарбия маълум шаклларда яқка турда, жамоада, гуруҳларда маълум методлар асосида амалга оширилади.

Бу ёндашиш биз илгари келтириб чиқарган ижтимоийлаштириш категори-яси билан тўғридан-тўғри боғлиқ, бунда биз тарихий ишлаб чиқилган ижтимоий қондаларни, кадриятлар, муносабатлар, маънавий ва моддий маданият билан муносабат усулларини, инсон томонидан ўзлаштирилиши жараёнини тушунамиз. Шундай қилиб, ижтимоийлаштириш инсоннинг мақсадга мувофиқ жараёнлар мактабгача, мактаб, махсус касб-хунар муассасаларида ҳамда тасодифий омиллар таъсири остида амалга оширилади.

Бу таъсир кўрсатиш тарбия тизими инсонпарварликни обрў эътибор, нуфузи воситалар билан амалга оширилиши шарт эмас. Унда ўқитувчи ва болалар ўртасида, инсонпарварлик муносабатлари мавжуд бўлиши, кадриятлар тарғиб қилиниши, гуруҳли ва индивидуал ижодкорлик элементлари татбиқ қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, таъсир кўрсатиш ушбу тарбия тизими ўзи тарбия жараёнига демократик кадриятлар ва қондалар киритиши керак. Тарбиянинг асосан тўртта усули мавжуд. Ўрнак намуна; Панд насихат; Рағбат; жазо. Юқорида тақидлаганимиздек тарбиянинг усулларидан бир бу жазо бўлиб, тарбиявий тизим қандайдир жазо ва мажбурлашларсиз, мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Тарбиядан бошқа ёндашиш инсонпарварлик тарбиявий тизимини яратиш билан боғлиқ. Бу ёндашиш биринчи навбатда, индивидуаллаштириш жараёни билан мос келади. Яна бир бор эслатиб ўтамиз, индивидуаллаштириш - бизнинг тушунишимизча, -бу ўқувчи ёшларда мавжуд ёки ўзининг индивидуал тажрибасида эгаллаган ягона, алоҳида ва ўзига хослигини таъминлаб туриш ва ривожлантириш бўйича катталарнинг ҳамда боланинг ўзига тегишли бўлган фаолиятлари .

Шахсни индивидуаллаштириш унинг «ўзлигини» ривожлантириш, шундай қилиб, кенг маънода инсонпарварлик тарбиявий тизимини ташкил этади. Тарбияда бундай ёндашишнинг мақсади, болаларга, уларнинг «субъектив мавжудликларини» ташкил этишда ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бунинг учун ушбу тарбиявий тизимда, инсонга ўзини англаш ва ўзини амалга оширишда ёрдам берувчи махсус воситалар ишлаб чиқилади. Инсонпарварлик тарбиявий тизимнинг субъекти энди фақат педагог эмас, балки болаларнинг ўзлари ҳам ҳисобланади . Бунда ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам мактаб олдида турган мақсадларини биргаликда аниқлаштирадидилар, уларни амалий вазифалар даражасига кўтарадилар ва бирга амалга оширадидилар. Мактаб инсонпарварлик тарбиявий тизими самаралилигини муҳим шарти, ўқувчилар ва катталарни умумий жамоага бирлаштириш ҳисобланади. Болалар ва катталарнинг ўзаро муносабатлари, маълум муносабатларни юзага келтиради, улар биринчи навбатда тизимнинг тарбиявий имкониятларини белгилайди.

Инсонпарварлик тарбиявий тизими аниқ тизим ҳисобланади. Тарбиявий тизимлар икки турини яъни таълим тизими ва инсонпарварлик тарбия тизими, уларнинг предмети мазмунида ҳам фарқ қилишини кўриб чиқамиз.

Биринчиси, дунёнинг ижтимоий кўринишини ўрганади. Иккинчи тизим, ўзини ўзини ўрганиш усулини ўрганади. Маълум ижтимоий қондаларни, кадриятларни, муносабатларни етказиб таъсир кўрсатиш тарбия тизими, болаларда ўзини англашга қобилиятни ривожлантириш масаласи – бу унинг предмети ҳисобланмайди.

Инсонпарварлик тарбиявий тизими-бубошқагап. Инсон танлаб олиш субъекти сифатида иштирок этар экан, у бу танловни ўзига нисбатан амалга ошириши кўзда тутилади, демак ўзини англаш жараёнисиз, бу тизимни амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун турли инсонпарварлик тарбиявий тизимлар, ҳозирги кунда, айнан мана шу йўналишда ривожланмоқда.

Педагогик ёрдам эркинлик, ижодкорлик, катталар ва бола ўртасида ҳақиқий демократия ва инсонпарварликда юзага келадиган тарбия ҳисобланади. Тарбия мақсадини педагогик ёрдам сифатида тарбия тизимини фалсафий жиҳатдан қаралганда, инновация ҳисобланади. Бу эса мақсадга мос янги тарбия технологиясини ишлаб чиқишга олиб келади.

Тарбия технологияси бу тарбиянинг маълум мақсадларига эришишга қаратилган махсус педагогик услублар тизими. Ҳар қандай тарбия методикаси, тарбия технологияларидан ташкил топади. Масалан, ўсмирлар билан алоқа ўрнатиш, жамоани режалаштириш, педагогик диагностика технологияси ва бошқалар.

Технология- тарбия методикасининг яқунланган қисми бўлса, услуб эса ўз навбатида бу умумий ёки шахсий педагогик маданиятда қайд этилган тарбия технологиясига нисбатан яқунланган элементдир. Услуб бирор бир тарбия масаласи билан барқарор боғлиқ бўлса, демак у оддий тарбиявий технология бўлиб қолади.

Синфда машғулот жараёнида ўқувчиларни кичик гуруҳларга бирлаштириш ҳамкорликдаги фаолиятда ўйин ролларини яратиш усуллари; гуруҳни муҳофафада презентацияга чиқиш тартиби ва бошқалар- буларнинг барчаси педагогларнинг аниқ услубларига мисоллар. Лекин улардан ҳеч бири, қандайдир аниқ тарбиявий масала билан тўғридан-тўғри боғлиқ эмас, шунинг учун мана шу услубларни турли хил технологияларга киритиш мумкин.

Кичик гуруҳларга бирлашиш услубини жамоа бўлиб мақсадни белгилашда, ҳамкорликда режалаштириш ва умумий ишларни ишларни бажариш технологиясида ҳам қўллаш мумкин. Жамоавий ёки гуруҳли таҳлилни ташкил қилиш усули сифатида, мулоқот машқлар ўтказиш услуби сифатида ҳам қўллаш мумкин. Шунга мос равишда ишлаб чиқиладиган педагогик ёрдам технологиялари, илгари маълум бўлган услублар йўналишидан иборат бўлиши кузатилади. Педагогик ёрдам технологияси – бу ўсиб бораётган ўсимирни бошқалардан фарқли эканини англаб етишга ёрдам берувчи, ўзининг бўшлиғи ва ўз кучини- жисмоний, интеллектуал, маънавий, ижодий воситалардан фойдаланиши тизимидир.

Бу таълим олишда шахсий ҳаёт йўли ва ҳаёт мазмунини танлаш учун зарурдир.

Технологияни амалга ошириш ўқувчининг саволидан бошланади: «мен ким бўламан!», « қандай бўлишим керак?». Ўқитувчи билан биргаликда мана шу саволларни муҳофафа қилиш, яна бошқа бир мустақил саволни ҳам келтириб чиқаради: «Қандай яшаш керак?» ... Билдирилган маслаҳатлар ёрдамида ўқувчига ҳос бўлган шахсий ҳаёт тарзи, аста-секин тузилади, интеллектуал, эмоционал, жисмоний юкларлар қулай режими танланади.

Ўқувчи ўқитувчи ёрдамида мувафакқият ва омадсизликларга бардош беришда ўзи учун мос усулларини топади, меҳнат фаолияти мос турини аниқлайди, бўш вақтини узлуксиз иш шакллари, одамлар билан муносабатлар хусусиятларини белгилаб олади.

Ўзини бошқариш бўйруқ бўйича юзага келмайди, балки болалар ва ўсмирлар қизиқишлари ҳамда мактаб фуқароси ҳуқуқлари ҳам ўз манфаатларини ўзаро ҳимоя қилишлари эҳтиёжларидан келиб чиқади. Ушбу ўзини бошқариш мактаб доирасида болалар қизиқишларини бирлаштирувчи бўлганида ва мактабнинг ўзи фуқаролик жамияти сифатида қурилганда пайдо бўлади.

Ўқувчиларда дискотека ўтказиш, саёҳатга бориш ёки турли хил танловлар ўтказиш учун бирлашишни хоҳласалар, мана шу вазиятда ўзини бошқариш тажрибаси пайдо бўлади. Катталар эса бу вазиятда ёрдамчи бўлиб қолишлари мумкин. Ўзини бошқаришда қондалар ишлаб чиқариш мажбурий элемент ҳисобланади.

Болаларнинг ўзлари яратадиган қоидалар, қонунлар, ҳуқуқ қоидаларининг муҳим аҳамиятга эгалиги педагогикада анча аввал маълум.

Мактаб ўқувчиларга ҳаёт муаммоларини демократик ҳал этишга имкон беради. Бундай қоидалар эркинлик ва масъулиятлилик доирасини белгилаб беради. Ушбу ҳолатни интизомлиликни ривожлантириш кучли воситаси сифатида тушуниб, кўпчилик ҳолларда тадқиқотларимиз давомида кузатишларимиз натижасида айтим мактабларнинг тиришқоқ изланувчи педагоглари томонидан ўзларининг қонунларини, ўртоқлик Низомларини яратмоқдалар. Шунинг унутмаслик керакки ушбу услубда ҳам маълум хавфли томонлари мавжуд. Ўқитувчи педагог, баъзи болалар бошқалар устидан назоратчи бўлиб қолмасликларини, лидерлик, отомонлик тушунчалари авж олиб кетмаслигини кузатиб бориш зарур. Бундай ҳолатда болалар жамоасида адолат ҳам юзага келиши ва болалар қонунни бажарувчилар ва уларга қарши кузатувчиларга ажралиб қолишлари мумкин. Шундай қилиб, юқорида тасвирланган услублар тўплами янги мақсад, педагог ёрдам учун технологияни белгилаб беради. Ва мана шу мазмунда инновацион технологиядан иборат бўлади.

Адабиётлар:

1. Тумалев В.В. Учительство в ситуации социально – политических перемен Ч.З. Инновационный потенциал современного учителя. СП 6, 1995.
2. «Хамса». А.Навоий о гуманности.
3. Хомерики О.Г. Инновации в практике обучения. Педагогика, - 1993.№2.
4. Хомерики О.Г., Поташник М.М., Лоренсов А.В. Развитие школ как инновационной процесс. - М., 1994
5. Шиянов Е.Н. Гуманизация педагогического образования состояние и перспективы. - Москва - Ставрополь, 1991.

РЕЗЮМЕ

Мақолада умумтаълим мактаблари тарбия тизими ҳақида, уни ташкиллаштириш, такомиллаштириш, амалга ошириш ва буларни ўқувчилар тарбиясига таъсири, инсонпарварлик тарбияси, тарбияга турлича ёндашувлар тўғрисида фикр билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается система образования в общеобразовательных школах, ее организация, совершенствование, внедрение и ее влияние на образование учащихся, гуманное образование, различные подходы к обучению.

SUMMARY

The article examines the educational system in general education schools, its organization, improvement, implementation and its impact on the education of students, humane education, various approaches to teaching.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

*Абуллаев Т.А.*

*Бердақ номидаги Қорақалтоқ давлат университети «Миллий ғоя,  
маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** замонавий олий таълим муассасалари, бўлажак педагоглар, методик компетентлиги, педагогик креативлик, таълим-тарбия, фаолият, ўқув - тарбия жараёни, конструкциялаш, лойиҳалаш, технологик билим, ўқитувчи, талаба, таълим сифати.

**Ключевые слова:** современные высшие учебные заведения, будущие учителя, методическая компетентность, педагогическое творчество, образование, деятельность, учебный процесс, строительство, дизайн, технологические знания, преподаватель, студент, качество обучения.

**Key words:** modern higher educational institutions, future teachers, methodological competence, pedagogical creativity, education, activities, educational process, construction, design, technological knowledge, teacher, student, quality of education.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан олий таълим муассасаларида таълим-тарбиявий фаолиятни ташкил қилиш, олий таълим сифатини оширишда янги ижтимоий эҳтиёж ва замонавий талабларга жавоб берадиган педагог кадрларни тайёрлашга эътибор кучайтирилмоқда.

Олий таълим тизимида таълим-тарбиявий фаолиятни ташкил қилишда илмий-назарий ва амалий жиҳатдан қуйидаги вазифаларни амалга оширишга эришиш мақсадга мувофиқдир:

Бизнинг фикримизча, бўлажак педагогларнинг методик компетентлиги ва педагогик креативлигини ошириш:

- ўз ихтисослиги бўйича фан асосларини (педагогика, психология, математика, география ва ҳ.к.);
- педагогика ва психология асосларини (методологик, яъни таълим тарбиянинг умумий фалсафий қонуниятларини билиш),
- илмий назарий (педагогика ва психология тамойиллари ва қонуниятларини билиш),
- методик (ўқув - тарбия жараёнларини конструкциялаш даражаларини билиш),
- технологик билим (таълим-тарбия ишларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш) билимларга эга бўлиши талаб этилади

Тажрибалар шундан далolat берадики, глобаллашув жараёни бугунги кун профессор ўқитувчиларидан инновацион, адаптацион шароитда фаолият юрита оладиган мутахассисларни таълим-тарбиявий фаолиятини ташкил қилишда илғор хорижий тажрибаларни мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари фаолиятида кенг жорий этиш зарурлигидан далolat беради.

Таҳлиллар ОТМда таълим-тарбия фаолиятини босқичли ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғрилигини тасдиқлайди. Бироқ тадқиқотчилар ташкилотнинг босқичларини аниқлаётганда, бу асос ижтимоий компетенция(қўнқма)ларнинг ривожланишига қаратилган эмас эди. Тадқиқотимизда замонавий ОТМда таълим-тарбия фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим педагогик шарт талабаларнинг ижтимоий салоҳиятини ва талабалар жамоаларининг хилма-хиллигини ривожлантиришга қаратилган. Шу сабабли ОТМда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш босқичларини ишлаб чиқиш, бу шартларга ва ҳар бирида ўқитувчи фаолиятининг мазмуни, шакллари ва технологияларига мос келиши зарур. Талабалар жамоаларида таълим-тарбия фаолияти босқичларини моделлаштиришда айнан В. Белошицкий, И.Ф. Бережная, Н.А. Богачкина, А.А. Бодалев, В.И. Виноградов, А.Г. Гогоберидзе, Н.Голубев, Д.В. Григорьев, Р.П. Жданов, М.М. Ковалева, Е.К. Кролевская, Ю.А. Кустов, В.Т. Лисовский, Т.Ю. Малахова, П.А. Просецкий, А.И. Рувинский, С.Л. Рубинштейн, Е. Рукавишников, А.Семиченко, В.И. Слободчиков, А.Е. Соловьева, Г.А. Каби олимлар тадқиқот ишларига таянализ.

Тадқиқотчи-олим Шукерман тадқиқотларида турли йўналишдаги талабаларга таълим-тарбия бериш, ёшларнинг ёшлик хусусиятлари, талабаларнинг субъектив позицияси, фаолиятда инсон таракқиёти ҳақида фикр юритган.

Тахлиллар шуни кўрсатдики, талабалар билан биринчи ўқув йилида таълим-тарбия фаолиятини ташкил этишда талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш қобилиятлари, мустақилликлар, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини тутиш ва ўз фаолиятини бошқариш, ўзларини назорат қилиш ва баҳолаш, ўз вақтини тўғри тақсимлашнинг имкони етарли даражада мавжуд эмас.

Ушбу давр мобайнида қуйидаги айрим баҳс-мунозарали вазиятлар юзага келади: бир томондан, ОТМга қабул қилиш жараёни ёшларни ўз кучлари билан интилиш хусусиятларини мустаҳкамлайди ва талабалар ҳаёти қизиқарли бўлишига умид туғдиради, бошқа томондан, биринчи курс талабалари енгиб ўтиши керак бўлган кўплаб қийинчиликларга дуч келишади.

Бу қийинчиликлар нотаниш муҳитда ўзгариш, ўрганиш учун тайёрлик, турли хил ахборот манбалари билан ишлаш қобилияти, алоқа муаммолари каби шахсият хусусиятларининг етишмаслиги билан боғлиқ. Кўплаб биринчи курс талабалари танлаган касблари учун қизиқиш ва ғайратларнинг етишмаслиги, шунингдек, бунинг учун психологик тайёргарликнинг камлиги сабаб бўлади.

Бу қийинчиликлар уларнинг келиб чиқиш жиҳатлари билан фарқ қилади. Улардан баъзилари объектив равишда муқаррар, бошқалари табиатан субъективдир ва заиф таълим-тарбия, оилада ва мактабда таълим олиш, иродавий фазилатларини шакллантирмаслик, заиф ижтимоий фаоллик, қизиқий йўналишларининг беқарорлигига боғлиқ.

Ушбу давр мобайнида талабалар ўзларининг ички дунёси ва ташқи муҳитга мослашувчанлик хусусиятларини шакллантиришлари керак, бу эса ёшлар ўзларининг шахсий ҳаётий тажрибаси асосида белгиланади. Ушбу жараён натижасида ҳатти-ҳаракатлар, кадриятли тизимлари, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ҳаётий мотивациялари ўзгариши кузатилади. Шу муносабат билан, биринчи курсларда таълим-тарбия фаолиятини ташкил қилишда талабаларнинг мактаб тажрибасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи курсда талабалар талабалик ҳаётининг жамоавий шаклларини ўзлаштира бошлайдилар. Шу сабабли ушбу давр мобайнида талабаларнинг мақбул фаолияти учун шарт-шароит яратиш учун академик гуруҳларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотчи Т.В. Анохининг фикрича, олий таълим муассасасида 1-2 курс босқичлари етакчи ўрин тутади, чунки у касбий-профессионал фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини оширади.

Ушбу даврда ижтимоий доиралар ўзгаради, янги жамоада ўз-ўзидан тасдиқлаш муаммоси пайдо бўлади, талабалар мураккаб ижтимоий муносабатларга киритилади. Уларнинг аксарияти ўзларининг билим ва қобилиятларини юқори баҳолайдилар. Талабалар натижаларга эришиш йўлларини эмас, балки натижаларга интиладилар, уларнинг ҳар бирида ўзига хослик ва ҳаёт йўналишларида мустақилликка интилишнинг мавжуд эмаслиги билан ажралиб турадилар. А.Жўраевнинг фикрига кўра, уларда кўпинча, ижтимоий хулқ-атворга олиб келиши мумкин бўлган рефлексив шахсиятни баҳолаш мавжуд эмас. Шунинг учун талабалар билан ўзларининг ижобий ва салбий ҳатти-ҳаракатларини намоён этишларида ўз-ўзларини таҳлил қилишларини рағбатлантириш муҳимдир.

Жамиятда ижобий ҳаётий тажрибани қўлга киритиш, ижтимоий салоҳиятни ривожлантириш, талабалар бошқа ҳолатларда жамоаларнинг шахсий ва ижтимоий

жихатдан аҳамиятли муаммоларини ёки умумий манфаатларни ҳал қилиш учун бирлаштирувчи ўз ҳамжамиятларини яратишлари муҳим бўлиб ҳисобланади.

ОТМда ёшларнинг ўзаро ва таълим муҳитига мослаштириш 2-семестр охири ва 3-семестр бошида ниҳоясига етади. Иккинчи курс талабалар учун уларнинг энг фаол таълим-тарбия фаолияти давридир.

Бу давр мобайнида кўпинча ОТМ, мутахассислик, касб танлашнинг тўғрилиги ҳақида савол туғилади. Учинчи курс – мутахассисликнинг бошланиши, илмий ишларга қизиқишни кучайтириш, талабаларнинг касбий-профессионал манфаатларини янада ривожлантириш ва янада чуқурлаштириш давридир.

Ихтисослашувга бўлган кескин эҳтиёж кўпинча турли хил шахсий манфаатлар доирасининг қисқартиришга олиб келади. Учинчи ўқув йили охирида касбий-профессионал ўз-ўзини бошқариш масаласи ниҳоят ҳал қилинади. Бироқ бу вақтда мутахассислар ишидан қочиш учун қарорлар қабул қилинади. Тадқиқотчилар: В.Т. Лисовский, А.В. Дмитрийнинг фикрига кўра, ОТМ режимини, таълим тизимини, индивидуал ўқитувчиларни баҳолашда кўпинча талабаларнинг ОТМда ўқишга бўлган муносабати ўзгаради: ўқининг дастлабки ойларида кучли ғайратли ёндашув ёки шубҳа билан қараш ҳолатлари кузатилади. Тўртинчи ўқув йилида талабаларнинг ҳулқ-атвори учун махсус таълим-тарбиянинг янада оқилона усуллари ва шаклларини интенсив ўрганиш, талабалар ҳаёти ва маданиятининг кўплаб кадрятларини қайта кўриб чиқиш содир бўлади [4;].

Замонавий ОТМда талабанинг субъектив позициясини эгаллашига қараб, ёшларнинг субъективлигини шакллантиришнинг хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамыз.

Талабаларнинг субъектив позициясини шакллантириш учун зарур шарт - бу ёшларнинг фаолиятни мустақил, онгли равишда амалга оширишидир. Бундай фаолият бир ёки бошқа турдаги фаолиятни танлаш учун индивидуал ва сенситив даврларнинг кадрятли йўналишлари билан белгиланади.

Талабалар жамоаларида таълим жараёнини босқичма-босқич ташкил этишда зарур бўлган фаолият турларининг хусусиятларини кўриб чиқилиши шарт. Шахсият ва фаоллик муносабатларини қайд этган В.Л. Рубинштейн шундай деб таърифлаган: «инсон ўз атрофидаги оламни, табиий муҳитни англаши – бошқаларга нисбатан муносабати билан аниқланади». Ушбу муносабатлар одамлар фаолияти, одамлар оламни англашини ўзгартирадиган фаолиятларида амалга оширилади. «Инсоннинг фаолият билан боғлиқлигини аниқлашга бундай ёндашув шахсни ривожлантириш тамойилини фақат битта фаолиятда ижтимоий бирлашув шароитида тушунилади. Жамоатчилик билан муносабатларга киришишда инсон ўз ҳаётининг юқори даражасига кўтарилади, унинг эҳтиёжларини ва ўзининг қобилиятини янада мураккаб даражада тушунадиган: «Ривожланиш - доимийлик, шахснинг узлуксиз ҳаракатланиши, шахс ривожланишининг паст босқичларидан юқори босқичларга ўтиши» ғоясини белгилайди «.

Шу сабабли таълим-тарбия фаолиятини ташкил қилишда ўқитувчининг турли ижодий фаолиятда иштирок этиши учун шарт-шароит яратиши тавсия этилади, ташкилотнинг ҳар бир босқичида унинг турларини биринчи ўринга қўйиш, босқичма-босқич мураккаблашиб боради.

Тадқиқотимиз учун воқелик ва инсоният ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги фикрлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. В.И. Слободчиков ва Г.А. Цукерман, ҳар қандай инсоний жамиятнинг таркибий қисмлари «алоқага» ва «муносабатларга» оид тушунчалардан иборатдир. «Воқелик» концепцияси маълум бир жамиятдаги муносабатлар



ва муносабатларнинг бир вақтнинг ўзида ва бир-бирига мос келмаслигини таъминлайди. Бу янги, тобора мураккаб бўлган алоқалар ва муносабатлар бирлашмаларининг шаклланишига ва пайдо бўлишига ёки унинг наслдан-насла ўтиши билан боғлиқ бўлган ҳодисани юзага келтиради.

Тадқиқотимиз учун воқелик ва инсоният ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги фикрлар муҳим аҳамиятга эга. В.И. Слободчиков ва Г.А. Цукерман, инсоният жамиятнинг ҳар қандай таркибий қисмлари «алоқага» ва «муносабатларга» оид тушунчалардир. «Воқеалик» концепцияси маълум бир жамиятдаги муносабатлар ва муносабатларнинг бир вақтнинг ўзида ва бир-бирига мос келмаслигини таъминлайди. Бу янги, тобора мураккаб бўлган алоқалар ва муносабатлар бирлашмаларининг шаклланишига ва пайдо бўлишига ёки унинг сермахсул ҳолатидан бирининг вужудга келишига мойил бўлган ҳодиса феноменини келтириб чиқаради.

«Воқеалик» концепциясини тавсифлашга ёндашувларни умумлаштириш натижа-сида, талаба жамоаларида таълим-тарбия фаолиятини ташкил қилишда, ўқитувчига ҳодисалар юзага келиши учун шарт-шароит яратишни тавсия этамиз. Ушбу ҳодисалар, бир томондан, муайян ўрнатилган муносабатлар мавжудлиги ва жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатларга боғлиқ бўлиши мумкин, бироқ улар ҳам жамият, ҳам унинг аъзолари ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин.

Ҳодисанинг муҳимлигини тушунишда шахснинг унга нисбатан муносабати, қадриятли йўналганлиги ва мақсадлари ҳисобга олинishi лозим. Бу ижобий таъсирга эга бўлиши ва ривожланишнинг сифатли поғонасига олиб келиши ва бошқа томондан, ривожланишда тўхтаб қолишга ва жамоа аъзолари томонидан салбий қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Талабалар жамоаларида таълим-тарбия фаолиятини ташкил қилиш бошқичларини ишлаб чиқишда, талабаларнинг турли йўналишдаги ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, талабаларнинг субъектив позициясини намоён қилиш учун шарт-шароит яратиш зарур.

Биринчи курсда талабаларни академик гуруҳда шахслараро алоқаларни ўрнатиш, ОТМга мослашиш ва талабалик ҳаётига кириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш зарур. Талабаларни инсонпарварлик қадриятларига ўргатиш, мулоқот қобилиятларини ривожлантириш муҳимдир.

Илмий академик гуруҳ талабалик ҳаётида муҳим ўрин тутади, шунинг учун академик гуруҳда таълим-тарбия фаолиятини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Биринчи курс талабаларида гуруҳий ҳодисалар ҳақида баъзи фикрларга эга бўлишлари муносабати билан талабаларни академик гуруҳлар жамоасини яратиш жараёнига жалб қилиш тавсия этилади.

Бундай жамиятнинг ҳаётига қўшилиш келажакда талабалар ўзларини турли жамоалар ташкил қилишларида муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Катта курсларда талабаларга келажакдаги касбларига оид фаолият билан шуғулланиш имкониятини бериш тавсия этилади. Талабалар иштирок этадиган фаолият аста-секин мураккаблашиши муҳимдир. Фаолиятни ривожлантириш шарти талабалар ўртасида юзага келадиган қарама-қаршиликлардан иборат бўлиши мумкин.

Улар талабаларнинг курсдан-курсга ўтиб, ўсиб боришда келиб чиқувчи талабларига ва уларга эришишнинг ҳақиқий имкониятларига, турли фаолият турлари билан шуғулланиш истагига, ички дунёлари ва уни ифодалаш учун етарли воситаларга эга бўлишлари учун эҳтиёжлари билан боғлиқдир.

Ўқитувчи бундай қарама-қаршиликларни ҳал қилишда талаба-ёшларга ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир.

Аниқланган ғояларга таяниш асосида биз талабалар жамоаларида таълим-тарбия фаолиятини ташкил этишнинг куйидаги босқичларини ишлаб чиқдик: биринчи босқич «Академик гуруҳ талаба жамоасини яратиш», иккинчи босқич «Талабаларнинг яратувчанлик ташаббусларини ривожлантириш», учинчи босқич - «Талабалар етакчилиги қобилиятларини ривожлантириш».

Талабалар жамоаларида таълим-тарбия фаолиятини ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳати шундаки, талабалар ижтимоий кўникмаларни ривожлантирар экан, улар турли лойиҳаларни амалга ошириш, ўз-ўзини ташкил этиш учун жамоаларни ташкил этиш, шунингдек, кичик курслар талабаларига ўз муаммоларини ҳал қилишда ва ташаббусларни амалга оширишда ёрдам беришга ундайди.

Ўқитувчи ҳар бир босқичда талабаларга педагогик ёрдам кўрсатишни амалга ошириши шарт. У шахсий ва ижтимоий муаммоларни ижодий ҳал этишда ва ижтимоий салоҳиятни ривожлантиришда талабаларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди, фаоллаштиради, рағбатлантиради. Тадқиқотимизда ОТМ талабалари таълим-тарбиясининг мақсади ва вазифаларини, ўқитувчи ва талабалар фаолияти мазмунини, таълим-тарбия шакллари, етакчи технологияларни ҳар бир босқичда очиб бериш вазифасини белгилади.

Бунда куйидаги: И.Д. Аванесян, Т.В. Анохина, В.П. Бедерханова, Р.У. Богданова, П.Б. Бондарева, О.С. Газман, Н.А. Жокина, И.П. Иванов, Т.М. Ковалева, В.А. Луков, Е.С. Полат, Т.М. Митрошина, Е.В. Титова, Б.Е. Фишман, М.П. Черемных каби қатор олимлар тадқиқот ишларига таянилди.

Талабалар жамоаларида «Академик гуруҳ талабалар жамоасини яратиш» тарбиявий жараёнининг биринчи босқичи бўлиб, ушбу босқичда ўқитувчи биринчи курс академик гуруҳнинг талабалари билан имкониятга кўра ҳамкорлик қилади.

Ўқитувчилар ва талабалар ҳамкорлигининг умумий мангигини талабалар билан жамоатчилик ҳақидаги назарий материалларни ўрганиш, гуруҳ ишини, жамоанинг ижодий ишларини ташкил этиш, ривожлантириш ва амалга оширишни режалаштириш ва талабалар жамоаларининг ҳаётий фаолиятини ўз-ўзини ташкил этиш учун талабалар учун шарт-шароитларни яратиш сифатида тасаввур этиш мумкин.

Ўқитувчи ва талабаларнинг фаолияти куйидаги кетма-кет қадамлар шаклида ифодаланиши мумкин: 1) талабалар шахси учун аҳамиятли муаммоларни танлаш; 2) муаммони тушуниш, 3) муаммони ҳал қилиш учун режа тузиш; 4) режани амалда бажариш; 5) фаолиятни тушуниш; 6) ўзини такомиллаштириш; 7) янги вазиятдаги тажрибани қўллаш.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаларида таълим-тарбия фаолиятини, айнан ўқув-тарбия ишларини, уларни бошқариш ва лойиҳалаш жараёнларини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини билиш, ўзлаштириш, амалда қўллаш, индивидуал касбий педагогик фаолиятининг натижаларини квалиметрик таҳлил қила олиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни амалиётга олиб киришни самарали амалга ошириш кўникмаларга эга бўлиш ҳар бир педагогдан талаб этилади.

#### Адабиётлар:

1. Анохина Т.В. Педагогическая поддержка как реальность современного образования// Новые ценности образования: забота – поддержка- консультирование- Вып 6 –М.: «Иноватор» 1996 – С 196
2. Очил С. Муастакиллик ва тарбия масалалари. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Жўраев А. Тарбиявий дарслар ўтиш. Т.: «Ўқитувчи», 1994
4. Жокина Н.А. Профессиональное воспитание студентов//Высшее образование в России.2009 №1 – С 96-99
5. Слободчиков В.И. Цукерман Г.А. Генезис рефлексивного сознания в младшем школьном возрасте// Вопросы психологии. 1990.- №3- С. 25-36

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада замонавий олий таълим муассасаларида таълим-тарбиявий фаолиятини ташкил қилиш босқичлари илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, таълим-тарбия фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим педагогик шарти талабаларнинг ижтимоий салоҳиятини ва талабалар жамоаларининг хилма-хиллигини ривожлантиришга қаратилганлиги, бўлажак педагогларнинг методик компетентлиги ва педагогик креативлигини ошириш муҳим педагогик аҳамият касб этиши масалалари ўрганиб чиқилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены этапы организации образовательной деятельности в современных высших учебных заведениях с научно-теоретической точки зрения. В статье также рассматриваются важнейшие педагогические условия организации учебной деятельности, направленной на развитие социального потенциала студентов и разнообразия студенческих сообществ, важность повышения методической компетентности и педагогического творчества будущих учителей.

## SUMMARY

The article examines the stages of organizing educational activities in modern higher educational institutions from a scientific and theoretical point of view. The article also discusses the most important pedagogical conditions for organizing educational activities aimed at developing the social potential of students and the diversity of student communities, the importance of improving the methodological competence and pedagogical creativity of future teachers.

## ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

*Майдонова С.С.*

*Навоий давлат педагогика институти*

*Умумий педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** жамият, давлат, ўқувчи, китоб, китобхонлик маданияти, ўқиш кўникмаси, тарғибот, усул, маданий-тарихий, маънавий-ахлоқий мерос, буюк мутафаккирлар, мерос, садоқат, тарбия, муқаддас кадриятлар, оила ва мактаб ҳамкорлиги, умуминсоний кадрият, халқ, мафкура, миллат, мезон, қараш, яхшилик.

**Ключевые слова:** общество, государство, читатель, книга, культура чтения, навыки чтения, пропаганда, метод, культурно-историческое, духовно-нравственное наследие, великие мыслители, наследие, преданность, воспитание, сакральные ценности, сотрудничество семьи и школы, общечеловеческие ценности, народ, идеология, нация, критерий, взгляд, добро.

**Key words:** society, state, reader, book, reading culture, reading skills, propaganda, method, cultural, historical, spiritual and moral heritage, great thinkers, heritage, devotion, upbringing, sacred values, cooperation between family and school, universal values, people, ideology, nation, criterion, view, good.

Жамиятда юксак маънавиятни шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний кадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, халққа садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилдир.

Бу муҳим вазифани амалга оширишда оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Зеро, ўзбек оилалари, оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш, ёшлар мафкуравий иммунитетини бойитишда ёш авлодни китоб воситасида тарбиялашда ўзига хос миллий тажрибага эга.

Фикримизча бугунги кунда ўзбек оилаларида хусусан, оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларга китобхонлик маданиятини ривожлантириш масалаларига эътибор кучаймоқда. Хусусан, оила институтини ривожлантириш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон, 2018 йил 2 февралдаги «Хотин -қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5325-сон фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий - амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 229-сон Қарорларида бир қатор вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорида «Аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва адабий меросни кенг тарғиб қилиш» устувор вазифа сифатида кўрсатиб ўтилган.

Республикамизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим мезонларидан бири жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оила институти, ота-оналар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги 175-сонли Қарори билан тасдиқланган таркиб асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» Жамоат кенгаши тузилган. Мазкур Жамоат кенгаши маънавий-маърифий ишларни тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда, ўз фаолиятини ёшлар, ота-оналар ва жамоатчилик иштирокида олиб боради.

Ўқувчи ёшлар тарбиясида оила ва таълим муассасаларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки инсоннинг илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари, аввало оилада шаклланади, яъни боланинг характери ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, меҳр-оқибат, ор-номус, ота-онага, оиладаги кекса авлод вакилларига ҳурмат каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори ҳам оила шароитида, маҳалла кўз ўнгида шаклланиши, табиий. Оилада бошланган таълим ва тарбия таълим муассасаларида, маҳаллада давом этади. Таълим муассасаларида амалга ошириладиган мақсадли ва узлуксиз таълим-тарбия жараёни орқали боланинг билиш жараёнлари ривожланади, бола шахси шаклланади.

Юқорида қайд этилган масъулиятли ишлар бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган уч омил, яъни оила - маҳалла - таълим муассасаси ҳамкорлиги асосида тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда. Ушбу ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилиши ўқувчи ёшлар орасида турли салбий одағлар, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг, шунингдек, гиёҳвандлик, диний экстремизм, «оммавий маданият» ва шунга ўхшаш иллатларнинг олдини олишда, уларни спортга жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда қўл келмоқда. Асосийси, бу ҳамкорлик доирасида ўқувчи ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук қилиб тарбиялаш, оилаларни мустаҳкамлаш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга эришилмоқда.

Республикамизнинг турли вилоятларида ўтказган тажриба ва кузатувларимиз, бугун мактаб ва оила ҳамкорлигида ўтказилган тадбирларда ўқувчи ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш, китобхонлик маданиятини қарор топтириш, ёшлар тарбиясида

ҳамкорликда амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимиз ҳам талайгина эканлигини кўрсатмоқда, уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, таълим муассасаларида ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар сифатида миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ролини янада ошириш мақсадида Шарқ мутафаккирларимиз дурдона асарларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш;

иккинчидан, «Оила ва таълим муассасаси» ҳамкорлиги фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, алоҳида эътиборга муҳтож оилалар фарзандларининг таълим-тарбиясини доимий назоратга олиш;

учинчидан, ҳар бир оиланинг илм-маърифатга муносабатини тубдан ўзгартириш, тарбияда ота-она ибрати, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ва масъулиятини тўлиқ ҳис этиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, ота-оналарнинг тарбияга оид билимларини оширишга қаратилган «Ота-оналар университети» машғулотларини замонавий шакл ва усулларда ташкил этиш;

тўртинчидан, ёшларни таълим жараёнларига тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг ўз вақтида дарсларга қатнашишини назорат қилиш, уларнинг қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли спорт, фан ва ижодий тўғарақлар фаолиятини янада кенгайтириш бўйича ҳамкорликни кучайтириш;

бешинчидан, таълим муассасаларида ўтказиладиган барча тарбиявий, маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларининг маҳаллалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилишига эришиш каби долзарб вазифалар олдимизда турибди.

Ўқувчи ёшлар тарбияси билан боғлиқ барча масалаларда маҳалла фаолларининг оилалар ва таълим муассасалари билан узвий ҳамкорликда тизимли иш олиб бориши, тарбия талабларининг бажарилишида ёшлар таълим-тарбиясига масъул бўлган давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳалла ва оиланинг тенг баробар иштироки, ёшларда бурч ва масъулиятни англаш, ўз ҳаракатларини тўғри баҳолаш, ўзини назорат қилиш каби сифатларни шакллантиришга, ҳамкорлик фаолиятимизнинг самарали, сермахсул бўлишига хизмат қилади.

Илм-фан тараққиёти инсоннинг камолга етишида катта аҳамиятга эга. Чунки, етук инсон, аввало илмлилиги билан етук саналади. Тажриба ва кузатувларимиз жараёнида оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари асосида «Ватан –остонадан бошланади», «Оммавий маданият ва биз вояга етмаган болалар», «Терроризм давр кушанаси», «Бунёдкорлик – фаровон ҳаёти гарови», «Фарзанд тарбиясида ота-она масъулияти», «Мен севган шоир», «Қадриятларни кадрлаймиз», «Оилам - мен учун муқаддас даргоҳ», «Биз буюк Шарқ фарзандларимиз», «Китоб билан бўл ўрток-китоб доимий ҳамроҳ» мавзуларида суҳбат, семинар-тренинг, китобхонлик ва бадиий кеча, ишпо ёзиш, маърифий тадбир, танловлар ўтказилди.

Маҳаллалар таркибан оилалардан иборат. Оила:

- миллий ахлоқий меъёрларни ўзлаштириш, миллий маданий муҳитга ва унинг қадриятларига қўниқининг бевосита ва абадий манбаси ҳисобланади; миллат психологияси жиҳатларини вояга етмаган болалар онги ва руҳий оламига киришини таъминлайди; миллий қадриятларга амал қилади ва уларни асраб авайлайди; ўзининг миллий тарбиявий аҳамиятини инсон ҳаёти давомида сақлаб қолади; миллий урф-одатлар ва анъаналарнинг авлоддан авлодга етказувчиси ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган оиланинг хусусиятлари ўзбек оиласида ўзини ёркин ифодасини топади. Ўзбек халқи шахсий хислатларида ифодаланган миллий хусусиятлари оилада миллий ва диний қадриятлар асосида шаклланиши ва авлоддан-авлодга ўтиб таълим-тарбия, одат, маросимлар, қоидалар шаклида мустаҳкамланган. Бундай қадриятларга, аввало, ўз юртининг ўтмишига ҳурмат, миллий анъаналарга содиқлик ва уларни ҳаётга татбиқ этиш киради. Миллий хусусиятларнинг шаклланишига меҳнат фаолиятининг характери ва йуналтирилганлиги, ижтимоий жараёнларда қатнашиш ва маданий таълим даражалари таъсир қилади. Халқимизнинг кўп асрлик қадриятлари асосида яратилган таълим-тарбия тизимимиз ўсиб келаётган ёш авлодни умуминсоний ва миллий анъаналар руҳида тарбиялаш, уларда юксак инсоний фазилатларни қарор топтириш, онги ва қалбини мафкуравий ва маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, ғоявий иммунитет ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шу ўринда, айтиш жоизки, глобаллашув, интеграция жараёни барча соҳаларда шиддат билан кечаётган таракқиёт инсониятнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан етуқлигини тақозо этади. Умумий ўрта мактаб ўқувчиларининг илм-фанга ва касб-ҳунарга қизиқишларини орттириш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда янги илғор ва самарали усулларни амалиётга жорий этиш зарур. Бугунги кунда республикамизда ёшлар миллати, халқи, ўзи ва оиласи манфаатлари учун эркин меҳнат қилиш имкониятларига эга.

Айтиш ўринлики, китобхонлик инсонни маънавий бойитиб, уни маърифий камолот сари етаклайди. Зеро, инсоннинг шахс сифатида шаклланиши маънавий тафаккур илдизининг қанчалик чуқур ва мустаҳкамлигига боғлиқ. Бу мустаҳкамлик эса китоб ўқиш, ўқиган китобининг энг муҳим нуқтасини илғаб олишдан иборатдир.

Китоб ёш авлодга таъсир этишининг энг қулай воситасидир, у инсон ҳис-туйғусига, ахлоқига, ҳагги-ҳаракатига, дунёқарашига таъсир этади, айниқса, ўсмир ёшида, яъни унинг шаклланиш даврида алоҳида мавқега эга. Бадий адабиёт, турли фанларга доир қизиқарли китоблар, лугатлар, маълумотномалар болалар маънавиятини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Айтиш ўринлики, мазкур занжирнинг биронтасида узилиш ёки тарбиявий ишларда сустқашликка йўл қўйилса жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг пайдо бўлиши учун муҳит вужудга келади. Бундай ҳолатнинг олдини олишда юқоридаги ҳамкорлик занжири субъектларидан баркамол шахсни тарбиялашнинг қуйидаги тамойилларига амал қилиш тақозо этилади:

- зарарли мафқураларга баҳо беришда ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлиги;
- инсонларварлик ва демократик қадриятларнинг бир бутунлиги;
- ғоявий онг ва тафаккур, сиёсий саводхонлик асосидаги дунёқарашни шакллантириш узлуксиз жараён эканлиги;
- оилаларда миллий-маънавий қадриятларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиш;
- ҳуқуқий соҳадаги ўзгаришларни, назарий билим ва тушунчаларни амалда қўллаш олишга доир семинарлар ташкил қилиш.

Ўқувчи ёшлар маданиятини шакллантиришда китоб кучли восита бўла олади. Китоб мутолаасидан ўтган инсон, ундан ўзига хулоса чиқаради. Натижада ўз билимини, дунёқарашини кенгайтиради. Билимли, саводли, маданиятли, жиҳмонан бақувват, маънавий етуқ, руҳан тетик ва эътиқоди мустаҳкам инсон бўлиб етишади.

Маълумки, китобхонни аввало китобда тасвирланган воқелик қизиқтиради. Аста-секин бу қизиқтиришнинг таъсири таъсир этиб, тасвирланган воқелик билан ҳаёт воқелигини таққослай бошлайди, тасвирлардаги гўзаллиқни англай бошлайди, қаҳрамонларнинг характери ҳақида ўйлай бошлайди, муаллифнинг мақсади билан қизиқади.

Бугунги кунда ўқувчиларда китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиш учун асосий мақсад - тарғиботнинг янги турли усуллари асосида маданий-тарихий, маънавий-ахлоқий меросни тарғиб қилиш, ўтган буюк мутафаккирлар ижодларини кенг ёйиш, ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маданий ва маънавий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлашдек тўғуларини уйғотиш каби тарғиботни кенг йўлга қўйишимиз керак.

Фақат бу борада биз китоб воситасида тарбиялашнинг янги усул ва механизмларини яратишимиз лозим.

Ўқувчилар болаликдан оилада китоб ўқишни билган тақдирдагина китобхон бўла олади. Адабиётшунос олим С.Матчонов «Китоб ўқишни биласизми?» деган асарига шу масалада мулоҳаза юритади. У китобхонлик кўп жихатдан адабиёт ва жамият тараққиётига боғлиқ деб кўрсатади ва китобхонликни ижодий меҳнат сифатида таъриф этиб, китобхонлик меҳнатининг шакли, даражаси, танланган асарнинг турига қараб ўзгариб боради, дейди олим. Бу борада илмий асарлар, албатта муайян меҳнат талаб этиши, бадий асарни ўқиш гарчи меҳнат талаб этилмагандай кўринса ҳам, аслида китобхон қаҳрамон бошидан кечирган воқеалар орқасидан бориб, асарда тасвирланган воқеалар устида фикр юритади, қаҳрамонлар тақдирини ўйлаб, диққатини жамлайди, тафаккурини ишга солади. Бу ёзувчи мақсадини, асарда илгари сурилган муаммони ўйлашга, фикр қилишга йўллайди. Ана шу жараён китобхонда эстетик ҳис-туйғу уйғотади. Шунинг учун ҳам бадий асарни ўқиш ва ўқиганини тушуниб ўқиш муҳим саналади. Хуллас, китобни «тушуниб» ўқиш, китобхонлик даражасини, унинг маданиятини кўрсатади. Буюк мутафаккирлар биринчи навбатда қобилиятли китобхон ҳам бўлганлар. Демак, китобхонлик қобилияти туғма эмас, балки инсоннинг китоб устида ишлаши, малака ва кўникмалар ҳосил қилиши орқали камол топа боради, дейди олим.

Хулоса қилиб айтганда оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ташкил этиладиган дарсдан ташқари тарбиявий ишларнинг мазмунан изчиллиги, тарбия шакли ва методларининг мутаносиблиги, хилма-хиллиги, самарадорлиги, ўқувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши, оила, мактаб, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги механизмининг шаклан ва мазмунан илмий-назарий ва методик уйғунлиги, узлуқсизлиги ва узвийлигини таъминлаш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Очилов Малла. Муаллим қалб меъмори: Сайланма. – Т.: Ўқитувчи, 2000. - 432 б.
2. Очилов Сафо. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. -207 б.
3. Давронова Д.С Оилада воёга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) олиш учун ёзилган дисс. Самарқанд - 2018

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари, шарт шароитлари илмий назарий жихатдан ёритилган. Шунингдек мақолада ўқувчиларда китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиш учун асосий мақсад - тарғиботнинг янги турли усуллари асосида маданий-тарихий,

маънавий-ахлоқий меросни тарғиб қилиш, ўтган буюк мутафаккирлар ижодларини кенг ёйиш, ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маданий ва маънавий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлашдек туйғуларини уйғотиш каби масалалар атрофича ёритиб ўтилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье описаны педагогические возможности, условия и условия развития культуры чтения у школьников на основе сотрудничества семьи и школы. Основная цель статьи - развитие у студентов навыков чтения - популяризация культурного, исторического, духовного и нравственного наследия на основе новых методов пропаганды, распространение произведений великих мыслителей прошлого, привитие преданности богатому культурному и духовному наследию наших предков. Подробно освещены такие вопросы, как сохранение и сохранение наших священных ценностей и их пробуждение.

## SUMMARY

The article describes the pedagogical possibilities, conditions and conditions for the development of a culture of reading among schoolchildren on the basis of cooperation between the family and the school. The main goal of the article is to develop students' reading skills - to popularize cultural, historical, spiritual and moral heritage based on new methods of propaganda, disseminate the works of great thinkers of the past, instill devotion to the rich cultural and spiritual heritage of our ancestors. Issues such as the preservation and preservation of our sacred values and their awakening are covered in detail.

—•••••—

## ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА «ОИЛА – МАҲАЛЛА – ИЖТИМОЙ МУАССАСАЛАР» ҲАМКОРЛИГИ

*Нарзиқулова Д.*

*Навоий давлат педагогика институтини,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** оила, конфликт, субъектив омиллар, инсон, ғоя, муносабат, зиддият, ҳиссий-эмоционал ҳолат, объектив борлиқ, нотинч, ноқобил оилалар, соғломлаштириш, маҳалла, ижтимоий институт, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, саъй-ҳаракат.

**Ключевые слова:** семья, конфликт, субъективные факторы, человек, идея, отношение, конфликт, эмоциональное состояние, объективное существо, неблагополучные, некомпетентные семьи, благополучие, соседство, социальный институт, моральный, правовой, экономический, усилие.

**Key words:** family, conflict, subjective factors, person, idea, attitude, conflict, emotional state, objective being, dysfunctional, incompetent families, well-being, neighborhood, social institution, moral, legal, economic, effort.

Оила деб аталмиш муқаддас ватанда истиқомат қилувчи ҳар бир инсон бир-бирлари билан ахлоқий, ҳуқуқий, руҳий, иқтисодий алоқалар туфайли муомала-мулоқотга киришишади. У яшаш учун меҳнат қилади, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида саъй-ҳаракатини амалга оширади.

Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармонида аҳоли, биринчи навбатда вояга етмаган болалар масаласига, уларнинг турмуш маданиятини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши мажлисининг 2017 йил 22 феврал-



даги 28-сонли баённомаси юртимизда оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси, соғлом оила муҳитини, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, соғломлаштириш ва профилактик тадбирлар, касбга йўналтириш, ҳар тарафлама уйғун ривожланган етук шахсни тарбиялаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганининг исботидир. Маҳаллаларда, таълим муассасаларида «Омлавий маданиятнинг зарарли иллатлари – миллий маънавият қушандаси», «Оилада ота-она ва фарзандлар ўртасида муомала маданияти» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Оилавий низолар конфликтлар келиб чиқишининг субъектив омиллари ва сабаблари инсон ва унинг субъектив қарашлари, ғоялари, муносабати ва хулосалар қилиши негизда вужудга келади. Бунда ҳар бир зиддият томонига хос бўлган хусусий хиссий-эмоционал ҳолат объектив борлик ва унинг хусусиятларидан устуник қила бошлайди, томонлар муносабатларига раҳна сола бошлайди, инсон ўзини идора қила олмаслиги асосида томонлар ўртасида рухий-психологик номутаносиблик вужудга келади. Мазкур конфликтлар келиб чиқишининг субъектив омиллари конфликт кечишига ва унинг ечимга олиб келиниши жараёнига ўзининг таъсир кучи жуда кучли эканлигини намоён этади. Чунки инсонларнинг ўз манфаатларидан воз кечиши осон кечмайди.

Конфликтлар келиб чиқишининг субъектив сабаблари ичига:

- √ эр хотиннинг бир-бирига психологик-руҳий номутаносиблиги;
- √ эр хотиннинг феъл-атворида зиддиятларга мойиллик хусусиятининг кучлилиги;
- √ оилада оила аъзолари ўртасида коммуникатив малакаларнинг шаклланмаганлиги;
- √ маънавий, иқтисодий номутаносиблик, ёки эр хотиннинг қизиқишлари бир бирига мос эмаслиги;
- √ оилавий муносабатларда тажрибасизлик ёки тажрибанинг камлиги, муомала маданиятини билмаслиги, болалар психологиясини қабул қила олмаслиги, муносабатларни ўрната олмаслиги, такаббурилиги, босим ўтказишга ҳаракат қилиши, адолатсизлиги, лаёқатининг йўқлиги);
- √ оилада эрнинг ёки хотиннинг ҳаддан ташқари мажбуриятларининг кўпайиб кетиши оқибатида асабийлашув, чарчаш, жисмоний зўриқиш, вазифаларни бажаришга улгурмаслик ҳолатларининг кучайиши;
- √ ота оналарнинг объектив ва субъектив сабабларга кўра фарзанд тарбиясига эътиборсизлиги, фарзандларнинг ўқиш билан банд бўлмаслиги, уларнинг бўш вақтининг кўплиги, ўзларининг хоҳишига қарши равишда озод бўлиши;

Юқоридаги низоларни бартараф этишда ёки профилактик ишларни ташкил этишда оилавий низоларни бартараф этишда «Оила – маҳалла – ижтимоий муассасалар» ҳамкорлиги муҳим роль ўйнайди.

Энг муҳими оила ва маҳалла, замонавий билим ва тафаккурга, соғлом дунёқарашга эга, фикри теран, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга тайёр бўлган, кўзи ёниб турадиган навқирон ёшларни оиласи бағрида камол топиб, жамият ҳаётини олға сурувчи янада юксак босқичларга кўтариб равнақ топтирувчи келажак авлодларни тарбиялаб вояга етказувчи ғоят муҳим бошланғич гуруҳдир.

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, инсон пайдо бўлибдики, у ўзининг эҳтиёжларини кондириниш учун ҳаракат қилади. Дарҳақиқат хоҳ маърифий бўлсин, хоҳ маънавий бўлсин, хоҳ ҳуқуқий бўлсин, хоҳ ахлоқий бўлсин, хоҳ жисмоний бўлсин,

одам шу каби эҳтиёжларини кондириш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Инсон қабихлиги ёхуд ёвузлиги ҳам, яхшилиги ва эзгулиги ҳам шундан келиб чиқади. Инсоният тарихидан маълумки, инсон моддий эҳтиёжини олдинда кўяди. Бугунги кунда бу хусусида халқнинг «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган нақли шиор даражасига кўтарилди.

Ҳаёт ва турмушда «Кичик бир оила иқтисоди ва давлат иқтисоди тушунчалари мавжуд. Пул, мол, оила эҳтиёжлари учун зарур бўлган нарсалар, бу-оила иқтисоди. Оила иқтисоди меҳнат билан топилган ҳалол мол-мулк ҳамда тежамкорлик йўли билан йиғилган нарсалардан иборатдир». Бу ўринда тарбияшунос олим мол-дунёни ҳалол меҳнат эвазига тўплаш зарурлиги ва оилада болаларни шу руҳда тарбиялаш ғоясини илгари сурган.

Абдулла Авлоний таърифига кўра «Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтиладур». «Пулу давлати кўп бўлган инсон бой эмас, балки иқтисодчи инсон бойдир». Оила иқтисодини шакллантиришда, уни бошқариш ва назорат қилишда оиланинг ҳар бир аъзосининг ўз ўрни ва ўз улуши мавжуд.

Тажриба ва кузатувларимиз шуни кўрсатадики, «иқтисодий таъминот» оилавий низоларнинг келиб чиқишида маълум маънода ўз таъсирини кўрсатади. Ана шу нуқтаи назардан қараганимизда оиланинг иқтисодий таъминоти, оиладаги фарзандларнинг маънавий камол топиши «Оила – маҳалла – ижтимоий муассасалар» ҳамкорлигида ташкил этиладиган семинар тренингларга ҳам бевосита боғлиқ.

Биламизки, маҳалла жамиятимизнинг асосий ячейкаси бўлган оилаларнинг фаровонлиги, тинч-тотувлиги ва ҳамжихатлигини таъминловчи маскан экан, бу масканда улғаяётган ҳар бир оиланинг фарзанди учун қайғуриш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, таълим-тарбияси билан шуғулланиш масаласида ҳам масъулдир. Маҳалла билан оила ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бир-бирига ишонч ҳолати мавжуд экан, бундай маҳаллада улғаяётган оилалар фарзандлари рост-гуй, самимий, халқпарвар, меҳрибон, садокатли, ўртокларига доимо ёрдам беришга тайёр бўлган инсонлар камол топади.

Шу ўринда, айтиш жоизки, глобаллашув, интеграция жараёни барча соҳаларда шиддат билан кечаётган тараққиёт инсониятнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан етуқлигини тақозо этади. Вояга етмаганларнинг илм-фанга ва касб-хунарга қизиқишларини ортириш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда янги илғор ва самарали усуллари амалиётга жорий этиш зарур. Ўсиб келаётган ёш авлод ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, соғлом турмуш кечириши учун янада кенг имкониятлар яратиб бериш вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олади. Тарбияси оғир ва дарсларни ўзлаштира олмайдиган болаларни тўғарақларга ва оммавий спортга жалб қилиш орқали уларнинг билим ва жисмоний тайёргарлиги даражасини юксалтириш, вояга етмаганлар орасида қаровсизлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, таълим муассасаларида ўқувчиларни замонавий касб-хунарга ўргатиш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларига кўпроқ эътибор берилиши катта аҳамиятга эга. Зеро, мана шундай амалий чора-тадбирлар мамлакатимиз келажаги бўлган ёшлар истикболини таъминлашнинг самарали йўлидир.

Бугунги кунда республикамизда ёшлар миллати, халқи, ўзи ва оиласи манфаатлари учун эркин меҳнат қилиш имкониятларига эга. Шу ўринда фуқаролар йиғинининг турли тоифага мансуб оилалар билан ўзаро ҳамкорликда қуйидаги ишларни олиб боришлари мақсадга мувофиқ:

- нотинч ва ноқобил оилаларни соғломлаштириш, оилаларнинг ҳар бирининг муаммоларини ўрганиб, оилада соғлом муҳит яратиш бўйича «Ота-оналар универ-

ситети» билан амалий ишлар олиб бориш, маҳалладаги намунали оилалар, маҳалла фаолларидан мураббийлар бириктириш орқали оиладаги муҳитни яхшилаш, айрим муаммоли (гиёҳванд, рухий касал, ичкиликка берилган) фуқароларни мажбурий тарзда даволаш муассасаларига жойлаштириш орқали соғломлаштириш;

- диний вазиятни барқарорлаштириш бўйича диний оқимга мансуб фуқаролар, уларнинг оила аъзолари, фарзандлари рўйхатини шакллантириш. Рўйхат асосида оилаларнинг турмуш тарзини алоҳида назоратга олиш, оқим таъсирига тушиб қолган фуқароларни соғлом ҳаётга қайтариш, иш билан таъминлаш бўйича аниқ чоралар белгилаш, маҳалла фаолларидан мураббий бириктириш;

- ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, таълим муассасаларида спорт объектлари имкониятини ўрганиб чиқиш, ўрганиш натижалари бўйича мавжуд тўғарақлар фаолияти самарадорлигини ошириш манфаатдор ташкилотлар, спорт федерацияларини жалб қилган ҳолда қўшимча янги тўғарақлар очиш бўйича таълим муассасаси раҳбариятига таклиф киритиш, ҳар чорақда камида бир марта спортнинг шахмат, шашка, футбол, вoleyбол, стол тенниси ва бошқа турлари бўйича маҳаллада мусобақалар ўтказиш.

Оилавий низоларни бартараф этишда «Оила – маҳалла – ижтимоий муассасалар» ҳамкорликдаги фаолияти реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, фақат қоғозда бўлади, холос. Шунинг учун миллатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, кенг жамоатчиликнинг, маҳалла ва ёши улуг нуронийларимизнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиб оилавий низоларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, «Оила-маҳалла-ижтимоий институтлар» ҳамкорлиги деганда, албатта, оила билан ижтимоий институтларни бири-бирини боғлаб турувчи «кўприк», восита сифатида маҳаллани тушунишимиз керак. Таълим ва тарбия бири-бирини боғлаб турувчи жараён бўлгани каби, оилавий низоларни бартараф этиш жараёни ҳам «Оила-маҳалла-ижтимоий институтларнинг» ҳамкорлигида олиб борилаётган узвий боғлиқдир. Маълум мақсадга йўналтирилган машғулотлар ва тadbирларни ўтказиш оилавий низоларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу мавзулар: «Оила тинч-маҳалла тинч», «Оила-муқаддас тушунча», «Оилавий анъаналар», «Ғоявий-сиёсий маданиятни шакллантириш-давр талаби» ва шу каби мавзулар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бу ҳар уч йўналишнинг яна ўзига хос томонлари, шохобчалари ҳам бўлиб, улар жамоатчилик, мактабдан ташқари муассасалар, спорт комплекслари, вояга етмаган болалар ижодиёт уйлари ва ҳоказолар ҳисобланади. Буларнинг барчаси бир умумий мақсад – оилавий низоларни олдини олиш, сиёсий онг ва тафаккурини, соғлом мафқурани, сиёсий бағрикенгликни шакллантириш масаласига қаратилган. Жамият тараққиёти биз тарбиялаётган ёш авлодга боғлиқ экан, иккинчи томондан жамиятнинг иқтисодий-сиёсий ва моддий –маънавий бойликларини яратувчи асос ҳам оила эканлигини унутмаслигимиз керак.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4944-сон Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3 феврал
2. Очил Сафо. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т., «ЎҚИТУВЧИ», 1997, 24-бет  
Мусурманова О. Оила маънавияти-миллий гурур. –Т.: «Ўқитувчи», 1999 -199 б
4. Абдурахимова Ф.Ю. Маҳаллада қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлашнинг педагогик асослари: Пед. фан. ном. ... дис. – Т.: ЎзПФЙТИ, 2007. – 171 б.

5. Д.С. Давронова Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизими ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Самарқанд 2018

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада оилавий низоларни бартараф этишда «Оила – маҳалла – ижтимоий муассасалар» ҳамкорлиги илмий назарий жиҳатдан ёритилган. Шунингдек мақолада оилавий низолар конфликтлар келиб чиқишининг субъектив омиллари ва сабаблари инсон ва унинг субъектив қарашлари, ғоялари, муносабати ва ҳулосалар қилиши негизда вужудга келиши, ҳар бир зиддият томонига хос бўлган хусусий хиссий-эмоционал ҳолат объектив борлик ва унинг хусусиятларидан устунлик қила бошлайди, томонлар муносабатларига раҳна сола бошлайди, инсон ўзини идора қила олмаслиги асосида томонлар ўртасида рухий-психологик номуносабатлик вужудга келиши масалалари атрофлича ёритиб берилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье описывается научно-теоретическое сотрудничество «Семья - сообщество - социальные институты» в разрешении семейных конфликтов. В статье также обсуждается тот факт, что в основе семейных конфликтов лежат субъективные факторы и причины конфликта, личность человека и его субъективные взгляды, идеи, установки и выводы. Подробно освещаются вопросы психологического и психологического дисбаланса между сторонами по причине неспособности контролировать себя.

## SUMMARY

The article describes the scientific and theoretical cooperation «Family - community - social institutions» in resolving family conflicts. The article also discusses the fact that family conflicts are based on subjective factors and causes of the conflict, the person's personality and his subjective views, ideas, attitudes and conclusions. Issues of psychological and psychological imbalance between the parties due to the inability to control oneself are discussed in detail.

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДОЛЗАРЪ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

*Кўшақова Г.*

*А.Қодирий номли ЖДПИ катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** бўлажак ўқитувчи, толерантлик, тафаккур, педагогик муаммо, миллий ғоя, глобализация, жамият, ислом, миллатаро тотувлик, диний урф-одатлар.

**Ключевые слова:** будущий учитель, толерантность, мышление, педагогическая проблема, национальная идея, глобализация, общество, ислам, межнациональное согласие, религиозные традиции.

**Key words:** future teacher, tolerance, thinking, pedagogical problem, national idea, globalization, society, Islam, interethnic harmony, religious traditions.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши йўлидан борилмоқда. Демократик тамойиллар ва ҳуқуқий давлат - мамлакатдаги барча инсонлар ҳақ ва ҳуқуқларининг тўла таъминланишига асосланган сиёсий-ижтимоий тизим бўлиб, унинг муҳим белгиларидан бири жамиятда толерантликка асосланган соғлом турмуш тарзини барпо этиш ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа – ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-

моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий–маърифий, таълим–тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат». Шунга кўра, биринчидан, толерантлик миллий ғоянинг узвий таркибий қисми қилиб белгиланмоқда. Иккинчидан, толерантлик ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тушунчалар мазмунига киритилади. Учинчидан, толерантлик ёш авлодларни комил инсон қилиб тарбия қилишнинг узвий таркибий қисми бўлиб, бугунги кунда муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Толерантлик (лотинча «tolerantlo») – чидамлилиқ, бағрикенглик, сабр – тоқатлилиқ, ён бериш) – ўзга динлар, ижтимоий тизим ва тартиблар, миллий ва диний урф – одатлар, диний ва сиёсий қарашлар, эътиқодлар, маданиятлар ва ўзга турмуш тарзига нисбатан сабр – бардошлиқ, чидамлилиқ, боадаблиқ, андишаллилиқ билан сабр–қаноатли ва ҳурматли муносабат билдириш маъноларини англатади.

Демак, толерантлик деганда, бир томондан, унинг теологик маъноси, яъни динлар ўртасидаги ранг-барангликни инкор этмаслик, динлараро бағрикенглик тушунилади. «Биринчи навбатда бундай толерант-плюралистик ёндашув Куръони карим ва Ҳадиси шариф орқали ўз тасдиғини топган. Куръонда қайта-қайта турли-туманлик Аллоҳнинг яратувчанлик режасига мувофиқ экани таъкидланади. Қолаверса, турфаликнинг ижобий аҳамияти Пайғамбаримизнинг ушбу ажойиб ҳадисларида ўз ифодасини топган: «Ихтилофу умматий раҳматун», яъни «Умматим орасидаги турли-туманлик Аллоҳнинг марҳаматидир».

Айни пайтда, иккинчи томондан, толерантлик деганда унинг дунёвий маъноси, яъни фақатгина динлараро муносабатларга тегишли бўлган воқелик сифатидагина эмас, балки кенг маънода ер юзадаги барча халқлар, миллатлар, маданиятлар ва элатларнинг ҳозирги замондаги турли-туман ва ранг-баранг турмуш тарзларига тегишли воқелик сифатида англаш даркор. Бинобарин, муборак Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, «Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар», демак ўсиб келаётган авлодларни муносиб тарбия қилиш баробарида уларни толерант қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиз ҳамда муҳим ижтимоий-педагогик вазифамиздир.

Шунга кўра, Бўлажак ўқитувчилар тафаккурида толерантлик ва диний бағрикенглик кадрятларини шакллантириш вазифаси педагогика илми олдида турган ғоят долзарб илмий-назарий муаммолардан бири саналади.

Бўлажак ўқитувчиларда толерантлик тафаккурини шакллантириш вазифасининг педагогик долзарблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

1. Жаҳон миқёсида глобализациянинг тезкор равишда амал этаётганлиги оқибатида мультикультурализм, космополитизм, ксенофобия, миллий шовинизм, гегемонизм каби иллатлар ҳам кенг тарқалмоқда. Дунё жуда катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-молиявий ўзгаришлар ни бошидан ўтказмоқда. Мана шу жараёнларда толерантлик тафаккурига бўлган талаб ортиб боради. Бироқ миллий педагогик жараёнда толерантликни шакллантиришнинг педагогик асослари масаласи қўйилган талаб даражасида акс этмаган. Шунга кўра, мавзунинг назарий ва амалий жиҳатлари, унинг педагогик методологияси ва технологиясини яхлит ҳолда ишлаб чиқиш даркор;

2. Бўлажак ўқитувчиларда янгиланаётган янги постмодерн дунё тартибида фаол яшашга ҳозир бўлган авлодларга бўлган талаб ортиб бормоқда, бунинг учун уларда толерантлик тафаккурини шакллантириш тақозо этилади, бироқ олий ўқув юртларида толерантлик муаммоси кадрлар тайёрлаш жараёнининг узвий таркибий қисмига айлантирилмаганлиги;

3. Глобализация шароитида кўпчилик давлатларда толерантлик миллий таълим тизимининг узвий таркибий қисми сифатида ўқув жараёнида фаол киритилаётганлиги, маълум тажрибалар йиғилганлиги, мавзуга доир халқаро таржибаларни ўрганиш ва уларни мамлакатимиз таълим тизимига татбиқ этилиш зарурлиги, бироқ бундай ишлар ҳануз амалга оширилмаганлиги;

4. Ўзбекистон кўп миллатли ва кўп конфессиянал мамлакат эканлиги, шунга кўра ҳар бир фуқаро толерантлик асосларини яхши англаши ва унга амал қилиши тақозо этилиши, толерантлик инсон ахлоқининг оддий талаби ва нормасига айланиши даркорлиги, бироқ толерантлик бўйича тадқиқотлар камчилиги ва мазкур йўналишда илмий-тадқиқот ишларини фаол давом этиш даркорлиги.

Шунга кўра, ҳозирги замонда толерантлик зарур ижтимоий-маънавий ва ахлоқий қадрият бўлиб, бўлажак ўқитувчиларда толерантлик тафаккурини шакллантириш ўз ечимини кутиб турган энг долзарб педагогик муаммодир.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ёшлармиз – халқимизининг ишончи ва таянчи. –Т.: Маънавият, 2006. – 96 б.
2. Хасанов А. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. –Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. 2012. - 336 б. - Б. 320.
3. Раҳмонов Н.Турк ҳоқонлиги. -Т.:Мерос,1993.-144 б
4. Нишоновна. С. Маънавият дарслари /Ўрта мактабларнинг X-XI синфлари учун мажмуа. –Т.: Ўқитувчи. 1994. -320 б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларда толерантлик тафаккурини шакллантириш долзарб педагогик муаммо сифатида эканлиги кўриб чиқилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается формирование толерантного мышления у будущих учителей как актуальная педагогическая проблема.

#### SUMMARY

The article examines the formation of tolerant thinking in future teachers as an urgent pedagogical problem.

## БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ – ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛИ ВА МЕТОДЛАРИ

*Истамова Д.*

*Навоий давлат педагогика институтини*

*Инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** педагогик технология, тамойил, усул, ўқитувчи, бўлажак инглиз тили ўқитувчилари, касбий–педагогик фаолият, диагностика механизм, ўқув жараёни, сифат, диагностика, фан-техника, ишлаб чиқариш, глобаллашув, олий таълим, мотив, таълим, тарбия, билим, тафаккур, кўникма, жараён.

**Ключевые слова:** педагогическая технология, принципы, методы, педагог, будущие учителя английского языка, профессионально-педагогическая деятельность, механизм диагностики, процесс обучения, качество, диагностика, наука и технология, производство, глобализация, высшее образование, мотив, образование, воспитание, знания, мышление, умение, процесс.

**Key words:** pedagogical technology, principles, methods, teacher, future English teachers, professional and pedagogical activities, diagnostic mechanism, learning process, quality, diagnostics, science and technology, production, globalization, higher education, motive, education, upbringing, knowledge, thinking, skill, process.

Глобаллашув жараёнларида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий–педагогик фаолиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш масаласи ўзига хос долзарблик касб этмоқда. Чунки бугунги кунда олий таълим педагогикасининг асосий масалаларидан бири бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини улардан талаб этиладиган амалий тайёргарлик даражасига мувофиқлигини таъминлаш асосида касбий тайёргарлик мазмунини фан-техника ва ишлаб чиқариш тараққиётининг тезкор талабларига мослаштириш, касбий–амалий вазифаларни тўлақонли бажариш учун зарурий қўникма ва малакаларни шакллантириш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Бугунги кунда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий–педагогик диагностикаси механизмларини такомиллаштириш жараёнида самарали шакл ва методларини қўллаш масаласига ҳам илмий ҳам педагогик нуқтаи назардан янгича ёндашув заруратини шакллантирмоқда.

Юқорида қайд этилган янгича ёндашув зарурияти эса бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий–педагогик диагностикасини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг касбий компетентлигининг такомиллашганлик даражасини аниқловчи мезонларни асослаш ва илмий жиҳатдан тадқиқ этиш каби муҳим вазифалар ижросини таъминлашни талаб этади.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий – педагогик диагностикасини такомиллаштириш мазмунини ёритиш мақсадида айнан мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борилмаган бўлса-да, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш масаласи Р.Х. Джураев, Н.А. Муслимов, О.М. Мусурманова, К. Рискулова, М.Б. Уразова, Б.Маъмуров ва бошқаларнинг илмий изланишларида турли даражада ёрилган.

Педагогик адабиётлар таҳлилидан биламизки, таълим сифати, энг аввало, ўқув базасининг замонавийлиги, унинг моддий ва молиявий даражаси ва таъминотига боғлиқлиги янгилик эмас, албатта. Бу ўқув жараёнининг барча иштирокчилари учун макон ва муҳит вазифасини ўтайди. У қанчалик талаб даражасида бўлса, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш сифати ҳам шунчалик юқори бўлади. Бу оддий ҳақиқат. Бугунги моддий ва маъерий ўқув базамиз баркамол авлод ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, таълимни шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлиқ, бир сўз билан айтганда, янги аср–информацион технологиялар асрига кириб боришимизни таъминлайдиган даражадами? Умуман замонавий ўқув базаси деганда нимани тушунмоқ керак?

Бизнинг фикримизча, бунинг учун таълим тизимининг моддий базасини, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий–педагогик фаолиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш имкониятларининг замонавийлиги ва молиявий жиҳатдан таъминланганлик даражасини ҳам миқдор, ҳам сифат, ҳам мутлоқ, ҳам нисбий жиҳатларни тавсифловчи қўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур. Бу ерда сўз энг аввало таълимнинг моддий базаси, яъни замон талабига мос ўқув бинолари, аудиториялар, ўқув жиҳозлари, давр руҳига мос техник ўқув жиҳозлари, янги типдаги лабораториялар тўғрисида бормоқда.

Олий ўқув ўқув юртлирада замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган лабораторияларнинг мавжудлиги бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини реал ҳолатга максимал даражада яқинлигини таъминлаш, диагностика тизимни йўлга қўйиш имконини кенгайтиради.

Шунинг учун ҳам, ҳар бир ўқитувчи ўз фаолиятида ўқув материални ва ўқитиш методларини, воситаларини юқорида санаб ўтилган компонентларга риоя қилган ҳолда танлаши ва уни таълим олувчиларнинг эътиборига ҳавола қилишида ўқитишнинг замонавий технологияларидан унумли фойдаланиши орқали улардаги касбий компетентлигини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу борада олий таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчилари олдида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиб олиш мақсадга мувофиқдир:

- таълим-тарбиянинг шакллари, услублари ва уларга инновацияларни қўллаш имкониятлари мавжудлигини баҳолай олиш;
- ўқув жараёнининг мотив компонентини рўёбга чиқариш мақсадида фаннинг мазмунига қўшимча равишда ахборот манбалари, муаммоли топшириқлар, ўқув лойиҳаларни киритиш;
- касбий сифатлар ва педагогик малакаларни аниқлашга йўналтирилган компьютер дастурларни ишлаб чиқиш;
- ўз билим ва малакасини такомиллаштириш, фан-техника янгиликларини пухта эгаллаш;
- юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, манткиий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;
- таълим олувчилардаги ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва уни диагностика қилиб бориш ҳамда билим ва малакаларнинг эгалланиш сифатини ҳолисона баҳолаш учун мезонлар ишлаб чиқиш ва турли даражадаги тест-топшириқларни тайёрлаш.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик диагностикасини такомиллаштиришнинг самарали шакл ва методларини амалиётга татбиқ этиш педагоглардан касбий маҳорат ва интеллектуал салоҳиятни талаб этади. Илғор педагогик технологияни таълим тизимига тўлиқ жорий этиш учун аввало, педагог кадрларни янги педагогик технология усул ва услублари билан куроллантириш зарур. Дарҳақиқат, тадқиқотлар жараёнида олий таълим муассасаларида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий компетентлигини такомиллаштиришда индивидуал ўқитишнинг қатор инновацион технологиялари аниқланди.

Масалан, «Маълумотлар харитаси» методидан самарали фойдаланиш натижа-сида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ҳар томонлама фикр юритиш ҳамда ўз тасавурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилишга эришилади. «Маълумотлар харитаси» тақдимот асосида яратилган диаграммалар орқали ўқитиш технологияси ҳисобланиб, бўлажак инглиз тили ўқитувчилари мазкур ўқув техникаси асосида, берилган мавҳум тушунчага фикрлаш жиҳатидан уни тасниф қила олиши, бошқа халқлар маданияти ва тарихи тўғрисидаги тушунчаларни ассоция асосида боғлай билиши ва унинг ўхшаш, фарқли жиҳатларини анализ қилган ҳолда изланиш олиб боришини таъминлашга хизмат қилади. Бу технология битта тушунча асосида яратилади ва шу белгиланган тушунча ғоялар, фикрлар, образлар, сўзлар орқали боғланади. Жамланган фикрлар марказий белгиланган тушунчага боғланган бўлади ва бошқа фикрлар марказий тушунчанинг тармоқлари ҳисобланади.



«Маълумотлар харитаси», «Ўргимчак» диаграммасининг бир турига мансуб ҳисобланиди ва «қуёш порлаши» ғоясига ўхшаш тушунчадир. Катта ҳажмдаги маълумотларни график тасвирлар асосида мукаммал фойдали маълумотлар базасига айлантиришга хизмат қиладиган бу технология Тоний Бузан томонидан ишлаб чиқилган. Ўқитувчи ўз педагогик маҳорати билан ушбу методдан фойдаланишда унинг мазмунида қуйидаги педагогик жиҳатларга эътибор бериш лозим:

- мавзуга доир марказий тушунчани танлаш ва камида уч хил рангдан фойдаланиш;
- ўзингизга мавжуд маълумотингизга асосланган ҳолда образ, рамз, кодлардан фойдаланиш;
- таянч сўзларни ажратиш ва маълумотларнинг долзарблилик даражасига қараб сўзларни катта ёки кичик ҳарфларда ёзиб ажратиш;
- ҳар бир сўз, рамз, классификация қилинаётган соҳада алоҳида ўз ўрнига эга бўлиши лозим;
- ҳар бир классификация қилинган бўлимлар марказдаги тушунча ғоясига боғланган бўлиши керак;
- ҳар бир бўлимга марказдаги умумий тушунчадан махсус тушунчага торайиб бориши лозим ҳар бир классификация қаторини ҳажмини, узунлигини бир хил ўлчамда бўлишини таъминлаш.

Педагогик технология, унинг асосий тамойиллари, янгича ишлаш усуллари, ўқитувчининг ҳамда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий–педагогик фаолиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштиришда ўқув жараёнидаги ўрни, роли ҳақида билиб бориш, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини мустақил фикрлашга ўргатиб ўқув жараёнининг юқори сифат ва самарадорлигини ҳосил қилиш ва вақт оралиғини қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёрдам беради. Биз томонимиздан ўтказилган тажриба синов маълумотларига асосланган ҳолда, бу технологиядан фойдаланиш бўлажак педагогларни 80% илмий йўналишдаги тушунчалар ва ғояларни тушунишга ёрдам беради. Тадқиқотларнинг ҳулосасига кўра мазкур технологиядан фойдаланиш таълим жараёнида ижобий натижаларга эришишга сабаб бўлди, улар қуйидагилар:

Тажриба синов натижаларига асосланган ҳолда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мураккаб терминларни эслаб қолиш даражаси 17% га хотирада сўзларнинг эслаб қолиш даражаси 32% га ўсган.

Шундай қилиб, сўровномаларда бўлажак инглиз тили ўқитувчилари бу технологияни ажойиб, қизиқарли деб ҳисоблашди ва касбий компетентликка бўлган иштиёқни оширади деб баҳолашди. Бу технология орқали бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг ижодий ёндашувчанлиги ошади, ҳар хил образлар, рамзлар, сўзлар, дизайнлар яратиш орқали мураккаб фанларни, маълумотларни ўрганишади.

Таълимнинг мазкур технологиясидан фойдаланиш жараёнида қатор дидактик тамойилларга амал қилинади: илмийлик, натижалilik, тизимlilik, ижодкорлик, эркин фикрlilik, мантиқий мушоҳадалilik, талабанинг шахсий ва психологик хусусиятларининг устуворлиги, натижани олдиндан кўра билиш, таълимнинг интерфаол усулларида фойдаланиш имкониятининг устуворлиги ва б.қ.

Олий таълим муассасаларида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий–педагогик фаолиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштиришда ушбу технологиянинг афзалликлари қуйидагилар билан изоҳланади:

- ўқитувчи ўзининг бор педагогик маҳоратини намоён этиш имкониятига эга бўлади, қисқа вақт ичида юқори самарадорликка эришиш имконияти вужудга келади;

- гуруҳдаги барча талабаларнинг дарсдаги фаоллиги таъминланади;
- талабанинг эркин ва ижодий фикрлаш қобилияти ривожланади;
- педагогик жамоада бир киши ҳамма учун ҳамма бир киши учун шиори остида ишлаш замирида талабаларда ҳамкорлик ва ҳамфикрлик малака ва кўникмалари шаклланади;
- ўқитувчи ҳам, талаба ҳам матбуот материаллари, ОАВ материалларидаги энг сўнгги янгиликлар, қизиқарли манбалардан фойдаланиш орқали жаҳонда ва мамлакатимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардорлик даражаси ошади;
- онгли равишда таълим ва тарбиянинг интерфаол усуллари амалиётга жорий этишга муваффақ бўлади.

Тадқиқотлар жараёнида фойдаланилган кооператив таълим технологияси – бу талабаларни майда гуруҳларга ўзаро тақсимлаш йўли билан дарс ўқишнинг замонавий технологияси ҳисобланади. Агар талабани бир гуруҳ деб тасаввур қилсак, улар ўқитувчи томонидан бир неча майда гуруҳга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ унга берилган махсус топширик бўйича ишлайди, маълумотларни ўрганади, саволларга жавоб беради, қўйилган муаммога муқобил ечим топишга уринади. Шундан сўнг гуруҳлар ўрганган мавзуси юзасидан иккинчи гуруҳ билан ўзаро фикр алмашадилар.

Ўқитувчи ҳар бир гуруҳдаги талабанинг электрон почтасига бирор сайтни илова қилиб юборади. Вазифаларда муаммоли вазиятни ўрганиш учун умумий мавзу, савол ва топшириқлар берилди. Талабалар эса ўқитувчининг саволларига жавоб топиш мақсадида онлайн тарзида гуруҳдошлари билан тезкор фикр алмашадилар.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий–педагогик фаолиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштиришда, инновацион таълим технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш самарадорлиги таълимни ташкил этиш шакллари ҳам эътибор қаратишга бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Таълим шакллари (лот. forma – ташқи кўриниш, ички белги, қурилма, яъни фаолият йўналишининг тавсифи) - бу ўқув жараёнини ташкил этишнинг ташқи жиҳатини белгилайдиган дидактик категория ҳамда педагогик тизимнинг асосий компонентларидан бири бўлиб, у:

- ўқув жараёнини таъминлаш усули (таълим оловчиларнинг сони, ўқитиш вақти ва методлари, тартиби);
- таълимни ташкил этиш шакли (маъруза, семинар, мустақил иш ва ҳ.к.);
- маълум тартибда амалга ошириладиган таълим оловчи ва таълим берувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш усули ҳисобланади (оммавий, индивидуал, гуруҳли ва ҳ.к.).

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий–педагогик фаолиятини диагностика қилиш шакл ва методлари таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган икки фаолиятга таянади:

- ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг фаолияти;
- талабаларнинг ўқиш ва билиш фаолияти;

Айтиш ўринлики, олий таълим тизимида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий–педагогик фаолиятини ташкил этиш шакли – бу аниқ вақт ва тартибда амалга ошириладиган педагог билан талабанинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишга қаратилган машғулотларнинг тури бўлиб, улар қўйидаги турларга бўлинади.

Ўқитишни ташкил этишнинг эмпирик шакллари. Одатда улар амалий характерга эга бўлиб, унинг асосида сонли характеристика ётади, яъни талабаларнинг сонига кўра улар қўйидаги гуруҳларга ажратилади:

- ўқитишнинг оммавий (фронтал) шакли - барча таълим олувчиларга бир хил вазифаларни бажариши назарда тутилади;
  - ўқитишнинг гуруҳли шакли, бунда ўқув вазифалари кичик гуруҳларда ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолияти жараёнида ягона топшириқни бажариши амалга ошади;
  - ўқитишнинг индивидуал (якка тартибли) шакли, бунда ўқув топшириғини таълим олувчининг якка ўзи бажариши амалга ошади.
2. Ўқитишни ташкил этишнинг назарий базали шакллари. Бунда таълим иштирокчиларининг бир-бирига бўлган ўзаро таъсир кўрсатиш структураси назарда тутилади. Ушбу структура қўйидаги вазиятлар билан белгиланади: билвосита мулоқот, жуфтликдаги мулоқот ва гуруҳ ичидаги мулоқот. Бу каби таълим шаклларида қўйидагиларни киритиш мумкин:
- ўқитишнинг билвосита индивидуал шакли, бунда таълим жараёнида билвосита мулоқотга йўл қўйилмайди, таълим олувчи ўқув материали билан индивидуал ишлаши амалга ошади;
  - жуфтликда ишлаш шакли, бунда гуруҳдаги талабалар жуфтликларга бўладинади, уларга берилган топшириқ ва вазифалар бошқа гуруҳларда қўлланилмайди;
  - гуруҳли шакл, бунда ҳар бир сўзловчи ўзининг ахборотини бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларга йўналтиради. Бу каби ўз-ара таъсирлар бутун жамоа доирасида ёки катта бўлмаган гуруҳ доирасида амалга ошади, лекин ўқув материалнинг мазмуни ўзгармайди;
  - жамоавий иш. Жамоавий ишни бутун гуруҳ ичида ёки кичик гуруҳлар билан ҳам ташкил этиш мумкин. Бунда:
    - берилган вазифа ёки топшириқнинг режасини ҳамкорликда муҳокама қилиш;
    - талабалар орасида мажбуриятларни тақсимлаш, ҳисобот шаклини танлаш;
    - хулосаларни муҳокама қилиш (тартиб билан алоҳида таълим олувчилар фикрлари тинглади ва муҳокама қилинади);
    - маъқул бўлган хулосаларни шакллантириш (умумий келишув билан) ишлари амалга оширилиши мумкин.

Ўқитишни ташкил этишнинг базисли шакли таълим иштирокчилари орасидаги воқеаларнинг алоқаларининг муайян турларини белгилайди. Базисли шакли бошқачасига умумий шакл деб ҳам аташади, чунки у ҳамма вақт, хоҳлаган вариантда, хоҳлаган ўқитиш усулларида қузатилади.

Ўқитишнинг аниқ ташкилий шакллари – бу таълим жараёнида талаба билан ўқитувчининг турли вариантлардаги ўзаро педагогик мулоқоти бўлиб, олий таълим тизимида унинг қўйидаги шакллари устунлик қилади: маъруза, амалий машғулотлар, мустақил таълим, амалиёт ишлари, битирув малакавий иши, магистрлик диссертация иши, назорат ишлари ва ҳ.к. Шу машғулотларнинг ўзини ҳам анъанавий ҳамда ноанъанавий шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Педагогик атамалар луғати. Ўзбек, рус, инглиз тилларида\ О.Мусурманова ва бошқалар. –«TURON-IQBOV», 2019. 8446
2. Педагогик технологиялар – таълим самарадорлиги омили: монография/ О.Мусурманова. –Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2020. – 184 б
3. Педагогик технология: муаммо ва истикболлар (замоновий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гуруҳи. / Т.:ОЎМКХТРМ, 300 бет.

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий – педагогик диагностикасини такомиллаштиришнинг самарали шакл ва методлари, касбий тайёргарлик мазмунини фан-техника ва ишлаб чиқариш тараққиётининг тезкор талабларига мослаштириш, касбий-амалий вазибаларни тўлақонли бажариш учун зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш муҳим педагогик аҳамият касб этиши илмий назарий жиҳатдан атрофлича ёритиб берилган. Шунингдек мақолада педагогик технология, унинг асосий тамойиллари, янгича ишлаш усуллари, ўқитувчининг ҳамда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий–педагогик фаолиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштиришда ўқув жараёнидаги ўрни, роли ҳақида билиб бориш, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини мустақил фикрлашга ўргатиб ўқув жараёнининг юқори сифат ва самарадорлигини ҳосил қилиш масалаларига илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

## РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены эффективные формы и методы совершенствования профессионально-педагогической диагностики будущих учителей английского языка, адаптации содержания профессиональной подготовки к стремительным требованиям научно-технического и производственного развития, формирование навыков, необходимых для полноценного выполнения профессиональных и практических задач. в деталях. Также в статье рассказывается о педагогической технологии, ее основных принципах, новых методах работы, роли учителей и будущих учителей английского языка в совершенствовании диагностических механизмов профессионально-педагогической деятельности в образовательном процессе, обучении будущих учителей английского языка самостоятельному мышлению. научно-теоретический анализ вопросов изготовления.

## SUMMARY

The article discusses effective forms and methods of improving the professional and pedagogical diagnostics of future English teachers, adapting the content of professional training to the rapid requirements of scientific, technical and industrial development, the formation of skills necessary for the full implementation of professional and practical tasks. in details. The article also tells about pedagogical technology, its basic principles, new methods of work, the role of teachers and future English teachers in improving the diagnostic mechanisms of professional and pedagogical activity in the educational process, teaching future English teachers to think independently. scientific and theoretical analysis of manufacturing issues.

## СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

*Мавлонова Г.Ф.*

*Навоий давлат педагогика институти*

*Умумий педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** синергетик ёндашув, бўлажак ўқитувчи, ахлоқий компетентлик, дидактик тамойиллар, педагогик тамойиллар, ўқитувчи, ахлоқ, тарбия, ахлоқий маданият, фазилат, маънавият, ахборот технологиялари, глобаллашув.

**Ключевые слова:** синергетический подход, будущий учитель, моральная компетентность, дидактические принципы, педагогические принципы, учитель, этика, образование, моральная культура, добродетель, духовность, информационные технологии, глобализация.

**Key words:** synergetic approach, future teacher, moral competence, didactic principles, pedagogical principles, teacher, ethics, education, moral culture, virtue, spirituality, information technology, globalization.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2909-сонли Қарори, 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3907-сонли Қарори, 5 июнь 2018 йилдаги ПҚ- 3775- сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида» ги Қарори, 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4307-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31 декабрь 2019 йилдаги «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги №-1059 сонли Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда, шунингдек бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш жараёнининг дидактик имкониятларини ишлаб чиқишда муҳим педагогик аҳамият касб этади.

XXI асрда жаҳонда гуманизм, инсон кадр-киммати, шаъни, ҳаёти, ор-номуси, дахлсизлиги ҳақидаги ғоялар энг олий кадрият даражасига кўтарилмоқда. Синергетика таълимоти XX асрнинг сўнгги чорагида вужудга келган бўлсада, синергетик жараёнлар азалдан мавжуддир ва бундай жараёнларга хос қонуниятларни инсоният қадимдан таҳлил этиб келади. Синергетика таълимоти вужудга келиши натижасида оламнинг постноклассик манзараси шаклланди. Бу оламга янги методологик нукта назардан ёндашувдир. Олимлар, тадқиқотчилар борлик, жамият, инсон тўғрисида янги фикр юрита бошлашди. Чунки бугунги кунда глобаллашув, тараққиёт жадал суръатлар билан кечаётган бир даврда янги тафаккур тарзига эга бўлиш, ҳар бир тадқиқот объектини ҳар томонлама энг янги методлар орқали ўрганиш давр талабидир.

Синергетик ёндашув асосини тизимли ёндашув ташкил қилади. «Синергетика бир-биридан жуда фарқ қиладиган фанларга таянади, уларга физика, кимё ва биология, лекин шунингдек социология ва иқтисод ҳам қиради, шунинг учун синергетика томонидан кашф этилган ва изоҳлаб берилган қонуниятлар фаннинг турли соҳаларида тақдим қилинади, ва биз синергетика доирасида мозаика сингари кўллаб алоҳида фан йиққан фактлардан таркиб топган янги ягона олам манзарасининг юзага келишини кўриш имкониятига эга бўламиз» .

Синергетика - грекча «сенергос» сўзидан олинган бўлиб, «ҳамдўстлик», «ҳамкорлик» каби тушунчаларнинг илмий тилдаги ифодасидир. Синетик метод - ижодкорлик фаолиятини стимуллаштириш учун алоҳида шароит, муҳит яратиш, кутилмаганда янги аналогларнинг ва ассоциациянинг туғилиши ёки яратилишига шароит яратади. Синетика сўзи турли элементларни, кўрсаткичларни, параметрларни маълум қонуният асосида бирлаштирувчи маъносини аңлатади.

Тадқиқотларимиз жараёнида биз синергетик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш ўсиб келаётган ёш авлод онги ва тафаккури маҳсули сифатида ўзини амалий фаолиятда намоён этади деган ғояга таяниб, унинг таркибий компонентларини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик. Булар:

- ахлоқий онг мезонлари: ахлоқий билим; ахлоқий тафаккур; ахлоқ нормалари асосида ижтимоий шаклдаги онгни яратиш, ишлаб чиқариш;
- бўлажак ўқитувчиларни глобаллашув жараёни талабларига мос жамият

ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни шакллантириш;

- ахлоқий маданият ва миллий умуминсоний кадриятларга содиқлик асосида замонавий кенг дунёқараш ва бағрикенгликни ривожлантириш;
- ахлоқий тарбия негизида бўлажак ўқитувчиларда мафкуравий иммунитет ва миллий ўзликни англашни такомиллаштириш;
- креатив тафаккурни тарбиялаш замирида талабаларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш кабиларга алоҳида эътибор бериш.

Илмий адабиётлар таҳлили асосида айтишимиз мумкинки, ахлоқий тарбия тушунчаси узоқ тарихга эга бўлса ҳам унга берилган таърифлар хилма – хил. Ҳақиқатдан ҳам ахлоқий тарбия негизида жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади, чунки, маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида синергетик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш, уларни баркамол шахс сифатида камол топиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади.

Айтиш ўринлики, маънавият ва ахлоқий тарбия тушунчаси кенг камровли бўлиб, кишининг ақлу заковати руҳий дунёсини, олам ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқа қарашларини, тасаввурларини, бир–бирларига, оилага бўлган муносабатларини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан синергетик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш инсонпарварлик, ҳалоллик; ташаббускорлик; ватанпарварлик; меҳнатсеварлик; фаоллик; ижодкорлик; сахийлик; маъсулиятлили; камтарлик; поклик каби фазилатларини тарбиялаш, уларнинг ақлий меҳнати натижаларини ва ўзликни англашларини хизмат қилади. Ақлу заковат, ҳис–туйғу, руҳий салоҳият уйғунлиги ахлоқий тарбиянинг мазмунини ташкил этади. Маънавиятнинг бунёдкорлик, ўзгартирувчилик, бошқарувчилик, ихтирочилик, йўналтирувчилик каби хусусиятлари ёшлар интеллектуал ривожланишининг муҳим шартини, кафолатидир дея айта оламиз.

Педагогик адабиётлар таҳлили ва бир қатор педагог олимларимиз илмий изланишларига таяниб синергетик ёндашув масалаларини мазмун моҳияти бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантиришнинг педагогик мазмунини илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқдик.

О.Р Жамолдинова илмий изланишларида ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Унга кўра ўзида юксак ахлоқий сифатлар, кучли ирода, мустаҳкам характер, шунингдек, миллий истиқлол ҳояси ва мафкура тамойилларига зид бўлган ақидаларга қарши иммунитетни ҳосил бўлиши учун курашини ёш авлод тарбиясида миллий ва умуминсоний кадриятлардан, халқ педагогикаси ва Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Олима ўз фикрларини шакллантириб ахлоқий тарбия манбалари ичида топишмоқлар болалар хотирасини мустаҳкамлаши, фантазиясини бойитиши, топқирлик ва ҳозиржавоблик руҳида тарбиялаши, фикрлаш қобилиятини ўстиришига кўра алоҳида ўрин тутади. Топишмоқлар орқали болалар теварак-агроф, нарса ва

ҳодисалар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўладилар деган ғояни илгари суради.

Шундан келиб чиққан ҳолда синергетик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари:

- юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш;
- оммавий ахборот воситалари, кино, театр ва мусиқа санъатида ёшлар ўртасида халқимиз маънавиятини, миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишга, бугунги ислохотларнинг моҳиятини ёритишга қаратилган тизимли ишларни ташкил этиш;
- талаба – ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш;
- миллий қадриятларимиз, урф – одат ва анъаналаримиз, тарихий меросимиз манбаларига таяниб талабаларнинг билим ва тасаввурларини ривожлантириш қонуниятларини таҳлил қилиш;
- тарихий ва миллий хусусиятлар контекстида талабаларни меҳмондўстлик, байналминал дўстлик, маданиятлараро минтакавий ҳамкорлик руҳида тарбиялаш;
- педагогик касбининг юксак ижтимоий мавқеи ва обрўсини тарғиб қилувчи «Ўқитувчи ва мураббийлар хиёбонлари»ни ташкил қилиш, ташқи реклама воситаларини (шит-баннерлар ҳамда ташқи экранлар учун роликлар) тайёрлаш ва ўрнатиш йўли билан касбий - педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни кенг тарғиб қилиш тадбирлари ўтказилишини таъминлаш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Бугунги кунда, айниқса, Олий таълим соҳасида синергетик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият кераклигини ҳис этган ҳолда хорижий илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш орқали, замонавий илм ва техниканинг чўққиларига эришиши учун тўлиқ имкониятлар яратилди. Ҳақиқатдан ҳам талабаларни таълим жараёнида инновацион, адаптацион шароитда ишлашини, тез ўзгарувчан шароитларга нисбатан қайишқоқ бўлишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шу боис ҳам олий таълим муассасаларида синергетик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш замон талабларига жавоб бера оладиган даражада таълимни тубдан ислоҳ қилиш, мазкур тизимни янги сифат босқичига кўтариш муҳим.

Инсоннинг ахлоқий жиҳатдан етуклиги шахснинг жамиятдаги ижтимоийлашуви натижасидир. Зеро, юксак ахлоқли, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган фидойи ёшларни тарбиялаш педагогларни юқори даражада маънавий-маърифий жиҳатдан қомилликка эга бўлишини тақозо этади. Шунга қўра, агар жамиятда мавжуд барча институтлар томонидан маънавий ва маърифий ишларни ташкил этишга қаратилган шарт - шароит яратилса, ўша жамиятда яшаётган ҳар бир инсоннинг маънавий етуклиги юқори даражага кўтарилади, дейиш мумкин. Маънавий ва маърифий ишларни ташкил этиш жараёнини биз уч йўналишда: концептуал, ижтимоий ва тарихий йўналишларга қўра ўрганиб чиқдик.

Бизнинг назаримизда, Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчиларда синергетик ёндашув асосида креатив қобилиятларини ривожлан-

тириш, ахлоқий билим ва маданий компонентларни таркиб топтириш қуйидаги дидактик тамойиллар асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади: синчковлик, кўргазмалилик, илмийлик, тушунарлик, амалиёт билан боғлиқлик, мустакиллик ва фаоллик, индивидуаллик ва поғоналик.

Шунинг билан бир қаторда, педагогика олий таълим муассасаси талабаларида ахлоқий қадриятлар тизимини ривожлантириш технологиясини илмий-назарий жиҳатдан ёндашувини такомиллаштириш ҳам муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Бунинг учун эса биз:

- талабалар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар режасини тузишга;
- тарбиявий жараёнда асосий мазмуний (тадбир мавзусидан келиб чиққан ҳолда, талабаларни мақсадли йуналтириш) компонентларга мувофиқ фаолият аниқ йўналишларини белгилашга;
- диагностика асос яратишга;
- талабаларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини, индивидуал типологик хусусиятлари (характер, темперамент, қобилият) жамоанинг маҳорат даражаси ва шаклланганлигини инобатга олиш ва физиологик, психологик ва дидактик нуқтаи назардан ёндашишга;
- тадбирларни ўтказиш муддати, шакллари ва иштирокчиларни аниқ белгилашга;
- тарбиявий тадбирларнинг қулайлиги, ҳаётийлиги ва аниқлигига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Олий таълим соҳасида синергетик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш мазмуни қуйидаги тамойиллар асосида шакллантирилмоғи мақсадга мувофиқ:

- тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги;
- тарбияда инсонпарварлик ва демократия қоидаларига риоя қилиниши;
- тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги;
- тарбияда изчиллик, тизимлик, тарбиявий таъсирнинг уйғунлиги ва узлуксизлик.
- таълим муассасаларида талабалар эгаллаётган билимнинг ҳаёт билан ҳамнафаслиги;
- таълим-тарбиявий шакл, метод ва воситаларнинг ранг-баранглиги, мутаносиблиги;
- ўрганиладиган мавзу мазмунининг умуминсоний ва миллий қадриятлар билан бойитилгани, фан-техника ютуқлари асосида шакллантирилганлиги;
- таълим ва тарбиянинг бирга олиб борилиши;

Педагоглар орасида таълимда тарбиялаймиз, тарбиялаб туриб таълимни шакллантираемиз деган тушунча бор. Демак, Олий таълим соҳасида синергетик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш ишларини самарали ташкил этиш учун ҳам тарбиявий, ҳам таълимий, ҳам ривожлантирувчи, ҳам мафқуравий, ҳам касбга йўллаш йўналиши бўйича таҳлил этишимиз лозим. Зеро электрон таълим муҳитида маънавий-маърифий ишларини самарали ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш тарбиянинг мақсади, мазмуни, методлари ва шарт-шароитларининг муштараклигига боғлиқ.

Бунда:

- бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш ишларини самарали ташкил этиш мақсади (менинг эҳтиёжим);



- мазмуни (эгаллашим лозим бўлган фазилатлар);
- педагогик жараён методи (талаба қобилиятини ҳисобга олган ҳолда методларнинг қўлланилиши, усуллари ва йўллари);
- педагогик шарт –шароит (талаба қобилиятлари, ёш хусусиятлари, мавзу моҳиятидан келиб чиқиб қулай имконият ва ва шарт -шароитлар) орқали амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай педагогик жараёнда бўлгани каби бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш жуда кўп омилларнинг амалийлиги талаба шахсига, унинг иродаси ва хоҳиш-истагига, шахс сифатида маънавий камолот тушунчасини нечоғли англаб етиб, ўзининг турмуш тарзига сингдира олишига боғлиқ бўлади. Ахлоқий тарбия ўзида инсон моҳиятини, унинг ижтимоий биосоциал мавжудот сифатидаги оламни ифода этувчи тушунча сифатида англанади. Бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантириш таълим жараёнида ўқув машғулотларини инновацион таълим технологиялари асосида лойиҳалаштириш, маънавий – маърифий тадбирларни ташкил этиш ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва алоқадор: маданий – маърифий юксаклик, ижтимоий –дидактик тараққиёт, иймон-этикоднинг бутунлиги, фалсафий-педагогик ўсиш, миллий ахлоқ -одоб меъёрларига тўла риоя қилиш, илм – маърифатли бўлиш, инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик, миллий кадриятларга муҳаббат, фидойилик, мардлик, жасурлик, ташаббускорлик, покланиш, ислом динига этикодлик, Ватан ва халқ мустақиллигини доимий ҳимоя қилиш ва унга хизмат қилиш, аждодлар ва уларнинг меросига чуқур ҳурмат ва тарихий дунёқарашнинг интеграллашган тавсифи сифатида белгиланади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31 декабр 2019 йилдаги «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги №-1059 сонли Қарори
2. Жамолдинова.О.Р Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш. П.ф.д. даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент: ЖДПИ . 2015 - 100 б
3. М.Х.Эргашева «Авесто»даги фалсафий ғояларга синергетик ёндашув (онтологик ва гносеологик таҳлил) П.ф.бўйича фалсафа д., илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс., автореферати. Самарқанд 2017
4. Knigin A.N. Mejdistsiplinarnost': osnovnaya probleme // Vestnik Tomskogo Gosudarstvennogo universiteta, 2008. №3(4), -S.17-18.
5. Xaken G. Sinergetika: uchenie o vzaimodeystvii. – Moskva-Ijevsk, 2003. –S.232.
6. Shostka V.I. Metodologiya sovremennoy nauki i problema formirovaniya mejdistsiplinarnogo podxoda Voprosi duchovnoy kulturi filosofskie nauki, -S.39. 10. Moren E. Metod. Priroda. Prirodi. –M.: Progress-Traditsii, 2005. -S.457.

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада синергетик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари, синергетик таълимнинг мазмун моҳияти, ахлоқий тарбия компонентлари илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада синергетик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий компотентликни ривожлантиришнинг дидактик ҳамда педагогик тамойилларини атрофлича ўрганиб чиқилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье анализируются дидактические возможности развития нравственной компетентности будущих учителей на основе синергетического подхода, сущность содержания синергетического образования, составляющие нравственного воспитания с теоретической точки зрения. В статье также подробно рассматриваются дидактические и педагогические принципы развития нравственной компетентности будущих учителей на основе синергетического подхода.

## SUMMARY

The article analyzes the didactic possibilities for the development of moral competence of future teachers on the basis of a synergetic approach, the essence of the content of synergetic education, the components of moral education from a theoretical point of view. The article also examines in detail the didactic and pedagogical principles of the development of moral competence of future teachers on the basis of a synergistic approach.

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ АРТ – ПЕДАГОГИКАСИ АСОСИДА  
КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ  
ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ**

*Зубайдуллаев Ў.Р.*

*Самарқанд иқтисодиёт институти, «Жисмоний маданият» кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** бўлажак ўқитувчи, арт – педагогикаси, касбий фаолият, замонавий таълим, технология, дидактика, таълим, тарбия, лойиҳа, ўйинли технология, масъулиятлилик, толерантлик, қизиқувчанлик, эмпатия, моделлаштириш ↔ лойиҳалаш ↔ конструкциялаш.

**Ключевые слова:** будущий педагог, арт-педагогика, профессиональная деятельность, современное образование, технология, дидактика, образование, воспитание, проект, игровые технологии, ответственность, толерантность, любознательность, эмпатия, моделирование дизайн ↔ строительство.

**Key words:** future teacher, art pedagogy, professional activity, modern education, technology, didactics, education, upbringing, project, gaming technologies, responsibility, tolerance, curiosity, empathy, modeling design ↔ construction.

Таълим–инсон фаоллигини белгилайдиган муҳим бир тармоққа айланмоқда. Шунинг учун ижтимоий иқтисодий ривожланиш, илмий-техника жараёнининг ўзгариши билан боғлиқ таълимнинг янги назариясини яратиш, яъни фанни жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва амалий кўрсаткичларини ривожлантириш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Малакали кадрларни тарбиялаш узок муддатли, мураккаб жараён бўлиб, ушбу жараённинг муваффақиятли яқунланиши юқори самарадорликка эга бўлган ўқитиш технологияларини таълим жараёнига қўллашни ва кенг қўламли ахборотлардан фойдаланишда тезкорликка эришишни тақозо этади.

Ушбу мақсадларнинг ижобий натижага эга бўлиши, энг аввало, бўлажак ўқитувчиларни арт – педагогикаси асосида касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнидаги илмий билим асосларини пухта ўргатиш, уларда кенг дунёқараш ҳамда тафаккур қўламини ҳосил қилиш, бадийэстетик сифатларни шакллантириш борасидаги таълимийтарбиявий ишларни самарали ташкил этишга боғлиқдир. Зеро, юртнинг порлоқ истиқболини яратиш, унинг номини жаҳонга кенг ёйиш, улуғ аждодлар томонидан яратилган миллий-маданий меросни жамиятга намойиш этиш, уларни бойитиш, мустақил Республикамизни ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш бўлажак ўқитувчиларни малакали мутахассис қилиб тарбиялашга боғлиқдир.

Жаҳоннинг илғор олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни арт – педагогикаси асосида касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнлари миллий ва касбий педагогик компетенцияси, касбий педагогик саводхонлик даражаси, касбий педагогик фарқларни англаш, касбий педагогик стандартларни ўстириш, касбий педагогик креативликни такомиллаштиришга асосланиб ташкил этилмоқда.

Жамият тараққиётида, хусусан бўлажак ўқитувчиларни арт – педагогикаси асосида касбий фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш катта аҳамият касб этади. Чунки бўлажак ўқитувчиларни иқтидори, салоҳияти, қобилияти ва ўзлигини намоён этиб, унинг билимлари, кўникма ва тажрибаларини, маънавий салоҳиятини амалий фаолияти орқали камол топтиришда асосий роль ўйнайди.

Республикада таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни миллий руҳ билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларини яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишларга боғлиқ. Бу йўналиш кенг қамровли бўлиб, мазмунан такомиллашиб бормоқда. Таълимда янги педагогик технологияларни қўллаш таълимнинг бутун жараёнини аниқ режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнини мақсадга кўра индивидуаллаштиришни назарда тутди.

Таълим тизимининг фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳалари билан интеграциялашувига эришувини таъминлашни бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида кун тартибига қўйилиши бу борада муайян вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Таълим мазмунини тубдан янгилаш, уни илғор қарашлар билан бойитишга эришиш, таълим-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлигини таъминлаш ана шундай вазифалар сирасига киради.

Таълим самарадорлигини ошириш, унинг мазмунини янгилашга янгича ёндашувлар таълим тизимини ислоҳ қилиш, замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини яратиш, баркамол салоҳиятли авлодни тарбиялаш каби улғувор мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Таълимнинг тўлалигича стандартлаштиришга йўналтирилганлиги технологик ёндошишга хос бўлиб, у дидактикада таълимнинг асосий жиҳатларидан бири деб қаралувчи ва кейинги йилларда умумжаҳон педагогикасининг тадқиқот объектига айланган ўқитувчи ва таҳсил олувчи муносабатларини ифдалайди.

Бундай ёндошувда яъни бўлажак ўқитувчиларни арт – педагогикаси асосида касбий фаолиятга тайёрлашда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг дидактик таъминоти таълим самарадорлиги муаммосининг таълим жараёни таҳлили, унинг мазмунидан ташқарида яъни таълим мазмуни таҳсил олувчига турли элементларни узатувчи воситалар орқали ҳал этилади. Педагогикада илгари суриладиган яхлит умумпедагогик тамойил нуқтаи назаридан бўлажак ўқитувчиларни арт – педагогикаси асосида касбий фаолиятга тайёрлашда таълим нагжаси репродуктив равишда ўзлаштириладиган билим, биргаликдаги тадқиқотчилик фаолияти тажрибаси ва хиссий тарбияни тақозо этади.

Олий таълим амалиётида билимларни ўзлаштириш самарадорлигини аниқлашга оид турли-туман ёндашувларнинг мавжудлигига қарамасдан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимларини баҳолаш уларнинг дастур материалларини қай даражада ўзлаштирганликларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Бунда бўлажак ўқитувчилар эгаллаган касбий билимларнинг сифатига эътибор қаратилади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўзлаштириш даражалари сифатини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинади: а) ўзлаштирилган касбий билимларни қайта эслаш; б) уларни педагогик амалиётда қўллай олиш тажрибасига эга бўлиш; в) эгалланган билимларни янги ўқув вазиятларига кўчира олиш кабилар.

Бўлажак ўқитувчилар томонидан таълим жараёнини самарали лойиҳалаштириш ва ташкил этишдан кўзланадиган асосий мақсад – ўқувчиларни узлуксиз тарзда интеллектуал, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий-фуқаролик, жисмоний-эстетик ривожлантиришдан иборат. Ўқитувчи ўқувчилар билан шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқув мақсадига эришиш учун биргаликда изланишлар олиб бориши керак. Бунинг учун ўқитувчида касбий тайёргарлик жараёнидаёқ креативлик, ўз-ўзини танқид қилиш, масъулиятлилиқ, толерантлик, қизиқувчанлик, эмпатия каби сифатлар барқарорлашган бўлиши лозим.

Лойиҳалашнинг алоҳида фаолият тури сифатидаги аҳамиятини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, ҳар қайси педагог учун «дидактик тизим» ва «дидактик жараён» лойиҳалашнинг асосий объекти бўлиб ҳисобланади.

Дидактик лойиҳалаш бўйича ўқитувчининг касбий фаолиятида бир қатор узвий боғлиқ кетма-кетликдаги қуйидаги босқичларни ажратишимиз мумкин: моделлаштириш ↔ лойиҳалаш ↔ конструкциялаш.

Моделлаштириш билиш методи сифатида бўлажак ўқитувчига «дидактик тизим»ни яхлит тасаввур қилиш ва дидактик жараёнларни ўрганиш имкониятини беради. Шунга таъкидлаш лозимки, яратилаётган модел бу мавжуд предмет ёки жараённинг ифодаси ҳисобланади.

Лойиҳа ўз моҳиятига кўра ўқитувчининг ижодий тафаккури механизми ҳисобланиб, у орқали ўқитувчи аниқ дидактик жараённи амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Лойиҳанинг конструкциялаш босқичида лойиҳани амалга оширишга йўналтирилган ўқитишнинг мазмуни, мақсади, методлари, шакллари ва воситалари янада аниқлаштирилади.

Технологик ёндашув нуқтаи назаридан дидактик жараённи лойиҳалаш ўқитувчининг касбий фаолияти маҳсули ҳисобланади.

Биз бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришга оид кўникмаларини шакллантириш мақсадида бир қатор ўқув ўйинларидан фойдаланишни тавсия қиламиз. Улар:

- ишчан ўйинлар;
- тадқиқотчилик ўйинлари;



- ташкилий-фаолиятли ўйинлар;
- ролли ўйинлар;
- жараёнларни лойиҳалашга удовчи ўйинлар.

Тажриба ва кузатувларимиз жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ривожланишларини таъминловчи ўйинларни яхлит тарзда таҳлил қилар эканмиз, улар орасида муаммоли-вазиятли ўйинлар ўқув жараёнини шахсга йўналтириш асосида бошқариш методи сифатида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини талабалар онгига етказишга ҳаракат қилдик. Мазкур ўйинлар педагогнинг касбий фаоллиги ва ўқув жараёни маҳсулдорлигини таъминловчи табиий жараён сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, биз талабалар билан ўқув ўйинларини ташкил этишга тайёргарлик жараёнида бир қатор дидактик ҳолатларга алоҳида эътибор қаратдик. Улар:

- талабаларнинг эгаллаган касбий билимлари даражасини аниқлаш;
- ўқув ўйинларига сарфланадиган вақтни тўғри тақсимлаш;
- топшириқларни бажаришга сарфланадиган вақтни талабаларнинг ижодий фаолликларини таъминлаш асосида мақбуллаштириш кабилар.

Тажриба-синов ишларининг биринчи босқичида қўлга киритилган натижалар асосида чиқарилган хулосалар иккинчи босқичда бажариладиган вазифалар кўламини аниқлаш имконини берди.

Бу ўринда биз педагогик таълимнинг инновацион методлари ёрдамида бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий-касбий ривожланишларига эришишга ҳаракат қилдик. Бунинг учун дастлаб улар эгаллаган касбий билимларни мустаҳкамлашга интилдик.

Шуни ҳисобга олган ҳолда амалий-моделлаштирувчи босқичда назарий жиҳатдан асосланган моделга мувофиқ тарзда қуйидаги асосий вазифаларни ечиш назарда тутилди:

- бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим, уни лойиҳалаштиришнинг барча компонентларини самарали ўзлаштиришлари учун қулай педагогик шарт-шароитлар яратиш, бунда бир қатор ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш, жумладан:
- бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим жараёнини лойиҳалашга ўргатишда етакчи педагогик омилларни аниқлаш;
- ўқитиш методикаларини ўзлаштириш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзларини намоён қилишларига имкон берадиган вазиятларни лойиҳалаштириш ва педагогик таълим жараёнини ушбу лойиҳалар асосида ташкил этиш;
- талабалар томонидан эгалланган касбий фаолиятга оид билимларни мустаҳкамлаш вазиятларини ишлаб чиқиш;
- ўқув жараёнини моделлаштириш орқали талабаларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш кўникмаларини ўзлаштиришлари учун қулай педагогик шарт-шароитларни излаб топиш кабилар.

Замонавий таълим-тарбия тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ривожланишларини таъминловчи педагогик технологиялардан фойдаланиш заруриятнинг моҳияти қуйидагича такомиллаштирдик.

Замонавий таълим-тарбия жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ривожланишларини таъминловчи педагогик технологияларни қўллаш заруриятининг моҳияти.

Айни вақтда технологик ҳаракат қонуни замирида оддий технологик ўзаро таъсир, технологик вазифаларнинг инсон зиммасидан соқит этилиб, технологик восита зиммасига юклатилиши қонуни, техно-педагогик феноменни тадқиқ этиш жараёнида юқорида кўрсатилиб ўтилган структуравий-мантикий элементлар акс этади.

Бўлажак ўқитувчиларни арт – педагогикаси асосида касбий фаолиятга тайёрлашда ижтимоий-гуманитар фанларнинг имкониятларини, педагогик тамойиллари, омиллари, шарт-шароитларини аниқлаш замирида, уни аниқ мақсад, режа, дастур асосида ташкил этиш муаммонинг самарали натижасини таъминлаш гаровидир. Бунинг учун биз таълим жараёнида қуйидаги тамойилларга амал қилиш муҳим педагогик аҳамият касб этади деган хулосага келдик. Булар:

- замонавийлик тамойили – таълим амалиётига илмий асосланган ва тажриба-синовда текширилган дидактикага оид янгиликлар, тартиб қоидаларни жорий этади. Таҳсил оловчи эгаллаган билимини мантикий тушуниб амалда қўллайди.

Даврга мос ҳолда ўқув дастурлар модернизация қилинади ва ўқув жараёнининг оптимал варианты танланади.

Ўқув жараёнининг ўқитувчи ва таҳсил оловчи томонидан кам куч сарфланиб, юқори мақсадга эришадиган оптимал вариантини яратади.

- тарбияда изчиллик, узвийлик ва кетма-кетлик тамойилига амал қилиниши;
- илмийлик тамойили – таълим-тарбия жараёнида самарали восита, фаол метод ҳамда дидактик материаллардан фойдаланишнинг ташкилий масалалари янги ечимларини қўллашни тақазо этади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ўқитувчиларни арт – педагогикаси асосида касбий фаолиятга тайёрлашда таълим – тарбия соҳасида инновацион жараёнлар қуйидаги жиҳатларда ўз аксини топади:

- фаолиятга нисбатан (ўқитувчининг инновация ва новацияларни идрок этиши, тушуниши, амалиётга жорий этиши, ўз фаолиятини янги усуллар, янги йўналишларда ташкил этиши, ижодий фаолият юритиши);
- педагогик жараёнга нисбатан (педагогик жараёндаги ички ва ташқи коммуникацион мунооабатларда, таълимни бошқариш жараёнларида, инновацион мазмунда таълимни ташкил этишда);
- таълим мазмунида, унинг сифатини яхшилашда (давлат таълим стандартларида, ўқув режалари, дастурлари, ва бунда илмий ва жаҳон тажрибаларига суянишда ва ҳ.к.)

Адабиётлар:

1. Розиков О., Огаев С., Маҳмудов М., Адизов Б., Дидактика.– Тошкент: Фан, 1997. –256 б.
- 2.Розиков О., Огаев С., Адизов Б. Таълим технологияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1999.– 71 б.
- 3.Педагогическая энциклопедия.–М., 2002.–550стр.
- 4.Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Мирсолиева М. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик» модули бўйича УМК. Тошкент 2017 - 43 б
- 5.Педагогик технология: муаммо ва истиқболлар (замонавий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гуруҳи. / Т.:ОЎМКХТРМ, 300 бет. Масъул муҳаррир: проф. Парпиев А.П. Т.: 2008

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларни арт – педагогикаси асосида касбий фаолиятга тайёрлашда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг дидактик таъминоти, таълимнинг тўғалигича стандартлаштиришга йўналтирилганлиги технологик ёндошиш имкониятлари илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришга оид кўникмаларини шакллантириш мақсадида бир қатор ўқув ўйинларидан фойдаланишни педагогик жиҳатлари атрофлича ёритиб берилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье дается научно-теоретический анализ дидактического обеспечения использования современных образовательных технологий при подготовке будущих учителей к профессиональной деятельности на основе художественной педагогики, возможности технологического подхода, направленного на полную стандартизацию образования. Также в статье подробно описаны педагогические аспекты использования ряда обучающих игр с целью формирования у будущих учителей умений развивать лично-ориентированный образовательный процесс.

## SUMMARY

The article provides a scientific and theoretical analysis of the didactic support for the use of modern educational technologies in the preparation of future teachers for professional activities on the basis of artistic pedagogy, the possibility of a technological approach aimed at the complete standardization of education. Also, the article describes in detail the pedagogical aspects of using a number of educational games in order to form the skills of future teachers to develop a personality-oriented educational process.

—•••••—

## ENHANCING READING SKILLS AND STRATEGIC READING IN UNIVERSITY STUDENTS THROUGH EXPLICIT READING INSTRUCTION: AN INTERVENTION TEACHING STUDY

*Anorboyev A.I.*

*Jizzakh State Pedagogical Institute, the faculty of preschool education*

**Tayanch soʻzlar:** oʻqish, koʻnikma, matn, ingliz, akademik, qiyinchilik, kitob.

**Ключевые слова:** чтение, умение, текст, английский, академический, сложность, книга.

**Key words:** reading, skill, text, english, academic, difficulty, book.

**Introduction.** The purpose of this work is to present the motivation and significance of the study. Firstly, it presents the rationale for carrying out this study and sets its significance. Secondly, a general description of reading in Uzbekistan and an account of reading in the Uzbekistan regions as well as the importance of reading texts in English for students at public universities. It also discusses the difficulties students encounter when attempting to read in English and how reading in English is perceived by most participants.

**Motivation of the study.** As a language teacher I started to focus on the field of reading in English, specifically on the development of reading strategies because in my teaching practice I perceived that one of the main factors that prevented students from succeeding in reading academic texts in English was the fact that they did not know how to approach such texts as they did not receive any formal reading instruction during their professional studies. As a result, a reading program is proposed to help students with their immediate academic reading needs considering their profile and their level of proficiency. The reading part of this instruction will be unfolded throughout this research work showing how this proposal does not center in teaching the English language per se but in teaching how to approach academic

texts in English with the purpose of helping students develop their reading skills through cognitive and metacognitive reading strategies.

As a result of what is perceived regarding the need to read in English in this context, it is recognized that sometimes, language teachers in order to help students, offer them informal reading instruction within their regular English program. In spite of this well-meaning attempt, it is quite common that most of this informal instruction does not include a revision or a follow-up, and usually, this instruction is offered just once or twice during the semester.

Opposite to this effort of teaching reading informally, there is the position of some other language teachers that believe in not offering students a reading instruction as most of these students are not proficient readers in their L1 or have not yet acquired a proficient level in the English language. As a result, these two opposite views often lead to a stage of academic stagnation in which instructors are not able to effectively help students meet their reading needs and where students experience a sense of frustration as they are not able to comply with some of their academic requirements.

This challenging reality moved me to investigate the reading process and the several approaches to teaching reading in English for academic purposes to find a proposal that best suited the students' needs in this context. The original reading program went through numerous reviews and amendments and an informal reading booklet was designed which included academic texts related to the students' field of studies and offered students some reading practice in the use of different reading strategies. This initial reading instruction, which was part of my hidden teaching curriculum, was delivered to the students when in their regular English classes. During the time students received this informal reading instruction I observed that it benefited them as they felt more willing to approach academic texts in English. This reading instruction we can offer to students throughout education process to consider that teaching reading beyond the mere teaching of the language is possible and likely to be achieved when it aims at developing reading skills and strategies. Although language teaching contributes to the development of language proficiency, it is not a determinant factor. Factors such as L1 previous reading experience and background knowledge among others come into play in the reading process.

Reading in English as an empowerment tool. Reading in English may represent a way to strengthen students reading skills or a way to overcome the difficulties they encounter when reading texts. In the context of this investigation, students acknowledge the need they have of reading academic texts. According to Suleiman Alfalaj (2017), a reading comprehension is a professional tool that empowers English learners not only for ensuring their professional development but also for success in their jobs. Generally speaking, this is the main drive for these students when it comes to reading texts in English. However, the reading engagement in educational settings may be quite demanding since a great deal of learning occurs and part of that learning requires the reading and interpretation of informational texts (Grabe 2009). As a result, almost all students are interested in reading in English for academic purposes rather than for learning it as a foreign language. Despite the imminent internationalization higher institutions experience nowadays, students in this study express their lack of interest in English per se. For these students, reading in English is mainly considered a useful resource where the enjoyment of this activity conveys is put



aside. According to Owusu-Acheaw (2012), reading is an essential tool for knowledge transfer. Although in his findings, when conducting a study assessing students' reading habits and their academic performance, he confirmed that 75.0% of the respondents engaged in reading just to pass an examination, the majority of the respondents considered that reading habits affect academic performance.

It challenges the notion that, for reading in English to be successful, students first need to reach a linguistic threshold and then attempt to read in English (Anderson 1999). This study aims at offering useful insights in a reading proposal which not only works with students who are poor readers in L1 as well as in English and who are not interested in learning English, but who are aware of the need they have to read in English and can benefit from a program of explicit reading instruction as a way for them to build meaning from texts through strategic reading (Stoller et al. 2013).

RQ 1: What are the students' perceptions towards reading strategy use and access to meaning?

The teaching intervention this study proposes aims at having students develop their ability to use a variety of reading strategies so they reach their reading purposes. Therefore, this question looks at how students perceive the use of reading strategies as a way of accessing the meaning of texts and whether or not they can reach comprehension through the use of those reading strategies.

RQ 2: What are the students' perceptions towards their reading process?

This question looks into the different views students have towards the way they approach texts and the results of such approaches. Understanding the way students see their own process of reading is likely to offer insights into the different attitudes students have when reading. It will also offer a guideline on what aspects to tackle when teaching reading to these students.

RQ 3: How does ERI contribute to forming more strategic readers?

The overall aim of this study is to develop strategic readers through the instruction of reading; therefore, this question is one of the backbones in understanding to what extent this aim has been reached. This question helps to find out whether or not reading instruction, when explicitly offered, contributes to strengthening students' reading skills so they understand texts better.

RQ 4: Do students expand their initial concept of reading after ERI?

Reading in the context of this study is mainly perceived as useful and practical. This question seeks to find out whether or not participants, after having received the explicit reading instruction, keep their initial perception of reading or expand such perception.

In the context of this study, most students approach texts in English with a marked tendency to start working with words, then phrases, then sentences. Students mostly work with the text linearly. This study benefits from this approach as it recognizes that poor or beginner readers tend to read in a bottom-up fashion. Carrell (1998) suggests in her findings that novice readers, contrary to skilled readers, often focus on decoding single words, fail to adjust their reading for different texts or purposes, and seldom look ahead or back in the text to monitor and improve comprehension. Such cognitive limitations are characteristics of young novices as well as of older, unskilled readers. This study sees the bottom-up model as a way to optimize the way students decode words, phrases, and sentences,

providing them with several ways to develop their vocabulary. Nevertheless, one of the disadvantages of using, and overusing this approach is that learners apparently do not rely on other approaches that could complement their understanding. For this reason, students likely give up reading before even trying to obtain some meaning. However, it is not this study's aim to prevent students from using this approach. The bottom-up approach could be beneficial both for the students and for the instructor. Instructors may take advantage of this rooted practice in students when reading. Perfetti, Landi, and Oakhill (2005) suggest comprehension cannot be successful without the identification of words and the retrieval of their meanings, «both children and adults with low levels of comprehension may also have problems with lexical representations». Besides, this approach would help students raise awareness of several strategies available when linearly building meaning. This study seeks to redirect the students' efforts within a practice they are used to doing, though more effectively.

To help students develop this bottom-up approach in a structured way, not just randomly but with a specific purpose, this reading instruction comprises several practices for vocabulary building. It offers practice in recognizing the basic grammatical information of a word and promotes reading fluency practice. The bottom-up model supports the approach of teaching phonics (Anderson 2008). Nevertheless, the reading instruction here proposed does not include a formal approach to phonics. The main objective of practicing reading fluency in this instruction is to have students become more confident when approaching texts and avoid their discouragement when trying to do so. Therefore, offering students a general approach to the way English sounds to develop basic reading fluency is thought to be appropriate.

Conclusion. The overarching aim of this study was to determine to what extent explicit reading instruction contributed to form more strategic readers and to develop students' reading skills. The academic reality in this context gave way to this goal as it indicated that undergraduate students do face the demand for reading texts in English. This goal was set considering the academic reality that in this context indicates undergraduate students face the demand for reading texts in English. It is common that these students do not succeed when reading in that FL since they are not proficient readers, and that they have not received any formal instruction on reading to help tackle such texts. As a result, an intervention teaching study with a focus on explicit reading instruction of texts in English was delivered to these students who major in engineering. The delivery of this teaching instruction proved to be positive and useful, as it contributed to the students to get closer to the strategic reading process. This closeness was confirmed as the students were able to use diverse reading strategies and skills to accomplish their purposes for reading. This use of reading strategies and reading skills allowed these students to experience an incipient, although important reading fluency development which was highly appreciated by most of the students taking part in this study. The participants also reported an increase in their vocabulary, benefiting them when approaching texts. This reading fluency awareness and this vocabulary expansion, plus the collaborative work that took place among participants produced a feeling of achievement and confidence for the students. This sense of accomplishment and confidence most likely helped to ease the students' process of reading as it was found that they did not feel sure about their ability

to face texts and felt that their endeavors were helpless since most of the time they did not obtain any satisfactory result. I found that explicit reading instruction aimed students into their reading process by helping them move towards a more strategic reading process as they were able not only to use several reading strategies but also to discuss them and reflect on them after their use. This reading instruction, as previously discussed did not focus on offering students a set of strategies for reading as if they were steps to follow. It led students to think about the most suitable reading strategies to use according to the specific text that they were working with and to think about the outcomes they got by using certain reading strategies. This reflection aimed at having students assess their own reading results and, based on that assessment, to try different strategies if the ones they chose were not the most appropriate for their reading purpose.

#### Literature:

1. Aarnoutse, C., & Schellings, G. (2003). Learning reading strategies by triggering reading motivation. *Educational studies*, 29(4), 387-409.
2. Aebersold, J., & Field, M. (1997). *From reader to reading teacher*. Cambridge: Cambridge University Press.
3. Afflerbach, P. (2016). Reading assessment. *The Reading Teacher*, 413-419.
4. Afflerbach, P., Byeong-Young, C., Kim, J.-Y., Crassas, M. E., & Doyle, B. (2013). Reading. What Else Matters Besides Strategies and Skills? *The Reading Teacher*, 440-448.
5. Afflerbach, P., Pearson, P. D., & Paris, S. G. (2008). Clarifying Differences Between Reading Skills and Reading Strategies. *The Reading Teacher*, 364-373.
6. Ahmadi, M. R., Ismail, H. N., & Abdullah, M. K. (2013). The Importance of Metacognitive Reading Strategy Awareness in Reading Comprehension. *English Language Teaching*, Vol. 6, No. 10, pp. 235-244.
7. Alderson, J. C. (1984). Reading in a foreign language: A reading problem or a language problem? In J. Alderson, & A. H. Urquhart, *Reading in a foreign language* (pp. 1-27). London: Longman.
8. Alderson, J. C. (2000). *Assessing Reading*. Cambridge: Cambridge University Press.
9. Alderson, J. C., Haapakangas, E.-L., Ari Hunta, L. N., & Ullakonjoja, R. (2015). *The Diagnosis of Reading in a Second or Foreign Language*. New York, NY: Routledge.
10. Alharbi, M. A. (2015). Reading Strategies, Learning Styles and Reading Comprehension: A Correlation Study. *Journal of Language Teaching and Research*, Vol. 6, No. 6, pp. 1257-1268.

#### РЕЗЮМЕ

Ingliz tilida o'qish talabalarning o'qish ko'nikmalarini kuchaytirish yoki matnlarni o'qish paytida duch keladigan qiyinchiliklarni engib o'tish usulini anglatishi mumkin. Ushbu tadqiqot doirasida talabalar akademik matnlarni o'qish zarurligini tan olishadi.

#### РЕЗЮМЕ

Чтение на английском языке может означать способ улучшить навыки чтения учащихся или преодолеть трудности, с которыми они сталкиваются при чтении текстов. В рамках этого исследования студенты признают необходимость читать академические тексты.

#### SUMMARY

Reading in English can mean a way to improve students' reading skills or overcome difficulties they face when reading texts. In this study, students recognize the need to read academic texts.



## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХЫЙЛИК ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

### НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ БУЮК НАЗАРИЁТЧИ ОЛИМИ ВА МУРШИДИ МАХДУМИ АЪЗАМ ДАҲБЕДИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

*Каттаева Г.К.*

*Самарқанд Давлат Университети МТПП ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** ёшлар тарбияси, буюк назарий олим, асарлар, Нақшбанди, маънавий, ахлоқий, ижтимоий, дўстлик, меҳнатсеварлик, ёш авлод, аллома, кадрятлар.

**Ключевые слова:** образование молодежи, великий ученый-теоретик, труды, Нақшбанди, духовное, нравственное, социальное, дружба, трудолюбие, молодое поколение, ученый, ценности.

**Key words:** education of youth, great theoretical scientist, works, Naqshbandi, spiritual, moral, social, friendship, hard work, young generation, scientist, values.

Тарихга назар ташлар эканмиз, аждодларимизнинг илмий салоҳиятига, улар қолдирган бой тарихий кадрятга эга маънавий, маданий, ахлоқий меросга ҳавас қилибгина қолмай, балки ҳайратга тушамиз.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев миллий-диний кадрятларимизни тиклаш, буюк аждодларимизнинг илму фанга, ислом маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Чунончи, Президентимиз «...Мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қайерда йўқ... Ўзбекистон алломалар юрти», деб бежизга айтмаганлар.

Ҳозирги вақтда буюк аждодларимизнинг маданий, маънавий, ижтимоий ахлоқий ва таълим-тарбияга оид улкан мероси ёшларимиз онгида инсонпарварлик, илмпарварлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, дўстлик, саховатпешалик каби умуминсоний фазиллагларни шакллантиради ва бу улуғ меросни ёш авлод руҳига сингдириш, уларни буюк алломаларимизга ҳурмат сифатида тарбиялаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ер юзининг дурдонаси бўлмиш қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри ва вилоятида яшаб, ижод этишиб ҳуқуқ илмини, одоб-ахлоқ қоидалари уруғини дунёга тарқатишган жумла ҳуқуқшунос алломаларимиздан имомлар Бухорий, Мотуридий, Дорамий, Марғиноний, Абул Қосим ал-Ҳаким, Растуғфоний, Абу Лайс,

Сугдий, Баздавий, Насафий кабилар туфайли хадисшунослик, фикхшунослик, каломшунослик каби

илмларга асос солинди, ривожлантирилди; Нақшбандия, Ясавия, Кубравия каби тасаввуф тариқатларини халқ хизматига қаратиб, урушларни тўхтатишган буюк мутасаввуф алломаларимиздан Хожа Аҳрори Вали, Махдуми Аъзам Даҳбедий, Шайх Худойдоди Вали, Шайх Махдуми Хоразмий, Мўсохохожа Даҳбедийлар туфайли юртимиз, жумладан Самарқанд ушбу тариқатлар марказига айланди; марказлашган давлатлар тузилишиб, Самарқанд шахрини қайта тиклашган ва Шоҳизинда, Рухобод, Гўри Амир, Бибиҳоним, Шердор, Тиллокори ва Чорсу каби буюк обидалар куришган улуг давлат арбоблари Амир Темури соҳибқирон, Мирзо Улугбек, Ялангуш Баҳодир, Амир Маъсум Шоҳмурод кабилар туфайли юртимиз, жумладан Самарқанд шахри юр юзининг сайқалига айлантирилди. Аҳамиятлиси шулким, ушбу алломалар ва арбобларимизнинг барчалари биринчи навбатда ёш авлодни таълим-тарбиясига, соғлиғига, турмушига эътибор бериб олий ўқув даргоҳи бўлмиш мадрасалар, соғ-саломатлик гарови бўлмиш ҳаммом ва Доруш-шифолар (касалхоналар), халқ учун кўприklar, сардобалар (сув омборлари), кишлоқ хўжалиги учун эса арик-каналлар қаздирар эдилар.

Натижада, юқоридаги буюк алломаларимиз ва арбобларимизнинг саъю ҳаракатлари туфайли Самарқанд шахри XIX асрдан бошлаб ислом илмларининг олтин даври маркази деб эътироф этилди. Мустақиллик туфайли қадимий обидаларимиз тубдан таъмирлангач эса, юртимиз дунёда энг пешқадам туристик-сайёҳлар шахарларидан бирига айлантирилди.

Ушбу жумла алломаларимиз ичида ҳолис талқин зотлардан бири Хожагий Сайид Аҳмад Косонийдир. Бу зот илмий-тариқий жасорати туфайли халқ орасида ва илм аҳли ичида Махдуми Аъзам Даҳбедий (баъзан Имоми Косоний) унвонига эга бўлган эди. Ул зотга қадар Аъзам унвонига авлиёлар султони Ғавсул Аъзам-Сайид Абдул Қодири Желоний ва барча ҳуқуқшуносларнинг буюк устози Абу Ҳанифа-Имоми Аъзам етишган эдилар, ҳолос. Махдуми Аъзам Даҳбедий (яъни, Хожагий Сайид Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний) 1461 йилда Наманган вилоятининг Косон вилоятида машҳур сайидлар оиласида туғилади. Дастлабки таълимни зиёли ота-онаси қошида оиласида олади. Мадраса таълимидан сўнг неча устозлардан илм ўргангач, тасаввуф таълимотига майл сезиб, Хожа Аҳрори Валининг биринчи халифаси ва ўринбосари Мавлоно Муҳаммад Қозига бориб қўл бериб бийъат келтиради ва мурид тушади. Ёш йигитлигига қарамай, илми, амали бекиёслигидан тезда пирининг биринчи халифасига айланади. Устози вафот этгач, тариқатга раҳбарлик қилади. Нақшбандия тариқатининг дунёда энг улуг тариқатлигини ҳисобга олсак, унинг энг йирик шохасининг раҳбари Махдуми Аъзам эди. Демакким, замонасида барча сўфийлик тариқати раҳбарлари орасида энг йириги ва энг нуфузлиси ул зот эди.

Махдуми Аъзам ислом дини замирида тасаввуф тариқатининг энг буюги бўлмиш Нақшбандия силсиласининг буюк назариётчи олими, халқ ва замон ҳукмдорларининг ҳидоятга бошловчи пиру муршиди ҳам эди. Манбаъларда ул зотни «пири шасти» (олтмиш муршидни тарбиялаган аллома) деб келтиришади.

Буюк пиру муршиднинг 30га яқин асарлари бизгача етиб келган бўлиб, асарлари асосан халқни, ҳукмдорларни ва ёш авлодни таълим-тарбия орқали комилликка етказишга қаратилган эди. Чунончи, «Рисолаи одоб ус-соликин» (Одоби тўғрисида рисола), «Рисолаи одоб ус-сиддиқин» (Содиқлар одоби тўғрисида рисола), «Насихат ус-соликин» (Солиқларга насихат), «Танбех улсалотин» (Султону подшоҳларга танбех), «Шарҳи ул-валаду сиррун лиабиҳи» (бола тарбиясида отанинг ўрни рисоласи) каби ўз асарларида пиру муршидхалқни, ҳукмдорларни тўғриликка, ҳалолликка, одобга, маърифатга чақириб, аксарият асарларида энг аввало ёш авлод таълим-тарбиясига ўта назорат билан, эҳтиёт бўлиб тарбиялашга чақирганлар.

Шарқ маърифатпарварлигида ўзига хос мавқеъга эга бўлган тасаввуф ва унинг турли йўналишларини оқилона ўрганишга интилиб, бу соҳанинг забардаст намоёндалари ҳаёт-фаолиятлари ва ахлоқий-маърифий қарашлари моҳиятини идрок этишга, уни чуқур таҳлил этишга интилиш ҳозирги ёшларимиз ва келажак авлоднинг камолот сари йўналишларига ижобий дастурул-амал вазифасини ўтайди. Кейинги даврларда Маҳдуми Аъзам каби мукаммал дунёқарашга эга бузург ҳақдоқларимизнинг Марказий осий халқларини руҳий-психологик жиҳатдан бирлаштирадиган, чуқур таълимтарбиявий, маънавий, маърифий, фалсафий ғояларига асосланган қарашларитўғрисида тугал тасаввурга эга бўлиб бормоқдалар.

XV-XVI асрларда Накшбандия тариқатини ривожлантирган, назарий жиҳатдан тақомиллаштирган етакчи амалиётчи аллома бўлмиш Маҳдуми Аъзам айни чоғда истеъдодли маърифатпарвар, тасаввуф назариётчиси бўлиш билан бирга, айни чоғда ва моҳир тарбиячи педагог ҳамда нодир психолог ҳам бўлган. У назариётни амалиёт билан боғлаб фаолият кўрсатган илк мутасаввуф, шу билан бирга, назарияларини ҳаётга тадбиқ этган буюк олим эди. Аллома илмий психологик фаолиятида ўз даврларида маълум бўлган фан ютуқларига таянган ҳолда психологияда мавжуд бўлган инсон фаолиятида кечадиган психик жараёнларни инсон шахси ҳақидаги энг муҳим фаолияти деб баҳолайди. Инсон фаолиятида содир бўладиган эҳтиёж, ҳиссий туйғулар, тафаккур ва шунга ўхшаш ғояларни илгари суради. Илмий педагогик фаолиятида ўз даврида маълум бўлган фан ютуқларига таяниб, қатор ўтказган тажрибалари асосида тадқиқот ҳамда педагогиканинг янги ва замонасига нисбатан илғор усулларини ишлаб чиққан ва тадбиқ этган.

Тасаввуф соҳасидаги фикрлари, янгиликлари, унинг истиқболдаги ҳолатларини олдиндан идрок этиши (каромати) билан Шарқни ҳайратга солган Маҳдуми Аъзам тарбия ва таълим хусусидаги маърифий қарашларининг далиллиги, ҳозиржавоблиги билан ҳамон кишиларни ҳайратга солмоқда. Маҳдуми Аъзамнинг маърифий қарашларида табиий, руҳий, илмий, Илоҳий-диний услублар асос қилиб олинган. Ўз асарларида фарзанд тарбиясига, ёшларнинг таълим-тарбиясига оид қатор тавсияномалар қолдирган. Шгирд билан устоз орасидаги хилма-хил ва мураккаб муносабатлар ҳақида тўхтаб ўтгандан сўнг, устоз мард, ҳалол, фидойи, шогирд тарбияси усулларини, ахлоқ қоидаларини яхши биладиган комил инсон бўлиши керак, деб таъкидлайди. Маҳдуми Аъзам ўз таълимотини халққа осон, тушунарли тарзда етиб бориш йўлларини излайди. У ўзининг маърифий фаолиятида ахлоқий турмуш тарзининг озодлигига, руҳий покликка, амалий меҳнатсеварликка катта аҳамият берган. Иймон, эътиқод, диёнат йўлида курашиб илм олиш, жасорат кўрсатиб адо-

лат йўлида курашиш ўз меҳнати билан топилган бойлик ҳалол бўлиши, ҳаммага яхшиликни раво кўриш ғояларини илгари суради. Махдуми Аъзамнинг тасаввуф тариқатларида қилган улуғ ҳиссаларидан бири шуки, инсоннинг Оллоҳга интилиши аввал кўнгилда, кўл меҳнати тарзида қўйилган бўлса, энди кўнгил меҳнат ёнида ҳалоллик, поклик масаласи тарзида ҳам қўйилди. У том маънодаги эзулик, гўзаллик, поклик, яхшилик, меҳр-оқибат, аҳиллик, илму-фан, маърифат каби юксак аломатлардан иборат давр мафқурасини яратувчи муршид, донишманд киши бўлиб, ҳаммиша халқ орасида, ҳамнафас яшаган ва халқ оmmasига ана шу улуғ фазилатларни сингдиришга интилган. Бу улуғ зот одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, маърифат, давлатни бошқариш ҳақидаги асарлари, ўғитлари ҳозирги кун ва келажак талаблари учун ҳам ўз долзарблигини, давр руҳига мослиги билан ажралиб туради. Тафаккур хазинасининг мислсиз бойлиги, маърифатпарвар пир бўлмиш Махдуми Аъзамнинг ҳадисларга асосланиб фарзанд тарбияси ҳақида лўнда, аммо ғоят муҳим жиҳатлари ҳисобга олинган кўрсатмалари бутунги кун учун ибрат бўлмоқда. Махдуми Аъзамнинг маърифатга чанқоқ ёшларга билим ўргатиш борасидаги фикрлари билан танишар эканмиз, унинг толиби илмга ҳам, ўзига ҳам ўта талабчан бўлганлигини ҳис этиш мумкин. Маълумки, ўша даврларда ҳам бола тарбияси, айниқса ёшлар камолоти, уларга билим ўргатиш каби ишларни ҳар томонлама тўла такомиллаштириш масалалари долзарб вазифа бўлиб, бу ҳақда кўпчилик олимлар, тасаввуф арбоблари жон куйдирганлар. Умрини ва илмини Нақшбандия тариқатининг юксалишига сарфлаган Махдуми Аъзам халқ фаровонлиги йўлида ўзининг маънавий устози (яъни, устозининг устози) Хожа Аҳрори Вали каби тарикий фаолият орқали давлат сиёсатига таъсир ўтказишда унумли фойдаланади.

Натижада, урушлар тўхтатилади, солиқлар юмшатилади, адолат ҳукм суради.

Тариқатни сиёсатга катта таъсир кўрсатилиши бобида сўфизм тарихида Хожа Аҳрори Вали ва Махдуми Аъзам Даҳбедийдан ўзга муршидни учратмаймиз.

Махдуми Аъзам фақат ислом маърифатпарвари сифатида ислом дини равнақи учун тасаввуфнинг тарихий фалсафасини ривожлантириб қолмасдан XVI аср Мовароуннаҳрининг ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида Хожа Аҳрори Валидан кейин сезиларли таъсир кўрсата олган подшоҳлар, олимлар, дин ҳомийлари ва халқ оmmasининг эътиборини тортган авлиё муршиддир.

Махдуми Аъзам Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси. Машҳур мутасаввиф Хожа Аҳрори Вали каби фаолият кўрсатиб, давр ҳукмдорлари орасидаги ўзаро низо ва келишмовчиликларни йўқ қилишда ниҳоятда тадбиркор бўлган. Замондошларининг ёзишларича, Махдуми Аъзам истеъдодли, муруватли, луқмаси ҳалол, руҳий тоза, ахлоқий пок авлиё бўлганлигидан одамларнинг сирли фикрларини олдиндан изоҳлайдиган, воқеалар тафсилотини олдиндан башорат қила оладиган зот бўлган.

Махдуми Аъзамнинг шогирд, издош ва мухлислари жуда кўп бўлишган.

Ўша даврда нафақат Мовароуннаҳрининг, балким қўшни давлатларнинг ҳукмдорлари ва аксарият халқлари тариқатларнинг энг улуғи Нақшбандия тариқатига тобеъ эдилар; Нақшбандия замонасида энг улуғ тариқат экан, демакким, унинг асосий муршиди бўлмиш Махдуми Аъзам Ўрта Осиё давлатларининг асосий пири тариқат ҳисобланган.

Замонаси ҳукмдорлари Махдуми Аъзамни ўзларига пиру муршид ҳисоблашган. Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон давлатларининг ҳукмдор, султон ва бекалари ул зотга ихлос қўйишган ҳамда иродату инобат келтиришиб мурид бўлишган эдилар. Улар орасида энг машхурлари Мовароуннаҳр подшоҳлари Убайдуллоҳон, Искандархон ҳамда Ҳиндистон подшоҳи Бобур Мирзо кабилар эди. Махдуми Аъзам мусулмон оламида катта обру ва мавқега эга бўлганлиги боис унинг номи халқ ва ҳукмдорлар томонидан хурмат билан эъзозланган.

Махдуми Аъзамнинг муриди Жонибек Султон томонидан Миёнкол ерларидан ўзига тухфа этилган заминни обод этиб Даҳбед шаҳарчасига асос солади ва шу ерда яшай бошлайди (дастлаб ўнга тол эканлари боис Даҳбедўнга тол аташган). Ўша даврдан бошлаб марказий Ипак Йўлининг устидажойлашган Даҳбед мавзеи Накшбандия тариқати марказига айланиб «Дорулиршод Даҳбед» (яъни, иршод бериш уйи) деб атала бошлайди.

1542 йилда пиру бузургвор вафот этгач, Даҳбеддаги ўз хонақоҳларида дафн этилади. XVII асрга келиб, Махдуми Аъзамнинг набиралари Хожа Ҳошим Даҳбедийнинг муриди бўлган Самарқанд ҳукмдори Ялангтуш Баҳодир даврида (1618 йилда) Даҳбед хонақоҳи қайта қурилади.

1995 йилда Махдуми Аъзамнинг хотираларига бағишланган Халқаро илмий-амалий конференция арафасида Даҳбед мавзеидаги пиру муршид кўмилган хонақоҳ тубдан таъмирланди.

Хулоса қилиб айтганда, Махдуми Аъзам таълимотидаги маърифатпварварлик, меҳр-шавқат, баҳрикенглик, меҳнатсеварлик, дўстлик, биродарлик каби олға сурилган ахлокий, фалсафий ғоялар ўз мазмуни ва моҳияти билан умуминсоний характерга эга бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ўз назарий ва амалий аҳамиятини йўқотмаган. Ул зотнинг таълимоти ва қарашлари нафақат илм, маданият аҳлини, балки Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон (Хитой), Ҳиндистон, Хуросон (Эрон) ва Афғонистон давлатлари халқи ва ҳукмдорларини Накшбандия тариқати атрофида жисплаштиришга чорлади. Биз яшаб турган шароитда, Махдуми Аъзам таълимотини психологик-педагогик ёндашув асносида фалсафий-ахлокий ғояларини ва тарбиявий ўғитларини ёшларимиз онгига сингдиришимиз, уларнинг маърифий савияларини ўстириш ишига хизмат қилдиришимиз лозим. Ёшларимизни миллий мафқурасини шакллантириш, маънавий баркамол етук инсон қилиб тарбиялаш, онгига ватанпарварлик руҳини сингдириш ишларини кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифа деб ҳисоблашимиз лозим.

#### Адабиётлар:

1. Комилхон Каттаев, Гулноза Каттаева. Қадимий китоблар таржимаси (тўплам). Т.: Qaqnus, 2020.
2. Комилхон Каттаев, Гулноза Каттаева. Самарқанднинг энг буюк алломалари (тўплам). Т.: Qaqnus, 2020.
3. Каттаев К. «Махдуми Аъзам ва Даҳбед» Самарқанд, Сугдиён. 1994.
4. Каттаев К. «Шайх Худойдоди Вали-Яссавия муршиди» С.: СамДУ, 1996.
5. Каттаев К. Шайх Махдуми Хоразмий ва Кубравия тариқати тарихи. Самарқанд. Зарафшон, 2003.
6. Каттаев К. Шоҳ Нёматуллоҳи Вали тарихи. Т.: ФАН, 2006.
7. Каттаев К. Тасаввуф алломалари. Т.: Фафур Ғулом, 2017.



8. Каттаев К. Махдуми Аъзам Дахбедийдан мерос колган қадимий қўлёзма китоблар Ката-логи». Т.: Tafakkur bo'shoni, 2016.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада дунёдаги энг йирик тариқат – Нақшбандия тариқатининг назариётчи олими ва пири муршиди Махдуми Аъзами Дахбедийнинг тасаввуфий таълимотлари, қарашлари ҳамда илмий асарларининг ҳозирги давримизда ёш авлоднинг таълим-тарбиясида ҳамда ахлоқий ўсишидаги бениҳоя таъсири ва аҳамияти ҳақида мулоҳазалар юритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье обсуждаются суфийское учения, взгляды и научные труды Махдуми Азама Дахбеди, знаменитого ученого-теоретика и пири муршида из крупнейшей в мире суфийского тари-ката (секты) Нақшбанди, в сфере образования и нравственного развития молодого поколения.

#### SUMMARY

The article discusses the mystical teachings, views and scientific works of Mahdumi Azam Dahbedi, a theoretical scholar and piri murshid of the world's largest sect, the Naqshbandi sect, in the education and moral development of the younger generation.

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТИГА ХОС БЎЛГАН АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАР

*Норбекова Б.*

*ЖДПИ Мактабгача таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** миллий менталитет, маънавий, ўзбек халқи, миллий ғурур, хусуси-ялар, миллат тушунчаси, ислохотлар, миллий ўзлик.

**Ключевые слова:** национальный менталитет, духовность, узбекский народ, национальная гордость, особенности, понятие нации, реформы, национальная иден-тичность.

**Key words:** national mentality, spirituality, the Uzbek people, national pride, peculiarities, the concept of a nation, reforms, national identity.

«Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами-ни юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида ифода этилганидек, «... адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга биз-нинг асло ҳаққимиз йўқ.

Лекин табиий бир савол туғилади. Мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги кенг қўламли ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида ижодкор зиёлилари-мизнинг ўрни ва ҳиссаси қандай бўлмоқда?

Албатта, биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндала-рининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Юксак идеаллар йўлида фидойилик қўрсатиб яшаш, ўзлгимизни англаш, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш – сиз, ижод аҳлига хос эзгу фазилат эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва бунга юксак кадрлаймиз».

Буюк келажак тақдири, озад ва обод жамият қурилиши ўзимизнинг қўлимизда эканлиги, бу мақсад барчамизнинг маънавий ўлчовимиз, шахсий ва ижтимоий мўлжалимизга айланиши бугунги кун талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интиломқда» асарида таъкидлаганидек, - «мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини, халқимиз табиатини, менталитетини инобатга олувчи ривожланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир». Истиклол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улуғ бунёдкорлик ишлари натижасида халқимиз тафаккур тарзи ўзгариб, унинг менталитетига хос бўлган қуйидаги асосий хусусиятлар таркиб топди.

Ўзбек миллий менталитетига хос бўлган асосий хусусиятларидан бири - миллий ўзликни англашдир. Миллий ўзлик миллийликка мансуб барча хусусият ва белгиларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳар бир шахснинг миллий ўзлигини англашга интилиши табиий жараёндир. Ўзи мансуб бўлган миллат, элатга хос миллий хусусиятлар, белгиларни сақлаб қолиш, уни янада ривожлантириш ёки қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг ифодасидир. Худди шунинг учун ҳам «миллий ўзлигини англаш» «миллат» тушунчаси билан бевосита боғлиқдир. Бошқача айтганимизда, ўзбек кишининг миллий ўзлигини англашга интилиши ўзбек миллатининг шаклланиш жараёнини билишга интилишининг дебочасидир.

Мамлакатимизнинг таникли тарихчилари Аҳмадали Аскарлов ва Бўрибой Аҳмедовларнинг эътишоари: «Ўзбек халқи илдизлари таг-томири, биринчи ва асосий компоненти саз-массагетлар, хоразмийлар, бахтарлар, чочликлар ва парконаликлар ҳисобланади». Унинг асосий белгилари-нинг шаклланиши X ва XI асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. XVI асрда Шайбонийлар давлатининг, XVI аср иккинчи ярмида Бухоро ва Хива хонликлари ва XVIII асрда Қўқон хонликлари тузилиши ўзбек миллатининг шаклланишида муҳим босқич бўлди.

Мусулмон файласуфлари «миллат» тушунчасини эл, улус, халқ, айрим ҳолларда тил, дин, мазҳаби ифодалаш маъносига ишлатишган. Чунки Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Райҳон Беруний миллат деганда жамики мусулмон кишиларининг ижтимоий-тарихий бирлигини тушунган бўлса, Алишер Навоий миллат тушунчаси орқали ягона динга мансуб кишилар жамоасини ифодалаган. Худди шунинг учун ҳам Абдурахмон Жомийни «миллат ва диннинг нури» деб таърифлаган. Бундай фикр-мулоҳазалар марксча-ленинча фалсафа қоидаларига зид бўлгани учун совет тадқиқотчиларининг асарларидан муносиб ўрин олмади.

«Миллат» тушунчаси турли мамлакатларда турлича ишлатилади. Масалан, Олмония, Испания ва бошқа давлатларда «миллат» тушунчаси этник маънода эмас, балки сиёсий, яъни давлат бирлиги, инсоннинг давлат билан алоқасини ифодаловчи тушунча маъносига қўлланилади. Ана шундай асосда мамлакат фуқаролари ва давлат манфаатини уйғунлашганлигини характерловчи, фуқаро билан давлат, жамяят билан шахс манфаатларини бирлаштирувчи «бирлашган миллат», «ягона миллат» тушунчалари вужудга келди. Худди шунинг учун ҳам, масалан, Испания Конституциясига асосан, испан миллати деганда, фақат испанлар эмас, балки мамлакатда яшовчи барча фуқаролар тушунилади.

Олмония Федератив Республикаси Асосий қонунининг (1949 йилда қабул қилинган) 116-модда, биринчи сўз бошисига мазкур муаммолар юзасидан қуйидагилар баён этилган: «Ушбу Асосий қонуннинг мазмунига қўра, немис бўлиб, агар қонунда бошқа тартиб ўрнатилмаган бўлса, олмон фуқаролигига эга бўлган ҳар бир шахс ёки 1937 йил 31 декабрда Олмония империясига қочқоқ ёхуд вақтинча жойини ўзгартирган, келиб чиқиши немис наслига мансуб бўлган шахслар, уларнинг турмуш ўртоқлари, авлодлари, барчаси немис ҳисобланади».

Турган гапки, миллатга, кишининг насл-насабига бундай муносабат шахснинг миллий мансублигига, миллий урф-одатлар ва анъаналар раванқига ҳеч қачон монъе-

лик қилмайди, балки шахс ва жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиради, кишилардаги миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларини кучайтиради.

Шундай қилиб, миллий ўзликни англаш деганда ҳар бир киши ўзининг қандай миллатга мансублигини, ўзи мансуб бўлган миллатнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини муқаммал билиши, миллий кадриятларга садокати, миллат эҳтиёжлари ва манфаатларини тўла тасаввур этиши, анна шу борада кўрсатган фидойилиги тушунилади. Миллий ўзлигини англамоқ учун қадимдан ўз давлати, маданияти ва кадриятларига эга халқ эканлигини, ўзига хос миллий давлатчилик анъаналари борлигини билиши буюк аждодлар тарихини ўрганиши ва уларнинг бебаҳо меросидан баҳраманд бўлиш лозим. Ўз миллатига даҳлдор барча ҳақиқатлардан хабардор бўлиш, чунончи, унинг умумбашар тараққиётига қўшган ҳиссасини англаш ҳар бир кишида шу миллатга мансублиги билан фахрлиниш туйғуси даражасини кенгайтиради.

«Шу билан бирга миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий кадриятлар идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас». Инсонпарвар, демократик жамият қурилиши авж олган ҳозирги шароитда миллий ўзлимизни англаш, «эски империя тузуми барбод бўлган ва янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда» содир бўлаётганлигини ҳам унутмаслигимиз даркор.

Ўзбек миллий менталитетига хос бўлган асосий хусусиятлардан яна бири - миллий фахр, миллий ифтихордир. Публицистик адабиётларда «ғурур», «фахр», «ифтихор» тушунчалари бири-иккинчисига ўхшаш тушунчалар деб таърифланади. Аслида уларнинг мазмунан яқинлиги бўлсада, айни бир пайтда бири-иккинчисидан маълум даражада фарқ қилади. Маълумки, ҳар бир фуқаро ўз ютуқларидан қониқиш ҳосил қилганидек, ўз халқи, ўз Ватани, ўз миллати, ўз қишлоғи, ўз тумани, ўз вилоятининг ютуқларидан фахрланади. Фахрлиниш миллий ғурурнинг бошланиши, қониқиш туйғуси бўлса, миллий ифтихор миллий ғурурнинг юқори босқичидир. Худди шунинг учун ҳам миллий ифтихор миллатни яхлит ижтимоий бирлик эканлигини ҳис қилишда намоён бўлади. Бошқача айтганда, миллий ифтихор руҳий-маънавий фазилатдир. Миллий ифтихор инсоннинг онги ва фаолиятида ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданияти, тарихи, дини, тили, кадриятлари қанчалик ўрнашиб олганлигини ҳам ифодалайди. Унинг мустаҳкамлиги миллий бирдамликда яққол кўринади.

Миллий ифтихор фуқаролик тушунчасига яқин тушунчадир. Маълумки, фуқаролик кишини қайси миллатга мансублигини эмас, балки муайян мамлакатга, шахс яшаб турган маконга боғлиқлигини ифодаловчи тушунчадир. Бошқача айтганимизда, фуқаролик-шахс билан давлат ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Турли миллатга мансуб бўлган бир мамлакат фуқаролари миллатидан қатъий назар ўз давлатининг мустақиллиги, давлатнинг рамзлари (герби, байроғи, мадҳияси, Конституцияси, пули) билан фахрланадилар.

Ўзбек миллий менталитетига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири фахрлиниш бўлса, фахрлинишмиллий ғурурнинг бошланишидир. Миллий ғурур инсонпарварлик билан уйғунлашиб кетади. Ўзбекона миллий ғурур бошқа миллатлар, элатларнинг миллий ғуруридан ўзининг инсонпарварлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекнинг инсонпарварлиги кексаларга, улуғларга ҳурмат, ёшларга меҳр-шафқат, бечора, ғариб, мискинларга, етимларга хайр-саховат, ота-онанинг кўнглига қараб иш тутиш, дўстларга, қариндош-уруғларга яхшилик қилиш, бошга ташвиш тушганда ғамхўр, мададкор бўлиш, топганини яхшиликка сарфлаш каби миллий кадриятларимизда равшанроқ кўринади. Афсуски, халқимизнинг биз юқориде санаб ўтган кадриятлари ҳамманинг турмуш тарзидан кенг ўрин олган деб бўлмайди. Бундай маданий-маънавий меросдан

бебахра бўлиб қолган кишилар ҳам борки, улар худбинлиги, бахиллиги, ҳасадгўйлиги, очкўзлиги, ғаразгўйлиги билан ўзбек миллатининг обрўсини тўкадилар.

Миллий гурур туйғуси миллий такаббурлик, миллий манманлик, миллий кеккайишга тамомила қарама-қаршидир. Миллий гурурни антиподи ҳисобланган бундай ғайрининсоний қилиқлар бирлашиб миллий калондимокликни вужудга келтиради. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, қаерда миллий калондимоклик ривожланса, ўша ерда унга қарама-қарши ўлароқ миллатчилик ривожланади. Кўпмиллатли мамлакат шароитида миллий калондимоклик миллатларни бир-бирига яқинлаштирмайди, балки улар орасига адоват уруғини сочади, турли низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Миллий калондимокликнинг юқори босқичи - миллатчиликдир. Агар миллий калондимоклик зудлик билан бартараф этилмаса, ушбу иллат ривожланиб миллатчиликни вужудга келтиради. Миллатчилик ғайрининсоний иллат бўлиб, бошқа миллат кишилари манфаатлари, эҳтиёжларига беписанд қарашда, худбинларча муносабатда намоён бўлади. Шунингдек, миллатчилик-ўз миллати манфаатлари ва эҳтиёжларини бошқа миллат манфаатлари ва эҳтиёжларини камситиш ёрдамида қондиришдир. Худди шунинг учун ҳам миллатчилик чинакам миллий гурурни шакллантирмайди. Миллий гурурни миллатчилик билан тенглаштириш миллатлараро муносабатлар маданиятига фов бўлади.

Кўпмиллатли мамлакат шароитида у ёки бу миллат вакилининг амалий фаолиятида миллий калондимоклик ҳукмронлик қилса, бундай ярамас хатти-ҳаракатлар бошқа миллатга мансуб кишиларда ранж-алам туйғуларининг шаклланишига сабаб бўлади. Миллий калондимоклик миллий аламзадаликни ҳосил қилишини ҳам зинҳор унутмаслик керак. Худди шунинг учун ҳам кўпмиллатли Ўзбекистон шароитида миллатлараро муносабатлар маданиятини жаҳон цивилизацияси даражасига кўтармок учун, мамлакатимиз Биринчи Президенти Исом Каримов айтганидек, «бутунги кунда тупрогимизда яшайётган юздан кўпроқ миллат ва элат вакилларини, уларнинг маданиятлари ва анъаналарининг ривожини ҳам ўйламасак бўлмайди». Ўз навбатида, мамлакатимиз фуқаролари, айниқса ёшларда миллий гурурни шакллантириш жараёнини тезлаштирмак учун миллий калондимокликнинг вужудга келишига мутлақо йўл қўймастик, унинг ҳар қандай кўринишларини ўз вақтида устакорлик билан фов этиб бориш лозим.

Миллий гурури баланд инсон миллат, халқ, давлат, жамият манфаатини ўз манфаатидан ҳам ишга устун қўяди. Миллатим, элим, юртим, халқим, Ватаним деб яшайди. Бутун ҳаётини миллий истиқлол истиқболига бахшида этади. Кўпчиликка фойда келтириш, кишилар дарди-ташвиши билан яшаш бундай одамлар фаолиятининг мағзини ташкил этади. Бундай миллатпарвар, халқпарвар кишилар сони канча кўп бўлса, инсонпарвар, демократик жамият қуриш жараёни шунча тезлашади. Миллий гурури баланд кишилар сони кўп бўлган мамлакатда миллатлараро ҳамкорлик, тотувлик, аҳиллик ривож топади.

Миллий гурур инсонда мавжуд бўлган барча қобилият, малака ва истеъдодни миллий эҳтиёж ва миллий манфаат учун сафарбар қилишда яққол намоён бўлади. Худди шунинг учун ҳам миллий эҳтиёж ва миллий манфаатни тушуниб етиш, уни ҳимоя қилиш малакаси миллий гурурнинг шаклланганлигини ифодаловчи энг асосий кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич моҳиятини англамок учун, миллий эҳтиёж билан миллий манфаат орасидаги диалектик алоқадорлик механизминини билиб олмак зарур.

Миллий гурур шахс билан жамият манфаатларининг уйғунлашганлигини ифодаловчи муҳим белгидир. Чунки шахс манфаатлари маълум ижтимоий муҳитда шаклланади, унинг ижтимоий қиёфасида ўз аксини топади. Шахс эҳтиёжларига, истак ва орзуларига мос тушган манфаат киши фаолиятини ҳаракатга келтирувчи стимул вази фасини бажаради. Айни пайтда шахс ўз манфаатини рўёбга чиқариш мақсадида қилган хатти-ҳаракатининг оқибати ўлароқ ижтимоий муҳит мазмунига фаол таъсир кўрсатади. Ушбу

таъсир ҳар бир шахснинг қобилияти, малакаси асосида содир бўлади. Шахс манфаати билан жамият манфаатининг мос тушиши шахснинг индивидуал хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади.

Шахс манфаатлари жамият манфаатларига қараганда чегараланган бўлади. Чунки шахс манфаатлари хусусий, айрим мақсадлардан келиб чиқса, жамият манфаатлари умумий мақсадлардан ҳосил бўлади. Бошқача айтганимизда, жамият манфаатлари ўз кўламининг кенглиги, катталиги билан шахс манфаатларидан тубдан фарқ қилади. Чунки аксарият шахслар ўзларининг индивидуал мақсад ва режалари, орзу ва умидларидан келиб чиқиб чегараланган манфаатлар гирдобига тушиб қоладилар. Ўзларининг эҳтиёжларини қониқтириш учун амалга оширган фаолиятлари жамият манфаатига мос тушмасдан қолади.

Тоталитар тузум шароитида шахс манфаатидан давлат, жамият манфаати устун қилиб қўйилди. Бошқача айтганимизда, жамият ва шахс манфаатларининг уйғунлашиш механизми синдирилди. Ишлаб чиқариш воситаларига эғалик қилишда хусусий мулкчиликдан ижтимоий мулкчиликка ўтиш шахс манфаатидан жамият манфаатини устун бўлишини таъминлади. Оқибатда шахс манфаатидан устунроқ турувчи жамоа, меҳнатқашлар манфаати шаклланмади. Ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳисобга олинмади, унга фақат ишчи кучи сифатида муносабатда бўлинди. Натижада шахснинг ишлаб чиқариш жараёнига қўшган ҳиссаси инобатга олинмади. Бундай шароитда одамлар иқтисодий мавжудотга айлана бошладилар. Жамият тараққиётига қўшган шахсий ҳиссалари билан фахрланиш, жамиятда содир бўлаётган воқеаларга шахсий муносабат билдириш каби ҳис-туйғулардан бенасиб бўлиб қолдилар. Табиийки, бундай ижтимоий вазият шахс манфаатларини четга суриб қўйди. Одамлар жамиятнинг муте мурватчаларига айланиб қолдилар. Худди шунинг учун ҳам, мамлакатимизда сифатий ижтимоий ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги шароитда жамиятни ижтимоий-сиёсий ривожланишига шахс манфаатлари орқали эришиш стратегик мақсад қилиб олинди. Мамлакатда амалга оширилаётган ички сиёсатнинг негизи, инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рағбатлантириш кучли механизмга эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир. Шундай қилиб шахс манфаатлари билан жамият манфаати уйғунлашуви қанча мустақкам бўлса, одамлардаги миллий ғурур ҳам шунча баланд бўлади.

Адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев, Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. «Ўзбекистон» 2016.
2. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. Тошкент. 2001.
3. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. - Т: Ўзбекистон», 1997.
4. Комилов Т., Абидова С. Миллий ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. ЎзР ФА, «Фан», 2000.
5. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. Т: «Ўқитувчи», 1999.
6. Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. «SHARQ» Тошкент – 2010.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек миллий менталитетига хос бўлган асосий хусусиятлар хусусида мулоҳазалар юритилади.

РЕЗЮМЕ

В этой статье обосновано особенности национального менталитета узбекского народа.

SUMMARY

This article substantiates the features of the national attitudes of the Uzbek people.



## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

### МУЛЬТИМЕДИАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА «ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» ФАНИДАН WEB-РЕСУРСЛАР ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

*Тайлакова Г.Б.*

*Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти таянч докторанти*

**Таянч сўзлар:** анимация, видеоролик, web технология, web-ресурслар, «Информатика ва ахборот технологиялари» фани.

**Ключевые слова:** анимация, видео, веб-технологии, веб-ресурсы, «Компьютерные науки и информационные технологии».

**Key words:** animation, video, web technologies, web resources, «Computer Science and Information Technology».

Жаҳонда таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан, жумладан WEB технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари (АҚШ), Англия, Испания, Франция, Россия, Туркия, Япония каби мамлакатларда WEB технологиялар асосида ахборот таълим муҳитини шакллантириш ва улардан таълим муассасаларида фойдаланишга доир туркум илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хорижий мамлакатларда таълимнинг турли босқичлари учун WEB технологиялар асосида таълимни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мультимедиявий технологиялар асосида яратилган web-ресурслар ўқитишнинг янги воситаси бўлиб, мультимедиявий технологиялар асосида web-ресурслар яратишнинг технологик асослари, мультимедиявий технологиялар асосида web-ресурсларига қўйиладиган педагогик-психологик, дидактик ва техник талабларни ишлаб чиқиш ушбу тадқиқотимизнинг мазмун моҳиятини ташкил этади.

Мультимедиа - бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация эффектлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамланган ҳолдаги кўринишидир.

Мультимедиявий web-ресурслар – мультимедиа воситалари асосида тайёрланган дарс машғулотларни, назорат саволларини, фойдаланувчига қўлланма, электрон маълумотнома, анимация, видео ва шунингдек қўшимча ўқув материалларни ўзида мужассамлаштирган ресурслар.

Мультимедиявий технология ва воситалар асосида яратиладиган мультимедиявий web-ресурслар таълим муассасаларида нафақат ўқитувчи учун кунлик фойдаланилувчи функцияларни бажаришни осонлаштиради, балки предметга бўлган кизиқишни оширади, ўқиш жараёнини тезлаштиради ва билимни яхши ўзлаштиришни таъминлайди.

Мультимедиавий web-ресурсларда ўқув курсининг электрон материалларини ҳар хил усулда кўчириш назарда тутилади (асбоблар панелидаги тугмалар, ишчи майдондаги матнли ва график гипермуурожаатлар).

- олдинга ва орқага ҳаракатлантириш (прокрутка);
- вариатив маршрут бўйича олдинга ва орқага ҳаракатлантириш;
- интерфаол ўқув ҳаракатларни бажариш шартда олдинга ҳаракатлантириш;
- модул тузилмасида – иерархик схема бўйича вертикал навигация;
- кесимли навигация;
- атама ва сўзларнинг маъноси ҳақида маълумотнома олиш;
- ёрдамчи – контекстни чақириш;
- видеороликлар, анимациялар, ўқув материалларини намойиш этиш;
- менюдан ўқув материалларнинг белгили бир қисмини танлаш;
- юзага чиқувчи ўқув маълумотларни чақириш;
- электрон ўқув базасидан ўқув курсининг ташқи компонентларини чақириш (машгулот ва назорат тестлари, кроссвордлар, электрон жадвал ўқув ҳаракатини системали таҳлил этиш учун, қобик ва асбоблар муҳитидаги амалий топшириқлар ва х.к.).

Мультимедиавий web-ресурс материалларини шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш керак:

- ресурс мазмунан шундай тузилган бўлиши керакки, ундан қўшимча ўқув ахборотларни олиш учун ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам мутлоқо қийналмаслиги керак;
- ўқув материалларини таркибий тузилмасини шакллантиришда модул тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;
- муस्ताқил таълимни ташкил этиш имконияти мавжуд бўлиши лозим;
- ўқув материалларини ўрганиш бўйича тўлиқ йўриқнома келтирилган бўлиши лозим;
- назорат топшириқлари, ўз-ўзини текшириш саволлари ва жавоблари, машқ килдирувчи топшириқларнинг бўлиши лозим.

Интерфаоллик деганда кўпинча таълим олувчининг «интерфаол мулоқот» шаклидаги ахборот ташувчи билан ўзаро таъсирлашиш (ҳаракатланиш) имконияти тушунилади. Интерфаол мулоқот ўқув материали мазмуни ҳамда иш режасини вариантларини танлаб олиш имконияти таъминланадиган мулоқот олиб боришидир. Фойдаланувчининг компьютер билан ўзаро таъсирлашувининг интерфаол режими ўзида фойдаланувчининг ҳар бир сўровга дастурнинг жавоб ҳаракатини келтириб чиқаришни ва аксинча дастур репликаси таълим олувчининг жавобини талаб этилишини ифодалайди.

Интерфаоллик даражаларининг халқаро белгиланишига таяниб уни қуйидаги 4 та гуруҳга ажратиш мумкин:

- оддий (фойдаланувчи ҳаракатининг минимум даражасини назарда тутадиган, пассив);
- чегараланган (ўқувчининг алоҳида ўқув сўровларига реакцияси);
- тўлиқ (ўқувчининг кўп сонли сўровлари ва ўзаро ҳаракат усулларининг кенгайтирилган спектрга бўлган турли хил реакциялар);
- вақтнинг реал масштаби (виртуал борлиққа яқинлаштирилган).

Интерфаол ўқитиш воситаси реал вақт режимида фойдаланувчиларга ахборот тизимлари билан хабар алмашишига таъминлайдиган воситадир.

Интерфаол ўқитиш воситалари ўқувчи ва ўқитувчиларга таълим жараёнининг барча субъектлари билан самарали ўзаро таъсирлашув ўқув ахбороти оқимини

бошқариш, ўқитиш жараёнини ижодкорлик ва билиш ҳамкорлигига айлантириш имкониятини тақдим этувчи восита сифатида қаралади.

Интерфаол ўқитиш воситалари ўқитувчига қуйидаги бир қатор педагогик масалаларини ҳал этишга ёрдам беради: ўқув материални қабул қилиш даражасини ошириш, маълумотни визуаллаштириш, абстракт материални тушуниш, мустақил англаш фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, ўқув материални тушунтириш, иллюстрацияларни қўллаш, мавзунини ўзлаштириш, ҳамда ўқувчилар билимини сифатли ва тезкор ташхислаш. Бу вазибаларни «Информатика ва ахборот технологиялари» фани ўқитувчилари Web-ресурслар ёрдамида ўқув тақдимотлари ва флеш-анимация куришида бажаради.

Бугунги кунда «Информатика ва ахборот технологиялари» фани бўйича электрон таълим ресурслари (кўпинча Adobe Flash, MS Power Point, Smart Board, Star Board дастурлари ва бошқалар) ёрдамида яратилмоқда[1-3]. Интернет тармоғи томонидан кўрсатилаётган хизматлар, камроқ HTML ёки Delphiдан фойдаланилмоқда. Юқорида айтиб ўтилган воситалардан ўқитувчилар кўпинча мустақил ҳамда дарсда ўқув тақдимотларни яратишдан фойдаланилади. Бунинг сабаби, сифатли интерфаол тақдимотларни ишлатиш имконияти мавжуд бўлган воситалар ёрдамида амалга ошириш мумкинлиги ҳисобланади. Уларга мисол сифатида MS Power Point ёки Open Office Impress тақдимот пакетларини келтириш мумкин.

Мультимедиавий web-ресурслар таълим дастурларини ўзлаштириш ва амалга оширишни таъминловчи – ўқув режа, фан ёки ўқув курсининг маълум бир қисми бўйича электрон курслар, ўқув ёки амалий қўлланмалар, ўтилган машғулотларни ўзлаштириш сифатини назорат қилиш учун тест материаллари, фан ёки ўқув курсини ўрганиш ҳамда назорат ва курс ишларини бажариш бўйича услубий тавсиялар, ўқув (дидактик) қўлланма ва масалалар тўпламларини қамраб олган, электрон шаклда сақловчи воситаларда жойлаштирилган, тизимлашган назарий-амалий ўқув ресурсидир.

Мультимедиавий web-ресурслар замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерфаол усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган ресурсдир.

Мультимедиавий web-ресурслар компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанларга оид маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб у:

- ўқув илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;
- мультимедиа (multimedia - кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал(матн) шаклда;
- тактил (ҳис қилувчи, сезиладиган) хусусиятли, талабани «экран оламида» стерео нуҳаси тасвирланган реал оламга кириш ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тассавурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Мультимедиавий web-ресурслар ўқувчи учун қулай бўлиши ва у қуйидаги асосий мезонларга жавоб бериши лозим:

- қизиқарли ва ўзига жалб қилувчи бўлиши;
- фойдаланувчи (ўқувчи-талаба)га ўз малакасини, билимини, фан ҳақидаги тушунчалар ва дунёқарашини такомиллаштиришга имкон яратиши;
- расмий ўқув дастурида талаб этилган материални ўз ичига олиши;
- тушунарли ва фойдаланишга қулай бўлиши;
- мисоллар, масалалар, ҳаётини ҳолатлар ва амалий тушунчалар билан таъминланиши;



- амалиёт ва назарияни боғлашга ёрдам берадиган расм ва диаграммалар мавжуд бўлиши;
- миллий ва маданий анъаналар ҳамда қадриятларни инобатга олиши;
- ўрта савиядаги фойдаланувчиларга мўлжалланган бўлиб, билим даражаси юқори ва паст даражадаги фойдаланувчиларни ҳам инобатга олиш ва ҳоказолар.

Мультимедиавий web-ресурсларнинг ўқитиш воситалари янги ахборот технологиялари воситалари орқали жорий этилади. Анъанавий дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва бошқа нашр материалларнинг электрон форматдаги нусхалари мультимедиавий web-ресурслар яратишда ишлатилади.

Мультимедиавий web-ресурслар материалларини яратишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш керак:

- электрон ўқув қўлланмалар мазмунан шундай тузилган бўлиш керакки, улардан қўшимча ўқув ахборотларни олиш учун ўқувчи мутлоқо қийналмаслиги керак;
- ўқув материалларини таркибий тузилмасини шакллантиришда модул тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;
- мустақил таълимни ташкил этиш ва ўқув материалларини ўрганиш бўйича тўлиқ йўриқнома келтирилган бўлиши лозим;
- назорат топшириқлари, ўз-ўзини текшириш саволлари ва жавоблари, машқ килдирувчи топшириқларнинг бўлиши.

Мультимедиавий web-ресурслар қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган бўлиши керак:

- мустақил ишлаш учун методик кўрсатмаларга эга фанни ўрганиш бўйича йўриқнома;
- назарий билимларни қўллаш бўйича малака ва кўникмаларни шакллантирувчи практикум;
- назарий ва амалий ўқув материалларини ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга ёрдам берувчи тестлар;
- фан бўйича жадваллар, формулалар жамлаган маълумотнома ва х.к.

Мультимедиавий web-ресурслар фаннинг маълум бир йўналиши бўйича қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- 1) ўқув материали билимларнинг маълум соҳаси бўйича баён қилинади;
- 2) ўқув материали фан, техника, технология ва маданиятнинг замонавий ютуқлари даражасида ёритилади;
- 3) ўқув материали дарсликларда тизимли баён қилинади, яъни ресурснинг яхлитлигини таъминлайдиган, маъноли муносабат ва алоқали қўллаб элементлардан ташкил топган бутун тугалланган асарни ўзида тасвирлайди.

Шундай қилиб, мультимедиавий web-ресурсларда билимлар жозибали, таъсирли шаклда баён этилади, асосий тушунча ва таърифлар аниқ ва равшан берилди, шу билан бир қаторда фойдаланувчиларнинг билимларини электрон назорат қилиш имконияти мавжуд. Замонавий шароитда компьютерли ўқитиш воситалари индивидуallasштириш, дифференцияллаш ва интенсификациялаш масалаларини ҳал этиш учун улкан имкониятларга эга. Ўқув жараёнида компьютер ва интерфаол жиҳозлардан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг индивидуал эҳтиёжлари тўлақонли қондириш ҳисобига ўқитиш сифати ва самарадорлиги ошади. Лекин, компьютер ёрдамида ўқитиш нафақат ўқитишнинг ташкилий шаклини ўзгартиришни, балки компьютерли ўқитиш воситалари мажмуасидан мажмуавий фойдаланиш асосида таълим олувчи ва педагог фаолиятининг янги турларини ишлаб чиқишини тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Софронова Н. В., Бельчусов А. А. Теория и методика обучения информатике. Учебное пособие. М.: Юрайт, 2020. 402 с.
2. Угринович Н. Информатика и информационные технологии / Н. Угринович. — М.: Биним. Лаборатория знаний, 2017. — 512 с.
3. Хлебников А. А. Информатика. Учебник. М.: Феникс, 2017. 448 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада умумтаълим мактабаларида web технологиялар асосида «Информатика ва ахборот технологиялари» фанидан таълим жараёнини такомиллаштириш муаммолари қаралган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются проблемы совершенствования учебного процесса в общеобразовательных школах по предмету «Информатика и информационные технологии» на основе веб-технологий.

SUMMARY

The article deals with the problems of improving the educational process in secondary schools on the subject «Informatics and Information Technologies» on the basis of web technologies.

## БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ МЕЗОНЛАР, КЎРСАТКИЧЛАР ВА ДАРАЖАЛАР

*Саидақбаров Ҳ.С.**Қариш муҳандислик иқтисодиёт институти*

**Таянч сўзлар:** иқтисодиёт, ахборот, хавфсизлик, касбий, фаолият, компетентлик, шакллантириш.

**Ключевые слова:** экономика, информация, безопасность, профессионал, деятельность, компетенция, формирования.

**Key words:** economics, information, security, professional, activity, competence, formation.

Ҳозирги вақтда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда зарур бўлган ахборот хавфсизлиги ҳақида фикр юритиш ўринли. Чунки, ахборот хавфсизлиги ҳақида зарур кўникмаларга эга бўлган мутахассис барча ташкилот ва муассасалар учун кераклидир. Агар мутахассис ахборот хавфсизлиги ҳақида етарлича маълумотга эга бўлса, у ташкилот учун қўшимча харажатлар ва вақтни талаб қилмайди ҳамда ахборот хавфсизлиги таҳдидларидан ҳимояланган самарали иш оқимини кафолатлайди. Бундай мутахассисларни ёллаш иқтисодий жиҳатдан самарали ва бизнесни барқарор ҳамда узлуқсиз ривожлантириш тенденциясини кучайтиришга қаратилган стратегик ечимдир.

«Иқтисодиёт» таълим йўналиши давлат таълим стандартларини (ДТС) касбий фаолиятнинг асосий турлари (бухгалтерия, ҳисоб-таҳлил, аудит, консалтинг, ташкилий-менежмент ва бошқалар) бўйича таҳлилларимиз, шунингдек иқтисодий йўналишдаги мутахассисларнинг иш билан бандлигини таҳлил қилиш орқали айтишимиз мумкинки, бутунги кунда иқтисодий йўналишдаги мутахассис замонавий ахборот коммуникация технологиялар (АКТ) соҳасида керакли маълумотга эга бўлиши лозим, хусусан:

1) замонавий компьютерларнинг архитектурасида қурилмаларни интеграция қилиш технологияси (компьютер ва унинг таркибий қисмлари, сканер, принтер ва бошқалар);

2) телекоммуникация технологиялари (тармоқ технологиялари, маҳаллий ва глобал тармоқлар, Интернет технологиялари, симсиз алоқа, модем, роутер);

3) бошқарув технологиялари (корпоратив ахборот тизимлари, электрон ҳужжат айланиш тизимлари);

4) маълумотларни қайта ишлаш технологиялари (таксимланган маълумотларни қайта ишлаш тизимлари, таксимланган маълумотлар базаси тизимлари, таҳлил ва ҳисобот тизимлари);

5) офисларни автоматлаштириш технологиялари (матн ва жадвал процессорлари, электрон почта, маълумотлар базаси, матнли, аудио ва видео конференциялар);

6) мультимедиа технологиялари (матнни қайта ишлаш, овоз, видео, фото, графика, 3D);

7) қарорларни қўллаб-қувватлаш технологиялари (маълумотларни қидириш, маълумотларни интеллектуал таҳлили, маълумотлар базасида билимларни қидириш, вази-ятни таҳлил қилиш);

8) эксперт тизимлар технологиялари, автоматик ахборот тизимлари, бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит, маълумотнома ва ҳуқуқий ахборот тизимлари;

9) электрон тижораттехнологиялари (электрон тижораттизимлари, тўловтизимлари) вабошқалар.

Кўриб турганимиздек, иқтисодчи ўзи жавобгар бўлган маълумотни (шахсан ёки ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассис қўмаги билан) ҳимоя қилишга қодир бўлиши керак. Ахборотни ҳимоя қилиш унинг бевосита мажбурияти эмас, лекин иқтисодчи маълумотлар оқимлари ва улар билан ишлаш пайтида юз берадиган ахборот жараён-лари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим. Бу эса тижорат, банк, давлат ёки бошқа сирларни ақс эттириши мумкин бўлган маълумотларнинг махфийлиги, яхлитлиги ёки улардан фойдаланиш имкониятини бузадиган ҳолатлар хавфини камайтириб, бартараф этади.

Иқтисодчининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентлиги –ахборот хавфсизлиги соҳасидаги назарий билимлар тизимини ва уларни муайян иш шароит-ларида қандай қўллашни ўз ичига олган кўпқиррали ходисадир, шунингдек, касбий фаолиятда ахборот хавфсизлигини таъминлай билишлик баъзи жиҳатлари билан иқтисодчининг кадриятиларидан ҳисобланади.

Шундай қилиб, касбий компетентлик нуктаи назаридан иқтисодчиларнинг касбий тайёргарлиги масалалари бўйича манбаларни ҳамда иқтисодчиларнинг касбий фаоли-ятгидаги ахборот хавфсизлиги таркибини таҳлил қилиш, шунингдек, аввалги қилинган ҳулосалар қуйидаги муҳим хусусиятларни ажратиб кўрсатишимизга имкон беради:

1. Мотивацион хусусиятлар бўлажак иқтисодчиларнинг касбий аҳамиятга эга бўлган ахборотни, эҳтиёжларни, мотивларни, интилишларни, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги таълимга ва ўз-ўзини тарбиялашга бўлган қизиқишини, шунингдек, бу борада ахлоқий-этика муносабатларни ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятларини ақс эттиради.

2. Когнитив хусусиятлар- ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси моҳияти ва унинг иқтисодийёт ва бизнесга нисбатан хусусиятлари тўғрисидаги билимларни ақс эттиради; иқтисодий соҳадаги ахборот ресурслари учун асосий таҳдидларни билиш; ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш асослари, шу жумладан мамлакатимиз ва хорижий қонунлар, конституцион меъёрлар, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва бошқа давлат органларини бошқарув ҳужжатларининг талаблари, компьютер жинояти учун жавобгарлик; ахборот хавфсиз-лиги хизмат кўрсатиш тамойиллари ва мазмунидир (хавфсизлик сиёсати, бошқариш, ахборот ресурсларига киришни чеклаш ва бошқалар).

3. Фаолиятли тавсифлар – касбий фаолиятда ахборот хавфсизлиги тадбирларини амалга ошириш учун қобилият ва кўникмаларни ўз ичига олади: меъерий-ҳуқуқий (ваколатлар таърифи, фойдаланишни бошқариш, бошқаришнинг белгиланиши,

хужжатлаштириш ва ҳаракатлар таҳлили ва бошқалар), маъмурий (ахборот хавфсизлиги коидалари ҳамда йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, хужжатлар, ахборот ташувчиларни химоя қилишни, ҳисобга олишни, сақлашни, фойдаланишни ва бартараф қилишни ташкил этиш бўйича фаолият); жисмоний (химояланган маълумот ва тизим таркибий қисмларига кириш учун жисмоний тўсиқлар яратадиган механик, электрон ва механик қурилмалардан фойдаланиш, шунингдек визуал кузатиш, алоқа ва сигнализация қурилмалари); аппарат ва дастурий таъминот (электрон воситалар ва дастурлардан фойдаланиш, идентификация қилиш, аутентификация қилиш, ахборот хавфсизлиги субъектларини авторизация қилиш, фойдаланишни бошқариш, воқеаларни рўйхатга олиш ва таҳлил қилиш, криптографик ишлов бериш ва бошқалар).

Иқтисодчилар ўртасида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентликни шаклланиши ушбу компетентлик доирасида шаклланган мезонлар, кўрсаткичлар ва даражаларни аниқлаш зарурлигини очиб беради.

Э.Ф. Зеернинг таъкидлашича, мезон «таснифлаш учун асос бўлиб хизмат қилади ва ҳодиса ёки тушунчанинг сифат жиҳатидан бир хиллигини аниқлатади. У бир хил ёки ўхшаш тизимларнинг умумлаштирилган кўрсаткичи бўлиб, уларни фарқлашга имкон беради» ва кўрсаткичи - «ўрганилаётган объектнинг хоссаи ёки сифат жиҳатидан белгиси бўлиб, ҳодисани мезонлар асосида баҳолаш нуктаи назаридан тавсифловчи хусусиятдир».

Мезон-давом этаётган педагогик ҳодисаларни баҳолаш учун фойдаланиладиган жараёни ривожланиши, фаолиятни муваффақиятининг умумлаштирилган кўрсаткичидир.

Тадқиқот ишимизда иқтисодчиларда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентликни шакллантириш мезонлари тадқиқот ишимизнинг талабларидан келиб чиқиб, танлов мезонига қараб сифат кўрсаткичлари, даражалар эса миқдорий тавсиф сифатида қўриб чиқилган.

Юқорида биз иқтисодчин иахборот хавфсизлиги вазибаларидаги касбий компетентлигининг асосий: мотивацион, когнитив ва фаолиятли хусусиятларини аниқлаган эдик.

Олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодчининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги юқоридаги хусусиятларининг намоён бўлиши ўрганилаётган компетентликни шакллантириш мезонлари сифатида қабул қилинган ва тегишли кўрсаткичлар билан таққосланган:

1) мотивацион мезон – касбий аҳамиятга эга бўлган маълумотни химоя қилиш ва касбий муаммоларни самарали ҳал қилиш учун ахборот хавфсизлиги чораларини қўллаш зарурати, қизиқиши ва мойиллигининг намоён бўлиши;

2) когнитив мезон – иқтисодиёт ва бизнес соҳасидаги ахборот хавфсизлиги асосларини, иқтисодиёт ва бизнес соҳасидаги химоя объекти сифатида маълумотларнинг хусусиятлари, ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий ва ташкилий таъминлаш асосларини билиш;

3) фаолиятли мезон – маҳорат даражаси ва касбий фаолиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш метод ва воситаларини қўллай олиш даражаси.

Қуйида бўлажак иқтисодчиларга шакллантирилиши лозим бўлган ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентлик даражасини баҳолаш имконини берадиган мезонларни ажратиб кўрсатамиз. Мезонлар кўрсаткичлар билан тавсифланади, уларнинг ривожланиш даражаси компетентликни аниқлайди.

Илмий адабиётдаги тўрт даражали компетентлик модели турли хил: зиналар, матрицалар ва диаграммалар кўринишида тақдим этилган. Илмий адабиётларни ва тадқиқот ишларини таҳлил қилиб, диссертацион тадқиқот ишимиз тадқиқ этиладиган компетентлик даражаларни кўрсаткичларини аниқладик.

Шундай қилиб, назарий тадқиқотларни олиб бориш давомида бўлажак иқтисодчилар учун ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентликни шакллантирувчи мезонлар аниқланди, уларнинг асосийлари мотивацион, когнитив ва фаолиятли мезонлар ҳисобланади. Бўлажак иқтисодчиларда шаклланиши ўрганилаётган компетентлик куйидаги даражаларга мослаштирилган кўрсаткичларнинг бири билан тавсифланади:

- паст - ахборот хавфсизлиги соҳасида мустақил таълим олишга қизиқиши сезилмайди; ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси моҳиятини билмайди; ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминоти асослари ўрганилмаган; ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини амалга ошириш кўникмалари ривожланмаган;
- ўрта - ахборот хавфсизлиги соҳасида мустақил таълим олишга бўлган қизиқиши вазиятли; ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг моҳиятини билиш эмпирик вазиятга асосланган бўлиб, тез-тез умумлаштирилиб туради; ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминоти асослари танишиб чикилганлик тартибиде маълум; ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини амалга ошириш кўникмалари унчалик ривожланмаган;
- юқори - ахборот хавфсизлиги соҳасида мустақил таълим олишга бўлган қизиқиши доимий равишда намоён бўлади; ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси моҳиятини билиш назарий жиҳатдан ишончли; ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминоти асослари батафсил ўрганилган; ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш кўникмалари яхши ривожланган;
- илғор - ахборот хавфсизлиги соҳасида мустақил таълимни амалга ошириб бориш касбий фаолиятнинг ажралмас қисми; ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг моҳиятини билиш чуқур назарий аҳамиятга эга; ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминоти асосларини (мамлакатимиз ва хорижий қонунлар) билиш тўлиқ қамраб олинган; ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш кўникма ва малакалар автоматизм даражасида ривожлантирилган.

#### Адабиётлар:

1. Зеер Э.Ф. Психология профессионального развития. М.: Академия, 2006. - 240 с.
2. Ясенов В.Н. Информационная безопасность в экономических системах: Учебное пособие – Н. Новгород: Изд-во ННГУ, 2006. -234с.

#### РЕЗЮМЕ

«Иқтисодиёт» йўналишидаги давлат таълим стандартлари таҳлили шунини кўрсатдики, у иқтисодчиларнинг касбий фаолиятида ахборот хавфсизлиги компетенцияларни шакллантириш учун потенциал имкониятларга эга. Шу сабабли, мазкур мақолада бўлажак иқтисодчиларда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентликни шакллантирувчи мезонлар, кўрсаткичлар ва даражалар ҳақида фикр юритилган.

#### РЕЗЮМЕ

Анализ государственных образовательных стандартов в области «Экономика» показал, что он имеет потенциал для формирования компетенций информационной безопасности в профессиональной деятельности экономистов. Поэтому в данной статье рассматриваются критерии, показатели и уровни, формирующие профессиональную компетентность в области информационной безопасности у будущих экономистов.

#### SUMMARY

The analysis of the state educational standards in the field of «Economics» showed that it has the potential to form information security competencies in the professional activities of economists. Therefore, this article discusses the criteria, indicators and levels that shape the professional competence in the field of information security in future economists.



## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТЎРБИЯ

### БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ЛАЁҚАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

*Мадаминова Д., Арипов Ш.*

*Фаргона давлат университети Педагогика кафедраси ўқитувчилари*

**Таянч сўзлар:** бошланғич таълим, бошланғич синф ўқувчиси, ўқитувчи, ижодий лаёқат, билиш фаолияти, мотивация, ўқув вазиятлари, компетенция, компетентлик, компетенциявий ёндашув, фаолиятли ёндашув, шахсга йўналтирилган ёндашув, конструктив ёндашув.

**Ключевые слова:** начальное образование, ученик начальной школы, учитель, творческие способности, познавательная деятельность, мотивация, учебные ситуации, компетентность, компетентность, компетентностный подход, действенный подход, личностно-ориентированный подход, конструктивный подход.

**Key words:** primary education, elementary school student, teacher, creativity, cognitive activity, motivation, learning situations, competence, competence, competence-based approach, effective approach, personality-oriented approach, constructive approach.

Республикамызда бугунги кунда бошланғич таълим учун ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуаларда ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш каби йўналишлар белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида мазкур жараёни тадқиқ этиш ва таҳлилий йўналишга эга бўлган педагогик механизм сифатида кўриб чиқишда бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лаёқатларини ривожлантириш, ўқув вазиятларини туркумлаштириш, бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини ривожлантирувчи ўқув вазиятларини ташкил этиш технологиясини такомиллаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Бошланғич таълимнинг асосий мақсадига эришиш, яъни болада ўқишга ижобий муносабатни шакллантириш, ўқиш саводхонлигини таркиб топтириш, болаларни турли маълумотлар билан ишлашга ўргатиш, уларни ёзма ва оғзаки мулоқот меъёрларини эгаллашга ҳамда ўз-ўзини бошқариш ва тута билишга ўргатиш учун бошланғич синфларда сифатли таълимий фаолиятни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган 187-сонли «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асо-

сида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш зарурияти устивор ўрин эгалламоқда. Мазкур таянч компетенциялар: коммуникатив компетенция, ахборотлар билан ишлаш компетенцияси, ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, миллий ва умуммаданий компетенция, математик саводхонлик, фан ва техника янгликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциясидан иборат бўлиб, улардан айниқса: ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси ўқувчилардан ҳам ўқитувчилардан ҳам ижодий лаёқатга эга бўлишни талаб қилади.

Ҳозирда педагогика фанида ўқувчиларни ривожлантириш йўналишларини жадаллаштириш имкониятларини излаш жараёни амалга оширилмоқда. Бунда бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лаёқатларини ривожлантириш масаласи асосий ўрин эгалламоқда. Бундай ёндашувнинг самарадорлиги шундаки, унинг ёрдамида ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини таъминлашга йўналтирилган яхлит илмий методик тизим яратилади. Илмий методик тизим ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини бошқариш ва ижодий лаёқатларини ривожлантириш вазифасини бажаришга йўналтирилади. Унинг ёрдамида ўқувчиларда ўқув топшириқларини алоҳида фаоллик кўрсатган ҳолда бажариш кўникмалари шаклланади. Бунинг учун ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш талаб қилинади. Бундай илмий методик тизимни ишлаб чиқиш жараёнида амалга мавжуд бўлган илмий тадқиқотларнинг натижаларига таяниш лозим. Ўқувчиларнинг ижодий лаёқатларини ривожлантириш имкониятларини излаш ҳар доим педагогларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лаёқатларини ривожлантириш муаммосини бир қатор муаммолар билан боғлиқ ҳолда талқин қилиш мумкин:

шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқувчиларнинг ижодий лаёқатларини ривожлантиришга йўналтирилган назарий ёндашувларни ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лаёқатларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг мазмуни, воситалари, шакллари, усуллари ва методларини аниқлаш;

бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лаёқатларини ривожлантиришда ўқитувчининг тутган ўрни ва бажарадиган вазифаларини педагогик жиҳатдан асослаш; янги мавзунинг ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ижодий лаёқатларини ривожлантириш қай даражада таъминланиши керак деган саволларга жавоб излаш муаммонинг асосий йўналишларини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш таълим тизимининг устивор йўналишлари сифатида белгилаб қўйилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бошланғич таълим олдига қўйиладиган талабларни аниқлаш ва уни бажариш орқали ўқув жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлаш мумкин. Бошланғич таълимда юқори сифат даражасига эга бўлган ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантирувчи таълим моделлини татбиқ этиш лозим. У қўйидаги мақсадларга эришиш имконини бериши керак:

- бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лаёқатларини ривожлантириш;
- ўқув фаолиятга нисбатан кизиқиш уйғотиш ҳамда ўқиш-ўрганиш майлларини шакллантириш;
- бошланғич синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялаш;
- билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ҳамда ранг-баранг фаолият турларини

- амалга ошириш тажрибасини ўзлаштириш;
- бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ҳамда руҳий саломатликларини муҳофаза қилиш;
- бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хосликларини асраб-авайлаш ва қўллаб-қувватлаш кабилар.

Педагог олима Р.Г.Сафарованинг таъкидлашича, бошланғич таълим учун истикболли йўналишлардан бири ўқувчиларда умумўқув кўникма ва малакаларининг шаклланишидир. Чунки мазкур кўникма ва малакалар таълимнинг кейинги босқичларида ўқув-билув фаолиятининг самарали амалга ошиши учун хизмат қилади. Бундай вазифаларни сифатли амалга ошириш учун ўқитиш технологиялари такомиллаштирилади. Бунда бошланғич таълимни ривожлантиришнинг қуйидаги тенденциялари ҳисобга олинади. Улар:

- ечиладиган вазифалар билан боғлиқ тарзда репродуктив фаолиятдан маҳсулдор фаолиятга ўтиш;
- ўқувчи фаолиятини ўқув материалларини механик ёдлашдан интеллектуал ривожлантиришга қадар такомиллаштириш;
- билимларни тақдим этишнинг статистик моделдан ўқувчининг ақлий ҳаракатларини тизимли структуралашга ўтиш;
- ўртача ўзлаштириш даражасига эга бўлган ўқувчидан ўқув дастурларини табақалаштириш ва интеграциялашга қадар ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг ташқи майллариини ички ахлокий-иродавий йўналишга ўтишини таъминлаш кабилар.

Маълумки, компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш, мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онли равишда касб-ҳунар танлаш, умуммаданий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълимдур.

Янада умумлаштирсак, таълимда компетенциявий ёндашув ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакани инкор этмаган ҳолда, улардан амалий фаолиятда (шахсий, ақлий, иқтисодий, ижтимоий, касбий) самарали қўллай олиш лаёқати (компетентлилик)ни ривожлантиришни назарда тутади.

Компетентлилик (лотинча «competens» – «лаёқатли», «қобилиятли») деганда шахс билим, кўникма ва тажрибаларини ўз ижтимоий, касбий ва шахсий фаолиятига тегишли вазифаларни бажариш, муаммоларни ҳал қилишда профессионал даражада қўллай олиш даражаси тушунилади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган бошланғич таълим қуйидаги принципларга таяниши лозим. Жумладан: узлуксизлик; ўқувчиларнинг ёш имкониятларини ҳисобга олиш; ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш; ўқувчининг саломатлигини муҳофаза қилиш; атроф-олам билан ўзаро муносабатда бўлиш; ўқувчининг ижодий фаолият субъекти сифатида ривожланишини таъминлаш; ўқувчини билиш жараёнининг фаол субъекти сифатида тан олиш; қулайлик ва етарлилик; маънавий-ахлокий тарбиянинг устуворлиги; психологик мослашув; оила билан ўқитувчининг ўзаро биргаликдаги ҳаракатларини таъминлаш кабилар.

Бошланғич таълимнинг мақсади ўқувчиларнинг умуммаданий, шахсий ҳамда билиш фаолиятлари, ижодий лаёқатларини ривожлантиришдан иборат.

Бошланғич таълимга фаолиятли ёндашув кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг предметли фаолиятига йўналтирилади. Мазкур босқичда шахснинг шаклланиши фаолиятнинг таркиб топиши ва ижодий лаёқат билан боғлиқ тарзда амалга ошади. Бу ўринда фаолият ўқувчи шахсини шакллантириш омили сифатида намоён бўлади.



Компетенциявий ёндашувни амалга ошириш шароитида бошланғич синф ўқитувчиси ўзининг педагогик тажрибалари устида қайта қайта боғлиқ жуда мураккаб вазифаларни ҳал қилиши керак. У янгича ёндашув вазиятида «Ўқувчиларга қандай таълим бериш керак», деган саволга жавоб излаши лозим.

Фаолиятли ёндашув тизimini жорий қилиш учун ўқитувчи мураккаб муаммоларни ҳам ечиши керак. Бу жараёнда бошланғич таълимни сифатли методик хизмат билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Бошланғич таълим жараёнига тизимли-фаолиятли ёндашувни татбиқ этиш орқали муҳим натижаларга эришишда ўқитувчи фаолиятининг сифати алоҳида ўрин эгаллайди. У муайян даражада ўқитувчининг педагогик инструментарийси ва дарсликларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлайди. Шу муносабат билан бошланғич синф ўқитувчининг мавқеи ўқув-тарбия жараёни моҳиятини англаш натижасида ўзгаради. Натижада ўқитувчи педагогик жараёни нафақат, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ўзлаштириш жараёни сифатида, балки ўқувчилар ўқув фаолиятини амалга оширувчи инструментарийси сифатида ташкил эта олиши лозим.

Маълумки, илм-фаннинг барча соҳаларида ранг-баранг билимлар ва ёндашувлар вужудга келмоқда. Шу муносабат билан таълим мазмунининг муайян йўналишлари ўзгармоқда. Оғзаки ва ёзма ҳисоб кўникмалари, саводли ёзув малакалари, ўқиш кўникмалари узоқ йиллар мобайнида бошланғич таълимнинг таркибий қисми сифатида шаклланиб, мустаҳкамланди.

Бугунги кунда эса ўқувчиларни комплекс ривожлантириш ва истиқболли фаолиятга йўналтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун ўқувчиларда умумий ўқув кўникмалари ва малакаларини шакллантириш талаб этилмоқда. Чунки мазкур кўникма ва малакаларнинг даражаси таълимни муваффақиятли давом эттириш учун муайян замин яратади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лаёқатларини ривожлантиришда бир қатор талабларга амал қилиш лозим. Улар:

таълим муассасасида қулай ўқув-тарбия муҳитини яратишга амал қилиш;  
ўқувчиларнинг жисмоний, рухий ва ижтимоий саломатликларини муҳофаза қилишни мустаҳкамлашни кафолатлаш;

ўқувчилар учун таълимнинг юқори сифати, қулайлиги, очиклиги ва жозибadorлигини таъминлашга эришиш;

ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий ривожланишини жадаллаштириш кабилар.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лаёқатларини ривожлантиришга шахсга йўналтирилган ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчиларда шахсий кадр-қиммат ҳиссини уйғотиш ниҳоятда зарур ҳисобланади. Мазкур туйғу юқори даражадаги масъулият ҳисси билан бойитилади. Улар биргаликда ўқувчи шахсининг ахлоқий сифатларини ривожлантиришга асос бўлади.

Бошланғич таълим педагогикасига шахсга йўналтирилган ёндашувни татбиқ этиш ўқувчига ўзининг идроки, лаёқатларидан келиб чиққан ҳолда билимларни ўзлаштириш имконини беради. Шахсга йўналтирилган ёндашув ўқитувчига ўқитишнинг самарали методларини қўллаш учун қулай шароит яратади.

Қулай дидактик вазиятларда ўқувчиларга билимларни тақдим этиш ва улар томонидан мазкур билимларни эгаллашни осонлаштириш учун конструктив ёндашувни қўллаш лозим. Ўқувчиларга мустақиллик бериш, ўзлаштирилган билимлар негизида янги билимларни ўзлаштиришлари учун қулай шароитлар яратиш ўқитувчи касбий компетенциясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Конструктив ёндашувни, биринчи навбатда, бошланғич синф ўқитувчиларининг ўзлари ўзлаштириб олишлари

керак. Анъанавий ҳамда конструктив ёндашув методларини ўзаро қиёслаш натижасида шу нарса аён бўлдики, конструктив ёндашув бир қадар самарадор ҳисобланади.

Конструктив ёндашув асосида ўқув дастурлари қисмдан бутунга қараб бориш принципи асосида тузилади. Бунда ўқувчиларнинг таянч билим, кўникма ва малакалари таянилади.

Умумийдан хусусийга қараб бориш принципи асосида тузилган ўқув дастурлари ўқувчиларнинг умумлашган билимлари ва тушунчаларига асосланилади.

Ўқувчилар ўқув-билув фаолиятининг барча натижалари нафақат таълим жараёни натижаларини ифодаловчи кўрсаткич, балки ўқувчиларга тақдим этилган янги билимларни конструкциялаш имконияти ва уларни ривожлантирувчи ҳодиса сифатида баҳолашиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бола мактаб остонасига қадам қўяр экан, ўқувчи мавқеини эгаллайди. Бу мавқе уларнинг ўз тенгдошлари ва ўқитувчилари билан ўзаро муносабат ўрнатишлари, ижодий лаёқатларини ривожлантиришни тақозо қилади. Бошланғич таълим олиш давомида мазкур муносабатлар ўзининг ривожланиш динамикаси ва қонуниятларига эга бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган 187-сонли «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси» тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>

4. Сафарова Р.Г. Бошланғич таълим жараёнига татбиқ этиладиган янги ёндашувлар//«Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш» мавзусидаги бошланғич таълим ўқитувчилари Форуми материалари, Тошкент-2016 йил 13-14 июль. 95-96-бетлар.

5. ПЕДАГОГИКА: энциклопедия. II жилд. Жамоа. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2015. – 376 бет.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лаёқатларини ривожлантиришга янги ёндашувлар таҳлилига бағишланган бўлиб, унда бошланғич таълимнинг ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, бошланғич синф ўқувчиларида таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш каби масалалар баён қилинган. Шунингдек, бошланғич таълимда юқори сифат даражасига эга бўлган ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантирувчи таълим моделини татбиқ этиш лозимлиги таъкидланган.

#### РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена анализу новых подходов к развитию творческих способностей младших школьников, в котором рассматриваются такие вопросы, как совершенствование методики обучения начального образования, постепенное применение принципов индивидуализации в учебном процессе, формирование сильной мотивации у младших школьников. Также была подчеркнута необходимость внедрения модели образования, которая всесторонне развивает личность учащихся с высоким уровнем качества в начальном образовании.

#### SUMMARY

This article is devoted to the analysis of new approaches to the development of the creative abilities of primary schoolchildren, which considers such issues as improving the teaching

methodology of primary education, the gradual application of the principles of individualization in the educational process, the formation of strong motivation in primary schoolchildren. The need to introduce a model of education, which comprehensively develops the personality of students with a high level of quality in primary education, was also emphasized.

## БОШЛАНГИЧ СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ АҚЛИЙ ФАОЛЛАШТИРИШДА ЭВРИСТИК ЎҚИТИШНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Гаипов Д.Ж.*

*Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти таянч докторанти*

**Таянч сўзлар:** ўқувчи, ақлий фаоллик, эвристик методлар, эвристик ўқитиш, ўқув жараёни, компетенциявий ёндашув, индивидуаллаштириш, эвристик тафаккур, мустақил иш, нуқтаи назар, топширик, мулоқот, ўз-ўзини ривожлантириш, ҳаракатли ўйинлар.

**Ключевые слова:** учащиеся, умственная деятельность, эвристические методы, эвристическое обучение, процесс обучения, компетентностный подход, индивидуализация, эвристическое мышление, самостоятельная работа, перспектива, задание, обучение, саморазвитие, двигательные игры.

**Key words:** students, mental activity, heuristic methods, heuristic learning, learning process, competence approach, individualization, heuristic thinking, independent work, perspective, task, communication, self-development, motor games.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «...ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш» каби устивор йўналишлар белгиланган. Шунингдек ҳолда ўқув жараёнини ўқувчиларда эвристик тафаккур ва ўз-ўзини намоён қилиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш лозим.

«Эвристика» – грекча сўз бўлиб, «излайман», «топаман», «очдим» маъноларини беради.

Эвристик ўқитишнинг ўзига хос жиҳати шундаки, мазкур жараёнда ўқувчиларга тайёр билимлар тақдим этилмайди. Эвристик ўқитиш жараёнида ўқувчилар ахборотларни излайдилар, улар устида мушоҳада юритадилар. Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ўқувчиларда амалий фаолият тажрибасини ҳосил қилишни назарда тутди. Бу жараёнда ўқувчилар ўқув предметини ўзлаштириш асосида муайян кўникмаларга эга бўладилар. Ўқув предмети доирасида ўзлаштирилган билимлар асосида муайян фаолият усуллари, методлари, илмий атамалар, таянч тушунчаларни ўзлаштирадилар.

Эвристик фаолият технологиясининг назарий асослари қуйидагиларда намоён бўлади:

1) Янги билимларнинг шаклланиши эвристик суҳбатлар маҳсули бўлиб, ўқувчиларнинг мустақил ишлари билан уйғунлаштирилиши лозим.

2) Ўқитувчи режага мувофиқ тарзда муаммоли вазиятларни ҳосил қилади, ўқувчилар эса ушбу вазиятларни таҳлил қиладилар, ўз олдларига муаммолар қўядилар, мазкур муаммоларга ечим излайдилар, ўз фаразларини илгари сурадилар ва уни исботлашга ҳаракат қиладилар.

3) Ўқитувчи ўқувчиларга ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллай олганликлари, фаразларни илгари сура олишлари ва уни асослашлари, фаолиятнинг умумлашган усулларини ўзлаштирганликлари учун баҳо қўяди.

Ўқитишнинг эвристик усули ўқувчиларни ижодий фаолликка йўллаш имконияти сифатида баҳоланади. Ўқитувчи билиш объектини ўрганеди ва тадқиқ этади. Эвристик ўқитиш технологиясининг ўзига хос жиҳати ўқувчиларда муайян фаолият тажрибасини ҳосил қила олишидадир. Бу жараёнда ўқувчи билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ўзлаштирувчи субъект сифатида намоён бўлади. Билимлар муаммоларни барта-раф этиш, ҳаётий масалаларга ечим топиш маҳсули сифатида намоён бўлади.

Эвристик ўқитиш технологиясининг натижалари муаммоларни қўра олиш, тушу-ниш, уларга ечим топиш, ечим топишнинг ностандарт усулларини таклиф қилиш, муаммонинг характерли хататларини очиш, муайян ходисага турли нуқтаи назардан ёндашишда намоён бўлади.

Эвристик ўқитишнинг асосий белгилари қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Ўқитиш мазмунда муайян ўқув предмети доирасида қатъийлашган қоидаларнинг юмшатирилганлиги яъни интегратив мазмунга эга бўлган вариантв ўқув дастурларининг яратилиши; эвристик технология доирасида билимлар тизимининг очиклиги ва кўпвариантлилиги; ўқитувчининг очик характердаги топшириқларни тақдим этиш имкониятига эгаллиги ва уларнинг 3-4 вариантдаги ечимларини билиши; ўқувчиларнинг топшириқларнинг кўпвариантли ечимларини билишлари, мазкур топшириқларнинг яна кўплаб ечимлари мавжудлиги.

2. Ўқувчилар турли таркибдаги икки, уч, беш ва ҳоказо гуруҳларга бирлаша олиш-лари. Ўқувчиларнинг ўз истаклари ёки топшириқларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда ўз гуруҳларини ўзлаштиришлари.

3. Таълим мазмунининг ўзлаштирилиши муайян мантик асосида ташкил этилиб ўқувчилар ҳамда ўқитувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ёрдамида амалга ошади: муам-моли вазиятларнинг яратилиши; кийинчиликлар ва муаммонинг аниқланиши; муаммо ечимининг аниқ вариантлари таклиф қилиниши; муаммони мантиқий жиҳатдан текши-риш кўриш ва бир қатор фаразларни илгари сурилиши; мантиқий хулосалар ва фараз-ларни асословчи кузатиш ва тажриба натижаларининг илгари сурилиши.

4. Эвристик ўқитиш жараёнида ўқитувчининг асосий эътибори ўқувчиларда муайян билим, кўникма, малакаларни шакллантиришгагина эмас, балки таянч компетенци-ялар, мулоқот, ўз-ўзини ривожлантириш, умуммаданий фаолият тажрибасини ҳам ўзлаштиришларига қаратилиши лозим.

5. Ўқитувчи ўқув жараёнида очик мавқега эга бўлиб, ўзининг ташкилотчилик кўникмаларини намоён этади. Жумладан: ўқувчиларга танлов эркинлиги тақдим эти-лади; ўқув фаолияти жараёнида ўқувчиларда рефлексив кўникмаларни ривожланти-ришга алоҳида эътибор қаратилади.

Р.Г.Сафарованинг фикрича, эвристик методлар ўқув жараёнида турли вариант-ларда қўлланилади. Масалан, гуруҳли иш, ўқув лойиҳасини амалга ошириш мақсадида мустақил тарзда тузиладиган гуруҳларда, ишчан ўйинлар ёрдамида.

Эвристик методлар ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш мақсадида қўлланилади. Бунинг учун ўқувчиларнинг ўз ижодий фаолликларини намоён қилиш имконини берадиган вазиятлар ташкил этилади. Эвристик методлар ўқувчиларга ахборотларни тақдим этиш имкониятини чекламайди. Мазкур ахборот-ларни ўзлаштириш ва амалий фаолиятида қўллашлари учун шароит яратади. Эвристик ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан ўқувчиларга тақдим этиладиган билимлардан уларда ижодий фаолият тажрибасини ҳосил қилиш мақсадида фойдаланилади.

Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини ҳосил қилиш учун муайян дидактик воситалар, усуллар, методлар ва қонуниятлардан фой-

даланадилар. Дарсларда эвристик методларни қўллашдан кўзланадиган асосий мақсад ўқувчиларда изланувчанлик кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Эвристик ўқитишнинг асосий таркибий қисмлари унинг шакллари ва методлариدير. Ўқитишнинг эвристик шакллари ва методлари ўқувчилар учун янги таълимий маҳсулотни яратиш имкониятини вужудга келтиради. Улар ўзида кенг қўламдаги дидактик воситаларни мужассамлаштиради. Мазкур воситалар ўқувчиларни ижодий фаолиятнинг кўлаб турлари: режалаштириш, назорат ва баҳолаш, таълимнинг таянч мазмунини ўзлаштирганликларини таҳлил қилишга тайёрлашни назарда тутди.

Х.М.Тожибоевнинг фикрича, эвристик ўқитиш методлари ўқувчиларнинг ютуқларини кафолатлаш ва уларни интеллектуал ривожлантириш мақсадларини назарда тутди. Педагогик жараёнда эвристик ўқитиш методларини ўқувчини фаоллаштириш методи сифатида баҳолаш тажрибаси мавжуд. Чунки мазкур методларни қўллаш натижасида ўқувчиларда юқори даражадаги ички ҳамда ташқи фаоллик кузатилади.

Эвристик ўқитиш методини қўллаш натижасида ўқувчилар топшириқларни тезкорлик билан ечадилар, ҳамда топишириқларни ечишнинг турли вариантларини қўллашга муваффақ бўладилар. Гарчанд кузатишларимиз олинган натижалар ҳар доим ҳам юқори бўлмаслигини кўрсатган бўлса-да, ушбу метод ёрдамида ўқувчиларда ижодий мустақиллик кўникмаларининг шаклланганлиги кузатилади. Эвристик фаолият ўқувчиларда бир қатор лаёқатларни шакллантиришга хизмат қилади. Улар: маҳсулдор билиш фаолиятининг йўллари ва усулларини билиш ҳамда қўллаш, ўқув материалларини тизимлаштириш ва изланишлар жараёнида улардан фойдаланиш, фаолиятнинг янги шароитларига мослашиш ва унинг натижаларини олдиндан кўра олиш, ўзининг интеллектуал-амалий фаолиятини башорат қила олиш, изчил, мантиқий таҳлил асосида эвристик усулларнинг маҳсулдорлигини текшириб кўриш ва баҳолаш.

Бу усул ўқувчиларнинг ўз фаолиятлари натижаларини аниқ кўра олишлари, баҳолашлари ва топишириқларни тугал мантиқий асосни анлаган ҳолда ечишларини бажаришларига имконият яратади. Бунинг учун ўқувчилар топшириқларнинг қулайлиги, ахборотларни ечиладиган топшириқлар доирасида долзарблаштириш ва тизимлаштириш кўникмаларига эга бўлишлари лозим. Мазкур кўникмалар эвристик қондалар асосида амалга оширилади. Эвристик қондалар муқобил изланишлар шароитида аниқ ҳаракатларни танлашни англади. Бундай усуллар ўқувчиларни топшириқларни ечишнинг қулай вариантларини ечишга ундайди. Барча усуллар ўқув-эвристик топшириқларни ечиш инструментарийси сифатида намоён бўлади.

Мантиқий занжирга асосланган эвристик топшириқлар муаммонинг ўзига хос жиҳатларини асослашга хизмат қилади. Дастлаб билимлар, ахборотлар, уларни ўзлаштириш усуллари ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш, кейин эса далиллар, мисоллар, тажрибага оид маълумотлар, умумлашмаларнинг табиийлигини тасдиқловчи ҳолатлар билан уларни таништириш мақсадга мувофиқ. Буларнинг барчаси ўқув жараёнининг мантиқий асосларини мусаҳҳамлаш, индуктив ҳамда дедуктив методларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш имконини беради. Эвристик ўқитиш методлари доирасида энг кўп қўлланиладиган усуллар сирасига ақлий ҳужум, жамоавий ижодий фаолиятни фаоллаштирувчи усулларни киритиш мумкин.

Эвристик методлардан фойдаланиш ҳам ўзига хос педагогик ходиса ҳисобланади:

- изланишга асосланган топишириқларнинг шартлари, муаммонинг умумий жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади;
- вақт тақсимоидан келиб чиққан ҳолда машғулотлар 2 қисмга ажратилади: фаразларни илгари суриш ва уларни таҳлил қилиш, баҳолаш;
- машғулотнинг дастлабки босқичида ҳеч қандай танқидга йўл қўйилмайди. Бундан кўзланган асосий мақсад ўқувчилардаги кўрқув ҳиссини бартараф этишдан

- иборат. Чунки ўқувчи чўчиганда, ундаги фикрлаш жараёни секинлашади;
- ақлий хўжум методи ёрдамида ўқувчилар бир неча фаразларни илгари сурадилар. Ўқитувчи исбот ва далил талаб қилмаган ҳолда барча фаразларни ёзиб олишга ўқувчиларни ундайди. Бу ўринда муҳим бир ҳолат ўқувчиларнинг ўзларини эркин хис қилишларидир;
  - дарснинг иккинчи қисмида эса ўқувчилар ғояларни муҳокама қиладилар, уларнинг қимматли жиҳатларини ажратиб кўрсатадилар. Шу тарика аҳамиятли бўлмаган ғоялар тушириб қолдирилади.
  - Агар машғулотлар жараёнида топшириқларга мақбул ечимлар топилмаса, ўқитувчи уни ўзгартирилган шаклларда ўқувчиларга қайта тақдим этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси» тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>
2. Педагогика: энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. 424-бет.
3. Safarova R.G. The pedagogical activity of the class leader in developing students' coping skills against «popular culture» // ACADEMICIA An International Multipisciplinary Research Journal. 2020, INDIA ISSN: 2249-7137 Vol. 10, Issue 4, April 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. P. 247-252.
4. Tojiboyeva H.M. Formation And Development Of Competitive Skills In The Subjects Of «Mass Culture» In Continuous Educational Process// EUROPEAN SCIENCE 2020. №2 (51). Part II Российский импакт-фактор: 0,17 ISSN 2541-786X (Online). P.51-53.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларини ақлий фаоллаштиришда эвристик ўқитишнинг асосий хусусиятлари, белгилари ифодаланган бўлиб, эвристик ўқитишнинг муҳим таркибий қисмлари унинг шакллари ва методлари эканлиги, улар ўқувчилар учун янги таълимий махсулотни яратиш имкониятини вужудга келтириши ҳамда ўзида кенг қўламдаги дидактик воситаларни мужассамлаштириши ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описаны основные особенности и характеристики эвристического обучения в умственной активации младших школьников, важными составляющими эвристического обучения являются его формы и методы, которые позволяют учащимся создавать новые образовательные продукты и интегрировать широкий спектр дидактических инструментов.

SUMMARY

This article describes the main features and characteristics of heuristic learning in the mental activation of junior schoolchildren, important components of heuristic learning are its forms and methods that allow students to create new educational products and integrate a wide range of didactic tools.

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЎҚУВ БИЛУВ ФАОЛИЯТИГА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ

*Эльчиева Д.Т.*

*Навоий давлат педагогик институти Умумий педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** техноген цивилизация, глобаллашув, бошланғич синф ўқувчилари, ўқув-билув фаолияти, қизиқиш, халқаро иқтисодий интеграция, таълим, тарбия, тизим, фан, техника, ишлаб чиқариш, интеграциялашув, ёш авлод, психологик, педагогик, маҳорат, билим, кўника, малака.

**Ключевые слова:** техногенная цивилизация, глобализация, учащиеся начальной школы, учебная деятельность, интересы, международная экономическая интеграция,

образование, воспитание, система, наука, технология, производство, интеграция, молодое поколение, психологические, педагогические, навыки, знания, навыки, квалификация.

**Key words:** technogenic civilization, globalization, primary school students, educational activities, interests, international economic integration, education, upbringing, system, science, technology, production, integration, young generation, psychological, pedagogical, skills, knowledge, skills, qualifications.

Техноген цивилизация ва глобаллашув жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида ўқув -билув фаолиятига қизиқиш уйғотиш, халқаро иқтисодий интеграция жараёнида таълим ва тарбия тизимини фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳалари билан интеграциялашувини таъминлаш учун ёш авлодга дунё стандартлари талаби даражасида билан беришимиз олдимизда турган муҳим педагогик вазифалардан биридир. Ривожланган мамлакатларда «таълим» барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий омил сифатида эътироф этилиб, халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг аксарият мамлакатлари томонидан 2030 йилгача белгиланган янги таълим концепциясида «таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий этиш» долзарб вазифа этиб белгиланди.

Бир қатор педагогик адабиётлар таҳлили ва педагогик луғатларда «дидактика» тушунчалари кенг қўлланилади. «Дидактика» тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин.

Тарихийлик тамойилига асосланиб айтишимиз мумкинки, ўқитиш ва ўқиш фаолиятининг ўзаро муносабати, уларнинг ўзаро алоқадорлиги нуктаи назардан дидактиканинг фан сифатидаги тараққиёт босқичлари чех педагоги Я.А. Коменский ва америкалик педагог Д.Дьюн таълимотига бориб тақалади.

Ўқитиш ва ўқиш фаолиятларининг ўзаро таъсири уларнинг ягоналиги, В.В.Краевскийнинг таъкидлашича, таълимнинг пайдо бўлиши, унинг ижтимоий институт сифатида шаклланишидан бошлаб, ҳозирги кунга қадар инвариант хусусиятларига эга бош муносабатдир.

Педагогик адабиётлар таҳлилига асосланиб айтишимиз мумкинки, ўзаро таъсир дидактик муносабатлар орасида энг қадимий, генетик жиҳатдан бирламчи муносабат бўлиб, таълимнинг яхлитлигини таъминлайди. У, яъни ўқитиш ва ўқишнинг ўзаро таъсири, даставвал дидактиканинг тадқиқот предмети сифатида амал қилади. Ўқитиш ва ўқиш фаолиятларининг бир-бирига киришуви ўз табиатида кўра бир қанча хусусиятларига эга: ўрганиш объекти ва қуриш объекти вазифасида иштирок этади: ўқув режалари, дастурлари, дарсликлари ўзаро таъсир нуктаи назаридан ишлаб чиқилади: унда таълимнинг жараёни ва мазмуний хусусиятлари акс этади: таълим жараёнида амал қиладиган муносабат турлари ўзаро таъсир моҳияти асосида тасниф этилади.

Илмий дидактик тадқиқотлар таълим жараёнида ташкил этилади, унинг натижаси ўзаро таъсир нуктаи назаридан баҳоланади, ҳар қандай дидактик ҳодисанинг таркибида ўзаро таъсир иштирок этади, ўзаро таъсир табиатини ҳисобга олиш асосида илмий ишлаб ўтказилади. Бинобарин, ўзаро таъсир илмий-дидактик тадқиқотга нисбатан ўрганиш объекти сифатида амал қилади.

Таълим ўзаро таъсирнинг ҳосиласи: ўзаро таъсир моҳиятидан келиб чиқиб, таълим ташкил этилади, бошқарилади: таълимни тузиш, унинг босқичларини белгилашда ўзаро таъсир ўлчов вазифасини ўтайди.

Ўқитиш ва ўқишнинг ўзаро муносабати таркибан қуйидаги қисмлардан иборат: 1) ўқитиш ва ўқув материали: ўқитиш ва дарслик: ўқитиш ва кўргазмали қурол; 2) ўқиш ва ўқув материали: ўқиш ва дарслик: ўқиш ва кўргазмали қурол. Таълим жараёнидаги бош муносабат ва унинг турли кўринишларига қараб алоқа турлари ҳам аниқланади.

Ю.К.Бабанский ўз тадқиқотларида дидактик алоқаларнинг қуйидаги турларини қайд этган: сабаб-оқибат алоқаси-икки дидактик ҳодисанинг бир-бирига дахлдорлиги

типидаги алоқа. Бунга ўқувчилар фаолиятининг самарадорлиги (оқибат) ўқитувчи фаолиятининг унумдорлигига боғлиқлиги (сабаб) мисол бўла олади: функционал алоқа бир дидактик ҳодиса бажарадиган иш иккинчи дидактик ҳодисанинг содир бўлишига олиб келади. Ижтимоий топириқларнинг бола фаолиятида амал қилиши уларда ижодий қобилиятни ўстиради: иерархия (бўйсиниш) типидagi алоқа. Масалан, таълим ва ўқиш ўртасидаги ва шунингдек, таълим ва ўқиш ўртасидаги алоқа иерархик хусусиятга эга. Таълим жараёнидаги муносабатлар ва уларга оид алоқа турлари таълим жараёни структурасини белгилайди.

Педагогика фанидан изоҳли луғатда дидактика-педагогиканинг муस्ताқил тармоғи сифатида кўрсатилган. Таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмдир. Дидактика грекча сўз бўлиб, «didasko» - ўқиш, «didaskol» - ўргатувчи деган сўزلардан келиб чиққан. «Дидактика»нинг сўзма-сўз таржумаси таълим назариясини англатади.

Дидактишунос олимлар О.Розиқов, М.Махмудов, Б.Адизовлар тадқиқотларида, дидактика таълим назарияси деганда, «таълимни ташкил этиш, бошқариш ва назорат этиш муаммолари дидактика татбиқ этадиган асосий масалалардир, ёки таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти ташкил этилади, болаларнинг билув фаолияти тафаккури асосида таълим жараёнида амалга оширилади» каби ёндашувга таянади. Мазкур ёндашувлар таълимда самарали бошқарув фаолиятини ва инсонпарварлик тамойилига кўра ўқув-билув жараёнини амалга ошириш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридagi олимларнинг фикрларига таяниб биз, ўз тадқиқотларимизда:

- таълим дидактика нуқтаи назаридан икки субъектнинг ўқиш ва ўқишнинг биргаликдаги кооператив ширкат фаолияти бўлиб, таълим жараёнига педагог томонидан амалга ошириладиган узлуксиз, изчил фаолият сифатида қараймиз;
- таълим жараёнлари доимий ҳаракатдаги динамик ижтимоий тизим сифатида ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш объекти ҳисобланади ва у ижтимоий тизимларга хос бўлган барча хусусиятларни ўзида жамлашни таъкидлаймиз;
- таълим муассасаси ва ундаги таълим сифатини ташкил этишга методологик ёндашувларни дидактиканинг умумий қонуниятлари, тамойиллари ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Айтиш жоизки, таълим жараёни турли-туман муносабатлар ранг-баранг алоқаларга бой ҳодисадир. Муносабатлар, алоқалар таълим жараёни компонентлари ўртасидаги ўзаро таъсир шаклида юзга чиқади, амал қилади.

Таълим ўта мураккаб диалектик жараён бўлиб, таркибан доимий ва ўзгарувчан элементлардан ташкил топади. Таълим жараёнида қанча ўзгариш юз берса-да, ўзини сақлаб қоладиган, барча ўзгаришлар таркибида иштирок этадиган элементларига доимий компонентлар дейилади. Шундай компонентлар сирасига ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти киради. Ўқув материали, дарс типи, кўргазма-курол, ўқув топириқлари таълим жараёни мақсадларга кўра ўзгариб туради. Таълим жараёни яқин дидактик мақсадларга кўра, янгиланиб, турланиб турадиган таркибий қисмлар ўзгарувчан элементлар саналади. Таълим жараёнидаги муносабатлар, алоқалар доимий компонентларнинг ўқиш ва ўқишнинг ўзаро таъсири шаклида амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонида «халқ таълимини тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ислоҳотлар жараёнини изчиллик билан давом эттириш ва мантиқий яқунига етказиш муаммоларининг асосий ечими» таълим тизимини эркинлаштириш эканлиги эътироф этилди ва бунда педагог ҳодимларга қуйидаги асосий талаблар қўйилди:

- халқ таълимини модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодий тармоқларини ривожлантириш;



- замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юкори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш;
- узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич тағбиқ этиш;
- халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш;
- педагогнинг ўз соҳасида компетентли, яъни ўз ишининг устаси бўлиши, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиши зарурлиги.

Мазкур фикрга асосланиб айтиш мумкинки, замонавий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасидаги муносабатларни инсонпарварлаштириш жараёнини ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Чунки, ҳозирги кунда умумий ўрта таълим муассасаларида яратилаётган шароитлар, замонавий ўзгаришлар барча имкониятлардан фойдалана оладиган, ўзига ва ўз ишига нисбатан талабчан, таълим жараёнига креатив ёндашадиган, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билган, ўзини-ўзи ривожлантирувчи ҳамда ўз қобилияти ва имкониятларини тўла ишга сола биладиган педагогларни фаолият кўрсатишини талаб қилиши билан бир қаторда, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни инсонпарварлаштиришга йўналтиришда қуйидаги талабларни белгилайди:

- таълимни тубдан демократлаштириш;
- узлуксиз таълим ғояси, яъни «таълим бутун умр давомида» ғояси. Бу нафақат мутахассисларни тайёрлаш воситаси, балки балки жамиятга онгли, инсонларни етказиб бериш ҳамдир;
- таълимни глобаллашувига эришиш;
- таълимни ахборотлаштириш

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқув-билув фаолиятига қизиқиш уйғотишнинг дидактик имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчилар фаолитини аниқ ва тушунарли мақсадларга йўналтириш;
- ўқувчилар учун қизиқарли бўлган муаммоларда уларга реал ёрдам бериш;
- ўқувчилар ижодий кўникмаларини юзага чиқариш;
- турли хил вазиятларда ўқувчилар реакциялари ва уларнинг таъсирчанлигини аниқлаш.

Психологик манбалар таҳлилидан айтишимиз мумкинки, боланинг мактабда муваффақиятли ўқиши кўп жиҳатдан уларнинг мактабга тайёргарлик даражаларига боғлиқ. Бола аввало мактабга жисмоний жиҳатдан тайёр бўлиши керак.

Катталар шу ёшдаги болалар билан иш олиб борар эканлар, бу ёшдаги болалар организми ҳали усиши давом этаётганлигини доимо ҳисобга олишлари лозим. Масалан, болани мажбуран ёзишга ўргатиш ҳали бармоқ мускуллари тўлиқ ривожланмаганлик сабабли уларга маълум даражада зарар келтириши ёки уни чиройли ёза олмаслиги, ўзўзидан болани ўзига нисбатан ишончини ёки ўқишга нисбатан қизиқишини камайишига олиб келиш мумкин. Кейингиси боланинг ақлий тайёргарлигининг. Кўпинча ақлий тайёргарлик дейилганда боланинг маълум бир дунёкараши, жонли табиат, инсонлар ва уларнинг меҳнатлари ҳақидаги билимлари тушунилади. Ушбу билимлар мактаб берадиган таълимга асос бўлиши мумкин, лекин суз бойлиги, маълум ҳагги-ҳаракатларни бажара олиш лаёқати боланинг мактабга ақлий тайёргарлигининг асосий кўрсаткичи бўла олмайди. Мактаб дастури болалардан таққослай олиш, таҳлил эта олиш, умумлаштира олиш, маълум бир хулоса чиқара олиш, шунингдек етарли даражада ривожланган билиш жараёнларини талаб этади. Масалан, 6-7 ёшли бола табиат ҳақида айрим ҳодисаларнигина эмас, балки организмнинг табиат билан боғликлигини ва ўзаро таъсирини ҳам тушуниши ва ўзлаштириши мумкин. 6-7 ёшли болалар ақлий ривожланишнинг натижаси бўлиб, юкори даражада ривожланган кўргазмали образли

тафаккур билан бола атроф оламдаги предметларнинг асосий хусусиятларини ва предметлар орасидаги боғлиқликни ажрата олишидир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кўргазмали-ҳаракатли ва кўргазмали-образли тафаккур нафақат 6-7 ёшли болалар, балки кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ақлий ривожланишида ҳам асосий функцияни бажаради. Бу борада болада маълум бир кўникмаларнинг таркиб топганлиги ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Боланинг мактабда муваффақиятли ўқшни нафақат унинг ақлий ва жисмоний тайёргарлиги, балки шахсий ва ижтимоий-психологик тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Мактабга ўқиш учун келатган бола янги ижтимоий мавқеини - турли мажбуриятлари ва ҳуқуқлари бўлган ва унга турлж талаблар қўйиладиган - ўқувчи мавқеини олиш учун тайёр бўлмоғи лозим. Катта боғча ёшдаги болалар асосан, мактабда ўқиш учун эҳтиёж сезадилар, лекин ёў хоҳиш ва эҳтиёж мотиви турлича бўлиши мумкин. «Менга чиройли форма, дафтар, қалам ва ручкалар сотиб олиб беришди», «Мактабда ўртоқларим кўп бўлади ва мен улар билан разза қилиб ўйнайман», «Мактабда ухлатишмайди?», «Мактабнинг ташки рамзлари, шубҳасиз мактабдаги болаларни жуда қизиктиради, лекин бу мактабда муваффақиятли ўқиш учун асосий сабаб бўла олмайдм», «Мен отамга ўхшаган бўлишим учун ўқишим керак», «Ёзишни жуда яхши кўраман», «Укинши ўрганаман», «Мактабда қийин мисолларни ечишни ўрганаман». Ушбу хоҳиш ва ҳаракат боланинг мактабда муваффақиятли ўқиши учун табиий риваيدا асос бўла олади. Боланинг энди ўзини катта бўлганини, боғча боласи эмас, балки маълум бир мажбуриятлари бор ўқувчи бўлишини англаши, жиддий фаолият билан шугулланаётганлигини билиши ниҳоятда муҳим. Боланинг мактабга боришини истамаслиги ҳам салбий ҳолат ҳисобланади. Мактабда шахсий ва ижтимоий-психологик тайёргарлик болаларда тенгдошлари, ўқитувчилари билан муносабатга кириша олиш хусусиятини шакллантиришни ҳам ўз ичига олади. Ҳар бир бола болалар жамоасига қушила олиши, улар билан ҳамкорликда ҳаракат қила олиши, баъзи вазиятларда уларга ён босиб, бошқа вазиятларда ён босмасликка эриша олиши зарур. Ушбу хусусиятлар боланинг мактабдаги янги шароитларга тез мослаша олишини таъминлаб беради. 6-7 ёшли болалар ўқишдаги асосий қийинчилик, кўтшнча бу ёшдаги болалар ўқитувчини узок вақт давомида тинглаб олмайдилар. ўқув ҳаракатларига узок вақт ўз диққатларини тўплаб олмайдилар. Бунга сабаб, фақат, шу ёшдаги болаларда ихтиёрий диққатнинг ривожланмаганлигида эмас, балки боланинг катгалар билан мулоқотга кириша олиши хусусиятига ҳам боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия ишларининг усуллари, воситалари ва ташкилий формаларини ишлаб чиқиш ҳамда педагогик жараёни бошқаришнинг самардорлиги ривожланиш масаласини ҳал қилиш билан боғлиқдир. Боланинг унинг атрофидаги кишилар билан хилма-хил муносабатлари юзага келиб, бу муносабатлар асосида турли хил мотивлар ётади. Буларнинг ҳаммаси боланинг индивидуаллигини ташкил этиб, унинг бошқа болалардан нафақат интеллекти, балки ахлоқий мотивацион жиҳатдан фарқланадиган шахсга айлантиради.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 29 апрель
2. Махмудов М.Х. Таълимни дидактик лойиҳалаш. Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси., - 2002. – Б.79.
3. Ярцева Светлана Егоровна Дидактические моделирование самостоятельной работы студентов 1991 номзод тошкент.
4. Алиева Наргиза Сайтовна Дидактические условия активизации процесса усвоения общетехнической знаний учащимся профессиональных колледжей номзод 2008
5. Д.Б. Элконин Психология игры. Владос.: 1999
6. Ғозиев Э.Г. Онтогенез психологияси. Тошкент, 2010

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақода бошланғич синф ўқувчиларида ўқув-билув фаолиятига қизиқиш уйғотишнинг дидактик имкониятлари илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада ўқишнинг дастлабки кунларидан кичик мактаб ёшидаги боланинг ўсишини ҳаракатга келтирадиган турли зиддият, қарама-қаршиликлар, ички ихтилофлар муаллиф томонидан педагогик психологик ёндашув асосида очиб берилган.

## РЕЗЮМЕ

В данной статье описаны дидактические возможности пробуждения интереса к учебной деятельности у младших школьников с научно-теоретической точки зрения. В статье также на основе педагогико-психологического подхода автора раскрываются различные противоречия, противоречия, внутренние конфликты, определяющие рост ребенка школьного возраста с первых дней чтения.

## SUMMARY

This article describes the didactic possibilities of awakening interest in learning activities in younger students from a scientific and theoretical point of view. The article also reveals various contradictions, contradictions, internal conflicts that determine the growth of a school-age child from the first days of reading on the basis of the author's pedagogical and psychological approach.

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКР ВА ИЖТИМОЙЛИКНИ ТАРБИЯЛАШ

*Сатторова Д.*

*ЖДПИ Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** жамият, инновация, болалар, мактабгача ёшдаги болалар мустақил фикр, ижтимоийлик, тарбия, инсон тараққиёти, илмий концепция, инсон камолоти, омиллар, мустақил фикр, ижтимоийлик, маънавий ривожланиш даражаси, ўз-ўзини англаши, мақсад, қизиқиш, интилиш, жамият манфаатлари, инновация, ҳамкорлик.

**Ключевые слова:** общество, инновации, дети, дошкольники независимое мышление, социальное, воспитание, человеческое развитие, научная концепция, человеческая зрелость, факторы, независимое мышление, социальность, уровень духовного развития, самосознание, цель, интерес, стремление, общественный интерес, инновации, сотрудничество.

**Key words:** society, innovation, children, preschoolers independent thinking, social, education, human development, scientific concept, human maturity, factors, independent thinking, sociality, level of spiritual development, self-awareness, purpose, interest, aspiration, public interest, innovation, cooperation.

Жамиятда болаларнинг қонун билан тартибга солинадиган фаолиятларидан ташқари, уларнинг ижтимоий-шахсий яшаш соҳаси ҳам мавжуд. Бу жараёнда болаларнинг ўз-ўзини, ўзлигини намоён қилиши, эркин фаолият кўрсатиши, ўзи ва атрофидагиларни тушуниши ва шу асосда ўз-ўзини тарбиялаши муҳимдир. Шахснинг маънавий ривожланиш даражаси, ўз-ўзини англаши ҳамда мақсадлари, қизиқишлари ва интилишларини жамият манфаатларига мослаштира олиши алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир шахснинг болалик вақтидан бошлаб ўзини англаши ва ўз фаолияти моҳиятини тушуниши аввало ўзининг ва қолаверса жамият аъзоларининг маънавий камолотига муҳим таъсир кўрсатади.

Айтиш ўринлики, ҳар бир шахснинг ижтимоий тажрибаси кишилик жамияти тараққиёти маҳсулидир. Бу эса ўз навбатида ҳар бир шахс ҳаёти, амалий фаолиятининг мезонини белгилайди.

Дарҳақиқат, шахснинг ўзлигини англаши уни ўз ҳатти-ҳаракатига баҳо беришга ундайди. Бу эса инсоннинг ҳиссиётлари, фикрини камраб олади, унинг шахсий ман-

фаатлари билан умумжамият манфаатларининг уйғунлашуви ижтимоийлашуви оила, таълим-тарбия муассасалари ва маҳалла билан ҳамкорлигида ўз ифодасини топади.

Бир хил вазиятларда кишиларнинг турли хил хулқ-атворларининг намоён бўлиши заминиди уларнинг ҳаётий тасаввурлари мавжуд бўлади. Уларнинг ўзларини тушунишлари асосида ҳаётий идеалларини аниқлаш мумкин. Ҳар бир шахс мунтазам тарзда ўз ҳатти-ҳаракатларини тўғри баҳолаши, ўзига танқидий қараши ва ўз фаолиятини ташхислаши ҳамда тузатиб бориши муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳар бир шахснинг мактабгача ёшдаги болалик давридан бошлаб ўзини-ўзи тарбиялаши алоҳида аҳамият касб этади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзини—ўзи тарбиялаш ижтимоий-педагогик характерга эга бўлган фаолиятдир. Унинг мазмунини жамият аъзолари томонидан тан олинган ахлоқий, ҳуқуқий меъёрлар белгилайди. Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзини-ўзи тарбиялаши учун таълим-тарбия жараёнида унга жамиятда қабул қилинган ахлоқий, ҳуқуқий меъёрлар сингдирилиши керак. Чунки таълим-тарбия жараёнида мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзини назарий, интеллектуал, маънавий-маданий, жисмоний, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан такомиллаштирилади.

Жамият тараққиётининг бутунги даражаси мактабгача ёшдаги даврдаёқ ўзини-ўзи тарбиялашга йўллашни тақозо қилмоқда. Чунки:

1. Бугунги кунда юксак одоб-ахлоққа эга бўлган ўз халқи ва Ватанини севадиган, ўзлигини чуқур англаган, аждодлар яратган мерос ва қадриятларни мумкин қадар эгаллаган фуқароларга жамиятда кучли эҳтиёж сезилмоқда.

2. Ҳар бир шахснинг маънавий камолотини таъминлаш учун уни ўзини-ўзи тарбиялашга ундаш кутилган самарадорликка эришиш имконини бериши аён бўлмоқда.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, фуқаролик жамияти қуришнинг энг муҳим шартларидан бири янгича, мустақил фикрловчи, иймон эътиқоди мустаҳкам, мустақил шаклланган тафаккур ва дунёқарашга эга бўлган баркамол авлодни шакллантиришдан иборат. Бу эса ўзини-ўзи тарбиялаш орқали амалга ошади.

Мактабгача ёшдаги болаларларни ўзини-ўзи тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири уларда мустақил, танқидий фикрлаш кўникмаларининг намоён бўлишидир. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараёнида мактабгача ёшдаги болаларни ўзини-ўзи тарбиялашга йўллаш учун уларни мустақил, танқидий фикрлашга ўргатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзини-ўзи тарбиялаш жараёни уларга ижобий сифатларини сингдириш имконини беради. Шунинг учун ҳам педагогика фани олдида мактабгача ёшдаги болаларни ўзини-ўзи тарбиялашга йўллаш жараёнининг мазмуни, шакллари, воситалари, усул ва методларини аниқлаш вазифаси турипти. Бу жараёнда шахснинг ўзини англаши ва ўзига баҳо бериши муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мустақил фикрловчи, эркин, озод шахсни шакллантириш ижтимоий буюртма сифатида таълим-тарбия жараёни олдида қўйилмоқда. Бу мактабгача ёшдаги болаларнинг ички эҳтиёжлари, ўзини-ўзи тартибга солиш имкониятлари, ўз фаолиятларини назорат қилиш, ўзига-ўзи баҳо бериш кўникмаси сифатида намоён бўлиши лозим.

Педагогик адабиётлар таҳлиладан биламизки, бола шахсининг ривожланишига ирсият, муҳит ва тарбия каби омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда, ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларнинг такрорланишини тушуномқ керак. Ҳар бир бола ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочининг, кўзнинг, терисининг ранги, бўйи баста ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам туғма ўтади. Бу физиологик хусусият ҳисобланади.

Академик И.П.Павлов таълимотига қўра бола бир қатор туғма хусусият ва инстинктларга эга ҳолда туғилади ва булар шартсиз рефлексларга гуруҳини ташкил этади. Булар орасида ошқозон рефлeksi (сўлак ажратиш), муҳофаза рефлeksi (иссиқдан қўлни тортиш, ёруғликдан кўзини қисий) кабилар алоҳида аҳамият касб этади. Аммо бу хусу-

сиятлар инсонга ҳам, хайвонга ҳам тааллуқлидир. Айни вақтда инсонларга хос бўлган хусусиятлар ҳам ирсият йўли билан ўтади.

Масалан, тананинг вертикал ҳолдаги ҳаракати, тафаккур ва нутқ ривожланиши, меҳнат қилиш қобилияти – булар туғма имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи одамлар орасида яшаб, улар билан алоқа қилиши даркор. Бу рўҳий имкониятларнинг чиндан ҳам ривожланмоғи, рўёбга чиқмоғи учун бола фақат ўсибгина қолмай, балки шу ўсиш жараёнида инсонлар орасида яшамоғи, улғаймоғи ва ижтимоий ҳаётда иштирок этмоғи керак. Чунки инсон биологик мавжудот сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ривожланади ва камолга етади. Бола нутқни эгаллаши учун нутқ шароитида, меҳнат қилиш учун меҳнат шароитида, ақлий тараққий этмоғи учун ақлий фаолият шароитида яшамоғи керак. Ана ўшанда боланинг нимага, қандай соҳага лаёқати борлиги намоён бўлади. Физиология ва психология фанининг кўрсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор хил қобилиятнинг рўёбга чиқиши ва ривожланишига таъсир этадиган потенциал имкониятлар, яъни шахс хусусиятини ифодалайдиган лаёқат билан туғилади. Туғма лаёқат ўз ҳолича ривожлана олмайди, гўё у “мудроқ” ҳолатда бўлиб, унинг уйғониши, ривожланиши учун қулай муҳит керак.

Агар бола ўз лаёқатига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб, ривожланиши, акс ҳолда йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун педагогик лаёқатнинг намоён бўлиши ва қобилият сифатида ривожланиши тўла-гўкис ҳаёт шароитига ва тарбияга боғлиқ.

Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан бири ташқи муҳитдир. Муҳит деганда кишига табиий таъсир этадиган ташқи воқеалар мажмуи тушунилади. Бунга табиий муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити (микромуҳит) қиради.

Табиий (географик) муҳит (иклим, табиий шароит) сўзсиз инсоннинг ҳаёт тарзига, характери ва меҳнат фаолиятига таъсир этади. Масалан: тропик минтақада ҳаёт кечираётган инсонларнинг ҳаёт тарзи узок шимолдаги инсонлар ҳаёт тарзидан фарқланади, бу уларнинг ҳаёт тарзига ва уларнинг ривожланишига таъсир этадиган қатор омиллар билан исботланади.

Шу билан бирга, инсон камолотида микромуҳит – оила шароити ҳам қатта таъсир кучига эга. Чунки бола кўз очиб ота-онасини, қариндош-уруғини кўради. Унинг интенсив-жисмоний ва психологик ривожланадиган даври оила таъсирида шаклланади. Халқимизда “Куш уясида кўрганини қилади” деган нақл бекорга айтилмаган. Oilанинг ҳаёт тарзи, ундаги бола тарбиясига ижобий таъсир этадиган тарбиявий муҳит унинг камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Бола камолотида ижтимоий муҳит ҳам муҳимдир. Чунки ишлаб чиқариш муносабатлари ва уларни тартибга солиб турадиган ижтимоий қонун-қоидалар кишига алоҳида таъсир қилади. Ижтимоий алоқа, яъни инсонлараро ўзаро муносабат натижасида одам боласи ҳаётга ва меҳнатга тайёрланади, керакли тажриба ва билимларни эгаллайди.

Инсон камолотида ижтимоий муҳитнинг таъсири турли тарихий даврда (формацияларда) турлича бўлади, турли социал гуруҳларга ҳам турлича таъсир этади. Шундай экан, ҳозирги замон педагогика фани муҳитга, унинг инсон ривожланишидаги таъсирининг ролига алоҳида эътибор беради. Муҳит тушунчасига қирадиган ижтимоий ҳаёт воқеаларининг шахсга таъсири ғоят муҳим эканлигини кўрсатади ва ижтимоий муҳит абадий эмас, ўзгарувчан деб қарайди. Шунинг учун муҳит инсон тақдирини белгилаб берадиган омил деб ҳисобланмайди. Аммо унинг таъсири ҳам рад этилмайди.

Тарбия муҳит каби инсон камолотига таъсир этувчи ташқи омиллардан ҳисобланади. Тарбиянинг хусусияти шундаки, у аниқ мақсадни кўзлаб, инсонда ижобий фазилатларни таркиб топтириш йўлида тарбиячи раҳбарлигида мунтазам амалга ошириб борилади.

Аммо тарбия таъсирининг кучи ва унинг натижаси ирсият ва муҳит каби омилларнинг ҳамкорлиги билан белгиланади.

Ижтимоий-педагогик кузатишлар ва мавжуд тажрибалар шундан далолат берадики, инсоннинг маънавий дунёси демократик ва ўз-ўзини бошқариш воситаларидан биридир. Бунда ҳар бир шахс ўз хулқ-атворини ички майллар ва ахлокий меъёрлар ёрдамида тартибга солади. Чунки шахснинг амалий фаолиятида майллар унинг хулқ-атворини белгилловчи омил сифатида нуноён бўлади. Шахснинг ўзини тушуниши, ўз фаолиятига онгли ёндашиши эса унда ўзини-ўзи тарбиялаш истганини кучайтиради. Бу жараёнда ўзини-ўзи тарбиялаш ўз хулқ-атворига баҳо бериш мезонига айланади. Инсоннинг ҳаётий мақсадлари унинг ички дунёси ва жамият талабларига мос келишини таҳлил қилиш ва умумлаштириш педагогиканинг муҳим назарий масалаларидан биридир.

Ҳар бир шахс ўзи яшаётган жамият, халқ манфаатлари йўлида фидоийлик кўрсатиши, унинг идеали жамият ва ижтимоий тараққиёт талабларига мос келиши шахсий ҳамда ижтимоий идеалларнинг мос келишини таъминлайди. Жамият ва халқ ҳаётининг демократик тамойиллар асосида ривожланиши жараёнида болаларни ўзини-ўзи тарбиялаш кўникмасини шакллантириш мактабда амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг моҳияти ва йўналишини белгилashi лозим. Бу масалани шахс ички дунёсининг ҳаётий идеалларга мос келиши нуқтаи назаридан қараган ҳолда диалектик алоқадорликда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Мактабгача ёшдаги болаларнинг идеалларини ижтимоий тараққиёт талаблари асосида шакллантириш, уларнинг маънавий дунёсига янгича ёндашишни тақозо этади.

Бундай янгича ёндашув усулларидан бири - уларда ўзини-ўзи тарбиялаш эҳтиёжлари ва кўникмаларини таркиб топтиришдан иборат. Узини-ўзи тарбиялаш шахс маънавий маданиятининг таркибий қисми бўлиб, шахс ўз ҳаётини мураккаб вазиятларда ҳам тартибга солиши, бошқара олиши, ижтимоий воқеликка нисбатан аниқ муносабатини белгилаб олишига хизмат қилади. Шу асосда мактабгача ёшдаги болаларни янгича педагогик тафаккур асосида ўз-ўзини тарбиялашга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки улар бугунги кунда демократик муносабатларга асосланган жамиятда яшаш ва фаолият кўрсатишга тайёр бўлишлари лозим. Мактабгача ёшдаги болалар жамиятдаги воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларга ўз муносабатларини билдиришлари наҳоятда зарур. Чунки бугунги кунда жамиятдаги иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар, иқтисодий ривожланиш имкониятлари ҳар бир шахсга ўзини-ўзи тарбиялашни учун кенг қўламли ижтимоий-педагогик майдонни вужудга келтириш имконини бермоқда. Мактабгача ёшдаги болалар ўзларида қайдай сифатларни тарбиялашлари, мавжуд ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ўринларини белгилашлари, қандай ҳаётий мақсадни ўз олдларига қўйишлари биринчи навбатда уларнинг ўзларини англаш даражаларига боғлиқ. Мактабгача ёшдаги болаларнинг худди мана шу асосда ўзини ўз ахлоқи ва маънавиятини такомиллаштиришга киришади. Чунки шахсга таъсир кўрсатишнинг ташқи воситалари бир қадар чекланган имкониятларга эгадир.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳагги-ҳаракати, ахлоқи ва қарашларини тизимлаштириш учун педагогик таъсир воситалари билан бир қаторда, унинг ўз ички имкониятларидан биринчи навбатда ўз-ўзини тарбиялаш имкониятидан унумли фойдаланиш керак. Бунинг учун эса мактабгача ёшдаги болаларнинг ички имкониятлари билан педагогик имкониятлар бир қадар ўзаро мос келиши лозим. Бунда биринчи навбатда инсон вужудининг биологик ҳамда ижтимоий таъсирларга мослашиш хусусиятидан келиб чиқилади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳагги-ҳаракатини фақат буйруқ билан бошқариш, унинг эркинлик, ўрганаётган ҳодисаларга ижодий ёндашиш, мураккаб вазиятларда тўғри йўл топиш, доимий изланиш каби имкониятларини чеклаб қўяди.

Таълим-тарбия жараёнида мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзгарувчан ҳаётий вазиятлар, жумладан, бозор иқтисодиёти шароитларида фаолият кўрсатишга тайёрлаш педагогиканинг муҳим масалаларидан биридир. Таълим-тарбия жараёнида мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жуда муҳимдир. Бу эса уларда эркинлик, мустақиллик фикрлаш, ўз-ўзини тарбиялашни таркиб топтириш орқали амалга оширилади.

Мактабгача ёшдаги болаларда мустақил фикр ва ижтимоийликни тарбиялаш мезонларидан бири тарбия компонентларини шакллантиришда мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг болалар ёш хусусиятларига қараб кундалик фаолиятларни тўғри ташкил этишга ҳам бевосита боғлиқдир. Болаларда меҳнатсеварлик ва ахлоқий фазилатларни сингдириш, шунингдек инсон камолотига таъсир этадиган омиллар бир қанча бўлса ҳам, лекин махсус тарбия муассасаларида тарбиячи раҳбарлигида амалга ошириладиган тарбия жараёни етакчи ҳисобланади.

Чунки, биринчидан, тарбия таъсирида турли фазилатлар ўзлаштирилади ва билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникмалар, малакалар ҳам махсус уюштирилган тарбия орқали ҳосил қилинади. Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликларни ҳам ўзгартириб, шахсни камолга етказиш мумкин. Масалан, кўрлар, гунглар ҳам ўқитилиб, соғлом кишилар қатори ҳаётга тайёрланади. Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш ёки бартараф қилиш мумкин. Тўртинчидан, тарбия доимо келажакка қаратилган мақсадни белгилайди. Шу туфайли, у шахснинг камолга етишини тезлаштирувчи роль ўйнайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, инсон фақат фаолиятда ривожланади, ундан ташқарида ривожланиш йўқ. Бола жуда ёшлигидан бошлаб катталар ёрдамида ташқи муҳит билан турли хил алоқада бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолият тури ўйин бўлиб ҳисобланади ва ўйин фаолияти ривожланиш учун манба саналади. Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият шахснинг ақлий ва иродавий ривожланишига таъсир этади. Демак, бола улғая борган сари унинг фаолияти ҳам шакли ва мазмуни билан ҳамоҳанг ўзгариб бораверар экан. Демак, бола ҳаётида фаолият турларининг ўзаро муносабати ҳам ўзгаради ва бунинг таъсирида бола камолоти ҳам янги, юқорироқ босқичга кўтарилади. Умуман, педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият бола шахсининг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ва иродавий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Раҳбарлик қилинмаган фаолият эса бир ёқлама ёки салбий таъсир этиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Мусурмонова О. Маънавият, кадриятлар-соғлом авлодни тарбиялаш воситаси. – Т., 1995.- 132-б.
2. Ибрагимов Х.И. Профессиональное самовоспитание в процессе аутогенной тренировки.-М., 1995.- 125
3. Беспалько В.П. Слагаемые педагогические технологии. –М.: Педагогика, 1989.-192с
4. Педагогика. Р.Мавлонова ва бошқалар-Т.: «Ўқитувчи», 2002 йил. 354-355 б.

РЕЗЮМЕ

Мактабгача ёшдаги болаларда мустақил фикр ва ижтимоийликни тарбиялаш, инсон таракқиётининг илмий концепцияси инсон камолотига таъсир этадиган омиллар илмий назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек мақолада, мактабгача ёшдаги болаларда мустақил фикр ва ижтимоийликни шакллантиришда маънавий ривожланиш даражаси, ўз-ўзини англаши ҳамда мақсадлари, кизикишлари ва интилишларини жамият манфаатларига мослаштира олиши масалаларига ҳам муаллиф томонидан изоҳ бериб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

Научно анализируется содействие независимому мышлению и социализации у дошкольников, научная концепция человеческого развития. Теоретически научно проанализированы факторы, влияющие на человеческое развитие. Также автор комментирует уровень духовного развития, самосознания и умение адаптировать свои цели, интересы и стремления к интересам общества в формировании самостоятельного мышления и социализации у дошкольников.

SUMMARY

The promotion of independent thinking and socialization in preschoolers, the scientific concept of human development is scientifically analyzed. The factors influencing human development are scientifically analyzed theoretically. The author also comments on the level of spiritual development, self-awareness and the ability to adapt their goals, interests and aspirations to the interests of society in the formation of independent thinking and socialization in preschoolers.

## БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРДА КРЕАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Хамроева А.Ф.*

*Жиззах давлат педагогика институти Мактабгача таълим методикаси  
кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** бўлажак тарбиячи, педагогик фаолият, инновацион янгилик, фаол, ижодкор, муаллифлик ғоялари, педагогик вазият, қобилият, креатив компетентлик, глобаллашув жараёни, технология, методик, инновацион, касб, дидактика, билим, кўникама, малака.

**Ключевые слова:** будущий педагог, педагогическая деятельность, инновационная инновация, активный, творческий, авторские идеи, педагогическая ситуация, способности, творческая компетентность, процесс глобализации, технология, методический, инновационный, профессия, дидактика, знания, умения, квалификация.

**Key words:** future teacher, pedagogical activity, innovative innovation, active, creative, author's ideas, pedagogical situation, abilities, creative competence, globalization process, technology, methodological, innovative, profession, qualification, didactics, knowledge, skills, qualifications.

Техноген цивилизация, акцелерация ва глобаллашув жараёни давлат ва жамиятнинг ривожланиши илм - фан, техника ва технологиялар соҳасида эришилган ютуқлар, 2030 йилгача мактабгача таълимни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқилиши, Олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айлантириш, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт - шароитлар яратиш зарурияти Олий таълим тизимида фаолият юритаётган илмий кадрлар салоҳияти, уларнинг келажак истиқболлари, ижодкорлиги ва ташуббускорлиги билан боғлиқлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат бугунги кунда таълим ва тарбия ишларининг сифат даражасини кўтариш бирламчи ўринни эгаллайди. Таълимнинг сифатини таъминлашга жуда кўп омиллар ўзининг таъсирини кўрсатади. Булардан бири, бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантириб боришидир. Касб – бу биринчидан, инсоннинг яшаш манбаи бўлса, иккинчидан унинг ўз-ўзини ривожлантириб бориш воситаси ҳисобланади.

Креативлик тарбиячиларда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. У тарбиячининг янгиликларга бўлган интилиши, уларни ўзлаштириш ва ўзининг педагогик фаолиятида фойдалана олиш жараёнида учрайдиган қийинчиликларни енгиб ўтиш, инновацион янгиликларни ўзининг фаолиятида фаол, ижодкорлик билан қўллаш олиш, ўзининг муаллифлик ғояларига эга бўлиш ҳамда турли педагогик вазиятларда ижобий ечимларни эвристик йўл топа олиш қобилиятлари билан боғлиқ бўлган креатив компетентликга эга бўлиши талаб этади. Яъни барча педагоглар ҳам ўзининг педагогик фаолиятида маълум креативлик компетентлик кўрсаткичларига эгадир. Бу уларнинг реал креативлик компетентлиги ҳисобланади. Лекин уни идеал даражасига кўтариш ишлари маълум саъй ҳаракатларни, шарт-шароитларни талаб этади.

Креатив потенциални кўтариш идеал креатив компетентликга эришишнинг илк қадами ҳисобланади. Олимларнинг фикрича, креативлик потенциал ўзгариб туратуғин жараён ҳисобланади. Педагогларнинг ҳам креативлик потенциални ривожлантириб бориш даврининг ижтимоий талаби бўлиб бораверади. Чунки педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш жамият тараққиёти билан ҳамнафас тарзда педагоглардан ўз устида ишлашни, ўзини креатив бойитиб боришини, илм-фаннинг ютуқларидан боҳар бўлиб, уларни ўз фаолиятига синдириб боришини талаб этади.



Педагогнинг ўз педагогик фаолиятини юксалтиришга доир креатив потенциални ривожлантириш:

Биринчидан тарбиячининг шахсий эҳтиёжи, мақсади, ниятлари, иродавий сифатлари ҳамда «Мен» концепцияси билан, яъни педагог шахсининг бевосита ўзига боғлиқдир. Бунда педагог онгли равишда:

- ўзининг касбий билимини доимо ошириб бориши;
- ўзининг педагогик тажрибаларини доимо бойитиб бориши;
- ўз соҳасидаги сўнгги инновацион янгиликларни билиши ва уларни ўзининг фаолиятида ўринли ва унумли қўллаш олиши;
- маълумотларни ижодий қайта ишлаш малакаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолият жараёнида болаларнинг ёш, индивидуал ва психологик ўзига хос жиҳатларига мос тарзда иш тутиши,
- новаторлик хусусиятларга эга бўлиши муҳим.

Ю.А.Сергиенко билан Т.В.Сунякиналар педагогларнинг креативлигини ошириш билан боғлиқ бўлган фаолият турларини қўйидагича белгилайди. Булар:

- педагогнинг инфорацион фаолияти. Яъни педагог жамиятда, ўз соҳасида бўлаётган янгиликлардан доимо бахабар бўлиб бориши талаб этилади;
- ташкилий-прогностик фаолият, яъни педагог ўз фаолиятида муваффақиятларга эришиш учун унинг мавжуд аҳволини ҳамда истикболини белгилаш;
- ташкилий фаолият;

Илмий изланишлар ва тадқиқотларимиз жараёнида бир қатор педагог олимларимизнинг мазкур соҳага оид илмий изланишлари тўғрисидаги фикрларини мушоҳада қилдик ва бўлажак тарбиячиларининг креатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик мазмунини: таълим-тарбия жараёнига дидактик ёндашадиган бўлсак, бу жараённинг асосий компонентлари (таълим мақсади, таълим мазмуни, ўқитиш методи, ўқитиш воситаси, таълим натижаси) асосида қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:

- таълим мақсади билан боғлиқ инновацион таълим интеграцияси;
- таълим мазмуни билан боғлиқ педагогик инновациялар: янги дастур, дастурни такомиллаштирувчи, ўқув материални тўлдирувчи;
- таълим мазмунини лойиҳалашга кўра – метёрий ҳужжатлар ўзгариши асосида режали, олдиндан ўйланган, ички ва ташқи;
- ўқитиш методи билан боғлиқ педагогик инновацион муҳит;
- олий таълим тизимида ўқув машғулотини шакли ва турида: даражасига кўра такомиллаштириш, кўринишини ўзгартириш, маълум услубий элементларини янги талқинда ишлаб чиқиш;
- ўқитиш воситаси билан боғлиқ таълим мазмуни;
- таълим натижаси билан боғлиқ таълим мазмуни;

Фикримизча, олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантириш дидактик имкониятларини такомиллаштиришда таълим мазмунига мос, шунингдек таълим жараёнининг бошланғич босқичида талаб этилган замонавий креатив компетенцияларга эга бўлган рақобатбардош кадрларни етиштириш шарт - шароитларини тўғри ташкил этиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Педагогик луғатларда креатив компетентлик (инг. «create») яратувчанлик, ижодкорлик). Компетентликнинг бу тури тарбиячининг янгилик яратиш, ижодкорлик ва ташкил этиш сингари кўникмаларга эга бўлиши билан боғлиқ. Креативлик фақатгина янги ғояларни яратиш учунгина эмас, балки шахсининг турмуш тарзи ва маънавиятини юксалтириш учун ҳам қатта аҳамиятга эга.

Креативлик - (лот. «creare»; ингл. creativity- «яратиш», «бунёд қилиш») – бу ижодий қобилиятлик даражаси, шахсининг барқарор сифати ҳисобланадиган ижод қилишга бўлган қобилияти бўлиб, у креатив тафаккур билан боғлиқ. Креатив тафаккур – бу шахсининг ўз олдига турган вазифаларини ностандарт ҳал этиш ҳамда ўз мақсадларига эришишнинг янги, янада самаралироқ йўллари топиш қобилиятидир. Яъни креативлик

асосан бошқаларга ўхшамаган ғояларни ўйлаб топиш, анъана тусига кириб қолган фикрлардан қочиш ҳамда муаммоли вазиятларни тез ҳамда самарали хал этиш йўлларини билиш ҳисобланади. Креативлик инсондаги ижодкорлик қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришга асос яратадиган индивидуал сифатларининг ҳамда фикрлаш қобилиятларининг бирлигини иборат бўлади.

Креативлик термини Англия-Америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлиб, бунда креативликнинг интеллект билан боғлиқлиги масалалари ҳамда креативликнинг психологик жиҳатлари ва унинг ҳар бир шахснинг индивидуал ўзига хусусиятларига боғлиқлиги ўрганилган. Масалан, 1950-йилларда Ж.Гилфорд ва унинг тарафдорлари томонидан интеллектуал омилларни таълимий йўналишларда қўллаш, креативлик хусусиятларни ўрганиш ҳамда баҳалаш масалалари таҳлил этилиб, натижада 16 гипотетик интеллектуал қобилиятларни ажратиб кўрсатган. М.Н.Гнатъко эса креативликнинг механизми бўйича изланишлар олиб борган ва уларни қўйидаги иккита турга ажратган:

- потенциал креативлик - бу креативликнинг зарурий шарти бўлиб, қандай шароит бўлмасин инсоннинг креативликга тайёр туриши, шунинг натижасида ўз ғояларини амалга оширишидир.
- фаолиятдаги креативлик – бу муайян бир соҳадаги креативлик ҳисобланади.

Ж.Гилфорд креативликниқ белгиларини аниқлаган бўлса, М.Н.Гнатъко эса креативликнинг компонентларини умумлаштирган.

<b>КРЕАТИВЛИКНИНГ БЕЛГИЛАРИ</b> (Ж.Гилфорд)	<b>КРЕАТИВЛИКНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИ</b> (М.Н.Гнатъко)
<ul style="list-style-type: none"> <li>- фикрнинг аниқлиги (муайян вақт оралиғидаги ғояларнинг ҳажми),</li> <li>- фикрнинг ўзига хослиги (бир ғоянинг иккинчисига кўчиши) оригиналлиги, яъни умумий қабул қилинган қарашлардан ажралиб турувчи ғояни яратиш қобилияти,</li> <li>- кизиқувчанлик, эгилувчанлик</li> <li>- фаразни илгари сура олишлик, муаммони қўя билишлик қобилияти,</li> <li>- ҳаёл сура олиш, фантазия қилиш, ностандарт муаммоларни хал эта олиш ва ҳ.к.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- шахснинг ўзига хос хусусияти (интеллектуал, индивидуал)</li> <li>- ижодкорлик имкониятлари,</li> <li>- ижодкорлик билан фикрлаш,</li> <li>- ижодкорлик билан қараш,</li> <li>- билимлилик,</li> <li>- ечим топа билиш,</li> <li>- ташкил этувчанлик,</li> <li>- муаммоларни мустақил ечиш</li> </ul>

Бу эса, булажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантириш жараёнларида ҳар бир педагог белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўлини танлайди деган илмий ҳулосага келишимизга сабаб бўлади. Масалан анъанавий методлар (Унинг асосида фалсафий ва педагогик тизимлар ташкил этади), кўргазмалӣ методлар, акс эттирувчи методлар, китоб билан ишлаш методи, видео методлар.

Бу борада мақсадига кўра методларнинг турларини таҳлил этар эканмиз уларни икки тоифага ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- дидактик мақсади бўйича методларнинг турлари;
- қабул қилиш - билиш фаолияти характери бўйича методларнинг классификацияси.

Бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожланишининг дидактик имкониятларини такомиллаштиришда мазкур методлар ўзига хос вазифаларни бажаради яъни: мотивлаштирувчи, ташкиллаштирувчи, ривожлантирувчи, билим берувчи (таълим берувчи), тарбиявий.

Демак, бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришда таълим методларини ҳам мақсадга мувофиқ танлаш ва ўз ўрнида қўллаш талаб этилади. Шунингдек таълим (ўқитиш) воситалари (дидактик воситалар): тарбиячилар ва талаба-

лар томонидан билимларни ўзлаштириш учун қўлланиладиган моддий ва идеал объектлар таълимий ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради; иккинчидан тарбиячи ва талаба томонидан таълим жараёнида қўлланиладиган турли объектлари; қўйидагиларни таъминлайдиган жиҳозлар, ёрдамчи таълим воситалари ва ўқув-креатив материаллар:

- ўқув материаллини намойиш этиш ва визуализациялаш, уни тушуниш ва эслаб қолиш;
- ўқув материаллини мустақил тарзда мустахкамлаш ва қўлаш учун имконият яратди.

Бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришда ривожлантиришда ўқув - методик қўлланмалар, методик тавсиялар, методик ишланмалар, ўқув дастурлари, ўқув режаси, маъруза матнидан оқилона фойдаланиш муҳим педагогик омил бўлиб ҳисобланади. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, яна бир муҳим омил бўлажак тарбиячиларнинг креатив тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари ДТС ва намунавий фан ва ишчи дастурлари талабларига мос келиш даражаси. Бу борада тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, олий таълим тизимида мактабгача таълим йўналишида бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожланишига, яъни тарбиячилар ўртасида компетенциялар тизимини баҳолашда асосий эътиборни креативлик, ижодий тафаккурни шакллантириш билан боғлиқ компетенцияларга алоҳида эътибор қаратилганлиги аҳамиятлидир. Бу эса, ўз навбатида бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожланиш мазмуни, билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талабларида мазкур жиҳатларни алоҳида эътиборга олиш заруратини юзага келтиради.

Шунингдек, бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожланишига қўйилаётган талаблар ва таълим конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда мактабгача таълим соҳасидаги бакалаврият йўналишлари бўйича таълим дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши зарур.

М.Т.Мирсолиеванинг таъкидлашича, бугунги кунда олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлиги инновацион фаолият муҳитида таълимнинг интеграциясида улардан фақат ўз ижтимоий-маданий вазифасини бажаришигина талаб қилмай, балки уларни илмий-таълим халқаро марказларига айлантиришни тақозо этади. Олий таълимда таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятини интеграция қилишнинг мақсадлари илмий тадқиқотларни кадрлар билан таъминлаш, олий таълим ўқув дастурлари бўйича таълим олувчиларни тайёрлаш сифатини ошириш, таҳсил олувчиларни илмий ходимлар раҳбарлигида илмий тадқиқотлар олиб боришга жалб қилиш, таълим фаолиятида фан ва техника соҳасидаги янгиликлар ва ютуқлардан фойдаланишдан иборатдир.

Олиманинг фикрларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, таълимни модернизациялаш шароитида инновация фаолият муҳитини амалга ошириш механизми ва ташкил этишнинг истикболли технологияси, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, инновацион жараённинг муваффақиятли бориши бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожланишига бевосита боғлиқ. Биланмики, таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик, ғоя, фикр, инновация бўла олмайди. Бунинг учун ислоҳот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва қўлами асос бўлиб хизмат қилади. Бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожланиш технологияси бевосита инновация асосида амалга оширилади, яъни методлар янгиланади, тизимли ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг йўналишлари очилади, замонавий технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат самараларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

## Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ - 3955-сонли Қарорига 3-илова 2018-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 05.06.2018 й. ПҚ-3775 Қарори

3. Мирсолиева М.Т Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизmlарини такомиллаштириш : Пед.фанл.доктори. ... дисс. автореф. – Т.: 2019. – 24 б.

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, бўлажак тарбиячиларнинг янгиликларга бўлган интилиши, уларни ўзлаштириш ва ўзининг педагогик фаолиятида фойдалана олиш жараёнида учрайдиган кийинчиликларни енгиб ўтиш, инновацион янгиликларни ўзининг фаолиятида фаол, ижодкорлик билан қўллай олиш, ўзининг муаллифлик ғояларига эга бўлиш ҳамда турли педагогик вазиятларда ижобий ечимларни эвристик йўл топа олиш қобилиятлари билан боғлиқ бўлган креатив компетентликга эга бўлиш масалалари атрофлича ёритиб берилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье описаны педагогические возможности развития творческой компетентности будущих педагогов с научно-теоретической точки зрения. В статье также обсуждается стремление будущих педагогов к инновациям, преодолению трудностей в их усвоении и использовании в своей педагогической деятельности, активно и творчески применять инновационные инновации в своей работе, иметь собственные авторские идеи и находить эвристические решения в различных педагогических ситуациях. Подробно освещены вопросы творческой компетентности.

## SUMMARY

The article describes the pedagogical possibilities of developing the creative competence of future teachers from a scientific and theoretical point of view. The article also discusses the desire of future teachers to innovate, overcome difficulties in their assimilation and use in their pedagogical activities, actively and creatively apply innovative innovations in their work, have their own author's ideas and find heuristic solutions in various pedagogical situations. Issues of creative competence are covered in detail.

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ТАФАККУРИНИ ОИЛАДА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*Жуманова Н.Ш.*

*ЖДПИ Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** тафаккур, оила, ижтимоий муҳит, таълим-тарбия.

**Ключевые слова:** мышления, семья, здоровая социальная сфера, воспитания, образования.

**Key words:** mind, family, social atmosphere, education.

Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий тарбиялаш – ўта нозик ва масъулиятли вазифа ҳисобланади. Чунки, ўсиб келаётган болаларни маънавий руҳда тарбиялашда уларнинг ёши, хоҳиш-истаги, интеллектуалҳамда руҳий тайёргарлигини ҳисобга олиниши керак. Болалар маънавий-ахлоқий сифатларининг ифодаси бўлган руҳ ёки ақл нодир ҳодиса бўлиб, у тез ўсишга мойилдир. Болаларни маънавий – маърифий руҳда тарбиялашда улардаги жисмоний ўзгаришларни ҳам эътиборга олиш ва бунда, улар ўзлари билмаган ҳолда зид ҳатти-ҳаракатлар содир этиши, жиддий хатоларга ҳам йўл

қўйишни инобатга олиш зарур. Шунингдек, болалар таъсирга берилувчан, онгига ўз атроф-теварагидagi воқеаларни тез сингдирувчан бўлади. Бу воқеалар уларнинг ҳистуйғусидан мустаҳкам ўрин олиб, ички оламига руҳиятига таъсир кўрсатади. Бу эса болаларни ижобий фикрлайдиган, турли хил вазиятларга тез мослашадиган шахс эканини кўрсатади. Шунинг учун баркамол авлодни шакллантиришда соғлом ижтимоий муҳитни таъминлаш талаб этилади. Бунинг учун мактабгача ёшда болаларни маънавий тарбиялашда, аввало, ота-она ва оила, мактабгача таълим ташкилотида тарбиячи томонидан рағбатлантириб, бошқариб турилиши орқали уларда етишмайдиган шахсий мулоқот, жамоада яшаш тажрибаси, қиёслаб таҳлил қилиш ва шу орқали малакасини ошириш кабиларга эътибор бериш зарур.

Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий баркамол шахс сифатида тарбиялашда тарбиячи ҳамда ота-оналар орасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим ва самарали шакллардан бири ҳисобланади.

Республикамиз Президентни Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Оила — жамиятнинг негизи... Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмок, бир-бирига нисбатан эъгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг қўп асрлик мустаҳкам ва анъанавий таянчларига эга бўлади, оилада... одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиланинг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшилларининг омон-эсонлиги, тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди.

Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбини гтавҳаридир».

Оила – муқаддас даргоҳ. Инсон учун зарур бўлган олийжаноб инсоний туйғу ва фазилатлар, инсон қамолоти оиладан бошланади. Айниқса, гўдак оиланинг шарқона илдиэларидан озикланиб, давр ва ҳаёт талабига монанд қомил инсон бўлиб етишади. Оиладан бошланган меҳр-муруват, тинчлик осойишталик каби қатор хатти-ҳаракатлар ўзаро муносабатларда давом этади, унади, ўсади, меваберилади. Бу эса оиладаги соғлом муҳит, маънавий, руҳий ва ахлоқий тамойил ҳамда меъёрлар асосида шаклланади, ижтимоий ривожланиш жараёнида янги мазмун-моҳият касб этади, такомиллашиб боради. Ота-оналар ўз фарзандларини қомил инсонлар қилиб тарбиялаши уларда Ватанга муҳаббат, меҳнати ва фидоийлиги билан ўзгаларга фойда келтириш, садоқат, самимийлик каби хислатларни қамол топтиришга хизмат қилади. Фарзандларнинг баркамол инсонлар бўлишида оиланинг тотувлиги, ота-онанинг ўзаро меҳр-муҳаббати ҳам самарали таъсир этади. Киши ўз ҳаётида маънавий-ахлоқий қамолотга қанчалик қўп интилса, шунчалик ўз хато ва камчиликларини англаб боради. Ўзбек оиласи ўзида қўп асрлик мустаҳкам маънавий қадриятларимиз равнақ топадиган шундай масканки, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги жамиятимиз ривожининг муҳим омилларидан биридир.

Тарихга назар ташласак, муқаддас “Авесто”да, буюк бобоқалонларимиз Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий асарларида баркамол шахсни тарбиялашда ота-онанинг ўрни беқиёс эканлиги таъкидланган. Хусусан, Фаробийнинг фалсафий таълимотида маърифатли энг яхши ахлоқий фазилатларни ўзида мужжасам этган ота-онагина баркамол, маърифатли фарзандларни вояга етказиш эътироф этилган. Бугунги давр ота-оналарининг ўзига хос ижобий фазилатлари ҳам салбий жиҳатлари мавжудки, бу албатта оиладаги фарзанд тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Оилада фарзанд тарбиясига тўхталиб, Абдурауф Фитрат шундай деган эди: “Ҳарбир оиланинг саодати ва иззати, албатта шу халқни ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади, мамлакат ва миллат ҳам шунча қучли, тартибли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсиз ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл ўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади”. Шунинг учун оилада фарзандларни тарбиялашда аёлларнинг ўрни катта эканлиги ва

ҳамма вақт долзарблиги уқтирилади. Онанинг барча ҳислатлари одамийлик фазилатлари фарзандларга ўгади ва уларнинг маънавиятини замон руҳи билан қуроллантиради. Фарзанд тарбиялашда қўп асрлик миллий-педагогик анъаналардан, умуминсоний кадриятлардан кенг, оқилона фойдаланиш масаларига ҳам мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда. Азалдан ўзбек оилаларида умуминсоний, миллий кадриятлар ва маънавий – ахлоқий муносабатлар қарор тошган.

Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш, фарзанд бор экан, авлодлар давомийлиги таъминланади. Оила - бу ҳаётимиз таянчи, суянчи, жамиятимизни ҳал қилувчи асосий бўғиндир. Оилада сингдирилган тарбия, ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур ўсмирнинг қалбида бир умр муҳрланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Буюк мутафаккиримиз Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида таъкидлаганидек: «Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда ҳеч шубҳасиз оиланинг ўрни ва таъсири кекирсидир... Оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етишини тушуниш қийин эмас... Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди».

Айниқса, мактабгача ёшдаги болаларга ота-онанинг меҳрибонлиги, доимий назорати ва дўстона маслаҳати катта аҳамиятга эга

Оиланинг мустаҳкам бўлиши, оиладаги тинчлик-тоғувлик, фаровонлик, албатта, эр-хотин муносабатларига боғлиқдир. Ақлан стук, ахлоқан пок, ҳисмонан бақувват фарзандлар яхши оилаларда камол топади. Шунинг учун ҳам оилада соғлом маънавий, ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлаш умумдавлат аҳамиятига молик масаладир. Чунки ижтимоий ҳаётда юз берадиган барча ўзгаришлар, яъни, ундаги ютуқ ва камчиликлар, мураккабликлар ва зиддиятлар оилада ўз аксини топади. Шунга қўра, оила ва оилавий тарбия масалалари ҳар доим ҳам долзарб муаммо сифатида эътироф этилади.

Адабиётлар:

1. Ш. М. Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. “Ўзбекистон” 2016.
2. Абу Наср Форобий Фозил одамлар шаҳри. –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993
3. В. Каримова, Ф. Акрамова “Психология” Т., “Шарк”, 2000
4. Ф. Акрамова “Оилада шахслараро муносабатлар психологияси” Тошкент 2015

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ривожлантиришда оиланинг роли, соғлом ижтимоий муҳитнинг аҳамияти ҳамда болаларнинг ёш хусусиятларининг ҳисобга олиниши ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о роли семьи в развитии мышления детей, роль здоровой социальной сфере и их возрастной специфике.

SUMMARY

In this article we say about the role of family in developing thoughts of children.

## ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ ДЕТЕЙ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Саидов Ж.

ЖГПИ преподаватель кафедры методика дошкольного образование

**Таянч сўзлар:** ватанпарварлик, Ватан, кичик мактаб болалар ёши, гоғларни шакллантириш, интеграл фольклор шакллари.

**Ключевые слова:** патриотизм, Родина, дети младшего школьного возраста, формирование представлений, интегративные фольклорные формы.

**Key words:** patriotism, native land, fatherland, junior pupil age, formation of representations at junior pupil about a public life, Integrative folklore forms as ditty, ditty – humorous catchphrase riddles public holydays, using of fairy – tale personage and soon.

Патриотизм как одна из важнейших духовно-нравственных ценностей уходит корнями в историю, культуру, экономику и политику конкретного народа и государства. Значимость этого явления обусловила необходимость его исследования различными областями науки и куль туры. В существующих научных исследованиях в качестве общих задач патриотического воспитания учащейся молодежи выделяют: формирование у граждан Узбекистана преданности многонациональному государству, гордость за Родину; воспитание любви к Отечеству – Узбекской земле и ее многонациональному народу; воспитание узбекского патриотизма, в котором национальное чувство гражданина сочетается с его любовью к малой родине(родной селе, области); воспитание чувства и сознания дружбы народов Узбекистана; формирование уважительного отношения к их истории, традициям, языкам, культурам, национальной чести и достоинству.

Теоретический анализ проблемы патриотического воспитания детей диктует необходимость рассмотреть вопрос о сущности понятия «патриотизм» и его структуры. Патриотизм явление вторичное, производное, в материальной жизни общества имеется его первооснова – отечество. Философы и педагоги характеризуют особенности узбекского патриотизма – сознательный и массовый характер, который, не ограничиваясь любовью к родной земле, краю, языку, культуре, обычаям и традициям, природе, включает понимание узбеков своего долга и обязанностей перед Отечеством. Ими подчеркивается действенный и активный характер патриотизма людей, проявляющийся в добросовестном творческом труде на благо общества, заботливым отношении к сохранению и умножению общественного достояния, постоянной готовности к вооруженной защите отечества. Для наационального патриотизма, характерно единство с интернационализмом. Интернациональная сущность узбекского патриотизма заключается в единстве, дружбе, равноправии, взаимоуважении, братском сотрудничестве, взаимопомощи народов Узбекистана.

К теоретическим положениям, которые определяют подход к рассматриваемой проблеме, относятся:

патриотизм – это социальное, исторически обусловленное явление духовной жизни народа, результат влияния общественной среды и воспитания;

- патриотизм неотделим от понятий «родина» и «отечество». Сущность его определяется отношением к родине (народу, культуре, традициям, обычаям, языку, истории, природе родного края) и отечеству (как социальной, политической, социокультурной среде);
- отношение человека к родине и отечеству проявляется в сфере чувств, деятельности и мышления. Педагогической наукой доказано, что основы патриотических чувств формируются у детей еще в дошкольном возрасте. Эти чувства проявляются в осознании детьми родного края как частицы большой родины, любви к родному краю, уважении к народу, гордости за его боевые и трудовые успехи, культурные достижения, заботливым отношении к людям, бережном отношении к результатам их труда, природе, в желании реализовать в творческой деятельности свое отношение к Родине.

Особенностью патриотических чувств детей 6-7 лет является то, что они рождаются на основе любви к родителям, семье, дому, детскому саду, родному городу, природо родного края. По мере ознакомления детей 6-7 лет с окружающим миром, формирования у них представлений о родном городе, крае, стране, ее истории, природо родного края постепенно растет, наполняясь новым содержанием, чувство любви детей к Родине.

Знания о Родине младшие школьники получают в процессе занятий, экскурсий, наблюдений, чтения художественных произведений, бесед со взрослыми. Занятия по ознакомлению с явлениями общественной жизни, как отмечается в исследованиях, являются ведущим средством патриотического воспитания детей 6-7 лет. Они создают наиболее оптимальные условия для накопления впечатлений, формирования представлений, воспитания чувств детей.

В педагогике большое внимание уделяется вопросу содержания знаний об окружающем мире, которые были бы доступны детям, интересны им и ценны в воспитательном отношении. Они очертили круг явлений окружающей

действительности, ознакомление с которыми способствует воспитанию у детей 6-7 лет патриотических чувств.

Исследователями подчеркивается важность отбора наиболее ценных фактов с точки зрения нравственного воспитания личности ребенка: отношение узбеков к труду, его общественная значимость, факты счастливой жизни людей, дружба народов и т.д.

Таким образом, основная цель занятий по ознакомлению младших школьников с явлениями общественной жизни – воспитание чувств и отношений, которые являются основой патриотизма: любви к родному краю, стране; интереса к Родине; стремления больше узнать о ней; гордости за свой народ, этнос и т.д.

Чрезвычайно важными представляются, на наш взгляд, теоретические положения, высказанные педагогами, о том, что эмоционально-положительное, осознанное отношение к окружающему появляется у детей 6-7 лет при условии активизации их интеллектуальной, эмоциональной и деятельностной сфер личности.

Однако сложность восприятия общественной жизни ребенком не позволяет раскрыть перед ним в полной мере реалии современной жизни. Он еще не в состоянии осознать идею государственного устройства, составляющую основу патриотизма. Но дети 6-7 лет могут получить конкретные впечатления от социальной жизни, образец любви к Родине через яркий образ, который будет им понятен. В этом случае им поможет фольклор, представленный в школе в виде интегративных форм – праздников и развлечений. Особенно важным в этом случае является учет возрастных особенностей детей при включении их в реальную жизнь в процессе подготовки и проведения праздника. Сами праздники разнообразны и не ограничиваются одними общественно-политическими.

Формирование у детей 6-7 лет представлений об узбекской действительности, можно осуществлять на фольклорном материале, близком и понятном младшим школьникам. Важной, на наш взгляд, является идея комплексного использования средств, методов и приемов, направленных на активизацию эмоциональной и интеллектуальной сфер личности ребенка. Методы и приемы преподнесения знаний, считают авторы, должны быть направлены на создание интереса к объекту, явлению, побуждать к активной деятельности каждого ребенка на занятии, способствовать возникновению переживаний и отношений. Эмоциональное восприятие младшими школьниками знаний является важнейшим условием формирования у них нравственных чувств, в том числе патриотизма.

Исследователи подчеркивают, что важнейшим условием, предопределяющим уровень нравственной воспитанности детей 6-7 лет, является организация педагогического процесса на основе установления связей между видами занятий и видами деятельности. Такое построение педагогического процесса объединяет одной задачей различные занятия, игровую, трудовую, самостоятельную деятельность детей, способствуя системному усвоению знаний об окружающей действительности, применению усвоенного в каждом виде деятельности.

Но не все аспекты проблемы воспитания патриотизма у детей 6-7 лет решены в достаточной степени. Рассматривая близкие к исследуемой теме вопросы, связанные с формированием у младших школьников представлений об общественной жизни и воспитанием у них положительного отношения к ней, исследователи-педагоги вместе с тем слабо освещают проблемы взаимосвязи воспитания у младших школьников патри-



отизма с использованием в процессе воспитания интегрированных фольклорных форм, предполагающих взаимодействие и взаимосвязь таких элементов народного творчества, как песенки, попевки, песенки-прибаутки, песенки-потешки, загадки, народные праздники, использование сказочных персонажей и т.д.

Эффективное осуществление процесса воспитания патриотизма у детей 6-7 летнего возраста возможно лишь на основе понимания его сущности. Знание структурных компонентов данного процесса обеспечивает целенаправленность и результативность воспитания младших школьников. Вычленив указанные компоненты процесса патриотического воспитания детей 6-7 лет позволяет утвердившаяся в педагогической литературе структура качества личности. В частности, В. Г. Нечаева подчеркивает: «Можно определенно говорить о том, что к семи годам у детей возможно сформировать относительно устойчивые нравственные качества». Опираясь на выводы В. Г. Нечаевой о том, что нравственное качество включает в себя три основных компонента – нравственное чувство, привычки нравственного поведения и нравственные представления, мы отмечаем, что патриотизм как нравственное качество личности структурно включает в себя: интеллектуальный, чувственно-эмоциональный и действенно-практический компоненты.

Сущность образовательно-интеллектуального компонента состоит в сформированности представлений о жизни узбекского народа; социальном устройстве общества; истории страны, природе родного края. Эмоциональный компонент характеризуется переживанием ребенком отношений к родной стране. Проявляется он в любви к семье, родной улице, городу, краю, стране, национальной культуре, к событиям, происходящим в ней, в уважении к историческому прошлому родной страны, восхищении народным творчеством, любви к родному языку, любви и восхищении природой родного края и т.д.

Важным является деятельностный компонент, соответственно которому знания и отношения детей 6-7 лет проявляются в деятельности. Показателями сформированности его являются: участие в различных видах деятельности, умение использовать знания о родной культуре в творческой деятельности, положительное отношение к труду на общую пользу, проявление заботы о людях, бережное отношение к природе и т.д. На основе понимания структурных компонентов патриотизма и конкретизирующих их показателей мы определили критерии воспитанности патриотизма у детей 6-7 летнего возраста. При этом учитывались: степень овладения школьниками знаниями о родной стране (обществоведческий кругозор), характер проявления ими эмоций и чувств (эмоциональная отзывчивость), отношение к социально значимой деятельности (социальная активность). Измерение признаков проявления каждого из критериев позволяет определить уровень воспитанности у детей чувства патриотизма.

Критерии уровня воспитанности патриотизма, показатели и характеристика их проявления Критерии Признаки их проявления.

Показатели адекватность (соответствие знаний действительным явлениям) а) элементарные знания о социальном устройстве общества, объем (доступная возрасту полнота знаний о городе, крае, стране) б) знания о жизни узбекского народа степень обобщенности (понимание и использование в речи понятий)

в) исторические сведения. Обществоведческий кругозор наличие оценочных суждений (умение высказать свое отношение, дать оценку конкретным событиям)

г) знания о природе родного края, переживание и сопереживание в процессе озна-

ком-ления с окружающим миром (сосредоточенность, оживление, удивление, восторг, радость, огорчение и т.д.) Эмоционально-чувственная отзывчивость эмоционально положительное отношение к занятиям по ознакомлению с родной страной (ожидание, внимание, дисциплинированность, активность, эмоциональные ответы)

а) любовь к родному городу, краю, стране

б) гордость за трудовые и боевые успехи российского народа.

в) уважение к истории народа стремление обогатить свои обществоведческие знания (темы бесед детей между собой, содержание вопросов к взрослым, интерес к книгам с определенным содержанием)

г) восхищение произведениями народного творчества (фольклор) выражение детьми эмоционального состояния в деятельности (тематика, содержание творческих игр и рисунков).

д) любовь к родному языку интерес и положительное отношение к труду на общую пользу (удовлетворение, радость от деятельности для других людей).

е) любовь и восхищение природой родного края, самостоятельность; инициативность

а) умение оказать помощь взрослым, проявить заботу о людях умение довести дело до конца;

б) желание участвовать в общественно-полезном труде добросовестность; дисциплинированность; ответственность

в) бережное отношение к природе, вещам, общественному имуществу заинтересованность активность

г) умение отразить полученные знания в творческой деятельности

Социальная активность мотивы участия в общественно-полезной деятельности

д) стремление выполнить задание взрослого, доставить радость другим

Реализация выдвинутых в исследовании задач поставила нас перед необходимостью исторического анализа и содержания современной методической литературы и сценариев прошлых лет особенностей развития эмоциональной и деятельностной сторон личности ребенка, составляющих педагогическую основу воспитания патриотизма. Изучение прошлого опыта поможет пониманию многолетней традиции по воспитанию патриотизма узбекского народа, извлечь лучшее, что было в духовно-моральной сфере, и использовать его в современной практике школ и учебно-воспитательных комплексов «детский сад – школа».

#### Литература:

1. Кулиш И.М. Дидактическая игра как средство активизации учебной деятельности университетов: Автор. дис. ... канд.пед.наук. –Киев, 2003. –20 с

2. Бабанский Ю.К. Методика исследования типичных затруднений в деятельности учителей //О дидактических затруднениях в деятельности учителей и путях их преодоления. –М: РГПИ, 1974. –С. 12-56

3. Психолого-педагогический словарь для учителей и руководителей общеобразовательных учреждений / Авт. сост. В.А. Мижериков; под общ. ред. П.И. Пидкасистого. - Ростов-на-Дону: Феникс, 1998. - 544 с.

4. Курмаев Теймур Эльдарович Формирование патриотизма молодежи средствами туристско-рекреационной деятельности. Диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук Казань 2015

5. Нечаева В. Г. Основы дошкольной педагогики. М : .1980г. 16-17стр.

РЕЗИОМЕ

Ko'rib chiqilayotgan muammoga yondashuvni belgilaydigan qoidalar masalasi bo'yicha ilmiy ishlar va davlat hujjatlari tahlili bolalarni vatanparvarlik tarbiyasining mohiyati, tuzilishi va xususiyatlari boshlang'ich maktab yoshi, bu nazariy jihatdan ajralib turishga imkon berdi.

РЕЗИОМЕ

Проведен анализ научных работ и государственных документов по вопросу

сущности, структуры и особенностей патриотического воспитания детей младшего школьного возраста, который позволил вычлнить теоретические положения, определяющие подход к рассматриваемой проблеме.

SUMMARY

In this article the author leans on the analysis of philosophical pedagogical works and the state document concerning essence, structures and features of patriotic junior pupils' education. This analysis allowed to isolate theoretical positions which define the approach to a considered problem.



## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

### ТАЛАБАЛАРНИНГ САЛОМАТЛИККА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Мирзаева С. Р.*

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
“Психология” кафедраси таянч докторанти*

**Таянч сўзлар:** саломатлик, муносабат, психологик хусусият, кадрият, соғлом турмуш тарзи.

**Ключевые слова:** здоровье, отношение, психологическая черта, ценность, здоровый образ жизни.

**Key words:** health, attitude, psychological trait, value, healthy lifestyle.

Жисмоний ва психик саломатлик - дунёнинг барча халқларида, инсон ва жамятнинг энг катта хазинаси бўлиб келган ва ҳозирги кунда ҳам, шундайлигича қолмоқда. Бироқ, соғлиққа катта аҳамият берилишига қарамай, узоқ вақт давомида «соғлиқ» тушунчаси аниқ илмий таърифга эга бўлмаган. Бугунги кунда, “соғлиқ” тушунчасини таърифлашда турли хил ёндашувлар мавжуд. Айни дамда, кўпчилик муаллифлар бу атама борасида бир-бирлари билан фақат бир масалада, яъни, ҳозирда «индивид саломатлиги» деган ягона, умумэътироф этилган, илмий асосланган тушунча йўқлигида ҳамфикрлар.

П.И Кальё ўз рисоласида, дунёнинг турли мамлакатларида ва турли даврларда шаклланган инсон саломатлигига оид 79 та тушунчани ўрганиб чиқган. Соғлиқни аниқлашнинг энг одатий, энг кенг тарқалган белгиларини ажратиб оламиз:

Организмнинг уни ташкил этишнинг барча даражаларида нормал ишлаши: тана; органлар; гистологик, хужайра ва генетик тузилмалар; индивидуал яшаш ва кўпайишга ёрдам берадиган физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг нормал кечиши. Норма ва норма бўлмаган (касаллик) вазият ўртасида қатъий, ажратувчи чегара мавжуд эмас. Бу чегара – ноаниқ бўлиб, индивидуал ҳисобланади. Бир киши учун норма ҳисобланган ҳолат, бошқа киши учун касаллик ҳисобланади.

2. Тананинг динамик мувозанати ва унинг атроф-муҳит билан боғлиқ функциялари. Айни дамда, баъзи муаллифлар танадаги ички мувозанатни сақлашга эътибор берса, бошқалари унинг атроф-муҳит билан мувозанатига эътибор беришади.

3. Асосий ижтимоий функцияларни тўлақонли бажариш, ижтимоий фаолият юриши ва ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш қобилияти.

4. Организмнинг атроф-муҳитдаги доимий ўзгариб турадиган яшаш шароитларига мослашиш қобилияти, нормал ва кўп қиррали ҳаётни таъминлаб ва танадаги ҳаёт тамойилини сақлаган ҳолда, организмнинг ички муҳитида барқарорликни сақлаш қобилияти.

5. Касаллик, оғриқли ҳолат, оғриқли ўзгаришларнинг йўқлиги, яъни касаллик белгилари ёки бирон бир бузилиш бўлмаган вазиятдаги организмнинг оптимал фаолияти.

6. Тўлиқ жисмоний, маънавий, ақлий ва ижтимоий фаровонлик, жисмоний ва маънавий тушларнинг уйғун ривожланиши, организмнинг бирдамлик принципи, барча органларнинг ўзини ўзи тартибга солиш ва мувозанатда ўзаро ҳамкорлиги.

Турли муаллифлар томонидан илгари сурилган соғлиқнинг муҳим белгиларини таҳлилини якунига етказар экан, П.И.Калью, соғлиқ тушунчаси таърифларининг барча хилма-хиллиги, бир қатор концептуал моделларга мувофиқ тақсимланиши мумкинлигини таъкидлайди: Соғлиқнинг тиббий модели. Соғлиқнинг биотиббий модели. Соғлиқнинг биосоциал модели. Соғлиқнинг ижтимоий-қиймат модели.

Г.Л. Апанасенко ўз асарларида инсон - тана, психика ва психик элементни ўз ичига оладиган куйи тизимларнинг пирамидал тузилиши билан тавсифланувчи биоэнергоаборот тизими сифатида қўриб чиқилган вазиятда, соғлиқ тушунчаси ушбу тизимнинг уйғунлигини назарда тутишига эътибор қаратади.

Ҳар қандай даражадаги хатоликлар бутун-бир тизимнинг барқарорлигига таъсир ўтказади. А.Кураев, С.К.Сергеев ва Ю.В.Шленовларнинг таъкидлашича, соғлиқнинг кўплаб таърифлари - инсон танаси қаршилик кўрсатиши, мослашиши, енгиб чиқиши, ўз имкониятларини сақлаши, кенгайтириши лозимлигидан келиб чиқади. Муаллифларнинг таъкидлашича, саломатлик тушунчасига бундай ёндашув оқибатида, инсон - тажовузкор табиий ва ижтимоий муҳитда жойлашган жангари мавжудот сифатида намоён бўлади.


Тадқиқотчилар, соғлиқни инсон танасининг асосий функциялари (шартсиз рефлексли генетик дастурни амалга оширилиши, инстинктив фаолият, генератив функция, туғма ва орттирилган асаб фаолияти) асосида аниқлаш гоёсини илгари суришмоқда.

Бунга қўра, саломатлик - организм ўзаро таъсирлашувчи тизимларининг ҳаётнинг ижтимоий ва маданий соҳаларига йўналтирилган шартсиз рефлекс, инстинктив жараёнлар, генератив функциялар, ақлий фаолият ва фенотипик хатти-ҳаракатларнинг генетик дастурларини амалга оширилишини таъминлаш қобилияти деб таърифлаш мумкин. Аксарият рисоалар, мутлақ соғлиқ - мавҳум тушунча эканлигини таъкидлайди. Инсон саломатлиги нафақат биотиббий, балки, энг аввало, ижтимоий ишлаб чиқариш усулига боғлиқ бўлган ижтимоий шароит ва омиллар билан белгиланадиган ижтимоий тоифадир. А.Я.Иванюшкин саломатлик қийматини таснифлашнинг учта даражасини тақлиф этади:

- биологик - бирламчи саломатлик тананинг ўзини-ўзи тартибга солиш хусусияти такомиллигини, физиологик жараёнларнинг уйғунлигини ва натижада минимал мослашувни ўз ичига олади;
- ижтимоий - саломатлик ижтимоий фаолият ўлчови, инсоннинг дунёга фаол муносабати ҳисобланади;
- шахсий, психологик - саломатлик бу касалликнинг йўқлиги эмас, аксинча уни енгиш маъносига рад этишдир. Соғлиқ бу ҳолатда нафақат организмнинг ҳолати, балки «инсон ҳаёти стратегияси» .


Инсоният популяциясининг саломатлик мезонлари таркибига уни ташкил қилувчи одамларнинг индивидуал хусусиятларидан ташқари - туғилиш даражаси, наслнасабнинг саломатлиги, ирсий хилма-хиллик, аҳолининг иқлимий-географик шароитларга мослашиши, турли хил ижтимоий ролларни бажаришга тайёрлиги, ёш таркиби ва бошқалар қиради.

Шундай қилиб, саломатлик - шахсиятнинг ички дунёси, атроф-муҳит билан бўлган муносабатларнинг ўзига хослиги, жисмоний, ақлий, ижтимоий ва маънавий жиҳатларни қамраб олувчи интегратив характеристика сифатида ўрганилади. Лекин, бу ўз-ўзидан мақсад



сифатида қабул қилинмаслиги керак; бу инсоннинг ҳаётий имкониятларини тўлиқ амалга ошириш учун воситаси ҳисобланиб, саломатликни жараён ва ҳолат сифатида тавсифлайди.

Биз тадқиқотимиз давомида талабаларнинг саломатликка бўлган муносабатини тадқиқ этиш мақсадида Дерябо ва Ясвинларнинг “Саломатликка бўлган муносабат индекси”



Курслар кесимида саломатликни қадрият сифатидаги баҳолари кросстабуляцияси

методикасидан фойдаландик. Методиканинг илк шкаласи соғлиқни қадрият сифатида кей даражада эътироф этишларини баҳолашга мўлжалланган. Курслар кесимида саломатликни қадрият сифатидаги баҳолари кросстабуляцияси (ўзгарувчилар кесиммаси диаграммаси) амалга оширилганда барча курсларда саломатликка қадрият сифатида қараш аксарият талабаларда мавжудлиги аниқланди:

**Курслар кесимида саломатликни қадрият сифатидаги баҳолари кросстабуляцияси**

Курслар	Саломатлик қадрият сифатида (даражаси)		
	1-куйи	2-ўрта	3-юқори
1-курс	1,7%	16,5%	81,8%
2-курс	0%	48,6%	51,4%
3-курс	6,1%	16,2%	77,8%

Кросстабуляция - маълумотни тақдим этишнинг кенг тарқалган усули бу икки ўлчовли жадваллар бўлиб, унда битта ўзгарувчининг қийматлари бошқасининг қийматларига мос келади.

Курслар кесимида саломатликни қадрият сифатидаги баҳолари кросстабуляцияси-диаграммасида кўриниб турибди-ки, курслар кесимида саломатликни қадрият сифатида баҳолашнинг куйи даражалари фақат 1-нчи ва 3-нчи курс талабалари орасида кузатилади. 2-нчи курс талабаларида куйи даражада баҳолаш мавжуд эмас. Бироқ шу билан бирга, саломатликни қадрият сифатида ўрта ва юқори даражада баҳоловчи талабалар миқдори нисбатан тенг тақсимланган. Ваҳоланки 1-нчи ва 3-нчи курс талабалари саломатликни олий қадрият сифатида талабаларнинг умумий миқдорига нисбатан анча салмоқлилиги кўзга ташланади.

Методиканинг 2-нчи шкаласи “Талабаларнинг турмуш тарзини уйғунлиги”ни, 3-нчи шкала “Талабаларни соғлиқни сақлашнинг маданий стандартлари даражаси”ни, ва 4-нчи шкаласи “Соғлиқни сақлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдаги талабалар иштироки”ни ўрганишга ёрдам берган. Биз дастлабки натижаларни Стъюдентнинг тобе гуруҳларнинг ўртачаларини қиёслаш статистик мезони бўйича ўзаро қиёслашга ҳаракат қилдик.

Олинган натижалар куйидаги жадвалда ўз ифодасини топди.

**Саломатликка бўлган муносабат шкалалари қиёсий статистикаси**

	Ўртача	N	Стандарт оғиш	t
Жуфтлик 1 Турмуш тарзи уйғунлиги	51,0121	331	15,90082	-1,762
Соғлиқни сақлаш стандарти	53,6828	331	24,02232	
Жуфтлик 2 Турмуш тарзи уйғунлиги	51,0121	331	15,90082	14,406***
Тарғиботдаги иштироки	32,2236	331	20,24033	
Жуфтлик 3 Соғлиқни сақлаш стандарти	53,6828	331	24,02232	15,381***
Тарғиботдаги иштироки	32,2236	331	20,24033	

Жадвалда берилган статистик параметрлар шуни курсатмоқдаки, талабаларда энг кичик қийматга шкала “Соғлиқни сақлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб

қилишдаги талабалар иштироки”дир  $\bar{x} = 32.224$ ,  $s = 20.240$ , турмуш тарзи уйғунлиги шкаласи  $\bar{x} = 51.0121$ ,  $s = 15.901$ , соғлиқни сақлашнинг маданий стандарти шкаласи эса  $\bar{x} = 53.6828$ ,  $s = 24.02232$ . шуни алоҳида таъкидлаш керакки, турмуш тарзи уйғунлиги ва соғлиқни сақлашнинг маданий стандарти шкалалари кўрсаткичлари статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда соғлом турмуш тарғиботидаги иштироки шкаласи кўрсаткичларидан юқорирокдир ( $p=0.001$ ).

Бундан кейин Саломатликка бўлган муносабат шкалаларининг ўзаро корреляциясини тадқиқ этиб кўрдик.

#### Саломатликка бўлган муносабат шкалалари ўртасидаги корреляцион алоқалар

	N	корреляция	оғиш
Жуфтлик 1 Турмуш тарзи уйғунлиги & соғлиқни сақлаш стандарти ўртасидаги алоқа	331	,091	,098
Жуфтлик 2 Турмуш тарзи уйғунлиги&тарғиботдаги иштироки ўртасидаги алоқа	331	,155	,005
Жуфтлик 3 Соғлиқни сақлаш стандарти&тарғиботдаги иштироки ўртасидаги алоқа	331	,352	,000

Турмуш тарзи уйғунлиги билан соғлиқни сақлашнинг маданий стандартлари ўртасидаги корреляция  $r=0.091$  ( $p=0.098$ ), яъни мазкур шкалалар ўзаро боғлиқ эмаслиги қайд этилди. Турмуш тарзи уйғунлиги шкаласи билан соғлом турмуш тарғиботидаги иштирок шкаласи ўртасидаги корреляцион алоқа ижобий экани кўзга ташланади:  $r=0.155$  ( $p=0.005$ ). Соғлиқни сақлаш маданий стандартлари шкаласи билан соғлом турмуш тарғиботидаги иштирок шкаласи ўртасидаги корреляцион алоқа ҳам ижобий экани кўзга ташланади:  $r=0.352$  ( $p=0.000$ ).

Мазкур методиканинг якуний таҳлилида Саломатликка бўлган муносабат индекси ҳисобланиб чиқилди.

Мазкур индекснинг минимал кўрсаткичи 21.67 ни максимал кўрсаткичи 105 ни,  $\bar{x} = 45.6395$ ,  $s = 13.94871$  ни ташкил қилди. Ушбу ўртача кўрсаткич куйи даражага тўғри келади.

#### Саломатликка бўлган муносабат индекси

	N	Minimum	Maximum	Ўртача	Стандарт оғиш
жами Valid N (listwise)	331 331	21,67	105,00	45,6395	13,94871

1-нчи ва 2-нчи курсларнинг саломатликка бўлган муносабат индекси шкаласи қийматлари ўзаро қиёсланганда 1-нчи курслар қиймати  $\bar{x} = 42.031$ ,  $s = 14.031$  ни, 2-нчи курслар қиймати  $\bar{x} = 48.9039$ ,  $s = 10.49891$  ни,  $p=0.000$ , яъни статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда фарқли эканини кўрсатди.

#### Саломатликка бўлган муносабат индекси

курс	N	Ўртача	Стандарт оғиш	p
жами 1,00	121	42,1488	14,03131	0.000
2,00	111	48,9039	10,49891	

2-нчи ва 3-нчи курсларнинг саломатликка бўлган муносабат индекси шкаласи қийматлари ўзаро қиёсланганда 2-нчи курслар қиймати  $\bar{x} = 48.9039$ ,  $s = 10.49891$  ни, 3-нчи курслар қиймати  $\bar{x} = 46.2458$ ,  $s = 16.21382$  ни,  $p=0.156$ , яъни статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда фарқли эмас эканини кўрсатди.

Саломатликка бўлган муносабат индекси

курс	N	Ўргача	Стандарт оғиш	t
жами	2,00	111	48,9039	10,49891
	3,00	99	46,2458	16,21382

Хулоса қиладиган бўлсак, саломатликни баҳолаш индексини ўрганиш натижалари кўра:

1. Талабалар саломатликни кадрият сифатида юқори даражада баҳолашади;
2. Саломатликни кадрият сифатида юқори даражада баҳолашсада, соғлом турмуш тарзига рия қилишмаслиги, пассивлик, инсон саломатлиги тўғрисида билим олиш жараёнида, ўзини такомиллаштириш ва ўзини намоён қилиш чоғида намоён бўлади;
3. 1-нчи курсларда саломатликка муносабат индекси 2-нчи ва 3-нчи курсларда статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда юқори экани, бироқ умумий қийматга нисбатан куйи даражада экани аниқланди;
4. Турмуш тарзи уйғунлиги билан соғликни сақлашнинг маданий стандартлари ўртасидаги корреляция  $r=0.091$  ( $p=0.098$ )ни ташкил қилган, яъни мазкур шкалалар ўзаро боғлиқ эмаслиги қайд этилди.
5. Турмуш тарзи уйғунлиги шкаласи билан соғлом турмуш тарғиботидаги иштирок шкаласи ўртасидаги корреляцион алоқа ижобий экани аниқланди ( $r=0.155$ ,  $p=0.005$ ).
6. Соғликни сақлаш маданий стандартлари шкаласи билан соғлом турмуш тарғиботидаги иштирок шкаласи ўртасидаги корреляцион алоқа ҳам ижобий экани кўзга ташланди ( $r=0.352$ ,  $p=0.000$ ).

#### Адабиётлар:

1. Апанасенко, Г.А. Охрана здоровья здоровых: некоторые проблемы теории и практики / Г.А. Апанасенко // Валеология: Диагностика, средства и практика обеспечения здоровья. - СПб., 1993. - С.49-60.
2. Здоровье, развитие, личность / под ред. Г.Н. Сердюковой, Д.Н. Крылова. - М., 1990. - 360 с.
3. Иванов, С.Л. Особенности самосознания госслужащих и их отношения к здоровому образу жизни / С.Л. Иванов // Ученые записки университета им. П.Ф.Лесгафта [Электронный доступ]. - 2007. - Режим доступа: . - Дата доступа: 22.-2.2015.
4. Иванюшкин, А.Я. Медицина XXI века: новые этнические подходы/ А.Я. Иванюшкин // Медицинская сестра - 2006. - N2 - С. 42-44.
5. Касаткина, Н.Э., Семенкова, Т.Н. Ценности здоровья студентов ВУЗа в условиях современного образовательного учреждения / Н.Э. Касаткина, Т.Н. Семенкова // Вестник КемГУКИ. - 2011. - N 17. - С. 140-147.
6. Никифоров, Г.С. Психология здоровья / под ред. Г.С.Никифорова. - СПб., 2006 - 607 с.
7. Хухлаева О.В. Основы психологического консультирования и психологической коррекции: Учебное пособие для вузов. М., Академия, 2001. -208 с

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада талабаларнинг саломатликка бўлган муносабатларининг психологик хусусиятлари илмий асосланган, шу бирга амалий тавсиялар берилган. Талабалар томонидан саломатликни кадрият сифатида юқори даражада баҳолансада, соғлом турмуш тарзига рия қилмаслик, пассивлик кузатилади. Бу эса инсон саломатлиги тўғрисида билим олиш жараёнида, ўзини такомиллаштириш ва ўзини намоён қилиш жараёнида намоён бўлади. Олиб борилган тажрибасинов ишларининг натижалари статистик таҳлил қилинган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье приведены научные основы психологических особенностей отношения студентов к здоровью, а также даны практические рекомендации. Хотя студенты высоко ценят здоровье, отсутствует приверженность здоровому образу жизни и пассивности. Это проявляется

в процессе изучения здоровья человека, в процессе самосовершенствования и самовыражения. Результаты экспериментальной работы были статистически проанализированы.

## SUMMARY

The article presents the scientific foundations of the psychological characteristics of the attitude of students to health, as well as practical recommendations. Although students highly value health, there is a lack of commitment to a healthy lifestyle and passivity. This is manifested in the process of studying human health, in the process of self-improvement and self-expression. The experimental results were statistically analyzed.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

*Розиқова М.О.*

*Навоий давлат педагогика институти, «Факултетлараро  
жисмоний маданият» кафедраси катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** талабалар, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш тадбирлари, таълим жараёни.

**Ключевые слова:** студенты, физическая культура и спорт, оздоровительные мероприятия, учебный процесс.

**Key words:** students, physical culture and sports, recreational activities, educational process.

Жисмоний тарбия ва спорт инсон ҳаётининг барча босқичларида соғлиқ ва фаол ҳаёт тарзини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб келинган. Албатта, жисмоний тарбия турли спорт мактаблари, умумтаълим мактаблари, олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшлар ҳаётининг барча жараёнларида муҳим аҳамият касб этган бўлса, спорт айнан соғлиқни сақлаш ҳамда спорт таълими натижаларини қўлга киритишда ва инсоннинг ижтимоий ва шахсий ривожланишида катта аҳамиятга эгадир.

Глобаллашув шароитида стабил ва стратегик муаммолардан бири ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишини ташкил этиш муаммоларини тубдан ҳал этишига боғлиқдир. Айниқса олий таълим муассасаларида бўлғуси касб эгаларини тайёрлашда сифатни яхшилаш жараёни талабаларда жисмоний маданиятни ривожлантириш, уларни жисмоний машқлар орқали чиниқтириш, соғлигини яхшилаб бориш, фаолияти юқори натижаларни қўлга киритишда жисмоний тарбиянинг ҳам алоҳида ўрни, аҳамияти борлигини талабалар онгига сингдириш зарур масалалардан биридир.

Бугун спортни давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш бўйича муҳим таъсир кўрсатади ва профессионал спорт билан яқин муносабатлар мавжуд.

Жисмоний тарбия натижасининг барқарорлиги шуғулланувчининг шахсига таъсир кўрсатиши сабаби сифатида танага бўлган муносабати билан белгиланади. Бундай ҳолда ўқувчи-талабани жисмоний маданият бўйича баҳолашнинг асосий мезони сифатида унинг индивидуал мойиллиги (аксиологик лаёқати), масалан, унга юклатилган мажбуриятни бажара олишига сарфлайдиган куч-ғайрати, морфологик вазифаларга мойиллиги (инструментал лаёқати) олдида белгиланган меъёрларни ҳурмат қилиши, масалан, ҳаракатлантирувчи билими ва қобилияти қабул қилиниши асосли ҳисобланади.

Жисмоний маданият педагогикасининг янги парадигмаси маориф муассасаларидан талабаларда ўз билим ва қўникмаларини, жисмоний тайёргарликларини, интеллектуал салоҳиятларини, шунингдек, индивидуал лаёқатларини доимий равишда такомиллаштириб туришларига хоҳиш-истакларини уйғотувчи дидактик ва тарбиялаш жараёнини ташкил этишни талаб қилади.



Маълумки, ҳозирги вақтда замонавий маориф тизимининг зарурий қисми сифатида талабаларнинг мустақкам саломатлигини, жисмоний ва руҳий ҳаракатлари ривожланишини, шунингдек, мунтазам фаол ҳаракатдан завқ олишни кафолатловчи жисмоний тарбия қабул қилинган.

Ёшларни ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб етишишида жисмоний маданият таълимини миллий қадриятларга таянган ҳолда замонавий кўринишда ташкил этиш, жисмоний маданият, жисмоний тарбия, соғломлаштириш, жисмоний камолот, жисмоний ривожланиш, саломатликни мустақкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда янгича ёндашув асосида ўтказишни тақозо этмоқда. Жисмоний тарбиянинг вазифаси соғлиқни сақлаш, жисмоний сифатларни ўстириш, ёш авлодни ақлий ва жисмоний меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлашдир. Бу ғоя азал – азалдан ота боболаримизнинг маънавиятида акс этиб келмоқда. Жумладан, халқ ижодида “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби бир қанча дostonларда ҳам ўз ифодасини топган. Шахснинг жисмоний камолоти тарихий тараққийнинг барча жабҳаларида улуғланган ва қадрланган. Жисмоний маданият тушунчаси - халқ маданиятининг бир қисми сифатида қаралади. Жисмоний маданият кишилик жамияти томонидан тўпланган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси, ундан кишиларнинг камолоти учун фойдаланилади.

Жисмоний маданият - жамият аъзолари жисмоний камолотга эришишини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун махсус воситалар, методлар ва шароитларни яратиш ва улардан рационал фойдаланиш бўйича эришилган ютуқларнинг мажмуасидир.

Жисмоний маданият жамиятнинг ривожланишида маълум хизматларни бажаради:

1. Инсон ҳаракат фаолиятини рационал меъёри (нормалари)ни белгилаш.
2. Жисмоний тарбияга оид маданий ахборотни тўплаш (ахборийлик) хизмати ва уни авлоддан авлодга узатиш ва тарқатишга воситачилик қилади.
3. Шахслараро мулоқот, ўзаро алоқа (коммуникативлик) муносабатларини шакллантириши.
4. Шахснинг ҳаракат эстетикаси талабини қондириш билан боғлиқ (эстетикага оид) хизмати.

1. Инсоннинг доимий ҳаракат қилишга бўлган табиий талабини қондириш билан боғлиқ бўлган ва унинг кундалик турмуш учун лозим даражадаги жисман-яроққилик ҳолатини таъминлаш (биологик) хизмати.

Жисмоний маданиятнинг бошланғич замини шартли равишда «мактабгача ва мактабнинг жисмоний маданияти» орқали яратилади. Бу билан мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув тарбия муассасаларида жисмоний маданият ўқув дarsi сифатида мажбурий машғулот эканлигини тушунамиз. Бу, ўз навбатида умумий жисмоний маълумот учун асос яратади, жисмоний қобилиятларининг ҳар томонлама ривожланиши, мустақкам соғлиқ базасининг вужудга келишига сабабчи бўлади. Бу билан ҳар томонлама шахс учун зарур бўлган жисмоний салоҳият даражасининг асосини яратишга кафолат вужудга келади.

Мактаб жисмоний маданияти эса тарбияланувчида жисми тарбияси учун заминни шаклланишига асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шундай экан жисмоний маданият таълимини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари асосида ташкил этиш таълимнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги замонда олий таълим муассасалари профессор - ўқитувчилари олдида катта вазифалар қўйилмоқда. Бу борада 2018 йил 5 июньдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда

фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги қарори таълим тизimini янги босқичга олиб чиқди.

Албатта, мазкур ҳужжат кадрлар тайёрлашда муҳим қадам. Олий таълим тизimini ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратилишига асос бўлди. Ушбу қарор ижроси сифатида барча олий таълим муассасаси талабаларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, шунингдек соғлом турмуш тарзини талабалар онгига сингдириш мақсадида, оммавий эрталабки бадантарбия, турли спорт турлари бўйича тўғарақлар, спорт тадбирлари ташкил қилиниб, талабалар жалб қилинди.

Талабалар учун ташкил этилган жисмоний тарбия тадбирларига: эрталабки бадан тарбия, жисмоний тарбия дарслари, спорт тўғарақ машғулоти, спорт соғломлаштириш мусобақалари ва миллий байрамларда ташкил этиладиган турли халқ ўйинлари қабиладир.

Эрталабки бадантарбия машғулоти талабалар ётоқхонасида оммавий ҳолда, яшаш жойлари ва оилада мустақил ҳолда бажарилади. Талабаларни таълим муассасалари ва яшаш жойларида ташкил этиладиган эрталабки бадантарбия машғулоти, жисмоний тарбия дарслари, спорт тўғарақларидаги машғулоти, спорт байрамлари ва мусобақалари, дам олиш кунларида ташкил этиладиган сайёҳлик юришлари ва туризм машғулоти, оилада олиб бориладиган ижтимоий фойдали меҳнат жараёнлари ҳамда соғлом турмуш тарзининг организмга ижобий таъсири бекиёс ҳисобланади. Таълим муассасаларида ташкил этиладиган жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш тадбирлари жисмоний тарбия дастури асосида ташкил этилади. Жисмоний тарбия дастурида талабаларни жисмоний тарбия дарсларининг материаллари ҳамда жисмоний тарбиядан сифдан ташқари ишларнинг мазмуни замонавий талаблар асосида шакллантирилган. Шу билан бирга талабалар жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш тадбирлари жараёнларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг организмга ижобий таъсири ҳамда жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланиш, табиат омиллари сув, кўёш ва ҳаво ёрдамида чиниқтириш муолажалари қабул қилиш қоида ва талаблари ҳақида назарий маълумотларга эга бўлиб борадилар. Бундай назарий маълумотларни беришда мамлакатимиз ва ҳорижий мамлакатларининг йетук мутахассислари адабиётлари ва кўрсатмаларидан ҳамда интернет материалларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Талабаларнинг таълим муассасалари ва яшаш жойлари ҳамда оилада жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш ишларини самарали ташкил этиш мамлакатимиз келажаги ёш авлоди жисмонан баркамол ва маънавий етук инсон қилиб тарбиялаш ҳамда жамиятимизнинг фаол аъзоси бўлишини таъминлайди. Жисмоний тарбия ва спортнинг асосий тушунчалари ҳақида жисмоний тарбия ва спорт бўйича замонамизнинг етук мутахассислар қўлаб таълимоти яратганлар. Шундан профессор А.Ашмариннинг таълимоти кенг мазмунга эга. Жисмоний тарбия назарияси жисмоний маданиятнинг қонуниятларини таҳлил етувчи илмий амалий фан. Жисмоний тарбия назариясининг асосий тушунчалари: жисмоний ривожланиш, жисмоний тарбия, жисмоний тарбия тизими, жисмоний камолот ва жисмоний маданият. Шу тушунчалар орқали жисмоний тарбия назариясининг моҳияти ва асосий қонуниятлари ўрганилади. Улар доимо ўзгариб кенгайиб ва чуқур мазмун акс эттириб келади. Жисмоний ривожланиш-тарбиянинг таъсирида организмда биологик шакллар ва функцияларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва такомиллашувидир. Бу жараён организм ва унинг яшаш муҳити тузилиши, ўзгариши ҳамда миқдор ва сифат ўзгаришлар қонуниятларига бўйсунди. Ижтимоий тараққиёт натижасида жисмоний хусусиятлар ишлаб чиқариш, маданият фан ва спорт соҳасида юксак натижаларга эришиш имкониятини яратди. Наслдан наслга ўтадиган табиий ҳаётнинг кучлар ва организмларнинг тузилиши, инсон жисмоний ривожланиши учун асос бўлади. Лекин жисмоний ривожланишнинг ёналиши, унинг характери, даражаси, шунингдек, инсон ўзида камол топтирадиган фазилатлар

ва қобилият турмуш шароитлари ва тарбияга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жисмоний ривожланиш қонунларини эгаллаш, улардан жисмоний тарбия мақсадларида фойдаланиш-жисмоний тарбия назарияси ва амалиётининг муҳим вазифасидир. Кишиларнинг ижтимоий ҳаёт шароитлари, жисмоний ривожланишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Булар орасида жисмоний тарбия энг муҳим рол ўйнайди. Жисмоний тарбиянинг бир мақсадни кўзлаб инсон жисмоний ҳолатини ўзгартирилиши жисмоний тарбиянинг асосий вазифасидир. Жисмоний тарбия-педагогик жараён, инсон организмни такомиллаштиришга, ҳаракат малакасини ва кўникмасини, маҳоратини шакллантиришга қаратилган. Жамият ҳаёт шароитлари, ов жисмоний тарбия вужудга келишининг асосий сабаби бўлган. Инсоннинг ибтидоий жамоа давриданок яшаш учун курашга, жамоада ўз ўрнини топишга ҳамда ов қилишда жисмоний ҳаракатлар қўл келган. Онгсиз равишда бўлса ҳам одамлар ўзларининг жисмоний сифатлари тезкорлик, кучлилиқ, чидамлилиқ, чاقқонлик, ботирлик хислатларини ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Кўриниб турибдики, жисмоний тарбия инсоният жамияти шаклланиши билан бирга вужудга келган. Одамнинг ҳаёт фаолияти онглидир, унинг ҳаракатларида маъно, мақсад бор. Янги авлод фаолиятни ўзидан аввалги авлоддан ўрганган бўлиб, уларнинг ўртасида билимларни, маҳорат ва малакаларни ўргатишдан иборат алоқа ва давомийликни ўрнатади. Жисмоний тарбияни ўзига хос хусусиятларини нуқтаи назаридан бир бирига сингиб кетган икки гуруҳга бўлиш мумкин. 1. Жисмоний тарбия-саломатликни мустаҳкамлаш мақсадида жисмоний камолотга таъсир ўтказиш, жисмоний сифатларга эга бўлиш ва уларни такомиллаштириш. 2. Жисмоний таълим-маҳсус маҳорат, кўникма ва билим берадиган таълим. Жисмоний тарбиянинг ўзига хос хусусияти жисмоний қобилиятларини ривожлантирувчи восита сифатида хизмат қилишидир, шу билан бирга маънавий камолотга ҳам кучли таъсир этади. Ҳозирги кунда замонавий ҳарбий техника тараққиёти инсон аралашувисиз ҳам жуда катта имкониятларга эга эди. Эндиликда уруш таҳдидлари бартараф этилаётган даврда ҳар бир инсон ўзини, оиласини қолаверса жамиятини ўз кучи ва матонати билан ҳимоя қилишга қодир бўлиши керак. Шунинг учун маҳсус хизмат қисмларида спорт тайёргарлик машғулотларига катта эътибор берилади. Машғулотлар яққа курашлар, ҳар қандай шароитда яшаб қолиш ҳамда ҳар қандай жойларда ҳаракатланиш қобилиятларини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган бўлади. Жисмоний тарбиянинг шахсни ҳар тарафлама камол топтириш тамойили: Жисмоний тарбия жараёнида ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбия вазифаларини ҳал этиш учун жуда катта имкониятлар бор. Бу вазифаларни ҳал этиш шахсни ҳар тарафлама камол топтириш омили сифатида жисмоний тарбиянинг родини кенгайтириб, бевосита жисмоний тарбиянинг ўз муваффақиятини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ф.А. Керимов. Спорт кураши назарияси ва услубиёти. Тошкент 2001 й.
2. Алпомиш ва Барчиной (маҳсус тест). Тошкент 2004 й.
3. Ш.К. Павлов. Мусобақа қоидалари, уларни ташкил этиш. Тошкент 2007 й.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада талабалар ўртасида жисмоний тарбия ва таълим услубларидан фойдаланиш тартиблари тўғрисидаги қарашлар. Жисмоний тарбия жараёнида ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбия вазифаларини ҳал этиш муаммолари муҳокама қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются взгляды на использование физической культуры и методов обучения среди студентов. В процессе физического воспитания обсуждались проблемы решения задач умственного, нравственного и эстетического воспитания.

SUMMARY

This article examines the views on the use of physical culture and teaching methods among students. In the process of physical education, the problems of solving the problems of mental, moral and aesthetic education were discussed.

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ТАЪЛИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Джумаева Х.Ш.*

*Навоий Давлат педагогика институти, «Факультетлараро  
жисмоний маданият» кафедраси катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** такомиллаштириш, жисмоний маданият, кадрият, миллат, онг, тафаккур, халқ, жисмоний маданият, ўйин.

**Ключевые слова:** совершенствование, физическая культура, ценность, нация, ум, мышление, народ, физическая культура, игра.

**Key words:** improvement, physical culture, value, nation, mind, thinking, people, physical culture, play.

Инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар кун, соат сайин ортиб бормоқда. Бу аввало атроф муҳитни ифлосланиши даражасининг ўсиб бориши, иқлим ўзгариши, инсон ҳаётида асабий таъсирчанлик вазиятларнинг ортиши, инсонлар ўртасида меҳрнинг қахатланиб бориши, одамларнинг молпарастликка ўчлиги, бойпарастликка интилишининг ўсиши, одамларни ўзига жалб қилувчи моддий бойликларнинг янги янги жилвалари (хилма хил кийинишлар, машиналар, уй-рўзғор буюмлари, янгича ҳашаматли уйларнинг қурилишлари, дабдабали тўйларни ўтказилиши, таъма, порахўрлик (коррупцион) фаолият орқали беҳуда ўта бойиб кетишга интилиб миллионлаб доллар, миллиардлаб сўмларни йиғишга бўлган асаб бузарликлар каби фаолиятларининг кўпайиб бориши) инсонларни маънавий жисмоний саломатлигига салбий таъсир қилмай қолмайди, албатта.

Шу ўринда ўз саломатлигини емириш эвазига бойлик сари интилаётганларга, Нуҳ пайғамбаримиз тўққиз юз йилдан ортиқ умр кўриб, битта чайлада яшаганларидан кейин умрлари охирида шунча қисқа яшашимни билганимда шу чайлани ҳам қурмаган бўлар эдим, деганларини эслатиб ўтмоқчимиз.

Ушбу ишимизнинг мақсади, инсон саломатлигини мустаҳкамлашда одамларнинг ўқувчилик даврида жисмоний маданият таълимини такомиллаштиришнинг аҳамиятини назарий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат.

Инсон саломатлигини мустаҳкамлашга, соғлом бўлиб яшашига жуда кўп олимлар ўз ҳиссаларини қўшиб келганлар. Жумладан, Геппократ, Сукрот, Арасту, Ибн Сино ва бошқалар. Жумладан Ибн Синонинг бадан тарбия билан мутадил шуғулланганлар дори-дармонга, даволанишга мўхтож бўлмайди дегани. Замоनावий етакчи олимлардан Амосов, ҳаттоки унчалик олим бўлмай, одамларга унчалик таниш бўлмаган оддий инсонлар ҳам одамларни соғлом умр кечирishга даъват қилиб келаётганлар ҳам талайгина. Жумладан, москвалик Михаил Котляров, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидан Амир бобо Иноят, Самарқанд шаҳридан Темир бобо Мансуров, Иштихон туманидан Қаҳрамон бобо ва бошқалар. Бундай инсонларни мамлакатимизнинг турли шаҳар, туманларида кўплаб учратиш мумкин. Бундай инсонлар ўз жисмоний маданиятлари таълимларига асосланиб, саломатликларини ўзлари асраб-авайлаб, у ҳақда ғамхурлик қилиб, уни мустаҳкамлаб келишда бошқаларга, айниқса ёшларга ибрат бўлиб келмоқдалар. Шу билан бир қаторда илмий кузатишларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ёшларимиз, ўзларини нақвирон, соғлом ёшлигида жисмоний ривож ва тайёргарлигини кучайтириш орқали, ўзларида соғлиқ захирасини тўплаш мақсадида, хонадонларида жисмоний фаолликни оширишга интилиб яшаётганларни сони ортиб бориши диққатга сазовор бўлган, инсон саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган муҳим инсон фаолиятларидан бирига айланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг беш ташаббусидан, иккинчисига инсонлар бутун ўз саломатликларни мустаҳкамлашда турли имкониятлардан фойдаланмоқдалар: Жумладан, уй рўзғордаги жисмоний меҳнат билан боғлиқ юмушларидан, махсус юриш, югуришлар, тиббий муолажалар (шифокор, дорихона), махсус мослама (тренажер) ларда жисмоний машқ бажаришлар, хонадонларида қўл бола жисмоний (спорт) машқ бажариш жиҳоз, асбобларни яратиш, уларда ўз жисмоний маданият таълимларидаги билим тажрибасига таянган ҳолда махсус жисмоний машғулотларни амалга ошириш ва х.к.

Ана шу юқорида айтиб ўтилганларнинг барчаси, одамларнинг ўзлари мустақил равишда жисмоний саломатликларини яхшилашга, уни мустаҳкамлашга бўлган интилишлари, ўзларига шароитларни яратишлари, булар шахснинг жисмоний маданиятини шаклланаётганликнинг асосий ифодаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Албатта, саломатлиқни мустаҳкамлашнинг бундай жараёنлари ҳали унчалик илмий ўрганилмаган. Аммо бундай жараён орқали бутун бир оила ёки маҳалла аъзоларининг касалланишини олдини олиб, касал бўлмай соғлом яшаб келаётганлар борлиги амалда кузатишмоқда. Масалан, Фахриддин Ҳоджаевнинг “Жисмоний тарбия ва спорт” журналининг, 2019 йил 3-сонидagi “Қалияс-касал бўлмайдиганлар қишлоғи” ва бошқалар. Юқорида келтирилган илмий кузатиш, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бутун одамлар атроф-муҳитнинг ўз саломатликларига салбий таъсирни тушуниб, ўз саломатликларини жисмоний машғулотлар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо бундай ҳаётий муҳим, зарур жараёнларни қанчалик тўғри бажараётганларини, унчалик чуқур бўлмаган илмий кузатишлар, шуни кўрсатмоқдаки, ҳамма ҳам бу жараёнларни илмий, назарий, услубий амалий йўриқчилик жиҳатдан қанчалик тўғри бажараётганларини назарий билим, кўникма ва малакалари етарли эмаслиги кузатишмоқда. Масалан, юклама ҳажми, унинг жадаллиги ҳар бир инсон ўзининг менталитетига мос жисмоний машғулотни танлай олиши, ана шу танлаган жисмоний машғулотдан қай даражада унумли фойдаланишни амалга ошириши зарурлигига, баъзилар махсус мослама (тренажер)лардан фойдаланмоқдалар. Бировлар ўзлари қўлбола спорт жиҳозини тўғри ясаса, баъзилари хавфсизликка эътибор бермай ясаётганлар ҳам учрамоқда.

Ана шундай ҳайрли хонадонларда мустақил бажариладиган жисмоний машғулотларни услубий жиҳатдан тўғри ташкил қилишни амалга оширишга, одамларни ҳар бирига махсус жисмоний таълимни шакллантириш энг долзарб муаммолардан бири эканлиги илмий кузатишларда аниқланди.

Бундай муҳим долзарб муаммони ҳал қилиш имкониятини аниқлашга қарата олиб борилган илмий изланишлар асосида, қуйидаги имкониятлар аниқланди.

1. Одамлар ўз саломатликларини мустаҳкамлаб бориш, уни асраб авайлаш, у ҳақда ғамхўрлик қилишга ҳаракат қилиш кераклигини тушуниб етмоқдалар;
2. Бундай жисмоний машғулотлар билан одамларнинг ўзлари оммавий равишда тўғри шуғулланишларини ташкил қилишга етарли назарий билим, ташкилий йўриқчилик жиҳатдан амалий машғулотларни бажаришга кўникма малакалар етарли эмаслиги кузатишмоқда;
3. Одамлар мустақил жисмоний машғулотлар билан тўғри шуғулланишнинг билим кўникмаларини шакллантиришга, кадриятлардан фойдаланиш эҳтиёжи сезилмапти;
4. Бундай эҳтиёжни қондиришга мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларидаги жисмоний маданият таълим бериш жараёнларида миллий кадриятларимиздан фойдаланишга етарли имкониятлар мавжуд;
6. Бу имкониятларни ўқувчиларга бериш учун жисмоний маданият дарслари ва бошқа жараёнларда бериладиган билимларни мустақил жисмоний машғулотларни назарий ташкилий, услубий йўриқчиликка оид билимлар, кўникма ва малакалар билан бойитишга эҳтиёж кузатишмоқда;
6. Умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний маданият таълими машғулотларининг мазмунини жисмоний маданият машғулотларини мустақил ташкил этишнинг услубий

йўриқчилик асосларига оид билimler, миллий ҳаракатли ўйинлар, миллий қадриятлар билан бойитиб, мактабни битирувчиларга жисмоний маданият бўйича ўзи ва оила аъзолари учун, “жамоатчи услубчи йўриқчи”лик бериш.

Хўш, қадриятлар тушунчасининг ўзинима? Унинг моҳияти, асосий жиҳатлари нимадан иборат? Энг аввало шуни қайд этиш керакки, қадриятлар жуда сермазмун тушунчадир. Шунинг учун ҳам адабиётларда мазкур тушунчага турлича ёндашувларни учратишимиз мумкин.

Масалан, «Файласуф энциклопедияси»нинг бешинчи жилдида қадриятлар қуйдагича тавсифланади: «Қадриятлар фалсафий ва социологик тушунча. У биринчидан, бирор объектнинг ижобий ва салбий қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгининг норматив белгилловчи – баҳоловчи жиҳати (субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари) ни ифода этади»

Дарҳақиқат, қадриятларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти баҳолаш туфайли белгиланади. Баҳолаш эса инсонларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, қизиқишларидан келиб чиқади. Маълумки, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари хилма-хил бўлиб, кўпинча улар бир-бирига зид келиши мумкин. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, синфлар учун олий қадрият бўлиб, ҳисобланиб келинган табиат ва жамият ҳодисалари бошқалар учун қадрият бўлмаслиги ҳам мумкин ва аксинча. Миллат ва халқларнинг диний эътиқоди, маросим ва анъаналари миллий қадриятлар сифатида ўзининг асл ҳаётний сифатини тиклаб олмақда.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият туркумига киритиш ва киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, орзу-умидлари, мақсадлари билан белгиланади. Демак, қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият нъматлари ҳодисалари тушунилоғи лозим.

Қадр-қиммат шахснинг ҳурматлашиш, унинг ҳуқуқларини эътироф этишни ҳам қамраб олади. Қадр-қиммат шахснинг ижтимоий ва маънавий эркинлигини муҳим томони сифатида юзага келади.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Миллий маданият ва қадриятларнинг тикланиши, жамиятимиз тараққиёти ва инсон шахсининг, маданий, маънавий, ахлоқий ривожланиши, келажақда буюк давлат эгаси бўладиган қомил инсонни тарбиялаш, вояга етказишда кенг истиқлол йўлини очиб беради.

Қадриятлар халқимизнинг тенгсиз бойлигидир. Уни авайлаб-асараш, ривожлантириш, бойитиш муқаддас бурчимиздир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда фан ва техника, маданият ва санъатда нимаки, янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилоқда. Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўладиган яна янгидан ўзимизни бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими инсонларга керакли қадриятларимиз тизими барпо этилоқда.

Қадрият инсоннинг борлиги ҳам жамиятнинг ахлоқий эстетик, ҳуқуқий саҳоларини ҳам, ижтимоий онг соҳасининг ҳам қамраб олган мураккаб жараёндир. Инсоннинг ўзлиги, менлиги борлигининг асосий фундаменти қадрият билан бойитилади, тўлдирилади. Кишилар ўзларининг амалий фаолиятида ҳаёт учун зарур бўлган табиий талаб, эҳтиёжларини предметлар ва ҳодисаларнинг хусусиятларидан фойдаланиб қондирадилар. Масалан, одамнинг чанқовини сув, очлик хиссини нон, кислород нафас олий орқали тананинг унга бўлган эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун ҳам биз бу «нъматларни қадрлаймиз. Лекин шундай нарсалар ҳам борки, улар бизга ёқмайди, улар ҳаётимиз учун зарурдир. Қўполлик, беҳаёлик, ўғрилиқ, ёлғончилик, ифлослик ва хоказолар ана шундай ёқимсиз нарсалар бўлиб, биз улардан қўтилишга интиламиз.

Инсоният олами маънавий ва жисмоний маданият билан етарлича бойлигга эга. Бундан ўзбек халқи ҳам мустасно эмас. Энг қадимги аждод ва авлодларимиздан то ҳозирги мустақиллик давригача давом этиб келаётган хилма-хил миллий анъаналаримиз, замонавий байрамларимиз энг улуғ ва энг муқобил маданиятимиз жаҳон халқлари орасида манзурдир.

Ижтимоий-меҳнат ва турмуш маданиятимизнинг салоҳияти соғлом авлод меҳнат тарбияси ва ижодкорлик, бунёдкорлик каби фаолиятлари билан мужассамлашган.

Наврўз, Мустақиллик куни, ҳосил байрамлари, халқ миллий ўйинлари Республика мусобақалари (Алпомиш, Тўмарис фестиваллари), «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада»лар каби кўп босқичли спорт мусобақалари анъанавий тадбирларга айланди.

«Қувнок стартлар» телевизион ўйинлари мактаб ўқувчиларининг энг қизиқарли ва мазмунли ҳаракатли ўйини ҳисобланади. Кураш, теннис, бокс, бадий гимнастика, сув ости гимнастикаси (синхрон сузиш) каби спорт турлари бўйича халқро турнирларнинг ўтказиб борилиши Ўзбекистоннинг спортдаги салоҳиятини юқорига кўтармоқда. Меҳнат жамоалари, ижодий муассасалар, маҳалла ва қишлоқ аҳолисининг спартакиадалари ҳам ўз мазмунига эгадир.

Сўнгги йилларда анъанага айланаётган «Маҳалламиз полвонлари», Хотин-қизлар спорти (Тўмарис ўйинлари), «Соғлом оила», «Оилавий спорт» каби муҳим мусобақалар ҳам тобора оммалашмоқда.

Эътиборли томони шундаки, юқорида таъкидланган деярлик барча оммавий спорт тадбирларида ҳаракатли ўйинлар ҳам у ёки бу даражада қўлланилмоқда. Айниқса, халқ миллий ўйинларига бағишланаётган Алпомиш ўйинлари республика фестиваллари ва Тўмарис ўйинлари Республика фестиваллари мазмунининг асосий қисмлари миллий ҳаракатли ўйинлар билан бойитилмоқда. Уларда «Елкада кураш», «Пиёда кўпқари», «Хўролар жанги», «Шувок», «Чўпон», «Эшак минди», «қулок чўзма», «Арқон тортишиш», «Билак кучини синаш», «Қирқтош», «Солди» каби ҳаракатли ўйинлар мақсад ва мазмунан қизиқарли ташкил этилмоқда.

Яна муҳим жиҳати шундаки, қишлоқларда, қўрғонларда ўтказилаётган каттакичик тўйларда (суннат, ўғил уйлантириш, қиз чиқариш), гаштакларда (гап) турли хил ҳаракатли ўйинлар бўйича баҳс, мусобақалар ташкил этилмоқда.

«Чиллик», «Оқ суяк», «Пода тўп» отдан ағдариш, пиёда пойга, тортишиш, оловдан сакраш, қувлашмачоқ каби халқ миллий ўйинларига қизиқиш каттадир. Буларнинг энг устувор сабаблари шундаки, ҳаракатли ўйинлар орқали барча жисмоний сифатлар, инсоний фазилатлар тарбияланмоқда. Айниқса, эстетик жиҳатдан завқ олиш, ўйин томошалар туфайли дўстлик, меҳрибонлик, ўзаро ҳамкорлик, меҳр-оқибат, Ватанга садоқат каби ҳис туйғулар мужассамлашиб бормоқда.

Адабиётлар:

1. Нормуродова Б. Халқ миллий анъаналари тарбия таянчи. “Ўзлуксиз таълим” журнали 2-сон. 2010 й 46-48 б

2. Усмонхўжаев Г, Хўжаев Ф “Минг бир ўйин” Т. Ибн Сино номидаги нашриёт 1990 й.352 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада умумтаълим мактабларида жисмоний маданият таълимини такомиллаштиришда кадрятлар тизимидан фойдаланиш имкониятлари келтирилган. Шунингдек, кадрят тушунчаси, унинг мазмун моҳияти ва жисмоний тарбиянинг кадрятлар тизимидаги аҳамияти ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены возможности использования системы ценностей в улучшении физического воспитания в общеобразовательных школах. Также обсуждается понятие ценности, сущность ее содержания и важность физического воспитания в системе ценностей.

SUMMARY

The article presents the possibilities of using the value system in improving physical education in general education schools. The concept of value, the essence of its content and the importance of physical education in the value system are also discussed.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық  
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы  
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ  
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» №3-2**  
Нөкис — 2020

Басып шығыуға жууапкер:

*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаган:

*А. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыуға рухсат етилди 10.06.2020. Форматы 60x84<sup>1/16</sup>.  
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.  
Шертли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйырtpa №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51